

Д. С. ПУШКИН



ИЗБРАННЫЕ  
СОЧИНЕНИЯ

В 4 ТОМАХ



---

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1955

Д.С. ПУШКИН



ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

4 ТОМЛИК



---

УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ—1955







ЕВГЕНИЙ  
ОНЕГИН  
*поэтический роман*

Petri de vanite il avait encore plus de cette espece  
d'orgueil qui fait avouer avec la meme idifference  
les bonnes comme les mauvaeises actions, suite d'un  
sentiment de superiorite, peutêtre imaginaire.

*Tire d'une lettre particuliere*



Ниятим: киборлар эрмаги эмас,  
Қадрлаб дўстликнинг илтифотини,  
Истадим бағишлай меҳрингга эваз —  
Муносиб куйларнинг мукофотини,  
Токи гўзал руҳга бўлсин у манзур,  
Муқаддас хаёллар блан лим тўлғун  
Тирик ше'риятки, тоза ва сернур;  
Унга юксак ўйлар, соддалик — мазмун;  
Хўб энди, орзуманд қўлинг чўз жасур,  
Қабул эт ранг-баранг боблар ҳаммасин,  
Бу кулги ва қайғу аралаш, гўзал  
Ҳам ўзи халққа мос, ҳам соз, мукаммал  
Ҳангамаларимнинг камтар мевасин;  
Уйқусиз кечалар, енгил илҳомлар,  
Думбул, сўлғун йиллар ижодини, ҳам  
Юракнинг дардини қабул эт бу дам<sup>2</sup>.





## БИРИНЧИ БОБ

Ҳам яшашга ошиқади, ҳам ҳис этишга шошади.

К. Вяземский<sup>3</sup>.

### I

«Тақводор, қоидапараст амаким  
Бўларкан касалга чинакам дучор,  
Ўзин иззатлашни у кўрди лозим,  
Бундан соз тадбирни топмоққа ночор.  
Унинг бу қилиғи бошқага ибрат:  
Лекин, парвардигор, бу қандай заҳмат,  
Бемор киши блан кундуз ҳам, тун ҳам  
Ўлтириш, силжимай ундан бир қадам!  
Шу қадар тубанлик, маккорликки бу:  
Ўлимтик кишини сен овунтирсанг,  
Тўшак-ёстиғини тузатиб турсанг,  
Дори-дармон берсанг босиб ғам-қайғу,  
Ва яна хўрсиниб ўйласанг шу он:  
Қачон сенинг жонинг қабз этар шайтон!»

### II

Шундай ўйлар эди ёп-ёш шумтака  
Почтовойда чангда ошиб дала, қир.  
Зевеснинг<sup>4</sup> илоҳий иродаси-ла,  
Бутун ақрабога у ворис ҳозир.—  
Людмила, Русланнинг<sup>5</sup> дўсту-ёрони!  
Меним романимнинг шу қаҳрамони  
Блан ҳозир сизни, муқаддимасиз,  
Таништириш учун рухсат этингиз:  
Танти бир ошнам бўлган Онегин,

Нева бўйларида туғилган эди.  
Сиз ҳам у ерларда, ўқучим, балки,  
Туғилган ё жилва қилгансиз ёрқин;  
У ерларда мен ҳам кезгандим бурун:  
Лекин зарарлидир шимол мен учун<sup>6\*</sup> (1).

### III

Хизматин бажариб а'ло ва софдил,  
Яшади отаси қарзи-қурз блан,  
Уч даф'а бал<sup>7</sup> берди тарк этмай ҳар йил,  
Охир ажраганди бору-йўғидан.  
Тақдир Онегинни сақлаган эмиш:  
Аввал уни *Madame*<sup>8</sup> қилди парвариш,  
*Monsieur*<sup>9</sup> олди унинг ўрнини кейин.  
Гўдак шўх, тийракди, суюмли лекин.  
*Monsieur* бир юпун, француз эди,  
Ҳеч азоб чекмасин дея ёш бола,  
Ҳазил-ҳузил қўшди дарсига анча,  
Ахлоқ-одоб ила кўп қийнамади,  
Шўхлик қилса агар енгил тергарди,  
Тамоша-чун Ёзги боққа элтарди.

### IV

Келгач Онегиннинг ис'ёнчи, қизгин  
Йигитчалик даври ва тилак-армон,  
Нозик дард чекишлар даври, камтарин  
*Monsieur* ни қувдилар бу хонадондан.  
Энди Онегиним озоддир мана;  
Сочлари қирқилган сўнгги модада;  
Лондон *dandy*<sup>10</sup> сидай кийинган ғоят; (2)  
Қиборлар оламин кўрди, ниҳоят.  
Француз тилида у ғоят тузук  
Сўзлар ва ёзарди фикрини равон;  
Мазурка<sup>11</sup> рақсига тушарди осон,  
Салом ва та'зимлар эркин ҳам нозик:  
Ортиқ нима керак? Юксак доира  
Тан берди, у онгли ва дилбар, дея.

---

\* Скобка ичидаги рақамлар — Пушкин изоҳлари.

## V

Уқидик оз-оздан ҳаммамиз бир қур,  
 Жуда енгил-елпи ва чала-чулпа,  
 Тарбия бобида, тангрига шукур,  
 Мақтанишлик бизда қулайдир жуда.  
 Онегин кўпларнинг (шартта ҳал қилган,  
 Қат'иятчи судлар) фикрича чиндан  
 Эпчил бир олимдир ва лекин педант,<sup>12</sup>  
 Унинг фармонида бахтиёр талант:  
 Суҳбат мушкилини енгаолади,  
 Ҳар бобни енгилтак бир чўқиб ўтиб  
 Муҳим баҳсда ўзин билимдон тутиб,  
 Олимона сукут сақлайолади;  
 Ҳам ўткир ҳажвлар ёлқини блан  
 Кулдира биларди хонимларни шан.

## VI

Бу кун лотин<sup>13</sup> тили модадан чиқмиш:  
 Сизга ҳақиқатин айтсам, Онегин  
 Ба'зи эпиграфлар ма'носин ечиш,  
 Мактуб охирига бир *Vale*<sup>14</sup> сўзин  
 Ёзишга, Ювинал<sup>15</sup> ҳақида бирор  
 Гап учун етарли лотинча билар.  
 Яна бир-икки ше'р Энеидадан<sup>16</sup>  
 Чала-чаттигина ёдида қолган.  
 Дун'ёнинг саргузашт тарихин узоқ  
 Ўтмиш даврларнинг ботиб чангига,  
 Тимискилаш учун йўқ ҳавас сра:  
 Ва лекин Ромулдан<sup>17</sup> бошлаб то шучоқ  
 Кечган замонларнинг латифаларин  
 Эсидан чиқармас эди Онегин.

## VII

Нозик садоларга умрин ҳис блан  
 Бағишлашга йўқди унда зўр ҳавас.  
 Қанча урунмайик, Онегин зотан  
 Хорейни ямбдан<sup>18</sup> фарқ қилабилмас.  
 Қойирди Гомерни ҳам Феокритни<sup>19</sup>,  
 Аммо, ўқир эди Адам Смитни<sup>20</sup>,  
 Иқтисодчи эди Онегин чуқур,

Я'ни мулоҳаза у қилаолур:  
Давлат қандай қилиб бойийди олдин,  
Сўнгра нима блан яшар ва нега  
Оддий маҳсулотга у бўлса эга —  
Унга керак бўлмас ҳаттоки олтин,  
Буни англаёлмас эди отаси,  
Гаровга қўйилди ери-даласи.

### VIII

Евгенийнинг яна бор ма'лумотин  
Айтиб беришликка йўқ менда дармон;  
Лекин, қайси бобда у доҳийди чин,  
Ва қайси илмда у зўр билимдон?  
Ешлигидан бери Онегин учун  
Ҳам емак, ҳам азоб, ҳам ором, ҳар кун  
Ўнинг қайғу-ҳасрат аралаш, хаста  
Танбал ҳаётини тўлдирган нарса —  
Муҳаббат, эҳтирос илмидир броқ.  
Бу ҳисни этмишди Назон<sup>21</sup> тараннум,  
Шунинг-чун кўрганди у жазо, зулм;  
Молдавия чўли ичида, узоқ —  
Қувилиб ўз юрти Италиядан,  
Ис'ёнкор ва порлоқ умрин тугатган.

### IX

.....  
.....  
.....

### X

Қўп барвақт ўрганди риё ҳунарин,  
Умидни яширар, рашкни яширар,  
Қайғули кўринар, кўзлари ғамгин,  
Ҳам алдар, ҳам аврар, ҳам инонтирар,  
Гоҳ мағрур кўринар, гоҳ итоаткор.  
Уйчан ё паришон бўлишга тайёр!  
Дам қандай паришон сукутга чўқар;  
Дам қандай оташин бир нотиқ бўлар,

Ишқий мактубларда у қандай қайдсиз!  
Бирига берилиб ва севиб бирин;  
Қандай унутишни биларди ўзин!  
Боқиши қандай тез, нозик ва тамиз,  
Уятчан ва жасур, лекин ба'зи чоқ  
Хоҳласа кўз ёшин оқизар порлоқ.

## XI

У қандай ўзгача кўриниб, ҳазил  
Ила ма'сумликни ҳайратга солар,  
Дарҳол ма'юсланиб, қўрқитиб енгил,  
Ёқимли хушомад блан овулар;  
Илишга устадир ихлос лаҳзасин,  
Қизлик иффатининг мулоҳазасин —  
Ақлу эҳтирос-ла енгил, у охир —  
Хоҳ-нохоҳ илтифот кутмоққа моҳир.  
Елвориш, э'тироф талаб қилишни,  
Қалбнинг илк садосин тинглашни зимдан,  
Ер кетидан чопиб, ногоҳ у блан  
Махфий учрашувни, қўлга илишни  
Биларди... сўнг, ёр-ла ёлғиз, бир пастда —  
Хилватда сабоқлар бермоққа уста.

## XII

Донгғи чиққан танноз хотинлар қалбин  
Уйнатишга қандай ўрганди эрта!  
Истаса агар у ўз рақибларин  
Бутун йўқотишни, у шундай пайтда  
О, қандай заҳар тил блан узарди!  
Қандай тузоқларни у ҳозирларди!  
Бахтлиман, деб юрган эрлар, сиз лекин  
Юрдингиз у блан дўст бўлишиб чин...  
Айёр эр ҳам иззат қиларди ростдан,  
Фобласнинг <sup>22</sup> қадимий талабаси-да,  
Ҳаммадан ишончин узган кекса-да,  
Ҳарвақт ўзидан, ҳамда овқатдан,  
Хотинидан рози бўлган улуғвор  
Алданган эрлар ҳам унга лутфкор.

. . . . .  
 . . . . .  
 . . . . .

## XV

Ҳали у ётоқдан турмаган экан:  
 Унга келтиришар бирқанча мактуб,  
 Нима гап? Таклифми? Шу кечга чиндан  
 Учта хонадонга бориши матлуб.  
 Бир ерда бал, бирида гўдак байрами,  
 Қаерга югурар арзандам ҳали?  
 Қимдан бошлайди у? Локин барибир  
 Ҳаммасин удалаш эмасдир оғир.  
 Ҳозир эрталабки кийимида ул.  
 Бошига кийган у кенг бир боливар<sup>23</sup>, (3)  
 Онегин гердайиб боради бульвар,  
 Кенг майдон, у ерда кезади буткул,  
 То тушлик овқатга Брегет-соат  
 Жаранглаб дайдини қилгунча да'ват.

## XVI

Тушди қоронғилик; ченага минар,  
 «Ҳайт, жонвор, чу-чу!» — учар қичқириқ.  
 Совуқ қор учқуни кумушин сепар,  
 Ялтирайди юмшоқ барра ёқалик.  
 Машҳур ресторанга Онегин чопар,  
 Каверин<sup>24</sup> кутади унда, ишонар.  
 Мана келиб кирди: май ҳам шишадан  
 Тошиб, пробкани шинга отар шан.  
 Сели оқиб турган Roast-beef<sup>25</sup> бунда,  
 Ёш чоғлар безаги, лазиз таомлар,  
 Фаранг дастурхоннинг гули саломлар.  
 Страсбургнинг иссиқ сомсаси шунда,  
 Турар Лимбургский — тоза, хуш, пишлоқ,  
 Ҳам тотли, олтиндек ананасга боқ!

## XVII

Серёғ исиққина катлетдан кейин  
Ҳали қадаҳларга чанқоқди лаблар,  
Соат жаранглайди янги бир ўйин,  
Янги бир балетдан беради хабар.  
Театрнинг ёвуз қонуншуноси,  
Саҳна орқасининг фахрий а'зоси,  
Гоят жозибали актрисаларга  
Шамолдай қарорсиз, топинган банда —  
Онегин тез учар театр сари,  
Бу ерда ҳар киши яйраган, эркин,  
Балет-рақс авжларин олқишлар, кейин  
Иzzалаб Федрани, Клеопатрани  
Моинани<sup>26</sup> ҳарким қилади да'ват,  
Унигина ҳамма эшитсин фақат.

## XVIII

Эй сиҳрли диёр! Утмиш замонда  
У ерда жур'атли ҳажвда устоз,  
Эрк дўсти Фонвизин<sup>27</sup> сурди дабдаба,  
Ва унда Княжин<sup>28</sup>, ма'лум тақлидбоз;  
У ерда Озеров<sup>29</sup> халқ кўзёшларин,  
Гулдурол олқишлар ва қутлашларин  
Семёнова<sup>30</sup> блан бўлишди иноқ.  
Корнелнинг<sup>31</sup> азамат даҳосин бир чоқ.  
У ерда Катёнин<sup>32</sup> тиргизган эди.  
Заҳар Шаховской<sup>33</sup> чиқарди яна  
Комедиялардан суронли гала.  
Унда Дидло<sup>34</sup> шуҳрат тожини кийди:  
У ерда, театр тин кўлкасида  
Меним ёш чоғларим кечди бир сра.

## XIX

Менинг париларим! билай, қайдасиз?  
Тинглангизлар меним ёниқ фар'едим:  
Яна ўшамисиз? Ё бошқа кўп қиз  
Сизнинг ўрнингизни босгандур, балким?

Яна тинглайманми куйингиз андак?  
Рус Терпсихори<sup>35</sup> бажарган юксак  
Руҳли рақсларни кўрармиканман?  
Ё ғамли нигоҳим ошинолардан  
Мароқсиз саҳнада тополмас бирин?  
Еки мен бегона ҳаётга томон  
Ўксинган лорнетни<sup>36</sup> тутаман ҳайрон?  
Ўйинга бепарво бир тамошабин  
Сингари бурчакда эснаб ўтирай,  
Ва ўтган дамларни эсгами олай?

## XX

Театр лиқ тўла; ложалар порлар;  
Партерлар, курсилар — бари қайнайди.  
Раёкда сабрсиз чапак чалишар,  
Юксалиб юқори парда гурлайди.  
Муҳташам ва енгил, ҳавои-майин,  
Қамоннинг сиҳркор ёйига толғин  
Истомина<sup>37</sup> турар гўзал, нодира,  
Раққос парилар-ла чизиб доира,  
Полга тегар унинг битта оёғи,  
Иккинчи оёқ-ла аста айланар,  
Нақ Эол<sup>38</sup> лабидан учгандек бир пар,  
Сўнг бирдан сакрайди, бирдан учади;  
Гоҳ қаддин бурайди, гоҳ тик туради,  
Латиф оёқларни тез-тез уради.

## XXI

Ҳамма чапак чалар. Онегин кирар.  
Курсилар оралаб босар илгари.  
Қўш лорнетни тутиб, кўзини тикар  
Бегона хонимлар ложаси сари.  
Ҳамма ярусларга отди бир қараш,  
Ҳаммани кўрди у: чеҳралар, уст-бош  
Жиҳатдан унинг кўп диққати ошди.  
Бош эгиб эркаклар блан сўрашди.  
Сўнгра, қараб турди саҳнага андак,  
Унинг боқишлари эди паришон.  
Орқага қайтаркан эснади бир он,  
Ва деди: «Ҳаммасин янгилаш» керак;



Балетга шунча вақт сабр этиб тўздим,  
Лекин, Дидлодан ҳам ниҳоят бездим. (4)

## XXII

Севги тангрилари, жинлар, илонлар  
Ўйнашар, сакрашар ҳали саҳнада;  
Чарчаган лакейлар ухлаб ётишар  
Пўстинга ўралиб тиш останада.  
Ҳали тўхтамаган кезиш, типирлаш,  
Тупуриш, йўталиш, чапак, пиқирлаш.  
Ичкари, ташқари ҳали чароғон,  
Фанорлар ҳар ерда нур сочар хандон.  
Совуқдан отлар ҳам урунар ҳали,  
Эгар, жабдуқлардан безган, чарчаган,  
Кучерлар гулханни ўраб қуршаган,  
Сўкар жанобларни кап ишқаб бари:  
Бизнинг Онегин ҳам чиқиб қолади,  
Уйга, кийингали у йўл олади.

## XXIII

Танҳо бир бўлманинг мен тасвирини  
Чизаоламанми тўғри ва чевар,  
Бу ерда моданинг ўрناق шогирди  
Кийинар, ешинар ва пардоз этар?  
Резаворчи Лондон бўш ҳавас-орзу  
Учун не молларни ишлаб сотса-ю,  
Болтиқ денгизида кўпирган тўлқин  
Бизга на келтирса ёғоч, мой учун...  
Фойдали бир ҳунар, сан'ат деб билса  
Парижда очкўз завқ нимани бир кун,  
Энг янги сафо, ноз ва зийнат учун,  
Эрмак, шўхлик учун ихтиро' қилса,  
Шуларнинг ҳаммаси ўн саккиз ёшли  
Файласуф уйини безарди яхши.

## XXIV

Стамбул қаҳрабо трубкалари,  
Столда бронза, чинни қалашир,

Нозик ҳиснинг орзу ва наш'алари  
Биллур шишаларнинг ичида атир;  
Тароқлар, пўлатдан кўп аррачалар,  
Тўп-тўғри ва эгри ҳархил қайчилар,  
Чўткалар ўттиз хил, ба'зиси тишга,  
Ба'зиси тирноқни тоза қилишга.  
Руссо<sup>39</sup> (мен бу гапни қистириб ўтай),  
Англайолмаганди ёнида доим  
Тентакча хушсуҳбат, савлатли Грим<sup>40</sup>  
Тирноқ тозалашга жасорат қилгай (5).  
Эрклик ва ҳуқуқнинг у мудаффи,  
Мана шу тўғрида том ҳақсиз эди.

## XXV

Тирноқ гўзаллигин ўйламоқ мумкин,  
Ишли, жиддий одам бўлсанг-да доим!  
Замон-ла бекорга баҳслашмоқ нечун?  
Инсонларда одат мустабид ҳоким.  
Иккинчи Чаадаев<sup>41</sup> бизнинг Онегин,  
Гап-сўз бўлишликдан қўрқар эди чин.  
Кийиниш бобида у эди педант,  
Биз айтиб ўтгандай олифта-франт.  
Лоақал уч соат ўз вақтини у,  
Ойналар олдида ўтказар эди.  
Пардоз бўлмасидан у чиқар эди,  
Венерага<sup>42</sup> ўхшаш енгил ва сулув:  
Эркакча кийиниб гўё бир парий  
Маскарадга борар ноз карашмали.

## XXVI

Сўнги завқу-дидга муносиб кийим,  
Пардоз-ла жалб этиб диққатингизни,  
Онегин безагин ёза билардим,  
Билимдонларга ҳам мен таллаб сўзни.  
Жасорат бўларди, албатта, бу ҳам,  
Уни тавсифламоқ, зотан, вазифам,  
Нетайин, панталон, фрак ва жилет,  
Булар рус тилида йўқ, бу сўзлар чет;

Буни кўриб, айбим қиламан иқрор,  
Ажнабий сўзлар-ла азалдан меним  
Қамбағал сўзлигим бу блан балким,  
Бир қуроқ сингари товланмас бекор,  
Гарчи эски вақтда анжуман дониш<sup>43</sup>  
Чиқарган луғат-ла бўлсам-да таниш.

## XXVII

Бизнинг мавзуимиз ҳозир бу эмас,  
Яхшиси бал сари ошиқайиқ биз.  
Битта каретани<sup>44</sup> киралаб бирпас —  
Базмга Онегин жўнаб кетди тез.  
Қоронғи уйларнинг олдида ёнар,  
Уйқули кўчани тўлдирган қатор  
Кареталарнинг қўш, шод фанорлари;  
Майин нур сочилар суюқ зар каби.  
Қорларга чизилар шу'ладан ёйлар  
Атрофда юлдуздай кўп майда чироғ,  
Порлайди муҳташам катта уй шу чоғ;  
Яхлит ойналарда кўлкалар кезар:  
Бу — хонимлар, сатанг эркаклар шакли,  
Кўринар ва зумда йўқолар акси.

## XXVIII

Бизнинг қаҳрамон ҳам етиб келди, боқ,  
Швейцар ёнидан ўтди ўқ каби,  
Мармар зиналардан чиқди учароқ,  
Тузатди қўллари блан, сочини,  
Қирди ичкарига. Залда халқ тўлган,  
Музика ҳам энди гуруллаб толган.  
Халқ бутун банд эди мазурка ила  
Ҳамма ёқда шовқин, уйлар лиқ тўла.  
Сувори зобитнинг<sup>45</sup> шпори жаранг;  
Сўлим хонимларнинг оёқчалари  
Учади; сиҳрли изларнинг зори —  
Елқинли қарашлар учар оташранг.  
Танноз хотинларнинг рашк имоларин  
Қоплайди созларнинг на'раси вазмин.

## XXIX

Наш'анинг, тилакнинг ўтган замони  
Балларга ишқибоз, ошифта эдим.  
Ишқ изҳор этгани, хат топширгани  
Бундан ҳам қулайроқ макон йўқ, балким.  
Эй сиз, эй муҳтарам эру-хотинлар!  
Хизматимни таклиф қилай бир қадар;  
Сўзимни тинглашни сўрайман сиздан.  
Огоҳ қилмоқчиман сизни бир сўздан:  
Сиз ҳам, онажонлар, бўлинг эҳтиёт,  
Ўз қизларингизни тақиб этингиз:  
Лорнетни жуда ҳам тўғри тутингиз.  
Йўқса... йўқса... тангрим сақласин, уят!  
Нечун бунга ёздим сарф этиб сиёҳ,  
Чунки кўпдан бери қилмайман гуноҳ.

## XXX

Водариг, ҳартурли ҳангома учун  
Кўпгина умримни мен исроф этдим!  
Ахлоққа зиёнли бўлмаса шу кун,  
Шу дамга қадар ҳам бални севардим.  
Мен жуда севаман жўшқин ёшликни,  
Кўпчилик дабдаба, шод бўлишликни,  
Хонимларнинг завққа мўнанд безагин;  
Севаман уларнинг оёғин, лекин:  
Бутун Русияда топилармикан  
Уч жуфт энг келишган хотин оёғи?  
Оҳ, унутолмадим, қалбимда доғи,  
Бир жуфт оёқчани!.. Маҳзун, совунган,  
Ҳали ҳам эслайман; тушимда ҳатто,  
Қалбимни қилади улар безовта.

## XXXI

Сен қачон, қаерда, қай чўлда бутун  
Эсдан чиқарасен уларни, тентак?  
Оҳ, латиф оёқлар! қайдасиз букун?  
Қаерда босасиз баҳорги чечак?  
Шарқнинг сафосида сиз эркаланган,

Шимолнинг қайғули қорида, лутфан,  
Қолдирмай кетгансиз биронта ҳам из.  
Чунки сиз у ерда жондан севдингиз  
Юмшоқ гиламларнинг майин бўсасин,  
Сиз учун бир маҳал, ахир, унутдим,  
Шуҳрат, шон орзусин, туғишган юртим,  
Тутқинда яшашнинг қайғу-жафосин?  
Йўқолди ёшликнинг бахти ҳам эсиз,  
Бамисли майсада енгил изингиз.

### XXXII

Диананинг<sup>46</sup> кўкси ва Флоранинг<sup>47</sup>  
Яноқлари латиф, севикли дўстлар!  
Лекин, меним учун Терпсихоранинг  
Оёғи, негадур, латифроқ, дилбар.  
Бебаҳо мукофот ва'да этар у  
Ҳамиша кўзларга, пардозли сулув —  
Аёл юрагимда орзу ва армон  
Гирдобин чайқатар эсласам ҳар он.  
Севамен оёгин, дўстим Эльвина<sup>48</sup>,  
Столлар остига ташласам назар.  
Қиш фасли каминда<sup>49</sup> исинсак агар,  
Заллар паркетининг ойнасида ҳам,  
Денгиз қоясининг панасида ҳам...

### XXXIII

Қасирғали денгиз ёдимда ҳали:  
Унинг оёғига йиқилиш учун,  
Кетма-кет югурган тўлқинлар сари  
Боқиб хўб қизғонган эдим мен у кун!  
Истардим у чоқда тўлқинлар ила  
Азиз оёқларга лабларим тегса!  
Йўқ, ёшлик палламда, қон қайнаганда,  
Дилимни ишқ ўти банд айлаганда,  
Мен ҳечқачон шундай бир азоб блан,  
Жононларнинг гулдай юзин ё лабин,  
Ёки меҳр тўла нафис кўкрагин  
Упишни бу қадар истамаганман.

Йўқ, ҳислар ҳужуми ҳечқачон мени  
Бу қадар тўсиндан ўртаб эзмади.

#### XXXIV

Едимда қолгандир бошқа бир замон:  
Эзги хаёлларда мен ўзим ба'зан  
Бахтли узангуни ушлайман; бир он  
Латиф бир оёқни қўлда сезаман.  
Хаёлларим ошиб-тошади яна.  
У гўзал оёқнинг тегишигина  
Бу сўлгин қалбимда ёқиб қўяр қон.  
Яна-да муҳаббат, яна дард-ҳижрон...  
Маҳмадона созинг ила, етар, бас,  
Мадҳ этиб куйламоқ такаббурларни:  
На севгига, дардга, на илҳомлари  
Тўқиган куйларга улар арзимас;  
Бу сихргарларнинг сўзи ва кўзи  
Нақ оёқларидай алдоқчи ўзи.

#### XXXV

Онегиним қалай? Мудраб ва эснаб  
Ётоққа у жўнаб кетади балдан;  
Ҳарвақт ғовур-ғувур Петербург эса  
Дўмбира товуши ила уйғонган.  
Савдогар туради, ташучи борар,  
Извошчик биржаси томон югурар,  
Шошади хурмали бир сутчи хотин,  
Тонгги қор ғирчиллар у юрган сайин.  
Бошланди ёқимли тонгнинг сурони.  
Дарчалар очилди. Қувурдан тутун  
Юксалди ҳавога нақ мовий қуюн  
Қоғоз қалпоқ кийган немис нонвойи  
Худди ҳар кунгидай, кечикмай бир он,  
Дўкон очиб, савдо қилади чаққон.

#### XXXVI

Балнинг шовқини-ла қурган тинкаси,  
Онегин учун тонг ярим тунгина.

У ўйин-кулгию, зийнат эркаси,  
Етади роҳатда ухлаб тинчгина.  
Пешинда уйғонар, тонггача лекин  
Бояги тартибда умр ўтар тагин.  
Қандай ҳаёт дейсиз? Бирхил ва рангли,  
Эртанги ҳаёти кечанинг айни.  
Бахтиёр ва хурсанд эдими лекин,  
Эркин юриб умрин кўклам чоғида,  
Порлоқ зафарларнинг кенг қучоғида,  
Ҳар кунги завқ-сафо ичра Онегин?  
Зиёфатлар ичра у эҳтиётсиз,  
Соғломди: бу ҳаёт қолдирмади из?

### XXXVII

Йўқ: унинг ҳислари совуди эрта;  
Зериктирди кибор ҳаёт шовқини;  
Фикрини гўзаллар, жононлар қисқа  
Замонгина машғул этганди уни;  
Хиёнатлар уни чарчатиб қўйди.  
Дўстлар, дўстликлардан жуда тез тўйди.  
Яна ҳар кун лазиз таомлар ейиш,  
Ҳар кун шампанский қониқиб ичиш,  
Боши оғриб турган паллада яна  
Рангдор, ингичка сўз ёғдириш ҳарён,—  
Булардан зерикди, дили бўлди қон.  
Гарчи у бўлса-да қизғин шумтака,  
Кўнгли қолган эди унинг ҳар ишдан:  
Ҳам жангдан, ҳам ўқдан ҳамда қиличдан.

### XXXVIII

Онегин мубтало иллат сабабин  
Қидириб топишнинг келгандир чоғи.  
Инглиз зиққига ўхшайди, лекин  
Қисқасин айтганда: рус хафақони  
Секин-секин уни эгаллаб олди.  
Танрига шукурки, урунмай қолди  
У отиб ўзини ўлдириш учун.

Аммо, совуганди ҳаётдан бутун.  
*Child Harold*<sup>50</sup> каби ғуссали, синиқ,  
Қўноқхоналарда бўлар намоён.  
Киборлар ичида на ғийбат, бўстон<sup>51</sup>,  
На тотли бир боқиш, на бежо қилиқ,  
Ҳечбир нарса унга та'сир этмасди,  
Юарди ҳечнарса пайқамай асти.

XXXIX XL, XLI

. . . . .  
. . . . .  
. . . . .

XLII

Эй серқилиқ кибор нозанинлари  
Сизни у тарк этди ҳаммадан бурун.  
Рост айтсам, киборлар қилиғи бари  
Анча бездиручи бўлибдир бугун.  
Эҳтимол, ба'зибир хоним бир қадар,  
Бентомни ва Сейни<sup>52</sup> изоҳлайолар;  
Лекин улар гапи-сўзи, умуман,  
Беғубор эса-да, маҳрум ма'нодан.  
Яна улар тагин шундай беғуноҳ,  
Ва шундай улуғвор, шундай донишманд.  
Тақводорлик блан юраклари банд,  
Шунчалар субутли, зийрак ва огоҳ,  
Шундай номахрамдир уларга эркак,  
Аптларини кўриб хун бўлар юрак. (6)

XLIII

Петербургнинг кенг, тош кўчаларидан,  
Кечки паллаларда учқур ва кўркам  
Аравага тушиб кетучи хурсанд.  
Гўзал ёш хонимлар, ахир сизни ҳам  
Бутун ташлаб кетди бизнинг Евгений;  
Жўшқин завқ-сафодан қочиб у энди  
Уйига бутунлай қамалиб қолди.



Зерикиб қўлига қаламни олди,  
Ёзишни истади: мушкул, зўр меҳнат  
Кўнглини айнатди, эзди, қаламдан  
Ҳечнима чиқмади; у шунинг блан  
Қаламкаш аҳлига бўлмади улфат,  
Мен бу касб ҳақида бир сўз демайман,  
Чунки унга менинг ўзим мансубман.

#### XLIV

Бекорчиликка у берилди яна,  
Руҳида бир бўшлиқ сезди кун сайин.  
Катта гўзал ишга қилди ҳавсала —  
Билим ортдиришга киришди қизғин.  
Токчага қалади жилд-жилд китоблар  
Ўқиди, ўқиди; фойдасиз, бекор:  
Бирида дилгирлик, талваса, хато;  
Бирида виждон йўқ, бирида ма'но.  
Ҳаммасида ҳархил иримдан нишон.  
Қадимгилик қадри эскиган жуда,  
Янгилик ичида эски сафсата.  
Китобларни ташлар хотинлар сумон,  
Чанг босган китоблар ётган токчага,  
Тортади қопқора қалин пардача.

#### XLV

Кибор ҳаётининг отиб эрмагин.  
Беҳуда шовқиндан қочиб у каби  
Дўстлашган эдим мен, у замон лекин  
Менга ёққан эди бор хислатлари.  
Хаёллар, ўйларга эрксиз садоқат,  
Тақлид қилиб бўлмас ажиб бир сифат,  
Фикри, қарашлари совуқ ва кескин,  
Мен ғазабли эдим, у эди ғамгин.  
Ўйинин билардик ҳирсининг иккимиз:  
Биз иккимизни-да бездирган ҳаёт,  
Ўчганди қалб ўти иккимизда бот.  
Яна кутар эди худди умримиз  
Тонгларида бизнинг иккимизни ҳам  
Инсонлар, кўр тақдир ғазаби ҳардам.

#### XLVI

Яшаб фикр қилган киши ҳар замон  
 Руҳида инсондан нафрат эткуси.  
 Ҳис этган кимсага солар ҳаяжон  
 Қайтиши имконсиз кунлар шарпаси:  
 Унга қолмас асло фусун, жозиба,  
 Уни хотиралар илони ила,  
 Яна пушаймонлар ичдан кемирар.  
 Буларнинг барчаси кўпинча берар  
 Ширин бир нафислик сўзга жумлага,  
 Онегиннинг тили мени даставвал  
 Саросима қилди; кейинча мен сал  
 Кўникдим ундаги та'нали гапга,  
 Заҳар аралашган ҳазилига ҳам  
 Чидадим энг ўсал ҳажвига ҳар дам.

#### XLVII

Ез фасли кўп чоқлар бирга эдик биз,  
 Неванинг устида кеча самоси<sup>(7)</sup>  
 Очилар тип-тиниқ, ёруғ ва чексиз,  
 Сувларнинг наш'али ўйноқ ойнаси  
 Тўлин ой жамолин акс этмас экан,  
 Ўтмиш қиссасини кечириб ёддан,  
 Биз жим эслар эдик кечмиш севгини,  
 Биз беғам, бўшаган ҳислар тизгини;  
 Бу сўлим кечанинг нафаси бутун —  
 Бизларни айларди беҳуш, жимгина  
 Қамоқдан кўмкўк бир ўрмон ичига  
 Ухлаган пайтида элтилган тутқун  
 Сингари, хаёлда учардик биз ҳам,  
 Ёш умр баҳори қайда, деб шу дам.

#### XLVIII

Турарди фикрга толиб Евгений;  
 Руҳи тўла эди афсуслар блан,  
 Ўзин тавсифлаган бир шоир каби<sup>(8)</sup>,  
 Соҳилда гранит-тошга суянган.  
 Ҳаммаёқ жимжитди; ёлғизгина тун

Посбонлари ба'зан чиқарарди ун,  
Извошчикнинг олис дукури ба'зан  
Эшитилар эди Миллионнаядан<sup>53</sup>;  
Эшкакларни уриб ёлғиз бир қайиқ  
Мудраган дар'ёда сузарди аста,  
Бизни қилар эди мафтун, дилбаста —  
Узоқдан бир наю ёқимли қўшиқ.  
Тун базми ичида лекин тотлироқ  
Торкватто<sup>54</sup> ше'рининг куйлари ҳарчоқ!

#### XLIX

Адриатик денгизи тўлқинлари, ман,—  
О Брента<sup>55</sup>! Сизни кўрарман албат,  
Илҳомларим тўлиб-тошиб янгидан,  
Сихрли товшингиз эшитмоқ ният!  
Бу товуш Аполлон набиралари  
Учун муқаддасдир; уни куй каби,  
Альбион созидан туйдим, таниш у.  
Гоҳ сўзамол, гоҳо индамас сулув —  
Венецияли ёш бир жонон блан  
Сирли бир қайиқда мен сузиб, олтин  
Гўзал Италия тунининг эркин  
Оғушида ишқдан лаззатланарман,  
Петрарка<sup>56</sup> ва севги тилин у замон  
Бағишлайди менга бу дилбар жонон.

#### L

Келадими менинг эрким замони?  
Келмишдир фурсати! Қумсайман эрким;  
Денгиз қирғоғида очиқ ҳавони<sup>(9)</sup>  
Кутаман; имлайман кема чодирин.  
Қачон бўронларнинг ридосида, ман  
Мавжлар-ла курашиб, денгизнинг улкан  
Кўксида бошлайман сафарни эркин?  
Менга адоватли денгиз қирғоғин  
Тарк этмакнинг энди келмиш замони.  
Жануб кенгликлари кўксида яйраб,  
Африкамнинг<sup>57</sup> тиниқ кўкига қараб<sup>(10)</sup>,

Россияни ўйлаб оҳ чекиш чоғи,  
О, мен бу ерларда қанча дард чекдим.  
Бу ерларда севдим, кўмдим юрагим.

## LI

Ажнабий юртларнинг тамошасига  
Онегин шайланган эди мен блан.  
Лекин биз тақдирнинг тақозасича,  
Узоқ вақт айрилдик бир-биримиздан.  
У замон отаси вафот қилганди.  
Онегин қошига дув йиғилганди  
Қарз бергучиларнинг очкўз тўдаси,  
Ҳаркимнинг ўз ақли ва ўз режаси:  
Да'волардан нафрат қилди Онегин  
Ўз чекидан ўзи бўлганди рози,  
Қарзни тўлаш учун кетди мероси,  
Қатта бир зиён ҳам кўрмади лекин,  
Гўё билган эди у олдинданок  
Қари амакининг ўлишин тез чоқ.

## LII

Чиндан ҳам Евгений кутмаган дамда  
Иш бошқаручидан олади бир хат.  
Ўлим олдидамиш амаки; ҳамда  
Видо'лашувни у истармиш фақат.  
Қайғули номани ўқиб Евгений  
Шу он суруштирмай нари-берини,  
Почтовойда чопди учрашиш учун.  
Ақча дарди уни эгаллар бутун.  
Алдаш, йиғи-сиғи учун у ҳозир.  
(Романни бошлаган эдим бу блан);  
Зерикар, ҳомуза тортар олдиндан.  
Мана у қишлоққа етади охир.  
Кўрарким, тахтада ётар амаки,  
Ерга жо бўлажак савфо сингари.

## LIII

Кўрди хизмат аҳли тўлган қўрани;  
Азага келишар яқин-узоқдан

Кўмиш маросимин ҳаваскорлари,  
Дўстлар, бегоналар — бари ҳарёқдан.  
Ўлик ҳам кўмилди; овқат еб-ичиб  
Поп, меҳмонлар жўнар гердайиб тинчиб,  
Гўё бажардилар жиддий бир ишни.  
Онегин қишлоқда яшовчи киши  
Бўлиб қолди энди. Мана у ўрмон,  
Ер-сув, заводларга тамом хўжайин.  
Шу чоққача танти, исрофгар, олтин  
Қадрини билмаган бу танбал инсон  
Ҳозир жуда хурсанд; у илгариги  
Йўлин олмоштиради, на бўлса майли.

#### LIV

Янгидай кўринди икки кунгина  
Онегинга жимжит танҳо далалар,  
Қоронғи ўрмоннинг салқини, яна  
Булоқлардан учган майин садолар;  
Учинчи кун тепа, дала, чакалак  
Уни овунтираолмади андак;  
Улар сўнг келтирди унинг уйқусин;  
Ва сўнгра кўп равшан кўрди Онегин:  
Қишлоқда ҳам худди ўша дилгирлик.  
Гарчи на кўча бор, на сарой, на ёр,  
На карта, на баллар, на мунда ше'р бор.  
Хафақонлик уни қўймай бир эллик,  
Пойларди кетидан пояма-поя,  
Вафодор хотиндай ё мисли соя.

#### LV

Тинчлик ҳаёт учун мен туғилганман,  
Туғилганман қишлоқ сукути учун:  
Соз саси пасқамда жаранглайди шан,  
Ижодий хаёллар жон, қонга тўлғун.  
Ма'сум, тин онларга берилиб тамом  
Жимжит кўл бошида ёлғиз ҳар айём  
Юраман, бекорлик — менинг қонуним.  
Ҳар кун тонг пайтида уйғонаман жим,

Ширин ҳузур учун, эркинлик учун:  
Озгина ўқийман, кўпроқ ухлайман  
Ўткинчи шуҳратга назар солмайман,  
Ўтмиш замонларда мен — нақ шу йўсин  
Кечирмаганмидим кунларим бекор,  
Яшамаганмидим шундай бахтиёр!

LVI

Чаман, севги, қишлоқ, сайл этиб юриш,  
Далалар! Мен сизга содиқман руҳан.  
Онегин-ла меним орамда бўлмиш  
Фарқни қайд этишга ҳарвақт мен хурсанд,  
Токим, истеҳзоли бирор ўқучи,  
Еки моҳирона тухмат тўқучи,  
Бирон нашриётчи менинг хислатим  
Қиёс этиб яна у демасинким,  
Мағрурлик куйчиси Байрон<sup>58</sup> сингари,  
Ўз портретимни мен чизганман бунда,  
Гап сотиб юрмасин у унда-мунда.  
Ўйлашарки, биз-чун имконсиз каби  
Бошқалар ҳақида яратмоқ дoston,  
Гўё шоир ўзин қилармиш баён.

LVII

Айтиб ўтай яна: бутун шоирлар  
Хаёлчан севгининг дўстидир, лекин  
Бир замон энг гўзал лавҳалар, сирлар  
Тушимга кирарди. Руҳим яширин,  
Гўзал тасвирларни сақлади маҳкам,  
Кейинча уларни жонлатди Музам:<sup>59</sup>  
Мен шундай, қайғусиз, тараннум этдим,  
Тоғларнинг қизини, менинг идеалим,  
Салгир<sup>60</sup> бўйларининг асираларин.  
Эшитиб қоламан, дўстларим, ҳозир  
Савол блан мени қиласиз манзур:  
«Ким учун бу созинг чекади, оҳин?  
У Рашкли қизлардан кимни хушлабсан,  
Қайсига созингда куй бағишлабсан?

## LVIII

«Илҳоминг мавжлатиб кимнинг нигоҳи,  
 Армуғон этмишдир самимий меҳр,  
 Сенинг бу ўйловчан куйингга, қани?  
 Сенинг ше'ринг кимни оллоҳ деб танир?»  
 Дўстларим, ҳечкимни, худо ҳаққи!.. Ман  
 Бошимдан кечирдим, маҳрум наш'адан,  
 Муҳаббатнинг телба ғалаёини.  
 Ишқ-ла қофиянинг ҳаяжонини  
 Қимки қўшабилса, у инсон хушбахт:  
 У ше'рнинг муқаддас сирли садосин  
 Янгратар ва босар Петрарка изин;  
 Қалбнинг азобини тинчитар; шул вақт  
 Муяссар бўлади унга шараф-шон;  
 Лекин мен севганда эдим лол, нодон.

## LIX

Ишқ кечди, кўриниш берди илҳомим,  
 Зулмат босган фикр нурланди секин;  
 Озодмен, янгидан излайман доим  
 Сихркор садолар, хаёл, ўй базмин.  
 Ёзаман, юрагим билмас дард нима...  
 Ёзилиб битмаган ше'рлар ёнига  
 Қалам ҳушсизланиб чизмайди расмин  
 Хотин болдирларин ва чеҳраларин.  
 Учган кул лов этиб ёнмас янгидан,  
 Яна қайғураман! кўзимда йўқ ёш.  
 Мана энди бўрон излари ювош  
 Руҳимда жим бўлиб қолар тамоман.  
 У чоғда ёзарман йигирма бешта —  
 Қўшиқдан иборат дoston албатта.

## LX

Ўйларкан асарнинг планин секин  
 Ва қаҳрамонимни на деб атайман;  
 Романнинг ҳозирча биринчи қисмин  
 Битирдим; буларнинг барин қайтадан  
 Кўриб чиқдим қат'ий бир диққат ила;

Бунда зиддиятлар ҳали кўпгина,  
Лекин тузатишни мен истамайман;  
Цензурга<sup>61</sup> ўзимнинг бурчим тўлайман,  
Журналистларга ҳам чайнамоқ учун  
Меҳнатим мевасин берарман яна:  
Эй янги туғилган асарим, жўна,  
Нева бўйларини кезиб чиқ бутун;  
Менга хизмат қилиб, қозон шараф-шон:  
Қинғир сўз ва ур-сур, сўкиш ва сурон!



## ИККИНЧИ БОБ

O rus!  
Hor.<sup>62</sup>  
O Рус!

### I

Евгений Онегин зериккан қишлоқ,  
Гўзал, латофатли бир гўша эди;  
Бу ерларда кимки соф завққа иноқ  
Тангрига шукурлар қилса арзирди.  
Аслзода уйи холис тамоман,  
Шамоллардан уни тоғ паналаган,  
Бир кичик дар'ёнинг тепасидадир;  
Қаршидан узоқда яшнар дала-қир,  
Ўтлоқлар ва олтин экинзорлар ҳам.  
Қишлоқлар олисда жим-жим милтирар.  
Подалар ўтлоқда секин тентирар.  
Қуюқ кўлкасини кенг ёяр-гилам  
Сингари, боқимсиз каттакон бир боғ,  
Ўйчан дриадлар<sup>63</sup> маскани ҳар чоғ.

### II

Солинган эди бу шарафли қаср,  
Одатда қасрга хос бир йўсинда:  
У ғоят мустаҳкам, совлатли, оғир,  
Ма'қул қадимийлик диди бор унда.  
Ҳар томонда баланд уйлар-бўлмалар,  
Меҳмонхоналарни шойилар безар,  
Подшоларнинг расми деворларида,  
Ранг-баранг нақш ёнар печкаларида.

Букун эскирмишдир буларнинг бари.  
Билмайман, тўғриси, недир боиси,—  
Шундай нарсаларга дўстим хоҳиши  
Йўқлигин биламан. Очилмас баҳри;  
У, модали қадим кенг заллар ичра  
Эснашдан ўзгани билмасди сра.

### III

У шундай бир уйни қилганди маскан,  
Бу ерда қишлоқнинг эски кексаси  
Қирқ йилча урушиб ходима блан,  
Деразага қараб, пашша эзганди.  
Ҳамма нарса содда; поли қайиндан.  
Икки шкаф, стол, юмшоқ пар диван,  
Кўрмайсиз ҳеч ерда сиёҳ доғ-дуғин.  
Шкафларни очиб боқди Онегин:  
Бирида топди у чиқим дафтарин,  
Иккинчида қатор майли шишалар,  
Олма шарбатлари тўла кўзалар,  
Яна саккизинчи йил календарин;  
У чолнинг юмуши кўп бўлган учун  
Бошқа китобларга боқмаган бутун.

### IV

Ўз мулки — ерлари аро кезароқ  
Ёп-ёлғиз; вақтини ўтказиш учун,  
Даставвал Онегин ўйлади узоқ.  
Мулкида янги бир тартибот қурсин.  
Бир четда, кимсасиз оқил Онегин  
Кўҳна баршчинанинг<sup>64</sup> бўйинтуруғин  
Енгил оброк<sup>65</sup> блан олиштиради;  
Қул<sup>66</sup> ҳам тақдирига шукур қилади.  
Лекин бу нарсада даҳшатли зиён  
Кўрди-да иш билар унинг қўшниси  
Бир чеккада солди қош-қовоғини;  
Бошқа бир қўшниси кулди нақ шайтон,  
Ҳаммасининг битта бўлди қарори:  
Онегин жудаям хавфли савдойи.

## V

Дастлаб қўшнилари бўлишар қўноқ,  
 Лекин катта йўлда уларнинг фақат  
 Келаётганини кўриш бланоқ  
 Хизматкорлар унга тамоми сур'ат —  
 Блан келтиришар бир Дон айғирин,  
 У орқа эшикдан қочар яширин.  
 Хафа бўлиб шундай муомиладан  
 Дўстликни узади ҳамма у блан.  
 «Қўшнимиз нодондир, ақлида нуқсон,  
 У бир фармазондир<sup>67</sup>; ичади ёлғиз  
 Стаканда қизил шароб; хоним-қиз  
 Қўлларин ўпишни истамас бир он.  
 Ҳа, дейди, йўқ, дейди; демайди «лаббай» —  
 «Бююринг». Умумий фикр нақ шундай<sup>68</sup>.

## VI

Янги бир помешчик ўз қишлоғига  
 От суриб келганди худди у замон,  
 Худди шунинг каби қўни-қўшнига  
 Эрмак бўлган эди — гап-сўз бепоён.  
 Исми эди унинг Ленский Владимир.  
 Қўксида Гиттинген<sup>69</sup> руҳи чайқалир.  
 Гўзал бир жувонди гуллаган энди,  
 Ҳам шоир, ҳам Кантнинг мухлиси эди<sup>70</sup>.  
 Келтирмиш туманли Германиядан  
 Ленский олимлик самараларин;  
 Эркинлик ишқининг кўп хаёлларин,  
 Келтирмиш ғалати, қизгин руҳ блан,  
 Елкага тушкучи жингал сочини,  
 Нутқида қайнаган ҳаяжонини.

## VII

Қибор доиранинг совуқ фаҳшидан  
 Сўлиб, сарғайишга улгурмай ҳали,  
 Қизлар эркалаши, дўст қутлашидан  
 Ҳали исинарди йигитнинг қалби;  
 Унинг кўнгли эди содда беғубор,

Юрагига ҳардам умид-орзу ёр,  
Дун'ёда ҳар янги ҳашамат, шовқун  
Унинг ёш ақлини қиларди мафтун.  
Ширин хаёл блан у юпатарди  
Ўз қалбин қоплаган шакларни ҳамон;  
Унга — ҳаётимиз ғояси ҳар он  
Қизиқ бир топишмоқ бўлиб қоларди.  
Бошини қотирар эди бу ҳақда  
Му'жизалар гумон қилар кўп чоқда.

### VIII

Жон пайванд дилбарнинг у ўзи блан  
Иноқ бўлишига ишонар эди.  
Гўё, у қалб куйиб ёниб ичидан,  
Ҳар куни тинмасдан унга зор эди.  
Ишонар эдики шарафи учун  
Дўстлари тайёрдир кишанга ҳар кун,  
Бўхтончи кўзасин чил-чил қилишга  
Уларнинг қўллари чўчимас сра;  
Ишонарди бор деб омади келган  
Одамларнинг азиз, эзги дўстлари,  
Ишонар уларнинг оилалари  
Ёқимли, дилбар нурлари блан  
Албат бизни биркун хуб ёритажак,  
Жаҳонга кайф ҳузур ҳад'я этажак.

### IX

Афсуслар, аччиғлар, ғазабланишлар,  
Яхшиликка бўлган тоза муҳаббат,  
Шухрат учун ширин азобланишлар  
Тўлқинлатган эрта қонини беҳад.  
Сози-ла жаҳонни айланди, кўрди,  
Шиллернинг, Гётенинг юртида юрди.  
Уларнинг шоирлик илҳоми ила  
Ёлқинланди бутун руҳи кўксида.  
Сан'атнинг соф, юксак музаларин у  
Уялтирмаганди; мас'уд, бахтиёр,  
Қўшиқларида ҳам доим ифтихор

Ила сақлар эди юксак бир туйғу,  
Бокира хаёлнинг ҳароратини  
Серсовлат соддалик латофатини.

## X

Севгини куйлади, у ишққа ўғлон,  
Унинг қўшиқлари эди соф, ёрқин,  
Содда дил бир қизнинг ўйлари симон,  
Гўдакнинг тушидек, осмоннинг сокин  
Чўлида кезучи сир илоҳаси,  
Нозик оҳ чекишлар дўсти ой каби;  
Шоир куйлар эди қайғу ва ҳижрон,  
Сирли узоқликлар ва мажҳул жаҳон,  
Романтик гулларни қилди тараннум,  
Узоқ ўлкаларни куйлар эди у,  
У ерларда қанча тўкканди қайғу,  
Сукут оғушига кўзёшин юм-юм;  
Сағалкам ўн саккиз ёшида шоир,  
Куйлар ҳаёт сўлғин гулига доир.

## XI

У чет бир гўшада; ақлу закосин  
Қадрлайбиларди Онегин фақат,  
Қўшни қишлоқларнинг бутун арконин  
Зиёфатлари ҳам ёқмасди албат;  
Қочарди суронли суҳбатларидан.  
Уларнинг гаплари ақлга монанд,  
Итхонаси блан, уруғ-ақрабо,  
Пичан ўриш блан ҳар турли вино  
Ҳақида сўзлашар. Бунда йўқ туйғу,  
Ва на ёлқинланар ше'рий бир оташ,  
На зарофат, на-да чуқур бир қараш.  
На авом сан'ати учун мисол у.  
Суюкли хотинлар гапида аммо,  
Яна ҳам оз эди ақл ва ма'но.

## XII

Ленский келишган йигит, бадавлат.  
Ҳар ерда куёвдек қаршиланарди;

Қишлоқда шундайдир ҳар доим одат:  
Ҳарким ўз қизини кўзлаб қўярди  
Чала рус кўринган шу ҳамсояга;  
Агар бош суқса у қайси хонага,  
Бошланиб кетарди суҳбат даф'атан,  
Дерлар бўйдоқликда йўқдир наш'а-шан.  
Қўшнини сўнг чойга таклиф қилишар;  
Чой қуябошлайди шу чоқда Дуня,  
Шивиллашар: «пайқа, бир боқ-да, Дуня!»  
Сўнгра келтиради биттаси гитар:  
У ҳам чийиллайди (омон, ёраббим!):  
— *Келақол! қасримга кел, э олтиним!* (11)

### XIII

Фақат, Ленскийда йўқ эди ҳавас,  
Никоҳ занжирига тутсин елкани.  
Қалбдан орзу қилди тинмай бир нафас  
Онегин-ла тездан дўст тутингали.  
Топишақолдилар, худди тош, тўлқин,  
Назм блан наср, муз ҳамда ёлқин  
Шунча бир-бирига бўлолмас қарши.  
Дастлаб ўртадаги айирма, гарчи —  
Улар ўртасига совуқлик солди,  
Сўнгра бир-бирига қолди ёқишиб,  
Сўнгра ҳар кун отда бирга чопишиб,  
Сўнг улар ажралмас дўст бўлиб қолди.  
Ўзим иқрор бўлай, одамлар кўп вақт  
Бекорчиликдан дўст тутинар фақат.

### XIV

Лекин, шу дўстлик ҳам йўқ орамизда,  
Барча одатларни яксон қилиб биз,  
Ҳечкимни назарга илмаймиз сра,  
Ҳаммадан баландда гўё ўзимиз.  
Боқамиз ҳаммамиз наполеонча,<sup>70</sup>  
Миллионлаб қўш оёқ махлуқлар барча  
Бизнинг учун ёлғиз қуролдир мангу,  
Кулунч ҳам ваҳшийдир биз учун туйғу.

Кўплардан дурустроқ эди Онегин;  
Инсонларни билар эди албатта,  
Умуман уларга нафрати катта;  
Истисносиз йўқдир қоида лекин:  
Ба'зиларни жуда айирар эди,  
Киши яхшилигин фаҳмлар эди.

## XV

Тинглар Ленскийни табассум ила  
Онегин; шоирнинг ўтли сўзлари  
Муҳокамалари қарорсизгина,  
Ҳамиша илҳом-ла ёнган кўзлари —  
Булар Онегинга эди янгилик;  
Совуқ, дағал сўзни Онегин бекик,  
Дилида сақлашга тиришар бутун  
Ва шундай ўйларди: аҳмоқлик мен-чун  
Бир онлик завқларин кесмоқ, албатта,  
Менсиз ҳам бир куни замон келажак,  
Яшасин у майли ҳозирча андак;  
Иносин дун'ёнинг камолатига,  
Кечирайлик ёшлик жозибасини,  
Ёшликнинг ўтини, талвасасини.

## XVI

Улар ўртасида, сўзсиз, ҳарнима  
Баҳсга, тафаккурга олиб кирарди;  
Кечмиш қабилалар тузган аҳднома,  
Яхшилиқ, ёмонлик, фанлар меваси,  
Асрлар чўзилган хурофотлар, ҳам  
Ўлимдан кейинги сирларки, мубҳам.  
Қолмасди улардан ҳаёт ва тақдир,  
Ҳар мавзу' устида ўйлашар бир-бир...  
Ўз фикрларининг алангасида  
Шоир қайнаб кетиб ўқиб юборар,  
Шимол достонидан ба'зи парчалар<sup>71</sup>,  
Шунда тавози'ли Онегин эса,  
Ше'рларни оз фаҳм этса-да лекин  
Йигитни тингларди қўйиб диққатин.

## XVII

Хилватнишинларнинг фикрини лекин  
Эҳтирослар кўпроқ этарди машғул,  
Улар панжасидан қочиб, Онегин  
Эҳтирос ҳақида сўзларди буткул.  
Ноилож афсус ва хўрсиниш ила:  
Ишқнинг тўлқинини тотиб, кейинча  
Ундан қўл силтаган инсон бахтиёр.  
Ундан-да бахтлидир кимки беҳабар,  
Ким ишқни айрилиқ блан совутса,  
Душманликни енгса ғийбатлар блан,  
Хотини, дўстлари ила ким ба'зан  
Сезмай рашк азобин, тортса ҳомуза,  
Боболарнинг ҳалол капиталини  
Қиморга бой бермас, удир бахтли!

## XVIII

Биз ақли-салимнинг тинч кўланкаси  
Тагида ҳузурлар қидирган дамда,  
Сўниб муҳаббатнинг ўт-алангаси,  
Уларнинг иноди, парвози, ҳамда,  
Қалбимиздан чиққан сўнгги садоси,  
Кулунч кўринаркан бизга гавғоси,  
Қийинлик-ла ҳалим ва ювош бўлган;  
Биз жуда севамиз тинглашни ба'зан  
Бегона ҳирсларнинг қизғин баёнин,  
Бизнинг юракни у ўйнатар дарҳол,  
Кулбасидагина унутилган чол —  
Майиб бир аскар ҳам худди шундайин:  
Қулоғини тутар шавқ, ҳавас ила  
Шоп мўйлов ёшларнинг ҳикоясига.<sup>72</sup>

## XIX

Броқ ёлқинланган отагин ёшлик  
Ўз ичида сақлай олмас ҳечнарс.  
Хусумат, муҳаббат, хурсандлик, ғашлик  
Барчасин сўзлашга тайёр ҳар лаҳза.  
Муҳаббатда ожиз ҳисоблаб ўзин,  
Тингларди билимдон тусда Онегин,



Юрак тавбасини севучи шоир  
Ўз дардини қандай баён қилаолур;  
Шоир ўз беғубор, соф виждонини  
Оқ кўнгиллик блан унга очганда,  
Евгений билганди қулай шу онда  
Шоир севгисининг ёш қиссасини,  
Биз учун ҳеч янги бўлмаган туйғу —  
Ҳислар-ла безалган ҳикоядир бу.

## XX

Оҳ, қандай севарди! Бизнинг паллада,  
Севаолмас ҳечким, худди у каби;  
Муҳаббат қўйишга маҳкумдир яна  
Ёлғиз бир шоирнинг тентакча қалби;  
Ҳарқачон, ҳар ерда бир хаёл суриш,  
Қонларига сингган бир орзу, куйиш,  
Унга доим ҳамроҳ бўлган бир алам!  
Кўнгилни совутар узоқликлар ҳам,  
На йиллаб чўзилган у айрилиқлар,  
На-да музаларга берган пайтлари,  
На ажнабий ерлар маликалари,  
На фанлар ва на у шўх қийқириқлар,  
Покиза оловлар блан исинган,  
Унинг руҳини ҳеч ўзгартирмаган.

## XXI

Ёш, ўсмир чоғидан Ольгага асир,  
Ишқнинг азобларин билмасдан ҳали,  
У қизнинг гўдакча шўхлигига бир  
Меҳрибон шоҳидди — унинг юраги.  
Ўрмонларнинг қуюқ кўланкасида,  
Шерикди Ольганинг қангамасига.  
Оталари қўшни ва дўст, сўзлашган,  
Қуда бўлишликни улар кўзлашган.  
Ма'сум латофат-ла тўлиб яшнади.  
Тинлиқда, парийлар оромгоҳида,  
Ота-онасининг кўзи олдида,  
Нозик бир гул каби Ольга гуллади,

Бир гулки, билинмас қалин майсада  
Асаларига-да, капалакка-да.

## XXII

У қиз бағишлаган эди шоирга  
Ешлик шавқларининг илк хаёлини,  
Рухлантирди у қиз келиб фикрга  
Еш шоир найининг илк фар'ёдини,  
Алвидо', энди эй олтин ўйинлар!  
Қалин ўрмонларни севди шу кунлар,  
Севди у хилватни, сукут-тинликни,  
Тунни, юлдузларни ва ойдинликни,  
Самонинг қандили ойга кечмишда  
Оқшом қоронғиси кезишларимиз,  
Сирли қийналишлар наш'асини биз  
Бағишламасмидик кўзёшлар ила...  
Энди кўзларимиз шу ойга боқар  
Фақат унда кўрар хира бир фонар.

## XXIII

Ольга ҳарвақт камтар, ҳарвақт адабли,  
Ҳамиша тонг каби эди у қувноқ.  
Соф дили шоирнинг умри сингари  
Севги бўсасидек дилбар, исинчоқ,  
Кўзлари осмондек тиниқ, зангори,  
Унинг табассуми, сарғиш кокили,  
Рафтори, товуши ва енгил қомат  
Безарди Ольгани... лекин, сиз фақат  
Ҳарқандай романни олсангиз, унда  
Топарсиз расмини, кўп ёқимли у.  
Илгари ўзим ҳам севган эдим-ку,  
Аммо зерикканман ундан ўлгунча,  
Шунинг-чун, ўқучим, рухсат сўрайин,  
Унинг опаси-ла таништирайин.

## XXIV

Опасининг оти эди Татьяна... (12)  
Бу романнинг нафис саҳифаларин

Шундай исм блан биринчи даф'а,<sup>73</sup>  
Биз мушарраф қилдик, ҳеч тортинмайин.  
Гарчи бу ёқимли, оҳангдор исм,  
Бу блан боғлиқдир, мен биламанким,  
Ўтмиш чўрихона хотиралари.  
Ҳаммамиз э'тироф қилайлик, рости,  
Бизларда ҳам бизнинг отларимизда  
Дид блан нафосат деган нарса оз.  
(Ше'рлар ҳақида индамасак соз);  
Маориф ва урфон юқмаммиш бизга.  
Фақат ундан бизга қолмишдир мерос  
Сохта нозу адо — мана шу холос.

## XXV

Демак, унинг исми Татьяна эди.  
На у синглицининг гўзаллиги-ла,  
Юзининг қип-қизил олмадай ранги  
Блан у кўзларни тортмас балки-да...  
У камсўз, ёввойи, юзлари дардли,  
Хуркакди ўрмоннинг кийиги каби.  
Ўзининг туғишган оиласида  
Кўринар ёғ қизча каби Татьяна...  
Билмасди у сра эркаланишни  
На отасига-ю, на онасига;  
Болалар ичида истамас сра  
Ўйинни, сакрашни, ҳарён чопишни;  
Кўпинча дераза ёнида ёлғиз,  
Бутун кун жимгина ўтирарди қиз.

## XXVI

Бешикка беланган кунлардан буён  
Ўйчанлик бу қизга ўртоқ эди чин.  
Қишлоқда жим оқар осуда замон  
Хаёллар-ла безар эди юрагин.  
Нозик бармоқлари билмас игнани,  
Кергига эгилиб, у бир каштани,  
Турли нақшлар солиб ипаклар блан  
Худди чаман каби жонлантирмаган.  
Ҳукмрон бўлишнинг бор аломати:

Ювош қўғирчоқни ўйнаб ёш бола,  
Киборлик тартиби, назокатига  
Ҳазил-ҳузил блан тайёрланади,  
Бола онасидан олган сабоғин  
Такрорлаб ўргатар ўз қўғирчоғин.

## XXVII

Шу кичик ёшда ҳам ҳатто Татьяна  
Қўғирчоқларни ҳеч қўлга олмасди,  
Шаҳар хабарлари, мода ҳақида  
Қўғирчоқларини гапга солмасди.  
Болалик шўхлиги надир билмаган.  
Қиш чоғи қопқора тунлар инаркан,  
Қўрқинчли чўпчаклар қалбини асир  
Қиларди... энага ёш Ольга учун  
Ҳамма ўртоқларин йиғиб бир ўйин  
Қилдиришга олиб борганда ҳечбир  
Ўйинни истамас эди Татьянам;  
Ёқмас Татьянага на жаранг кулги,  
Болаларнинг энгил эрмаги, хулқи...

## XXVIII

Рангсиз осмоннинг тўп-тўп юлдузи  
Аста-аста сўниб йўқолар экан,  
Балконда ўтириб, жимгина ўзи  
Шафақ тамошасин севарди қалбан;  
Ернинг бир чеккаси секин нурланар,  
Тонгнинг хабарчиси — шамоллар эсар.  
Сўнгра астагина кўтарилар кун.  
Қиш чоғи, кечанинг зулмати бутун  
Жаҳоннинг ярмисин секин босганда,  
Туманли пардада ой қилса, юриш,  
Бўш, мудроқ сукунат ичида хомуш  
Эринчоқ шарқ узоқ ором олганда,  
Мўлжалда уйғаниб, у турар эди,  
Шам ёқиб, бир ўзи ўтирар эди.

## XXIX

Ешликдан ёққанди унга романлар;  
 Романла унутди ҳарнимани ул;  
 Ричардсон<sup>74</sup> ва Руссо сўққан ёлгонлар,  
 Уйдирмаларга қиз қўйганди кўнгил.  
 Оқкўнгил ва содда эди отаси  
 Бир аср кечиккан завқнинг эгаси,  
 Лекин китоблардан кўрмасди зиён;  
 Мутолиа қилмай ўзи ҳечқачон,  
 Уйинчоқ санарди китобларни у,  
 Қизининг бошида нақ тонгга қадар,  
 Естиқлар тагида қай китоб ётар, —  
 Бу ҳақда у сра чекмасди қайғу.  
 Ақлдан ёзарди унинг хотини  
 Эшитаркан Ричардсоннинг отини.

## XXX

Ричардсонни севди хотин ҳар маҳал,  
 Уқигани учун эмас сабаби,  
 Грандисонни у Ловласдан<sup>75</sup> афзал (13),  
 Кўрганлиги учун эмас бу севги,  
 Фақат, ўтган йиллар бека Алина —  
 Москвали амманинг қизи кўпинча  
 У зотларни бунга уқдирган эди,  
 У вақт куёв эди ҳозирги эри,  
 Кўнглига ёқмасди бу киши лекин.  
 Ўзининг қалби ва идроки блан  
 Бунинг эс-ҳушини кўпроқ банд этган  
 Ўзга бир йигит-чун чекарди оҳин;  
 Бу Грандисон-чи, олифта-танноз,  
 Гвардия сержанти ҳамда қиморбоз<sup>76</sup>.

## XXXI

У йигит сингари бу ҳам ҳамиша,  
 Қийинарди мода, сиймога қараб,  
 Лекин қиз ра'йини сўрмайин пича  
 Элтадилар тўйга-никоҳга судраб.  
 Хотиннинг дардини тарқатиш учун,  
 Жўнайди онгли эр ўтмасдан уч кун

Ўз қишлоғи томон, бунда ёш хотин,  
Қуяди, қуршайди кимлар атрофин.  
Даставвал тинмайди унинг кўз ёши.  
Эрдан чиқишга ҳам бўлади тайёр.  
Машғул қилди уни кейинча рўзғор.  
Одатланди, бўлди тақдирдан рози.  
Одат, худованднинг бир илтифоти,  
У, чиндан бахтларнинг ўрнин босади (14).

### XXXII

Ҳечбир нарса ила даф' этилмаган  
Қайғусини сдат юпантирганди.  
У қилган катта бир кашфиёт тездан  
Ўзини тамоман овунтирганди.  
Иш блан оғуда чоғ орасида,  
Кашф этди на тарзда эрни идора  
Қилиш лозим мутлоқ бир ҳоким каби,  
Шунда бўлаверди ҳар истагани.  
Иш-кучга қатнашиб турар эди у.  
Қиш учун у тузлар эди қўзқорин,  
Рўзғор қўлда, қирқар малайлар сочин.<sup>77</sup>  
Одатди ҳар шанба ҳаммомга тушув,  
Урар чўриларни ғазаби қайноқ,  
Барчасин қиларди эрдан бесўроқ.

### XXXIII

Бир вақтлар ўз қони блан ёзарди<sup>78</sup>  
У нозик қизларнинг альбомларига,  
Прасковья-Полина деб чақирарди,<sup>79</sup>  
Сўзларди қўшиқдай у чўзибгина,  
Қорсетни<sup>80</sup> жудаям тор кияр эди,  
Рус сўзларин французча сингари  
Айтабилар эди думоғи блан.  
Броқ ўзгарди у тезда тамоман;  
Қорсетни, альбомни ва князь хоним  
Полинани, ҳиссий ше'р дафтарини  
Унутди, аввалги Селинасини  
Энди Акулька деб атайди доим.

Янги қиёфага кириб олади:  
Гуппи ва қалпоқча кийиб олади.

#### XXXIV

Фақат эри жондан севарди уни,  
Аралашмас хотин ишига ҳеч чоқ'.  
Топшириб қўйди у бору-йўғини,  
Ўзи ер ва ичар бепарво мутлоқ.  
Тинчгина оқади унинг кунлари.  
Ба'зан йиғилишар кечқурунлари  
Қўни-қўшнилардан дилкаш оила,  
Такалуф билмаган бир тўда жўра,  
Дардлашар, бир қадар ғийбат қилишар.  
Ундан, мундан кулиб қизар ҳангама,  
Соатлар ўтади. Шунда Ольгага  
Чой ҳозирлаш учун фармон беришар,  
Кейин кечки таом, сўнг уйқу дами.  
Меҳмонлар қўрадан жўнайди жам'и.

#### XXXV

Осойиш турмушда сақлашган барча  
Қадимнинг суюкли урфи-одатин;  
Қилишарди сермой маслиницада <sup>81</sup>  
Уларнинг уйида рус чўзмаларин.  
Йилда икки даф'а тутишар рўза;  
От айланмачоқни севишар жуда,  
Ирим-фол қўшигин, кўпчилик лапар,  
Диний байрам куни, халқ эснаб тинглар —  
Экан дуоларни шунда бир нафас  
Улар кўп шам'ларга телмириб ювош  
Тўкишарди икки-уч қатра кўзёш;  
Ҳаводай керак-ди уларга квас.  
Меҳмонларга улар тортарди таом  
Мансабга риоя қилиб батамом.<sup>82</sup>

#### XXXVI

Шу йўсин қартайди яшаб иккиси.  
Ниҳоят бир куни очилди аста

Эрининг юзига қабр эшиги,  
У кийди бошига янги гулдаста.  
Қўпларга боққанда юраги асл,  
Ўз содиқ хотини, бола-чақаси  
Ва ўз қўшнилари тутди мотамин,  
Ўлган эди тушки овқатга яқин.  
У эди содда дил, мулойим барин,  
Жасади кўмилган жойга ташла кўз,  
Қабр тоши узра ёзилган шу сўз:  
Ожиз бир гуноҳкор, Дмитрий Ларин,  
Оллоҳнинг бандаси ва бригадир,<sup>83</sup>  
Шул тошнинг тагида ором оладир.

### XXXVII

Туғилган диёрга келгани ҳамон  
Қўшининг у жимжит оромгоҳини  
Зиёрат айлади Ленский, шу он  
Бир ҳовуч тупроққа чекди оҳини;  
Қалбини бир ҳасрат қоплади узоқ  
«*Poor Yorick*»<sup>84</sup> деди ҳасратланароқ — (15)  
«Қўлида кўтарар эди у мени,  
Кўп чоғ ўйнар эдим болалик пайти —  
Кўксида Очков медалини <sup>85</sup> ман!  
У менга отаган эди Ольгани.  
Айтарди: у кунни кўраламанми?...»  
Самимий қайғуга кўкраги тўлган  
Ленский қўшнига атаб шундаёқ  
Ўзди бир марсия — ғам блан қайноқ.

### XXXVIII

Худди ўша ерда ота ҳам она  
Маҳзун ёзувлари; кўзида ёши,  
Тавоф қилди аждод тупроғин яна...  
Хайҳот! Бу ҳаётнинг йўлида оний  
Бир ўрим сингари насллар бир-бир,  
Сирли бир ирода, қазо ва тақдир  
Ҳукмича унади, пишиб, тушади,  
Бошқалар уларнинг изин тутади.



Шундай бизнинг енгил, беташвиш бўгин  
Усади, ҳаяжон ила қайнайди,  
Боболарни қабр сари ҳайдайди.  
Келади бизнинг ҳам вақтимиз бир кун,  
Бизнинг набиралар қутли соатда,  
Бизни-да дун'ёдан сурар, албатта!

### XXXIX

Дам ғанимат, суриг дун'ё наш'асин,  
Шўх ҳаёт блан маст бўлинг, жўралар!  
Мен эса пайқайман унинг ҳечлигин,  
Берилмайман унга бошқалар қадар.  
Шарпалар учун мен кўзни юмганман,  
Лекин, узоқ, хира умидлар, ба'зан  
Қалбимга ҳаяжон солади ёлғиз,  
Бу ерда озгина қолдирмасдан из  
Дун'ёни тарк этмак мен учун ҳазин.  
Яшайман, ёзаман мадҳ учун эмас.  
Фақат мен, балки-да, истардим маҳзун  
Насибим — чекимни шонлантирайин,  
Орзу қилардимки, содиқ дўст каби  
Лоақал бир садо эслатсин мани.

### XL

Бу садо кимнингдир қалбига етар,  
Эҳтимолки, тақдир сақлаб қолади,  
Мен тўқиган мисра', қўшиқ-қит'алар  
Ботмас унутилиш наҳрига, балки...  
Эҳтимол (бу фақат мақтанчоқ армон!)  
Кўрсатиб келгуси чоқда бир нодон  
Меним донгғи кетган суратимни-да,  
Хўп шоир эди бу!— дейди ичида...  
Эй ше'р париларин дилбар ошиғи,  
Бу менинг қанотли учар ижодим  
Ўз хотирасида сақлашга ходим,  
Кексанинг бошида шараф тожини  
Лутфикор қўли-ла сийпалайдиган,  
Менинг ташаккурим қабул эткил, сан!

## УЧИНЧИ БОБ

Elle était fille, elle était amoureuse

*Malfilatre*<sup>86</sup>.

### I

«Қаерга? Ҳайронман шоирларга мен!»—  
— Жўнашим керакдир, хайр, Онегин!—  
«Мен сени тутмайман, менга айт-чи сен  
Қайда ўтказасан, кечги пайтларинг?»  
— Ларинлар уйида.— «Мана бу қизиқ.  
Кечиргил! Сен учун эмас қийинлиқ  
Ҳар кечни беҳуда маҳв этиш унда?»  
— Ҳечбир-да.— «Тушунаолмайман бунга,  
Шу ердан биламан нима эканин:  
Биринчидан (эшит, мен ҳақлими, йўқ?);  
Соддагина бир рус оиласи; тўқ;  
Э'зоз-икром ила кутар меҳмонин,  
Қиём ва чой; кейин ёмғир ва каноф  
Ва офил ҳақида гап-сўз беҳисоб...»

### II

— Мен бунда бир зарар ҳали кўрмайман.  
«Зерикиш-чи, дўстим, мана бу офат»  
— Сизнинг киборлардан нафратланаман,  
Оила ўчоғи хушроқдир албат,  
Чунки мен бу ерда,..— «Яна эклога!»<sup>87</sup>  
Бас энди, азизим, тангри ҳақиға.  
На деяй, афсуски, жўнаётирсан.  
Ҳа, тингла, Ленский; мумкинмасмикан  
Филлидани<sup>88</sup> менга бир кўриш, холос,

Фикрнинг, қаламнинг, кўз ёшининг, ҳам  
Қофия-пофия... боисин, ошнам?!  
Сен мени тақдим эт» — Ҳазилни қўй — «Рос»  
— Мен хурсанд — «Хўп, қачон?» — Истасанг  
ҳозир.

Улар бизни жон деб кутиб оладир.

### III

Борайлик.— Икки дўст чопди чанада.  
Келишди; қадимги замоннинг ба'зан  
Машаққатли бўлган э'зози яна  
Уларга сочилди ортиқча ҳаддан.  
Бажарилар ма'лум одат батамом:  
Талинкачаларда келтириб қиём,  
Кичкина столга қўярлар, яна  
Мева суви блан тўла кўзача

. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .

### IV

Улар отларини шигаб ҳайдаган,  
Энг қисқа йўл блан уйга учадир. (16)  
Қаҳрамонларимиз не сўзлар экан,  
Яширинча қулоқ солайик ҳозир:  
— Хўш, қалай, Онегин? эснайсан тагин?  
— «Одатим, Ленский». — Негадур лекин  
Кўпроқ зерикибсан.— «Йўқ, қани бирдай;  
Бир пастда далани қоронғи талай  
Босмиш! Ҳайда, ҳайда, эй Андрюшка!  
Уҳ; бу жойлар қандай расво; бема'ни!  
Айтгандай, Ларина содда, самимий;  
Ҳам мулойим кампир экан-да жуда.  
Қўрқаманки, мева суви ноғиҳон  
Етказмаса эди менга бир зиён.

Сен айт-чи: қизларнинг қайсиси Татьяна?»  
 — Ҳа, у, Светлана<sup>89</sup> сингари ғамли  
 Ва индамас бир қиз; кирди-да, аста  
 Дераза олдида ўтирди ҳали.—  
 «Ноҳотки сингисин севгансан, дўстим?»  
 — Ҳўш, нима? — «Сен каби шоир бўлсайдим,  
 Танлаган бўлардим у чоқ опасин.  
 Ольга чехрасида ҳаёт йўқ, бу чин,  
 У худди Вандика Мадоннасидай;  
 Юзи юп-юмалоқ, қизил ва семиз,  
 Ана шу бема'ни уфуқда ёлғиз  
 Осилган анави мисли аҳмоқ ой...»  
 Владимир жавоб бериб димоғдор,  
 Сўнгра индамади йўл бўйи ночор.

## VI

Онегиннинг келиб кетиши броқ  
 Ларинлар уйида ҳарким учун ҳам  
 Зўр та'сир кўрсатди, яқин ва узоқ  
 Қўни-қўшнилари юпатди бирам,  
 Ҳархил гап-сўз, тахмин қувди бир-бирин.  
 Та'бир қилишарди ҳамма яширин,  
 Бошланди ҳазиллар, ҳархил миш-мишлар,  
 Татьянага куёв тайин қилишлар.  
 Тасдиқлашар эди ба'зилар ҳатто,  
 Ҳарнарсга тайёрмиш тўй-никоҳ учун,  
 Фақат бир мод узук топилмаган-чун,  
 Тўй бироз тўхталиб қолганмиш гўё...  
 Ленскийнинг тўйи ҳақида кўпдан,  
 Улар масалани ешиб қўйишган.

## VII

Шундай ғийбатларни ёзғирибгина  
 Тингларди Татьяна, фақат яширин,  
 Дилни лим тўлдирган саодат ила  
 Унга беихтиёр бурарди фикрин.

Қалбига бир фикр бўлибди улфат;  
Фасли келмиш, дилда ёнди муҳаббат,  
Ерга тушган бир дон келганда фасли,  
Баҳор оташидан жонланган каби.  
Унинг хаёллари кўп чоқдан буён,  
Қайғу, ишқ ичида секин ёнарди.  
Хатарли ғидони хаёл қўмсарди.  
Қалби бир узулиш, толиш кўп замон  
Унинг ёш кўкрагин эзар, сиқарди,  
Ким бўлса бирига... қалб интизорди.

### VIII

Кутгани келмишди, очилди кўзлар;  
Татьяна айтади: бу ўша одам!  
Ҳайҳот! Энди бутун тунлар, кундузлар,  
Қизгин, танҳо уйқу, ҳарбир нарса ҳам  
У блан тўлгандир, бу қизга тагин  
Ҳарнима сихрли куч-ла тинмайин,  
Уни ёдлатарди; ва Татьянани  
Бездирарди ширин сўзлар садоси,  
Ғамхўр чўриларнинг боқишлари ҳам,  
Дардларига шўнғиб ўтирар ўзи  
Қулоққа кирмасди меҳмонлар сўзи,  
Уларни қиз қарғар — улар кўп беғам,  
Қутилмаган вақтда келишар, броқ  
Эзмалик қилишар ўтириб узоқ.

### IX

Бу қиз энди қандай зўр диққат блан  
Ўқийди лаззатли бирон романни!  
Қандай сихрланиш блан, юракдан  
Берилиб ичади гўзал ёлгонни!  
Хаёлнинг бахтиёр қуввати ила  
Жонлантирилган у шахслар: Юлия —  
Валмарнинг гўзал хуштори дилбар,  
Яна Малек-Адел<sup>90</sup> блан де-Линар<sup>91</sup>,  
Ҳам Вертер<sup>92</sup> — ис'ёнкор, азоб боласи,

Исми уйқумизни келтирган одам,  
Я'ни у мислсиз Грандисон ҳам (17)  
Хаёлпараст қиз-чун булар ҳаммаси  
Якка бир суратни акс этар ҳамон,  
Бари Онегинни эслатар ҳар он.

## X

Татьяна севгили ижодчиларин,  
Қлариса,<sup>94</sup> Юлия,<sup>95</sup> Делфина каби<sup>96</sup>  
Қаҳрамони хаёл қилароқ ўзин,  
Урмонларнинг жимжит қўйнида дайди  
Кезади хавфли бир китоб-ла танҳо.  
Китобдан қидирар ва топар ҳатто  
Ўз сирли оташин, ўз хаёлларин,  
Юракни тўлдирган орзу-ҳавасин,  
Қаҳрамонлар янглиғ хўрсинар яна,  
Уларнинг қайғуси юрагига ёр.  
Қиз шивиллаб ўқиб қилади такрор  
Суйган қаҳрамони учун бир нома...  
Майли, ким бўлмасин, бизнинг қаҳрамон,  
Ҳарҳолда аниқки, эмас Грандисон.

## XI

Оташин сан'аткор, бир вақт улуғвор —  
Оҳангдор йўсинда созлаб услубин,  
Ўз қаҳрамонини ажаб ма'нодор  
Ва баркамол қилиб безарди тусин.  
Ҳамиша ҳақсизлик дастидан шайдо  
Қувғинди инсонни шоир доимо  
Яратди ҳассос руҳ ва кенг ақлга,  
Ҳамда жозибали сиймога эга.  
Ҳарвақт ҳаяжонли, руҳли қаҳрамон  
Тоза эҳтирослар алангасида  
Ҳар лаҳза тайёрди бўлишга қурбон.  
Ва сўнгги қисмининг хотимасида  
Ёмонлик ҳамиша торгарди жазо,  
Яхшилик гултожга бўларди сазо.

## XII

Туман ичидадир букун фикрлар,  
Уйқу келтиради бизларга ахлоқ,  
Илтифот кўрмоқда романда ҳам шар,<sup>97</sup>  
Зафар ноғорасин у чалар шу чоқ.  
Британ музасининг уйдурмалари,  
Еш қизнинг уйқусин нотинч қилади,  
Бир санам бўлмишдир унинг-чун ҳозир,  
Ёки хаёлларга берилган Вампир<sup>98</sup>,  
Ёки саёқ Мельмот<sup>99</sup> — бу бадбин одам  
Ёки манги жуҳуд<sup>100</sup>, ва ёки — Корсар<sup>101</sup>,  
Ва ёки сирларга чўмган Сбогар<sup>102</sup>, (<sup>18</sup>).  
Умидсиз ва барбод худбинликка ҳам  
Лорд Байрон кийдирди зўр ҳавас блан  
Ғамгин романтизм либосин ўтдан.

## XIII

Дўстларим, чиқади бундан не ма'но?  
Тангри иродаси ила, балки, ман  
Шоирликка бутун бергум исте'фо,  
Қураб янги шайтон ичимда маскан.  
Аполлон таҳдидин менсимай сра,  
Бўйнимни эгарман ювош насрга.  
Хушҳол ғурубимни ана у замон  
Банд этади эски тарздаги роман.  
Мен ёмонликларнинг сирли азобин  
Унда тасвир этиб, солмайман даҳшат  
Балки, соддагина ёзаман фақат  
Рус оиласининг кенг масалларин,  
Тасвирларман диллар муҳаббатини  
Ва қадим давримиз урф-одатини.

## XIV

Ҳикоя қиламан, отанинг, кекса  
Тоғанинг турмуши, содда гапини;  
Дарахт таги, булоқ бошида эса  
Болаларнинг махфий учрашмасини;  
Тасвирларман бахтсиз рашкнинг қийнашин,  
Ҳижрон ва ярашув фасли кўз ёшин.

Яна уруштириб, ниҳоят, никоҳ  
Гултожига уларни элтаман ногоҳ...  
Эҳтиросли ишқнинг тилин эсларман,  
Ҳасратга мубтало севги сўзлари —  
Бу ёлқинли сўзлар бир чоғ ўзлари  
Гўзал бир жононнинг пойнда бирдан  
Тилимдан қуюлган эди, мен бугун  
У сўзларни ёддан чиқардим бугун.

## XV

Севикли Татьяна, ма'сум Татьяна!  
Сен блан бирга мен кўзёш қуяман,  
Олифта золимнинг қўлига ана  
Бутун тақдирингни бериб қўйгансан.  
Жоним, маҳв ўласан; даст аввал аммо  
Юрагингда порлоқ умидлар пайдо,  
Сирли саодатни имлайсан, тагин  
Тотиб билажаксан ҳаёт сафосин.  
Ичасан орзунинг ширин заҳрини.  
Хаёллар қувмоқда сени изма-из:  
Ҳар ерда тасаввур қиласан ёлғиз  
Бахтли учрашишлар тин манзилини...  
Ҳар ерда қаршингда туради доим,  
Сени йўлдан урган у маш'ум золим...

## XVI

Бетинчдир Татьяна севги туфайли,  
Боғчага чиқади, қайғиради у;  
Нарироқ юришга қолмайди майли,  
Хумор кўзларини сузади сулув:  
Кўкраги қаппайган, яноқлари ҳам  
Оний ёлқин блан ёнади бир дам.  
Нафаси қотгандир дудоқларида,  
Кўзи порлар, шовқин қулоқларида...  
Тунда ой соқчидай чиқиб айланар  
Самонинг чеки йўқ кенг гумбазини.  
Оғочлар қўйнида булбул созини,  
Жаранг куйларини бошлаб юборар...  
Қоронғи; ухламас Татьяна сра,  
Сўзлашар энага блан жимгина.



## XVII

«Эна, уйқум келмас: бу ер шундай дим!  
Деразани оч-да, ўтир ёнимга».  
— Нима бўлди сенга, Татьяна, нима?—  
«Сўзлайик ўтмишдан, зиқдир юрагим»  
— Нима сўзлай, жоним! Мен бир замонлар  
Эсимда сақлардим жинлар, шайтонлар  
Ҳақида бурунги масал, эртақдан...  
Ҳаммасини киши унутар экан.  
Ҳаммаси қоронғи энди, Татьяна:  
Нима билган бўлсам, унутдим ҳозир.  
Нотавон қарилик етди-ку ахир!..  
— «Ҳикоя қилиб бер, сен менга, эна,  
Сўзла, сен у кўҳна, кечмиш йиллардан:  
Сен-да у чоқларда ҳеч севганмисан?»—

## XVIII

— Вой, қўзим, Татьяна! У чоқларда биз  
Севги нималигин эшитмагандик.  
Марҳума қайин онам мени, шубҳасиз,  
Дун'ёдан ҳайдарди, қолмасдим тирик.—  
«Бўлмаса, сен қандай эр қилдинг, эна?»—  
— Худонинг буйруғи шу экан. Ваня  
Боёқиш ёш эди мендан, чироғим,  
Мен эса у вақтда ўн учда эдим,  
Қатнади совчилар бир-икки ҳафта  
Бизнинг оилага... ва кейин отам  
Фотиҳа ўқиди, сўнгра иш тамом.  
Қўрқувдан мен зор-зор йиғладим якка..  
Йиғи-сиғи блан сочим ўрдилар,  
Лапар-ла черковга олиб бордилар...

## XIX

Мени узатдилар ёт оилага...  
Сен тингламайсан-ку мени, оппоғим...  
«Оҳ, менинг қайғум, зўр, билмайсан эна,  
Шу топда кўнглим ғаш бўлмоқда, жоним!  
Йиғлагим ва фар'ёд қилғум келади!..»  
— Соғ эмас, касалсан, кўзимнинг нури,

Тангри ўзинг раҳм эт, офатдан асра!  
Қизим, на истасанг, шуни тез сўра...  
Танларинг ёнмоқда... эзги сув блан  
Юз-кўзинг ювайин...— «Мен касал эмас:  
Мен... мен... биласанми, эна... севганман»  
— Қўзичоғим, ёр бўлсин тангри ҳар  
нафас!—

Титроқ қўлин очиб қизга у хаста  
Пичир-пичир дуо ўқиди аста...

## XX

Бутун дарди блан кампирга яна  
Шивирлаб: «Севгига тутулдим», деди.  
— Менинг жигарпорам, касалсан! тингла!  
«Ўз ҳолимга қўй-чи, қалбимда севги»...  
Шу чоқда самода ой ҳам порлади.  
Юмшоқ, сирли нурга у жим ўради  
Татьянанинг сўлғин, дардли ҳуснини,  
Паришон, ёйилган ипак зулфини,  
Нурлатди кўзёшин... ёш қиз ёнида  
Пастгина курсида писиб ўтирган,  
Оқ сочли бошига рўмолча ўртган,  
Пахта нимча кийган кампирчани-да;  
Оламни илҳомбахш ой нурга кўмган,  
Мудраб ҳамма нарса сукутга чўмган.

## XXI

Узоқ диёрларга сайр этиб учар  
Ойга жим телмуриб, Татьяна қалби...  
Бирдан қиз бошига бир фикр тушар:  
«Ўз ҳолимга қўйиб кетавер, мени!  
Менга бер бир қалам ва қоғоз, эна,  
Стolni бери сур; ёзай тезгина,  
Хайр энди». Ҳозир у қолганди ёлғиз,  
Атроф жим. Қўкда ой кезарди эшсиз...  
Курсига ясланиб Татьяна ёзар,  
Фақат Евгений бор тушунчасида;  
Узоқ ўйланмаган ишқий хатида  
Ма'сума бу қизнинг севгиси ёнар.

Мактуб тайёр бўлди. Секин букулди..  
Татьяна! ким учун бу хат битилди?

## XXII

Билардим эришиб бўлмас, сўз уқмас,  
Қиш каби совуқ, соф жононлар ҳам бор.  
Уларнинг хислати ақлга сиғмас,  
Уларга ялиниш, ёлвориш бекор;  
Ҳайрондим уларнинг модли кибрига,  
Уларнинг табиий фазилатига;  
Қочгандим улардан, бўлайин иқрор,  
Даҳшат-ла ўқиган эдим, ёдда бор,  
Улар манглайида дўзах лавҳасин<sup>103</sup>, (19)  
*Ҳарқандай умидни сен кескил мудом!*  
Севмоқ улар учун офатдир тамом.  
Қўрқитиш уларга шодлик берар чин,  
Нева бўйларида шулар сингари  
Хонимларни сиз ҳам кўргансиз, балки.

## XXIII

Ювош ошиқларнинг ораларида  
Қилиғи бошқача хонимлар ҳам бор,  
Елқинли оҳларга, мадҳияларга  
Улар бепарволик қилар улуғвор.  
Хўш, мен не кўрдим, не қолдирди ҳайрон?  
Қаҳрли боқишлар блан ноғиҳон,  
Нозик ишқни улар чўчитиб лекин  
Уни жалб этишни биларди тағин.  
Лоақал, уларда бор раҳму-шафқат,  
Лоақал, уларнинг товуши ба'зан  
Туюлади шундай, латиф, ва'дачан.  
Ховлиққан соддадил ёш ошиқ албат,  
Ўзини унутиб қўяди, шундай  
Ташвишли жононга эргашар тинмай.

## XXIV

Латиф бир соддалик блан қиз бойқиш,  
Алдашни билмасдан суяр вафодор.

Танлаган хаёлга чуқур инониш —  
Татьяна айбими? Билмоқлик даркор!  
Шунинг учунмикин: самимий суяр,  
Ҳиснинг да'ватига фақат бўйсунар,  
Ва қалби инонар шундай тезгина?  
Шунинг учунмикин: Татьянасига  
Тангри баҳш этмишдир кенг ақл блан  
Ис'ёнкор хаёлни, у тенгсиз бошни,  
Жонли иродани ва кенг қарашни;  
Юраги ёлқинли ва нозик экан.  
Севги ҳисларининг енгиллигин сиз,  
Ноҳотки, бир марта кечирмасангиз?

XXV

Ишвакор хонимлар ўйлар совуқ қон.  
Татьяна ҳеч ҳазил қилмай севади,  
Севгига у мутлақ фидо қилар жон,  
Худди бир ёқимтой бола сингари;  
У асло демайди; қўй, қолдирамиз;  
Шундан ишқ баҳосин кўпайтирамиз,  
Тўрга туширамиз ошиқни қулай,  
Дастлаб умид блан санчамиз шундай  
Ернинг иззат нафсин, сўнг тараддуд-ла  
Кўнглини қийнаймиз, ва бундан кейин  
Жонлатамиз ёқиб рашкнинг оташин:  
Бўлмаса завқлардан безган вужуд-ла  
Занжирни ҳар соат узиб қочиш-чун  
Шайланар ҳар ошиқ — ҳийлакор тутқун.

XXVI

Яна қийинчилик сезаман бу он,  
Она юрт номусин қутқариш учун,  
Татьяна мактубин бешак, бегумон,  
Таржима қилишга мажбурман бугун.  
Ёмон билар эди русчани бу қиз,  
Уқимаган эди журналларимиз.  
Татьяна ўзининг она тилида  
Фикрин сўзлар эди қийинлик ила,  
Демак, ёзган эди у французча,

Не қиламиз! Яна этаман такрор,  
Бу кунгача ишқни ҳеч хоним — дилдор  
Баён қилмагандир бир даф'а русча.  
Бой мағрур тилимиз бу кунга давр  
Мактуб прозасига ўрганмамишдир.

## XXVII

Хонимларни русча ўқишга мажбур  
Қилмоқ истайдилар, бу даҳшатли ҳол!  
Уларни мумкинми этмоқ тасаввур:  
Қўллариди бўлсин бизнинг бир журнал!<sup>(20)</sup>  
Шоирларим, гувоҳ бўлингиз бир зум,  
Тўғри эмасми бу: дилбар ва сўлум  
Махлуқлар ҳақида ше'рлар ёздингиз,  
Ёздингиз уларни махфий ва сассиз,  
Сиз бағишладингиз уларга кўнгил,  
Улар эмасмиди рус тилин жуда  
Заиф ва куч блан эгаллаб, худда  
Шу тилни ўхшатиб бузганлар буткул,  
Улар дудоғида бегона бир тил,  
Она тили бўлиб кетмасми енгил!

## XXVIII

Дуч келмасин асло менга, худойим,  
Балда, ё йўл усти бирон даҳлизда  
Сариғ рўмол ўртган семинарист, ёким<sup>104</sup>  
Қалпоқча кийган бир академик-да!<sup>105</sup>  
Табассум учмаган ла'ли лаб каби,  
Грамматик хато бўлмаса асли  
Мен русча жумлани асло севмайман.  
Эҳтимол, бошимга бу бало битган,  
Янги жононларнинг бу ёш бўғини,  
Журналлар зорини тинглаб бир қадар,  
Грамматикани бизга ўргатар;  
Одат ҳам қилишар ше'р ўқувни,  
Лекин, мен... Не даҳли бор менга, зотан?  
Қадимги замонга содиқ қоларман.

## XXIX

Нотўғри, бепарво тузилган жумла,  
 Сўзларни тахминий гапириб бермоқ,  
 Кўксимда уйғотар ҳаяжон — ларза,  
 Аввалги йилларда бўлгандай ҳарчоқ.  
 Уқинишлик учун менда йўқ мадор,  
 Менга ёқимлидир галлицизмлар,<sup>106</sup>  
 Нақ ўтмиш ёшликнинг гуноҳи каби,  
 Худди Богданович ше'ри сингари.<sup>107</sup>  
 Етар, бас. Гўзалим мактуби блан  
 Машғул бўлиш учун келмишдир фурсат.  
 Сўз бергандим, энди етарми жур'ат?  
 Ундан воз кечишга ҳозир тайёрман.  
 Мен биламен: нозик Парни қалами<sup>108</sup>  
 Бизнинг бу кунларда моддан ташқари.

## XXX

Базмлар ва ёниқ қайғу куйчиси,<sup>(21)</sup>  
 Мен блан бўлсайдинг бирга шу пайтда,  
 Азизим, ноқулай ўтинч-ла сени  
 Тинчсизлатган бўлар эдим, албатта;  
 Ошифта у қизнинг ажнабий тилдан —  
 Олган сўзларини сиҳркор, равшан  
 Мақомларга солиб бергил сен, дея;  
 Қайда сен? Келақол: ҳуқуқим сенга  
 Ўзим топшираман та'зимлар блан. . .  
 Ҳузунли қоялар ичида лекин,  
 Фин ери бағрида тўқиб куйларин  
 Мадҳи-саноларни унутиб қалбан,  
 Тентираб у юрар ва унинг руҳи  
 Эшитмас мен чеккан алам-қайғуни.

## XXXI

Татьяна мактуби кўзим ўнгида;  
 Мен уни табаррук дея асрайман,  
 Ўқийман нақадар сирли дард ила,  
 Уни ўқиб, ўқиб қониқолмайман.  
 Бу майинликни ким этмиш талқин?  
 Сўзларнинг бу лоқайд товланган рангин?

Нозик сафсатани талқин этди ким?  
Пучак сўзлари ҳам ширин, бежирим.  
Бу сўзлар хатарли ҳам дилкаш ҳаддан.  
Мен англайолмайман. Ва лекин мана  
Ҳали тўла эмас кучсиз таржима:  
Бу — рангсиз кўчирма жонли лавҳадан.  
Е бу ўрганмаган қиз талабалар  
Фрейшиц<sup>109</sup> куйини чалганга ўхшар.

Т а т ь я н а н и н г   О н е г и н г а  
м а к т у б и

Мен сизга ёзаман; яна не даркор?  
Не дея биламан сизга ман яна?  
Лекин биламанки, сизнинг ихтиёр  
Жазо берсангиз ҳам менга нафрат-ла.  
Қора ёзмишимга бир томчи қадар,  
Марҳамат ва шафқат қилгайсиз лекин.  
Ташлаб кетмагайсиз, янчиб хаёлим;  
Авваллар мен сукут этмоқ истадим.  
Майли жуда сийрак, майли ҳафтада  
Қишлоғимизда мен сизни бир даф'а  
Қўрайин, тинглайин сўзингизни жим,  
Сизга бир оғиз сўз айтай-да кейин  
Янги учрашувга қадар эрта-кеч  
Ўйлайин, ўйлайин унутмасдан ҳеч,  
Деган умид мени қучаркан секин,  
Ишонингки, менинг — шу уялганим,  
Ҳечвақтда тасаввур қилмайсиз, балким..  
Фақат айталарким сиз одамсуймас;  
Чет ёқа қишлоқда зерикармишсиз.  
Биз эса... жозиба эгаси эмас,  
Аммо ташрифингиз биз учун азиз!

Нега бизнинг уйга келиб кетдингиз?  
Ташландиқ қишлоқнинг бир гўшасида  
Сизни ҳеч кўрмаган бўлардим эссиз..  
Аччиқ азобни-да билмасдим сра.  
Тажрибасиз қалбнинг ҳаяжонини  
Бир куни, ким билур, мен энгиб маҳкам,

Кўнгилга мувофиқ топиб бир ҳамдам  
Вафодор бир хотин, шафқатли она  
Бўлардим, тотмасдан ишқ савдосни.

Ўзга биров блан?!.. Йўқ, мен жаҳонда  
Бағишламас эдим кимсага қалбим!  
Тақдирда ёзилган ўзгармас асло,  
Тангри иродаси: сендамиш чеким!  
Бутун ҳаётимнинг эди муроди,  
Сен блан учрашув, сен блан висол,  
Биламанки, сени юбормиш тангри;  
Қабргача мени ҳимояннга ол!..  
Тушимда кўриниш берди хаёлинг;  
Илғаб бўлмаса-да гўзалдинг айни.  
Фўсункор нигоҳинг сиҳр этди мени,  
Руҳимда жаранглаб кетди овозинг.  
Кўпдандир... бир ру'ё эмас эди бу!  
Киришинг бланоқ танидим дарров,  
Тилим тутилганди, танимда олов.  
Ва фикран дердимки, унинг ўзи-ку!  
Рост эмасми? Сени таниди туйғу:  
Йўқсилга узатар экан садақа,  
Еки тўлқинланган руҳ изтиробин  
Номоз-ниёз ила овутган чоқда,  
Мен блан сўзлашдинг тинликда сокин?  
Мана шу лаҳзанинг ўзида менга  
Тиниқ қоронғида кўрсатиб жилва,  
Жимгина суқулиб, бошим силаган  
Худди сен эмасми, эй дилбар хаёл?  
Сен эмасми севги ва севинч блан  
Умиднинг сўзларин шипшитган хушқол?  
Сен ким: ҳимоячи бир фариштами?  
Йўлдан оздиручи маккор одамми?  
Бутун шак-шубҳамни эй хаёл, тез еш!  
Эҳтимол, бўш гапдир бунинг барчаси,  
Тажрибасиз қалбга сароб бўлган эш,  
Бутунлай бошқадир толи' лавҳаси...  
Майли, шундай бўлса! Мен ўз қисматим  
Шу замондан бошлаб тақдим қиламан.  
Қаршингда оқизиб ёниқ кўзёшим,



Елвориб ҳимоянг мен ўтинаман.  
Сен бир фараз қил-чи, мен ёлғиз бир қиз,  
Англамайди мени ҳечким бу ерда.  
Тушунчам-да барбод бўлгуси эрта,  
Ҳалок бўлишга-да маҳкумман сассиз..  
Мен сени кутаман: бир нигоҳ ила  
Қалбнинг умидларин жонлантир, яшат,  
Ё оғир руёни кес, сен ачинма,  
Сазога лойиқ бир итоб-ла, ҳайҳот!

Битирдим! Даҳшатдир кўздан кечириш..  
Уятдан, қўрқувдан қақшайди бу дил..  
Лекин, виждонингиз менга кафилмиш,  
Унга топшираман ўзимни дадил..

### XXXII

Татьяна ухламай оҳ-воҳ тортади.  
Мактуби қўлида дамодам титрар;  
Пушти ранг конвертни ёпиштиради.  
Қиз лаблари қақроқ, ёниқ... у дилбар  
Чиройли бошини эгди киптига;  
Енгил ич кўйнаги туши кўксига  
Унинг латифгина оқ елкасидан.  
Энди ой ботади... Узоқда водий  
Туманлар ичидан ёришар...Анҳор  
Кумушланди; чўпон найининг доди  
Шу вақт қишлоқининг кўзини очар.  
Мана тонг, одамлар кўпдан турганлар:  
Аммо Татьянамиз бундан беҳабар.

### XXXIII

Сезмайди Татьяна тонгнинг нурини,  
Бошни қуйи солиб ўтирарди қиз,  
Мактубга ўзининг ўйма муҳрини  
Босишга қўллари бормасди ёлғиз;  
Лекин, секингина эшикни очиб,  
Қиради патнисда ноништа олиб,  
Сочлари оқарган кампир — энага.  
«Болажоним, тургил, вақт алла-палла:

Вой, гўзал дилбарим, тайёр экансан!  
Оҳ менинг саҳархез кичкина қушим,  
Тун оқшом қўрқувдан кетганди ҳушим!  
Тангрига шукурки, соғлом кўраман!  
Тундаги қайғунгдан йўқ биронта из.  
Юзларинг доларанг ёнмоқдадир, қиз!»

#### XXXIV

— Воҳ! Эна, сен менга бир мурувват қил,  
«Оппогим, буюргин, қилабер фармон». —  
— Уйлама... тўгриси... гумон қилмағил!  
Сўзимни қайтарма, лекин, энажон. —  
«Жоним, сен айтабер, худойим кафил»  
— Мана, набирангдан махфий юборғил  
Шу хатни ана у... элтсин О...га...  
Қўшнимиз-чи ану... уқдирки, яна  
Уерда бир оғиз гап гапирмасин.  
Айтиб қўймасин у менинг отимни... —  
«Ёқимтойим, кимга, берсин хатингни?»  
Шу кунларда миям айнагани чин.  
Атрофда жуда кўп ҳамсоялар бор;  
Уларни санашга менда йўқ мадор».

#### XXXV

— Мунчаям бефаҳм бўлгансан, эна! —  
«Азиз жигарпорам, энди қаридим;  
Татьянам, зеҳним хит — ўтмас бўлмоқда,  
Бир вақтлар, ўтди-да, мен зийрак эдим,  
Жаноблар оғзидан на чиқса — дарров...»  
— Оҳ, эна, оҳ, эна! Шунчами чайнов?  
Эҳтиёжим борми сенинг ақлингга?  
Кўриб турасан-ку, гап Онегинга  
Бир мактуб юбориш ҳақида зотан. —  
— «Тушундим гапингни... қизишма, жоним!  
Биласан-ку эсдан кетаётганим...  
Нима бўлди, рангинг қум ўчди, недан?»  
— Ҳечнима бўлган йўқ, эна, қўявер,  
Тездан набирангни сен юборавер —

## XXXVI

Бир кун кечди, лекин, ундан йўқ жавоб.  
 Яна бир кун ўтди; йўқ сра дарак.  
 Татьяна эрта-кеч чекиб изтироб  
 Кутиб ўтиради, ранги соядек.  
 Қелганди Ольгани севиб топинган,  
 Савол ёғилганди уй бекасидан.  
 «Айтинг, ошнангиз қаерда юрар?  
 У бизни бутунлай унутган ўхшар».  
 Лов ёниб қалтирар эди Татьяна.  
 — Бу кун келиш эди унинг ва'даси,  
 Почтада кечикиб қолган чамаси!—  
 Ленский кампирга дегач, оҳиста  
 Татьяна яширди ўз нигоҳини,  
 Гўё эшитгандек аччик гинани.

## XXXVII

Оқшом қоронғиси. Столда порлоқ,  
 Шақиллаб қайнарди кечки самовар,  
 Хитойи чойнакни қиздириб узоқ,  
 Бурқиб учар эди еп-енгил буглар.  
 Ольганинг қўлида тоза, хушбўй чой  
 Чойнакдан худди бир қора уқадай  
 Қуюлиб турарди пиёлаларга,  
 Қаймоқ тортар эди хизматкор бола;  
 Дераза олдида Татьяна ёлғиз,  
 Совуқ ойналарга тутиб нафасин,  
 Фикрга толарди; бироздан кейин  
 Латиф бармоқ блан аста ёзар қиз  
 Туманли ойнага юрагида жо  
 Бўлган икки ҳарф — я'ни «Е» ҳам «О».

## XXXVIII

Сиқилар қиз дили, куярди жони,  
 Хумор кўзлари ҳам ёш блан тўла.  
 Тўсатдан дукурлаш!.. Қотди қиз қони.  
 Мана яқин! Отлар чопар... қўрага...  
 Евгений!.. «Воҳ!» дея соядан енгил

Қиз бошқа йўлакка ҳатлайди эпчил,  
Зинадан ҳовлига, сўнг, тўғри боққа  
Учади, учади; у орқа ёққа  
Қарашга ботинмас; зумда айланар  
Гулзорлар, кўприклар, кичик ўрмонни,  
Кўлга туташучи бир хиёбонни,  
Сирень новдалари юзин тирмалар,  
Гулзорлардан учар экан чашмага,  
Нафаси тиқилиб скамейкага

### XXXIX

Йиқилди...  
«Бу ерда ҳозир у! Бунда Евгений!  
Ераббим! У нима ўйлади экан!»  
Дарду-ҳасрат тўла қиз юрагини  
Умиднинг қоронғи орзуси қучган,  
Татьяна қалтирар, нафаси ёниқ.  
Келаётганмикан? Кутар; лекин «тиқ»  
Этган бир товуш йўқ. Шул чоқ боғчада  
Хизматчи аёллар терарди мева,  
Буйруққа биноан қўшиқ айтишар.  
(Баринлар мевасин ўғринча тагин  
Тама'хўр оғизлар ошаб қўймасин,  
Деган андишадан чиққан бир буйруқ;  
Бу ҳам қишлоқдаги айёрлик, қувлиқ!)

### Қизлар қўшиғи

Қизчалар, дўндиқчалар,  
Ўртоқжонлар, шўх ўйнанг,  
Сиз ёқимтой қизчалар,  
Яшнаб ўйнанг, тўхтаманг!  
Чўзиб айтинг лапарни,  
Дил севган ашулани;  
Тортинглар йигитчани  
Бизнинг тўп ашулага.  
Йигитчани гортган чоқ  
Олисдан кўриб, иноқ  
Тумтарақай қочайлик.  
Олчани, малинани

Ва смородинани  
Ҳартомондан отайлик,  
Кўнгил сири — куйини  
Зимдан тинглашга юрма.  
Қизларнинг ўйинини  
Кўриш-чун мўралама.

## XI

Улар куйлашади; жуда бепарво —  
Эшитар уларнинг шўх куйини қиз,  
Қолмасин юракда ҳаяжон асло,—  
Деб кутиб турарди бунда сабрсиз.  
Қошки, яноқларнинг ўчса оташи,  
Бармоқларининг-да қолмас титраши.  
Сўнмас юзларининг яллиғи асло,  
Равшанроқ, ёрқинроқ ёнарди ҳатто...  
Шўх мактаббачанинг қўлида асир  
Бечора капалак шундай синади,  
Гүлдор қанотлар-ла типирчинади;  
Шу тахлит шудгорда титрайди зир-зир  
Жимгина бекинган овчини қуён  
Узоқлардан пайқаб қолса ногихон...

## XLI

Ростлаб нафасини энг сўнг Татьяна  
Қўзғолди ўрнидан; бирнеча одим  
Отди: қайриларкан бир хиёбонга,  
Ногихон бу қизнинг қаршисидан жим,  
Бир ёвуз кўлкадек, кўзлари чақноқ  
Евгений Онегин чиққанди шул чоқ.  
Бошидан нақ олов қуйилган каби  
Қиз турган жойида тўхтаган эди.  
Фақат, кутилмаган бу учрашувни,  
Оқибатларини, дўстларим, букун  
Менда тўзим йўқдир ҳикояси-чун;  
Кўп узоқ сўзладим, энди мен уни,  
Бироз ором олиб, бироз ёйилиб:  
Сўнг тасвир этарман бир илож қилиб.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

La morale est dans la nature des choses.  
*Necker*<sup>110</sup>.

I. II. III. IV. V. VI.

### VII

Қанча оз муҳаббат қўйсақ хотинга,  
Еқамиз унга биз шу қадар осон.  
Фуснкор тўрларга шунчалик инжа  
Чулғаб маҳъ этамиз уни бегумон.  
Муҳаббат илми деб топганди шуҳрат  
Бир вақтлар пардасиз бузуқлик албат,  
Ҳарерда ўзини қилиб овоза,  
Муҳаббат қўймасдан завқ сурди роса.  
Лекин бу ҳашаматли ҳангома — ўйин  
Мақтанилган эски боболар даври —  
Учун хосдир, унинг чол маймунлари  
Учун муносибдир. Лавлослар бугун  
Шуҳратни йўқотди, ўтди улуғвор  
Париклар<sup>112</sup> шуҳрати блан бир қатор.

### VIII

Мунофиқлик кимни бездирмас, айни —  
Нарсани турлича қилароқ такрор,  
Қўп чоқдан ҳаммага ма'лум нарсани  
Виқор-ла уқтириш ким учун даркор;  
Бирхил э'тирозлар эшитмоқ ҳарчоқ,  
Хурофотларини маҳв этиб йиқмоқ,  
Ҳолбуким, бўлмаган ва йўқдир шу дам  
Энди ўн уч ёшга кирган қизда ҳам!  
Кимни бездирмайди таҳдидлар тоши,

Саждалар, қасамлар ва мавҳум қўрқув,  
Қулоч, қулоч қилиб номалар ёзув,  
Алдашлар, ғийбатлар, узук, кўзёши,  
Хола, оналарнинг доим тергови,  
Эр деган зотларнинг дўстлик бўғови!

## IX

Шундай деб ўйларди бизнинг Онегин.  
Ўспирин чоғида у бўлди қурбон  
Жўшқин гумроҳликка, яна бетизгин  
Қутурган ҳирсларга ботиб ноғихон;  
Ҳаёт расми, урфи блан талтайди,  
Бирига бир муддат кўнглин боғлайди,  
Бошқа бирисидан кўнглини узиб,  
Орзу-ҳаваслардан оҳиста безиб,  
Ҳорди енгил-елпи ғалабалардан,  
Ҳам шовқин, ҳам сукут ичида ҳамон,  
Тинглади руҳидан абадий фиғон,  
Ланжликни босди у қаҳқаҳа блан:  
У шундай маҳв этди саккиз йилини,  
Бой бериб умрининг чечак фаслини.

## X

Гўзалларга ортиқ, қўймасди кўнгили,  
Сургалиб юрарди истар-истамай,  
Рад этсалар, дарҳол овунарди ул.  
Хиёнат қилсалар — у шод, дам олгай.  
Дилбарлар кетидан юрар ҳавассиз,  
Ташларди уларни қилмайин афсус,  
Ишқин ва аччиғин эслаб гоҳ бир он,  
Карта ўйинига келган бир меҳмон  
Сингари такаллуф билмай келар у,  
Ўтириб ўйнайди; тугагач ўйин  
Чиқиб жўнаб қолар ҳовлидан ҳар тун,  
Ўйда тинчгина қучади уйқу.  
Эрталаб турганда билмайди ўзи  
Кечқурун қаерни мўлжаллар кўзи.

## XI

Лекин, Татьянанинг олиб хатини,  
 Онегин юрагин босди ҳаяжон:  
 Қиз хаёлларининг самимий тили  
 Фикрлар галасин учурди бир он;  
 Ғўзал Татьянанинг ўчиқ юзини,  
 Хотирлади унинг ғамгин тусини,  
 Аллақандай ширин, покиза хаёл  
 Қучоқлади уни, у боғди дарҳол.  
 Эҳтимол қадимги ҳислар қизгини  
 Уни эгаллади бир минутгина.  
 Лекин истамасди алдашни сра  
 Ишонучан, содда қизнинг дилини.  
 Энди биз қайтайлик боғчага яна,  
 Унга учрагани бунда Татьяна.

## XII

Туришди сўзламай улар бир нафас;  
 Сўнг, қизнинг ёнига келди Онегин;  
 Ва деди: «Ёзгансиз, тониш керакмас,  
 Менга хат; мен уни ўқидим, лекин  
 Ўқидим содда руҳ э'тирофини,  
 Покиза севгининг изтиробини,  
 Самимиятингиз мен учун азиз:  
 Қачонлар жим бўлган ҳисларни ёлғиз  
 Ҳаяжонга солган фақат угина;  
 Сизни мақташликни мен хоҳламайман,  
 Самимиятингиз ҳақин тўлайман.  
 Айни очиқ кўнгил бир иқрор ила.  
 Тавбам — юрак сирим қабул қилингиз:  
 Ўзимни топширдим, надир ҳукмингиз.

## XIII

«Агар мен ҳаётни фақат уй ичи —  
 Оила дебгина орзу қилсайдим,  
 Қачон ота ва эр бўлиш меҳрини,  
 Толиим менга-да буюрса, ёким  
 Мафтун бўлиб бир кун, лоақал лаҳза



Қилсам оилани мен мулоҳаза,  
У чоқ мен қидирмас эдим ҳечқачон  
Сиздан бошқа ҳечбир қаллуқни бир он.  
Маддоҳлик, гапдонлик қилмасдан ёлғиз  
Айтайин, бўлсайди аввалги ғоям;  
Фақат сизнигина танлардим у дам,  
Бутун гўзалликка гаров ўзингиз,  
Бу ғамли умримга сиз бўлиб чин ёр,  
Бўлардим, армонда қолмай, бахтиёр!

#### XIV

«Мен яратилмадим ҳаловат учун;  
Руҳимга бегона хушбахтлик тамом.  
Сиздаги камолат беҳуда бутун,  
Мен унга сазовор бўлишим маҳол.  
Инонинг (виждоним кафилдир сизга)  
Эр-хотин бўлишлик азобдир бизга..  
Мен сизни на қадар куч-ла севмайин,  
Ўргандимми, севгим тез сўнар лекин;  
Бошлайсиз йиғини: кўзёшларингиз  
Менинг қалбимга ҳеч тўқинмаяжак,  
Балки, уни баттар қутуртиражак.  
Ўзингиз бир ўйланг — бу иқболимиз,  
Бунни ҳозирлайди бизга Гиминей,<sup>114</sup>  
Эҳтимол, бу нарса кўпга чўзилгай.

#### XV

«Дун'ёда ёмонроқ яна нима бор  
Шундай оиладан, унда иложсиз  
Бир хотин нолайиқ эрдан йиғлаб зор,  
Кундуз ҳам, оқшом ҳам, ўтирар ёлғиз.  
Шўр тумшуқ эр унинг билиб қадрини  
(Лекин, хўп ла'натлаб ўз тақдирини),  
Ҳамиша мум тишлаб, қовоғи солуқ,  
Жаҳлидан тушмайди, рашк этар совуқ:  
Мен шундай. Сиз тоза, ёлқин руҳ блан,  
Сиз шундай соддалик, шундай ақл-ла  
Менга у мактубни ёзган дамларда,

Ахтарганмидингиз мендайни чиндан?  
Ажабо, сиз учун шундай бир улиш  
Раҳмсиз тақдирдан насиба бўлмиш?

#### XVI

«Хаёл, ўтган умр ортига қайтмас,  
Мен энди руҳимни ёш қилолмайман.  
Мен сизни севаман акадек холос,  
Ва балки бундан ҳам нозик севаман.  
Тинглангиз сиз мени ғазабланмайин:  
Ёш қиз олмоштирар кўп мартаба чин  
Хаёллари блан енгил фикрини.  
Биласиз, дарахтлар ўз баргларини  
Янгилаб туради боғда ҳар баҳор.  
Шундай ҳукм этганга ўхшайди само.  
Янгидан сиз яна севарсиз: аммо...  
Ўзни тутишни-да ўрганмоқ даркор;  
Ҳарким тушунмайди менга шекиллик.  
Офатга элтади тажрибасизлик».

#### XVII

Евгений Онегин ва'з этди шундай.  
Кўзёши оралаб кўрмай ҳечнима,  
Зўрға нафас олиб, нақ йиқилгундай,  
Индамай эшитиб турди Татьяна.  
Кўл чўзди Онегин, Татьяна маҳзун  
(Ғайри-ихтиёрий, шуурсиз бутун)  
Ҳечнима сўзламай, бошин эгарак,  
Ўнинг гавдасига суялди андак;  
Полиздан айланиб уйга жўнашди.  
Иккови кирганда, буларни ҳечким  
Айбламас, уларга бир сўз демаским,  
Гердайган Москвада бўлгани каби —  
Бунда ҳам қишлоқча содда, бахтиёр  
Йигит ва қиз аро эркинликлар бор.

#### XVIII

Бизнинг ошнаимиз хушмуомила,  
Ғамли Татьянага яхшилик қилди.

Ўқучим, қойилсиз бунга албатта.  
Руҳининг чинакам асслигини  
Шунингдек кўп даф'а қилмиш намоён,  
Инсондан бадхоҳлик кўриб ҳар замон —  
Қалбида ҳислари қотганди гарчи:  
Унинг душманлари, унинг дўстлари,  
(Балки, иккиси ҳам айни бир нарса)  
Уни ёмонлади ҳар мақом блан.  
Дун'ёда ҳаркимда бўлади душман,  
Фақат, раббим, ўзинг дўстлардан асра!  
Оҳ, дўст бўлмишларим, дўст бўлмишларим!  
Беҳуда эмас бу хотирлашларим.

## XIX

Нима? Нима бўлар. Мен ухлатаман  
Бўмбўш ва қопқора хаёлни фақат.  
Мен ёлғиз шуни қайд этиб ўтаман:  
Бўлар шундайин чиркин бир туҳмат,  
Уни тўқир қабиҳ ёлғончи шайтон,  
Жоҳил кибор қилар уни хўб чаққон;  
Бўлур шундай тагсиз, пучак уйдирма,  
Бўлур энг беадаб, ифлос ҳажвия —  
Уни ҳам дўстингиз тиржайиб беор,  
Оддий воқияни сўзлаган каби,  
Дуп-дуруст одамлар ичра ҳар гали.  
Билар-билмас, юзлаб қилади такрор.  
Ҳолбуки, у сиз-чун суянган тоғдай,  
Сизни шундай севар... нақ туғишгандай,

## XX

Хўш, меним қимматли, нодир ўқучим,  
Саломатми сизнинг қавми-қариндош?  
Менга рухсат этинг, лозимдир балким,  
Қариндошлар нима эканини фош  
Этайин, ўрганинг сиз энди мендан,  
Қариндош-уруғлар шундайдир зотан:  
Биз мажбур уларни эркалаш учун,  
Кўнгилдан севарак ҳурматлаш учун,

Ва яна бўйсуниб халқ оdatига,  
Йил боши ҳайтида ҳол-аҳвол сўраш,  
Е жилла бўлмаса хат ёзиб қутлаш;  
Сабаби шу: йилнинг ўзга фаслида  
Улар бизни сра ўйлаб кўрмасин...  
Гап шу, тангри узоқ умрлар берсин!

## XXI

Нафис гўзалларнинг севгиси лекин  
Дўстликдан, уруғдан ишончлироқдир;  
Қизгин бўронда ҳам ишқнинг тизгинин  
Қўймайсиз ва сизнинг томонда ҳақдир.  
Тўғри гап бу. Лекин мода долғаси,  
Яна табиатнинг ўзгачалиғи,  
Яна киборларнинг таналари зил,  
Ҳолбуки, латиф жинс укпардай енгил...  
Сўнгра фазилаткор бир хотин учун  
Эрнинг ўйи, фикри яна бегумон,  
Муҳтарам бўлиши керакдир ҳар он.  
Содиқ рафиқангиз кўзлари сузгун.  
Ба'зан бир лаҳзада ўйноқлар дили.  
Чунки ишқ, муҳаббат шайтон ҳазили.

## XXII

Кимга ишонайлик? Кимни севайлик?  
Айтинг-чи, хиёнат қилмас ким бизга,  
Ҳар ишни, ҳар сўзни ўлигин тирик  
Қилароқ ким ўлчар бизнинг газ ила?  
Бўхтон уруғини ким бизга сепмас?  
Эркалар ким бизни, меҳрин аямас?  
Кимга офат эмас бизнинг айбимиз?  
Ким ҳеч қолдирмайди бизнинг таб'имиз?  
Шарпа қидиручи, овора, шошқоқ,  
Эй менинг муҳтарам, асл ўқучим!  
Ғайратни беҳуда маҳв этмай, балким,  
Ўзингизнигина севингиз ҳар чоқ!  
Бу жуда соз, бундан ўзгани асти  
Бундан яхшироқни ўйламанг асли.

## XXIII

Тунги учрашувнинг оқибати на?  
Ҳайҳот, мушкул эмас буни пайқамоқ!  
Севгининг изтироб, алами телба;  
Ҳасратга чанқаган ёш руҳни ҳар чоқ  
Ҳаяжон ичида қақшатар эди,  
Йўқ, Татьяна баттар ўртанар эди.  
Қоронғи-наш'асиз ҳис чангалида  
Ётоғидан уйқу қочди жимгина;  
Соғлиқ, ҳаёт нури, лаззат, табассум,  
Қизлик оромлари йўқолди бутун,  
Йўқолди барчаси гўё бўш бир ун,  
Сўнар нозик қизнинг ёшлиги ҳарзум:  
Ёришиб келучи кун шу'ласини,  
Бўроннинг кўлкаси ўраган каби.

## XXIV

Ҳайҳотки, Татьяна сўлар оҳиста,  
Ранглари синиқар, сўнар, индамас.  
Уни қизиқтирмас асло ҳеч нарса,  
Ҳеч нарса руҳини тебратаолмас.  
Қўшнилар бошларни чайқаб, ўзаро  
Шивиллашадилар тўпланиб гоҳо:  
Эрта-индин демай тез эрга тегсин!..  
Лекин, етар шу гап. Мен тезгина чин  
Ма'суд бир севгининг тасвири ила  
Энди хаёлларни бир қувонтирай.  
Фақат, азизларим, ихтиёрсиздай,  
Афсус ва қизғониш сиғмас кўксимга,  
Кечирингиз мени: чунки шу қадар,  
Севаман Танямни, у шундай дилбар!

## XXV

Ёш Ольганинг ҳусни ҳар соат сайин  
Ленский қалбини айлади асир.  
Лекин бу тутқунлик унинг-чун ширин,  
Бутун руҳи блан берилди шоир.

Ольга бўлмасида ҳамиша улар  
Иккови хилватда иноқ ўтирар;  
Боғчада сахарлар қўлма-қўл бўлиб,  
Кезишар иккиси бахтларга тўлиб;  
На бўлди? Шоирни севги маст этган.  
Нозик уялишдан саросимада,  
Ольга табассум-ла бераркан далда,  
Шундай жасурланиб, Ленский ба'зан  
Ольганинг жингалак зулфини сийпар  
Ёки кийимининг бир четин ўпар.

## XXVI

Ахлоқий-та'лимий романи олиб,  
Ольгасига ўқиб беради ба'зан,  
Шатобриан <sup>115</sup> ҳам кетади қолиб  
Табиат билишда у романчидан;  
Ўқиб турган чоқда, икки-уч бетни,  
(Қизларнинг қалбига бу жой кўрқинчли,  
Чунки, уйдирмалар ва талвасалар)  
Ленский қизариб, ўқимай ўтар.  
Тинч жойга чекиниб ҳаммадан узоқ,  
Бир шахмат тахтаси узра иккиси,  
Столга ёнбошлаб, ба'зи вақт жиддий  
Чуқур ўйга ботиб ўйнайлар иноқ,  
Ленский шунча ҳам паришонхотир,  
Ўз рухин пиёда блан оладир. <sup>116</sup>

## XXVII

Ўйга борганда ҳам Ленский яна  
Машғул бўлар эди Ольгаси блан.  
Альбом япроқларин ўз ёри Ольга  
Хотираси учун безайди ўбдан:  
Гоҳ солар қишлоқнинг манзараларин,  
Гоҳ қабр тошлари, Киприд ма'бадин, <sup>117</sup>  
Ё қалам ва ранглар блан у безар  
Лиранинг устида бир кичик кафтар.  
Гоҳо эсдаликнинг варақларига,  
Бошқа кўп ҳар турли имзодан кейин

Езарди ўзининг латиф бир ше'рин,  
Ше'рки, хаёллар узра лол жиға  
Бу, оний фикрнинг ўчмас бир изи,  
Кўп йиллар ўтса-да у айнан ўзи.

### XXVIII

Қишлоқи бир қизнинг альбомчасини  
Албатта кўргансиз кўп марта, анча,  
Буни пастдан, бошдан, гир айланаси,  
Қоралаб ташлаган дўст ёри, барча.  
Имло қондаси барбод этилган,  
Вазнсиз ше'рлар нақлан битилган.  
Самимий дўстликни эслатиш учун  
Ёзилган, йўнилган, қисқа ва узун.  
Илк бетда кўрасан шундай орзуни:  
*Qu'écrirez vous sur ces tablettes.*<sup>118</sup>  
Яна шу имзони: *t. a. v. Annette.*<sup>119</sup>  
Сўнгги бетда эса ўқийсан буни:  
«*Ким мендан ортиқроқ севар-кан сани,  
Мендан қуйироқда ёзсин-чи, қани*»

### XXIX

Албатта, кўрасиз альбом ичида  
Икки қалб, маш'али ва гуллар, тагин<sup>120</sup>  
*Қабр тошигача ўз севгисига*  
Содиқ қолиш учун берган қасамин.  
Бу ерда қандайдир аскарый нозим,<sup>121</sup>  
Қабиҳ байтларини сўққан бефаҳим.  
Дўстларим ўзим ҳам, э'тироф қилай,  
Езардим бўлсайди бир альбом шундай,  
Чунки мен ишонган бўлардим чуқур,  
Тиришиб сўзлаган бўш-бўғов гапим  
Лутфикор нигоҳни жалб этар, балким,  
Сўнгра, заҳарханда, бема'ни гурур  
Ила суруштириб ўтирмаслар, хўш,  
Елғонни қотира билдимми ё бўш.

### XXX

Сиз эй ажиналар кутубхонаси,  
Паришон ва тарқоқ жилдлар, ва қиймат

Чиройли альбомлар, сизлар модали  
Қофиябозларни қийнайсиз фақат,  
Сиз, эй Толстойнинг мўжиз бўёғи,  
Ё Баратинскийнинг тутган қалами  
Блан безатилган альбомлар тор-мор —  
Бўлингиз, танграмнинг қаҳрига дучор!  
Порлоқ ва муҳташам бир хоним агар  
Менга узатганда ўз альбомини,  
Бир титроқ, бир зарда босади мени,  
Руҳимда илондай кўзғалиб қолар  
Уша хоним учун ўткир ҳажвия,  
Сен ахир, ёзгансан унга мадҳия!

### XXXI

Ешгина Ольганинг альбомчасига  
Ленский мадҳия ёзмас ҳечқачон.  
Қалами яшайди ёниқ ишқ ила,  
Совуқ гапдонликдан озод бу илҳом.  
Неларки, у Ольга ҳақда эшитар  
Ё кўрар, барчасин ше'рига битар:  
Жонли ҳақиқат-ла тўлиб-тошароқ  
Оқар ўланлари худди бир булоқ.  
Сен эса, Язиков<sup>122</sup>, илҳомли шоир,  
Қалбингда ҳаяжон мавжланар экан,  
Бир тангри билади, кимни куйлайсан,  
Бутун тақдирингнинг қиссасин, нодир,  
Мунгли ғазаллардан қимматли девон  
Тақдим этажакдир сенга бир замон.

### XXXII

Жим қолгин! Қулоқ сол! Қат'ий танқидчи  
Ҳисси ше'рларнинг гул дасталарин  
Айтиб ташлашликка буюрадики,  
Қофиябозларга кўтариб сасин  
Кичқирар: «Тўхталинг йиғи сифидан,  
Ҳарвақт айни гапни вақиллаш экан,  
Ўтмишга, мозига ачиниш етар,  
Бошқа тўғриларда куйлангиз» — деяар.  
— Сен ҳақли, ҳам, тўғри, сен кўрсатасан,



Карнайни, ниқобни, ханжарни биз-чун.<sup>123</sup>  
Фикрларнинг ўлик маблағин бутун  
Тиргизишга яна фармон қиласан:  
Дўстим, шундаймасми?— Ҳечбир. Ҳечқачон!  
«Ёзинг, афандилар, қасидалардан,<sup>124</sup>

### XXXIII

Ёзинг, бурун қандай ёзган бўлсалар,  
Қадимда у расм бўлгани каби..»  
— Фақат тумтароқли ше'р-қасидалар!  
Ётар, бас, ошнам, бирмасми бари?  
Сатирик<sup>125</sup> на деган уни эслаб тур!  
Ноҳотки, сен учун афзал бўлибдир —  
Хафақон қофиябозлардан, балки —  
*Бегона ма'нонинг айёр лирики?*—  
«Лекин элегияда ҳарнима пучак;  
Ҳечдир у аянчли мақсади блан  
Қасиданинг эса гоёси баланд  
Ва олийжанобдир...» бу ерда андак  
Баҳслаш мумкинку-я, айтмайман ҳечбир:  
Истамам талашсин шу икки аср.<sup>126</sup>

### XXXIV

Қайноқ ўйларининг мавжланишида  
Шухрат ва эрклик ошиқи шоир  
Ёзаолар эди қанча қасида,  
Уни ўқимасди Ольгаси, ахир.  
Йиғлоқ шоирларга тўғри келганми,  
Севгилиларига асарларини,  
Кўзма-кўз ўқишлик? Айталар гўё  
Мукофот йўқ эмиш бундан ҳам а'ло.  
Ишқни, қўшиқларни туғдирган жонон  
Ёқимли, хуморкўз бир маликага,  
Ўз хаёлларини ўқиб бермак-ла,  
Қамтар ошиқ сезар бир лаззат ҳар он.  
Ҳолбуки, эҳтимол ўша севгили —  
Бошқа хаёл ила ўйнайдир дили..

Оҳангдор ўйларим ва хаёлларим  
 Самараларини аввал мен ўзим:  
 Қари энагамга ўқийман доим,<sup>127</sup>  
 У эди болалик чоғимда дўстим.  
 Ё тушки овқатдан кейин зерикиб,  
 Тентираб бош суққан қўшнини сезиб,  
 Этагидан ногоҳ ушлаб оламан,  
 Трагедиям-ла хиппа бўғаман,  
 Еки (бунисида сра йўқ ҳазил),  
 Қофия ва қайғу блан мен толиб;  
 Бир кўл ёқасида кезаман қанғиб,  
 Еввойи ўрдақлар чўчийди енгил:  
 Тинглашиб хуш садо созим қўшиғин,  
 Соҳиллардан учиб кетишар шошқин.

## XXXVI. XXXVII

Хўш, Онегин қалай? Оғалар, пайти!  
 Сўрайман сизлардан, қилингиз сабр:  
 Нимадир ҳар кунги машғулияти,  
 Мен унинг тавсифин қилай бирма-бир  
 Гўшанишин бўлиб яшар Евгений,  
 Соат еттида у турар ёз куни,  
 Ҳам енгил кийиниб жўнайди якка,  
 Тоғлар этагида жўшқин дар'ёга.  
 Гулнор шоирига тақлид қилароқ,<sup>128</sup>  
 Ушбу Геллеспонтдан<sup>129</sup> сузиб кечарди.  
 Бир ёмон журнални варақлаб, қайноқ  
 Қаҳвасини кейин аста ичарди,  
 Сўнг кийинарди...

## XXXVIII. XXXIX

Кезишлар, ўқишлар ва қаттиқ уйқу,  
 Урмонлар кўлкаси, сувларнинг саси,  
 Қора кўз капалак бутун беқайғу,  
 Тегиб ўтган тирик, тоза бўсаси,  
 Нозик ва ҳам лазиз ҳар тушки овқат,  
 Жиловга ўрганган югурик бир от,  
 Бир шишада тиниқ, шу'ларанг вино,

Одамлардан узоқ — жимжит бир дун'ё:  
Мана Онегиннинг эзгу ҳаёти;  
Бунга у берилди ҳиссиз, бепарво,  
Беғам роҳат ичра йўқ эди ҳатто,  
Гўзал ёз кунларин санашга тоби;  
Унутилди дўстлар ва шаҳар бутун,  
Байрамлардаги бўш ҳангома-шовқун.

#### XL

Лекин, бизнинг шимол ёзлари тамом —  
Жануб қишларига карикатура,  
Лип этиб ўтади, ўчади ҳамон,  
Э'тирсф қилмаймиз — бу ма'лумку-я.  
Мана кўкда кезар кузнинг нафаси,  
Сийрак ялтирайди қуёш шу'ласи.  
Кундуз борган сари қисқарар эди;  
Ҳазин шовқин блан очилар эди,  
Ўрмонларнинг сирли, қучоғи. Ёғин.  
Далага чўзилиб ётарди туман,  
Қақилдоқ ғозлардан учди бир карвон  
Жануб томонларга: келарди яқин  
Юрак қиздиручи ҳазин бир палла;  
Ноябрь эшикни қоқади ана.

#### XLI

Совуқ қоронғини ёради шафақ;  
Тинди иш шовқини экинзорларда;  
Оч она бўрини етаклаб шу вақт  
Йўлга чиққан, мана у овда  
Йўлчининг айғири йиртқич изини  
Сезиб пишқиради, тадбирли киши  
Орқа-ўнгга боқмай чопар тоғ томон.  
Тонг шафақ ёйганда уйғониб чўпон,  
Ҳайдамас оғилдан энди сигирлар,  
Кун ярим бўлганда бир доирага  
Тўпламас уларни ўз найи ила.  
Кулбасида куйлаб қиз ип йигирар, <sup>(22)</sup>  
Ёнида милтирар дудли жинчиरोқ  
Қишки кечаларда қизга бу ўртоқ.

## XLII

Мана чарсиллайди изғирин совуқ,  
Далалар бағрига сочди кумуш гул...  
(Уқучи кутади бунга мувофиқ  
Қофия; мана тез олақол: булбул!)  
Порлайди муз кийим кийган бир анҳор;  
Мойлаб тозаланган паркет сингари.  
Бир тўда шўх, ўйноқ эркак болалар  
Конькида ғизиллаб кесади яхни.<sup>(23)</sup>  
Панжалари қизил оғир — лаппос ғоз  
Сувлар оғушида истайди юзмак,  
Музга қадам қўяр, юрмасдан андак  
Сирғаниб йиқилар; кўкларда парвоз  
Қилиб тинмай учар биринчи шўх қор,  
Юлдузлар сингари қирғоққа ёғар.

## XLIII

Қишлоқда нетасан шундай фаслда?  
Кезишми? Қишлоқнинг бу қишки пайти  
Яланғоч ва бир хил манзараси-ла  
Кўзни беихтиёр зериктиради.  
От миниб чопишми совуқ саҳрода?  
Музни тишлайолмас ейилган тақа.  
От мингач, ҳар онда кутиб тур бирдан  
Сирғаниб мук тушиб йиқилмасмикан.  
Кулбанг, бошпанангда ўтирабер тин.  
Ўқи: ана Прадт<sup>130</sup> мана W. Scott<sup>131</sup>  
Истамайсан? Чиқим дафтарин ол бот,  
Текшир ва аччиғлан, ё ич, узоқ тун  
Бир нав'и ўтади; шундай қил эрта,  
Қишни ўтказасан зерикмай сра.

## XLIV

Чайлд Гарольд ўзи Онегин гўё,  
Ўйчан танбалликка шўнғиган бутун:  
Уйқудан кўз очиб муздай ваннага  
Тушар, сўнг ҳовлида қолар бутун кун.  
Кўлда учи тўмтоқ бильярд таёғи,  
Мўлжаллаб урмоқнинг йўқдир саноғи.

Елғиз ўзи тонгдан бильярд ўйнар,  
 Фақат икки шарни бир-бирига урар.  
 Секингина чўкар қишлоққа оқшом,  
 Бильярдни қолдирар, таёқни ташлар,  
 Каминнинг олдида дастурхон яшнар.  
 Евгений кўтади: келади шу дам  
 Ленский уч отли ўз чанасида:  
 Овқатланмоқ кераклир тезла!  
 Қлико туллари ёки Моэта<sup>132</sup>

#### XLV

Чиқарган табаррук шароби шу чоқ  
 Шоир Ленский-чун яхлек шишада  
 Тез олиб келинар,— очалар чанқоқ,  
 Эпокренадек<sup>133</sup> ярқирар нўри,  
 Бу май товланиши, яна кўпиги  
 (Яна у бошқа кўп хислатлари-ла)  
 Мени асир этган: мен унга эса  
 Бир вақтлар энг сўнгги чақам берардим,  
 Балки, хотирларсиз дўстларим, буни?  
 Майнинг энг сиҳрли оқиш учқуни  
 Уҳ, қанча шўхликлар туғдирардиким...  
 Ше'рлар, ҳазиллар, баҳслашув, кулгу —  
 Ва қувноқ тушларни бағишларди у.

#### XLVI

Лекин, қайнаб тошган кўпиги ила  
 Бу шароб ме'дамини бузар шу маҳал,  
 Қайнамас ва ювош *Бордонигина*<sup>134</sup>  
 Кўнглим ундан энди кўради афзал.  
*Аига*<sup>135</sup> қолмади сра тоқатим; (<sup>24</sup>)  
*Аи* нақ ўхшайди ма'шуқага ким,  
 У ёрқин ва порлоқ, жонли, ишвакор,  
 Енгилтак ва ўжар, лекин пуч, беор.  
 Аммо, сен эй *Бордо*, дўстга ўхшайсан,  
 Бир дўстки, юз берса қайғу, андиша —  
 Вафокор жўрасан бизга ҳамиша,  
 Бизга хизмат, ёрдам бермоққа шайсан;

Еки бұш чоғларда отамлашар у.  
Биз блан: яшасин дўстимиз *Бордо!*

XLVII

Ут сўнди; олтин чўғ усти кул ила  
Салгина қопланиб қорайган чоғи;  
Илинар-илинмас кўз қиринига  
Буғлар ҳам бурқийди, камин ўчоғи  
Кучсиз яллуғ берар. Қувурчалардан  
Тутун қувурларга кирар. Қадаҳ шан,  
Стлда вишиллаб туради ҳали.  
Оқшом қоронғисин келганди гали...  
(Севамен дўстона шўх ҳангомани,  
Севамен дўстона қадаҳда майни,  
Айниқса бир пайтки, шу пайтни айни —  
Дейдилар бўрию ит аро пайти,  
Нега шундай деярлар, билмайман фақат)  
Мана энди дўстлар қилади суҳбат:

«Қўшни қизлар қалай? Қалай Татьяна?  
Сенинг у ўйноқи, шўх Ольганг қалай?»  
— Ярим стакан қуй менга май яна...  
Етади, азизим... оила шундай  
Соғ-саломат; сенга салом улардан,  
Уҳ, билсанг, азизим, Ольга етилган;  
Ундаги тўлишган кифт ва гўзал кўкрак!  
Борми ундай кўнгил? Бирор кун андак  
Кириб чиқайик биз: бу сендан лозим;  
Бўлмаса, ўзинг ҳам бир ўйлаб қара:  
Бир-икки бош суқдинг уларга, сўнгра  
Соянгни кўрсатмай кетабердинг жим.  
Эҳе... қара мени, фаҳми калтага!  
Сени чақиришган келар ҳафтага.—

XLIX

«Меними?» — Ҳа, сени; келар шанбада  
Бўлар Татьянанинг именинаси.<sup>136</sup>  
Ольганинг, онанинг бу да'ватига  
Бормасанг, бунинг йўқ узри — ма'носи.—

«Лекин унда бўлур жуда кўп одам,  
Сўнгра, ҳарқандайин қурама авом...»  
— Биламан, бегона бўлмайди асло!  
Ким ҳам бўлар эди? Ўша оила.  
Борамиз, лутф айла! Хўш, нима деяй?—  
«Розиман боришга»— Қандай танти сан!—  
Шу сўзни айтиб у сипқирар бирдан  
Стакандан майни, бундан сўнг ичмай,  
Бошлайди сўзини қайта бошдан у  
Ольга тўғрисида, ишқ дегани шу!

## L

Шод эди Ленский. Икки ҳафтадан  
Сўнгра келар унинг энг бахтли чоғи.  
Никоҳ висолининг сирлари блан  
Севгининг гултожи, ширин қучоғи —  
Кутарди куёвни, севинчни катта.  
Унинг тушига ҳам кирмасди ҳатто —  
Оила турмушин сонсиз заҳмати,  
Ҳавсала пир бўлиб эснаш, ҳасрати...  
Ҳолбуки, бундай бир тақдирга душман —  
Бизлар оилада кўрамиз қатор  
Фақат зериктиргич, хунук лавҳалар,  
Лафонтен завқида ёзилмиш роман<sup>(25)</sup>.  
Бечора Ленский, юраги-диди  
Ўшандай умр учун туғилган эди.

## LI

Севилар эди у... жила бўлмаса  
Шундай хаёл қилар, у бахтиёрди.  
Қим совуқ идрокни ювошлантирса,  
Ишончга берилса унинг йўқ дарди.  
Маст йўлчи мусофирхонада ётиб  
Ором олганидай ҳузурга ботиб,  
Баҳорнинг гулини қучароқ эмган  
Қапалак сингари, у мас'уд ва шан;  
Қимки ҳарнимани олдиндан сезса,

Боши маст бўлмаса, бутун ҳаракат  
Ва бутун сўзларнинг ма'носин фақат  
Яланғоч англаса, қалбин тажриба  
Совутса, қақшатса, толғин ва ҳушсиз  
Бўлишни ман' этса, у инсон ожиз!



## БЕШИНЧИ БОБ

Бу қўрқинчли тушларни билма сен,  
Эй менинг Светланами!

*Жуковский*<sup>137</sup>

### I

Уша йили кузак ҳавоси фақат  
Ҳамма йилгидан ҳам чўзилди узоқ,  
Қишга кўп мунгазир эди табиат,  
Январьнинг учинчи кечаси броқ  
Қор ёғди... Уйғониб саҳарда, эрта,  
Деразадан қараб кўрди Татьяна,  
Тонг чоғи оқарган катта қўрани,  
Қор босган томларни, девор, гулзорни;  
Ойналарга нозик нақшлар чизилган,  
Оғочлар кийими — қишнинг кумуши.  
Қўрада ҳаққалар, тошар севинчи,  
Қишнинг ярқираган оқ мавжи блан  
Узоқларда тоғлар қопланган майин.  
Ҳаммаёқ оппоқди, ҳаммаёқ ёрқин.

### II

Мана қиш!.. Деҳқон ҳам тантана ила  
Четан аравада йўлни янгилар.  
Унинг ориқ оти қор искабгина  
Зўр-базўр судралиб лўкиллаб юрар.  
Из солади юмшоқ қорни ағдариб,  
Соябонли чана учади қалқиб.  
Олдинда ўтирар ҳайдовчи уни,  
Белда қизил белбоғ, устда пўстини.  
Чанага от бўлиб ўзини қўшар,

Кучугин ўтқазиб, бир деҳқон бола,  
Қорларда ўйнайди у чопа-чопа;  
Бу шўхнинг бармоғин изғирин ялар:  
У оғриқ ҳам сезар, кулади ҳам шан.  
Онаси койийди уни ойнадан...

### III

Эҳтимол, сизларни бундай тасвирлар,  
Манзаралар сра қизиқтирмайди:  
Оддий табиатни улар акс этар,<sup>138</sup>  
Уларда нафислик озроқ учрайди.  
Тангри илҳомлари блан руҳланган  
Бир шоир зийнатли услуби блан  
Гўзал тасвирлаган биринчи қорни,  
Қиш наш'асидаги нозик рангларни: (26)  
Чаналарда махфий кезишларни у  
Елқинли ше'рида чизаркан гулгун,  
Ишонаман, сизни қилади мафтун,  
Лекин мен ҳозирча курашни орзу  
Қилмайман у блан, на-да сен ила  
Эй ёш фин қизининг куйчиси, тингла! (27)

### IV

Татьяна (рус қизи бутун қалби-да,  
Билмасди ўзи ҳам ҳеч сабабини)  
Севарди қаҳратон гўзаллиги-ла,  
Севарди Татьяна шу рус қишини,  
Офтобда қировни, изғириқли кун  
Чанани; шафақлар ёнса кечқурун  
Қорларнинг пуштиранг ярқирашини,  
Муқаддас оқшомлар қоронғисини...  
Уларнинг уйида шундай оқшомлар,  
Қадимги замондай бўлар тантана.  
Бутун қўрадаги чўри-ходима  
Етилган қизларга фоллар очишар —  
Беришар уларга ҳар йил хушхабар:  
Ҳарбий куёвлару кўп узоқ сафар.

## V

Бурунги авомий афсоналарга,  
 Тушларга, ҳам карта блан фол очиш,  
 Ойнинг та'бирига, нишонларга  
 Татьяна сезарди чуқур ишониш.  
 Ҳаяжонга солар эди рамзлар,  
 Ҳартурли нарсалар бу қизга сирлар  
 Аралаш бирнима баён қиларди.  
 Алланечук ҳислар қалбин сиқарди.  
 Қарашмали мушук ўчоқ бошида,  
 Хуруллаб тумшуғин у ювса агар,  
 Бу белги шубҳасиз меҳмондан хабар  
 Берар эди унга; агар Татьяна  
 Ногоҳ кўриб қолса кенг осмондаги  
 Чап томондан чиққан ёш ўроқ ойни,

## VI

Қалтирар эди қиз, ўчарди ранги.  
 Агар кўкда-юлдуз яшиндай порлоқ,  
 Учаркан йиртароқ қора пардани,  
 Ана шу замонда босади титроқ  
 Саросима бўлиб қолар Татьяна.  
 Учар юлдуз оқар экан самода,  
 Ошиқар эди у қалбнинг орзусин  
 Унга шивиллашга... кўнгил тугунин.  
 Қора кийим кийган бир роҳиб агар  
 Учраб қолса унга, ё чопқир қуён,  
 Далада йўлини кесса ноғиҳон.  
 Қўрқувдан кўз олди дарҳол қораяр,  
 Қалбини мусибат дарди тутарди,  
 Бирон фалокатни аниқ кутарди.

## VII

Не қилсин? Топарди сирли нафосат  
 Татьяна даҳшатнинг ўзидан, дилшод:  
 Зотан зиддиятга моил табиат  
 Бизларни шу тахлит айламиш бун'ёд.  
 Мана ҳайит келди, уҳ, қанча шодлик!

Фол очади енгил ва мас'уд ёшлик.  
Унинг ҳечнарсасага келмайди зори.  
Унинг қаршисида ҳаёт диёри  
Гўёки, бепоён порлоқ бир дала...  
Қарилар фол кўрар кўз ойнагидан,  
Бутун борлигидан мангу айрилган,  
Тобут тахтасининг рўбарўсида.  
Барибир уларни умид ва армон,  
Гўдакдай ғужуллаб алдади ҳар он.

## VIII

Татьяна қизиққан бир боқиш ила  
Эриб ёнаётган шамга телмурар;  
Унинг ажиб — қуйма нақши бирнима  
Ажиб сирдан қизга берарди хабар;  
Сув блан лиқ тўла бир лаганчадан  
Узуклар кетма-кет чиқади равшан;  
Мана сувдан чиқди бир кичик узук,  
Айтилиб тураркан шу эски қўшиқ:  
*«У ерда мужиклар бари бадавлат;  
Кураклаб кумушдан ясайлар хирмон;  
Кимга қўшиқ айтсак, унга шараф-шон,  
Мол-мулк!»* ва'да этар талаф — мусийбат  
Бу қўшиқнинг ҳазин мақоми броқ.  
Қизларнинг қалбига «мушук» яқинроқ<sup>139</sup> (28)

## IX

Аёзли бир кеча: осмон равшан;  
Кўкдаги юлдузлар фусункор даста,  
Юлдузлар жимирлар сокит, ҳамоҳанг...  
Енгил кўйлагида чиқар бирпасда  
Татьяна қўрага ёлғиз бир ўзи,  
Моҳтобга рўпара қўлда кўзгуси,  
Ойнанинг ичида титраб кўринар,  
Фақат бир маҳзун ой... Гижиллайди қор...  
Қимдир у? Уткинчи... оёқ учида  
Чопиб боради қиз у киши томон,  
Товуши кўп майин жаранглар шу он,  
Найнинг куйидан ҳам латиф ингичка:

Исмингиз нимади? (29) У киши боқар,—  
Агафон!<sup>140</sup>— Шу дамда жавоб қайтарар.

## X

Энага кенгаши блан Татьяна  
Истади кечаси хайрли фол очиш,  
Икки киши учун бир дастурхонча  
Ҳаммомда яшашга берди фармойиш.  
Лекин даҳшат босди қизни тўсатдан...  
— Мен Светланагани шу дам ўйларкан,  
Мени-да ўради қўрқув — қўй нуқта...  
Биз фолни очмайик Татьяна ила.  
Татьяна ҳам ипак камарчасини  
Чечди ва ешинди, кирди кўрпага.  
Севги илоҳаси бошида аста  
Айланар; юмшоқ парёстиқ тагини  
Банд этиб бу қизнинг ойнаси ётар.  
Ҳарнарс жимиди. Татьяна ухлар.

## XI

Татьяна уйқуда кўрар қизиқ туш.  
Тушида у гўё ёлғиз боради  
Қор босган даладан. Уни қуршамиш  
Қандайдир ҳузунли оқшом зулмати;  
Қорли тепаларда унинг олдидан  
Қишнинг қўли ила кишанланмаган,  
Жўшқин ва оқ сочли бир тошқин оқар,  
Тўлқинлари бурқиб, сапчиб ҳайқирар;  
Икки чўп, жипслашган юпқа муз ила,  
Лиқиллаб, лиқиллаб аранг туручи,  
Бу — тошқин устидан ўлим кўприги:  
Ҳайқириб қайновчи гирдоб лабида  
Тўхтаб қолган эди Татьяна ҳайрон,  
Билмасди. не қилсин, титрарди нолон...

## XII

Ноўрин ҳижроннинг боиси каби  
Зорланар ирмоққа қараб Татьяна,

Уёқда ҳечкимса кўринмайдики,  
Унга қўлин чўзиб сўйласа: мана!  
Лекин, қимирлади қор тепа бирдан;  
Ким унинг тагидан кўриниш берган?  
Юнглари ҳурпайган, каттакон айиқ;  
Татьяна, воҳ! деди бақириб қаттиқ  
Тирноқлари ўткир қўпол панжани  
Узатди у қизга; дами кесилган  
Татьяна қалтироқ қўллари блан  
Суялди. Атак-чечак қилганлар каби  
Ирмоқдан ўтади қиз қўрқа-қўрқа,  
Жўнади, айиқ ҳам келар орқада...

### XIII

Ботинмай орқага ташлашга назар,  
Татьяна қадамин қўяди илдам;  
Лекин у қочолмас, чопсин нақадар,  
Орқада келади серюнг малай ҳам;  
Тасқара у маҳлуқ ҳарсиллаб чопар;  
Урмон дуч келади; сокин арчалар  
Турарди ҳузунли гўзаллиги-ла;  
Ҳамма бутоқлари қор чодирин-ла  
Эгилган ёғочлар — қарағай, қайин  
Учларидан силжиб порлар кечаси  
Осмон қандилининг тоза шу'ласи.  
Йўллар йўқ. Тик жарлар тўқайлар сокин,  
Барчасини кучли бўрон босгандир.  
Чуқур қор остида бари ботгандир.

### XIV

Урмонга кирар қиз; орқадан айиқ;  
Тиззасидан келар эди юмшоқ қор;  
Дам узун бутоқлар тегади қаттиқ  
Татьяна бўйнига; дам юлиб олар  
Олтин исирғасин қулоқларидан.  
Дам тушади нозик оёқларидан  
Тоза, мўрт қорларда ботиб ҳўл кафши,  
Дам у туширади рўмолчасини.

Олишга вақти йўқ; чунки қўрқади,  
Сезади айиқни яна орқада,  
Титроқ қўли блан этагин ҳатто  
Қўтариб олишга қиз уялади;  
Татьяна югурар, айиқ орқадан,  
Чопиш учун қизда дармон қолмаган.

XV

У қорга йиқилди; айиқ тезгина,  
Қизни кўтаради, яна жўнайди;  
Татьяна бутунлай беҳуш, асира,  
Қимир ҳам этмайди, нафас олмайди.  
Айиқ кўтарганча ўрмондан чопар.  
Еғочзорда ногоҳ бир чайла учрар,  
Атроф тин, бу фақир чайла ўралган  
Ҳарёғидан сокит оппоқ қор блан,  
Фақат деразаси чайланинг равшан,  
Ичидан келарди қий-чув, ва шовқун,  
*Айиқ дер: бу жойда амаким турғун.*  
*Бу ерда бирқадар исиниб ол сан.*  
Айиқ тўппа-тўғри кирар йўлакка,  
Қизни остонада қўяр чеккага.

XVI

Ҳушга келгандан сўнг Татьяна боқар:  
Айиқ йўқ; қолибди йўлакда ёлғиз;  
Кўмиш маросими каби қадаҳлар  
Жаранглар, чайланинг ғалваси сўнгсиз;  
Англамас ма'носин, бўлади ҳайрон,  
Боқар секингина тирқишдан бир он,  
Нима бу! Столни қуршаб олганлар  
Қандайдир даҳшатли махлуқ-ҳайвонлар;  
Бирининг шохи бор, кучук тумшуқли,  
Иккинчининг боши хўрозга ўхшар,  
Эчки соқолли бир алвасти ҳам бор;  
Бирёқда скелет мағрур қилиқли,  
Ана унда турар думли ажина,  
Анов ярми мушук, ярми қуш — нима?

## XVII

Бундан ҳам ажойиб, бундан ваҳмали:  
 Ана қисқичбақа ўргимчак минган,  
 Ана ғоз бўйнида одам калласи,  
 Қизил қалпоқ кийиб айланар чиндан;  
 Ел тегирмон эса тинмай рақс этар,  
 Қанотлари блан галдирар, елпар.  
 Хуриш, кулги, қўшиқ, чапак ғалваси,  
 Отларнинг дукури, одам овози, <sup>(30)</sup>  
 Нималар босар қиз ўй-хаёлини,  
 Меҳмонлар ичидан таниган замон  
 Қўрқинч ҳам севимли бир шахсни шу он,  
 Я'ни романимиз қаҳрамонини!  
 Онегин столда ўтирар эди,  
 Эшикка гоҳ-гоҳ кўз югуртар эди.

## XVIII

Ишорат қилар у: ҳамма урунар;  
 У ичар: ҳаммаси ичар қичқириб;  
 У кулар: ҳаммаси қаҳқаҳа урар;  
 Чимиран қошини: ҳамма жим туриб  
 Қарайди. Бу ерда удир хўжайин...  
 Қиз сал унутади бу ер даҳшатин.  
 Бироз тетикланиб, мароқланади,  
 Эшикни шу дамда бироз очади...  
 Елқинланиб ёнган тун чироғларин  
 Эсиб ўчиради шамол тўсатдан;  
 Жинларнинг шайкаси ғазабланаркан  
 Онегин ҳайқирар, нигоҳи чақин;  
 Туради ўрнидан: турар ҳамма ҳам;  
 Онегин ташлайди эшикка қадам.

## XIX

Татьяна жуда қўрқиб титрайди,  
 Шошиб урунади қочишга бундан,  
 Лекин ҳеч илож йўқ, сабри битади,  
 Қичқирмоқ истайди, дами бўғилган,  
 Овози чиқмайди, Евгений очар



Эшикни.. Дўзахдай бу тасқаралар  
Кўзларини тикар, қалтирайди қиз.  
Ваҳший бир қаҳқаҳа портлар омонсиз.  
Ўт кўзлар, туёқлар, қийшиқ ҳартумлар,  
Хунук, қўрқинч тишлар, чочвоқли думлар,  
Осилган мўйловлар ва тиллар қонли,  
Шохлар, нуқул суяк бармоқлар бари  
У қизни кўрсатар, кўз олайтирар,  
Меники! Меники! — қичқириб турар.

## XX

Меники!..— Ўқрайиб, деди Онегин,  
Шунда ғойиб бўлди шайка ноғиҳон;  
Қоранғи, совуқда қиз турар сокин,  
Фақат унинг дўсти турар ёнма-ён.  
Онегин жалб этиб, ийдириб аста <sup>(31)</sup>  
Тортар Татьянани қарши гўшага.  
Қалтис бир курсига ўтқазар уни  
Қизнинг елкасига қўяр бошини,  
Ноғиҳон Ольга ҳам кириб қолади,  
Кетидан Ленский; порлади зиё;  
Онегин қўлини кўтариб, гавго  
Бошлайди; кўзлари ваҳший ёнади;  
Сўкар кутилмаган меҳмонларни у,  
Татьяна ётади нимжон, серқайғу.

## XXI

Жанжал зўраяди; бирдан Евгений  
Суғурар бир узун пичоқ; лаҳзада  
Ленский йиқилар; қўрқинч қоронғи  
Яна қуюқлашди; қичқириқ, нола  
Юксалди, лопиллаб кетди чайла ҳам,  
Даҳшатдан Татьяна уйғонар шу дам.  
Қарайди ҳарёққа, уй ичи ёруғ,  
Ўйнар тонгнинг қизил шу'ласи яллур  
Берган дарчанинг муз ойнакларига,  
Эшик очилади, қушдан ҳам енгил,  
*Шимол Аврораси*<sup>141</sup> каби қипқизил,  
Ольгаси киради унинг ёнига;

Ва дейди: «Хўш, қани, гапир-чи шу тун  
Тушингда сен кимни кўрдинг, айт бутун?!»

## XXII

Лекин пайқамасдан у синглисини,  
Тушагида ётар. Қўлида китоб,  
Варақлайди уни, тушмас кўз қири,  
Ольгага қарамас ва қилмас хитоб.  
Бу китоб ичида гарчи йўқ эди  
На шоирнинг ширин фикри, на дарди,  
На чуқур ҳақиқат, на тасвир; лекин  
Қизга на Вергилий, на адиб Расин,  
На Скотт, на Байрон ва на Сенека<sup>142</sup>  
На-да хонимларнинг Мода Журнали<sup>143</sup>  
Ҳечқайси қизиқ-мас у китоб каби.  
У эди, дўстларим, Мартин Задека,<sup>(32)</sup>  
Халдей<sup>144</sup> донишмандлар аҳлининг пири,  
Асари: фолбинлик, тушлар та'бири.

## XXIII

Мана шу ҳикматли асарни бир гал  
Кўчинчи савдогар олиб келганди  
Бу танҳо қишлоққа; Тая шу маҳал  
Китобни қизиқиб сотиб олганди.  
Савдогар бир шалоқ *Мальвина* ила<sup>145</sup>  
Рози бўлган эди уч ярим сўмга,  
Ва пулнинг устига олганди яна  
Кўча масалларин терган мажмуа,  
Икки Петрном<sup>146</sup>, тил қондасин,  
Мармонтел<sup>147</sup> китобин шулар устига.  
Кейинги вақтларда Мартен Задека —  
Татьяна сирдоши... бутун наш'асин,  
Қайғу, алам чоғин унга бахш ётар,  
Ажралмас, у блан уйқуга кетар.

## XXIV

Кўнглини ғаш қилар эди ру'ёси,  
Қандай тушунишни билмасди сра;

У қўрқинч хаёлнинг недир ма'носи,  
Истарди китобдан бир суруштирса.  
Татьяна мухтасар мундарижадан  
Топади алифбе сираси блан:  
Урмон, ҳам жин арча ва типратикон,  
Зулмат, кўприк, айиқ, қасрға — бўрон,  
Ва ҳоказо сўзлар. Бутун шубҳани  
Бу Мартен Задека ешаолмади.  
Лекин у маш'ум туш талқин қилади  
Қайғули ва фажи' кўп можарони.  
Татьяна ўйлади яна қанча кун,  
Ташвиш тортар эди ўша туш учун.

## XXV

Мана алвон қўли блан ол шафақ<sup>(33)</sup>  
Тонгги водилардан қилар армуғон  
Қуёш ила бирга жуда хушчақчақ  
Именина деган байрамни хандон.  
Ларин хонадони эртадан буён  
Меҳмонларга тўла; қўшнилар ҳарён  
Бола-чақа блан келмоқда яна,  
Ҳархил аравалар ва чаналарда.  
Даҳлизда тиқилиш, қий-чув ва ғовға:  
Меҳмонхоналарда учраш, танишиш.  
Итлар ҳурар, қизлар оларди ўпиш,  
Бўсағада шовқин, кулги, қаҳ-қаҳа,  
Меҳмонлар дувури, салом, та'зими,  
Сут-эна товуши, гўдак йиғиси.

## XXVI

Дуркун, серкиллаган хотини блан  
Бу ерга келганди Пустяков — йўғон;  
Қашшоқ мужикларнинг Гвоздин деган  
Пухта хўжайини бу ерда меҳмон.  
Оқ сочли чол-кампир Скотининлар  
Ўттиз ёшдан бошлаб то икки яшар  
Бола-чақагача судраб келишган.  
Ўяз олифтаси Петушков деган,

Менинг амакваччам бўлган Буянов<sup>148</sup>,  
Парга ағанаган, қалпоғи катта <sup>(34)</sup>  
(У сизларга таниш бўлмай албатта),  
Исте'фога чиққан тўра Флянов,  
Қўп дағал ғийбатчи ва эски шайтон  
Порахўр, қизиқчи, очкўз, ўлармон.

## XXVII

Панфил Харликовнинг оиласи-ла  
Мосье Трике ҳам бўлганди ҳозир,  
Ойнакли, малларанг сочли, яқинда  
Тамбовдан келган бир аскиябоздир.  
Ҳақиқий француз каби кассада  
Татьянага куплет келтирмиш ҳад'я,  
Буни болалар ҳам биларди гарчи:  
*Reveillez vous, belle endormie.*<sup>149</sup>  
Бу, тўзондан шундай чиқди юзага:  
Мана шу куплетки, босилган бир чоқ;  
Зийрак шоир Трике чиқарган узоқ  
Алманахдаги кўҳна қўшиқлар ичра,  
*Belle Nina*<sup>150</sup> сўзи ўрнига, ана  
Асло тортинмасдан: *Belle Tattana.*<sup>151</sup>

## XXVIII

Етилган қизларнинг азиз санами,  
Қўшинлар туручи яқин даҳадан  
Кентли оналарнинг ороми-жони  
Рота командири ҳам етиб келган;  
Уҳ, қандай янгилик, сўраманг, қандай!  
Полкнинг музикаси бўлажак, ҳай, ҳай!  
Полковникнинг ўзи уни юборган.  
Шодликнинг чеки йўқ, бал бўлур чиндан!  
Севиниб сакрайди ҳамма қизчалар <sup>(35)</sup>  
Мана таом тайёр. Жуфт-жуфт бўлишиб,  
Меҳмонлар юришар қўлни ушлашиб,  
Қизлар Татьянани қуршаб олалар,  
Эркалар қаршида: чўқиниб ҳамма  
Усталга чўқишар говур-ғувур-ла.

## XXIX

Тинганди гап-сўзлар бир лаҳзагина.  
Овқат чайнашади. Ва ҳартомондан  
Шарақлар ҳартурли асбоб, талинка.  
Қадаҳлар чўқишар, жаранг ҳарёндан;  
Мана бирин-сирин меҳмонлар ҳозир  
Умумий гуруннга сингар баҳузур.  
Бир-бирин тингламас, қичқирашади,  
Кулишиб, баҳслашиб чувуллашади.  
Очилиб кетади эшиклар бирдан,  
Ленский, Онегин кирар шу палла,  
«Оҳ, эгам! охир!» дер бека баралла.  
Қисилар меҳмонлар ва тезлик блан  
Ҳарким стул, асбоб таклиф қилади,  
Ва икки дўст дарҳол ўтқизилади.

## XXX

Худди Татьянанинг рўбарўсига  
Ўтқазишар, лекин тонгги ойдай қиз .  
Рангсизди; қувғинди оҳудан хийла  
Титроқди; қорайган кўзларин ҳаргиз  
Ердан узалмасди; дилда чайқалар  
Эҳтирос олови, боши айланар.  
Икки дўст табригин эшитмайди у;  
Кўзлардан ёшлари шу чоқда дув-дув  
Тўкилмоқ истарди; қиз бойқиш тайёр  
Юз тубан тушишга кетиб ҳушидан.  
Лекин, идрок блан, ирода блан  
Ўзин базўр тутиб, жимгина айтар  
Бир-икки сўзни у ямлаб, оҳиста,  
Ўтирар ўзига зўр бериб, хаста.

## XXXI

Оғир, фожиона, асабий ҳолат,  
Қизлар ҳушсизлиги, кўзёшин кўриш  
Бунга Онегинда йўқ сра тоқат;  
Чунки буларни кўп бошдан кечирмиш.  
Қатта зиёфатга илинган ҳамон,

Жаҳли чиққан унинг; лекин паришон  
Қиздаги ларзани у сезгандан сўнг,  
Пушаймон кўзларин ерга тикди тўнг.  
Қовоғини солди ғазабланароқ  
Ленскийнинг жаҳлин чиқариб шу тун  
Ва ундан ўхшатиб ўч олиш учун  
Қасам ичди. Мана кеккайиб шу чоқ  
Фикран чизабослар у бирин-кетин  
Ҳамма меҳмонларнинг карикатурасин.

### XXXII

Татьянада бўлган саросимани  
Ўтирганлар бари билаоларди;  
Чунки, муҳокима, кўзлар нишони  
Шу топда тортилган мой сомсаларни  
(Бахтга қарши, сомса бўлган шўртангроқ);  
Жаркўп блан манже орасида ёқ<sup>152</sup>  
Келтириб қўйишар шимлянскийни,<sup>153</sup>  
Пухта беркитилган май шишасини;  
Сўнг, узун, ингичка рюмкалар қатор;  
Сенинг белинг каби нозик ва хипча,  
Эй Зизи,<sup>154</sup> қалбимнинг соф гули, ғунча,  
Ма'сум ше'рларимнинг париси, эй ёр,  
Севгининг сирли сен пиёласи.  
Мени маст қилардинг висол палласи.

### XXXIII

Пробка отилар, шишадан шу он  
Май тошар, вишиллар, ше'р ўқиш учун  
Трике туради, у кўпдан буён  
Бу пайтни кутарди кеккайиб бутун.  
Унга кўз тикишиб мажлисдагилар  
Чуқур бир сукунат кузатадилар.  
Татьяна нимтирик; Трике мана,  
Бир парча қоғозни ушлаб қўлида  
Куйлайди қалбаки. Чапақлар, саслар  
Уни олқишлайди. Татьяна эса  
Мажбурдир шоирга та'зим этишга;  
Улуғ бўлса ҳамки шоир хўб камтар,

Қизнинг соғлиғига ичади олдин,  
Сўнгра тақдим этар қизга куплетин.

#### XXXIV

Бошланди табриклар, қутлашлар қатор  
Татьяна ҳаммага ташаккур этар,  
Онегинга навбат етганда, хумор  
Ва ғамгин қиз сари ташлайди назар.  
Қиздаги ҳорғинлик, паришон ҳолат  
Евгений қалбига солди марҳамат:  
Қизга та'зим этди, сўзсиз Онегин,  
Унинг кўзларининг боқиши, лекин  
Негадир мулойим эди, фисункор,  
У та'сирландими чинакам, ёки  
Бу нарса шўхлигу ноз эди балки;  
Хожиши бланми, ё беихтиёр,  
Ҳарқалай меҳрибон бу боқиш дарҳол:  
Татьяна қалбига келтирди мажол.

#### XXXV

Сурилган стуллар тақирлар экан,  
Халқ ёпирилади меҳмонхонага:  
Болари гувуллаб чучук уядан  
Тўп-тўп учган каби эркин далага.  
Лазиз овқатлардан топиб қаноат,  
Қўшнилари кекириб бошлайди суҳбат.  
Хонимлар каминга яқин ўтирар,  
Еш қизлар бурчакда шивирлаб турар.  
Мана яшил рангли столлар ёйиқ:<sup>155</sup>  
Чақирар қизгин қиморбозларни,  
— *Бостон* ҳамда *Ломбер*<sup>156</sup>— чолларнинг дарди,  
Бугунга қадар ҳам машҳур *вист* аниқ  
Суруштирсанг бир хил ўйиндир бари,  
Зериккан бекорлар суйган эрмаги.

#### XXXVI

*Вист* қаҳрамонлари ўйнашган эди  
Саккиз қайта ўйин ва саккиз даф'а  
Улар ўз жойларин олмошган эди;  
Чой ҳозир. Севаман тушки овқат-ла

Чой ҳам кечки овқат орасин та'йин  
Этишни; қишлоқда бу эмас қийин.  
Дахмаза керакмас бунга ҳечқачон.  
Қорнимиз — энг тўғри соатдир ҳамон;  
Фурсати келганда қистириб кетай,  
Кўп вақт мен ўзимнинг байтларим аро —  
Гап очиб базмдан, бўлдим овора,  
Куйладим таомлар, пробка ва май  
Ҳақида; илоҳи Гомер,<sup>157</sup> сен каби,  
Эй ўттиз асрнинг улуғ санами!

XXXVII. XXXVIII. XXXIX.

Мана чой беришар: қизлар одоб-ла  
Дастурхонга энди қўл узатаркан,  
Эшик орқасидан узун бир залда  
Музика гулдираб юксалар бирдан.  
Оҳангдор садолар блан севинган,  
Чойини қолдириб қиёми блан  
Чет ёқа ерлардан бир парис<sup>158</sup> мана  
Петушков ёндошиб келар Ольгага;  
Ленский рақс этар Татьяна блан,  
Қаллиғи қари қиз Харликовани  
Тамбовли шоирим қўлтиқлаганди,  
Буянов ажралмас Пустяковадан.  
Залга сепилганди шу чоқ ҳамма ҳам.  
Бутун шавкати-ла бал чақнар кўркам.

XL

Мен бу романимнинг ибтидосида  
(Биринчи дафтарга қилингиз назар)  
Тасвир қилмоқчидим Альбан<sup>159</sup> тарзида,  
Петербург балини, рассомдек чевар.  
Берилдим кўнгилнинг бўш хул'ёсига,  
Таниш хонимларнинг нафис пойига  
Доир хотиралар фикрим қопламиш,  
Эй нафис оёқлар, этар адашиш  
Сизнинг у сиҳрли изларингизда!  
Модомки, ёшлигим қилмади вафо,  
Ақлимни йиғмоғим лозим мутлақо,  
Ишларим, услубим тузатай тезда;

104



Ҳам романнинг ушбу бешинчи бобин,  
Лирик чекинишлардан мен тозалайин.

#### XLI

Еш умр қуюни, тўлқини каби  
Бир рангда, бир турда, лекин шўх, жўшқин  
Вальснинг шўх гирдоби гир айланади;  
Жуфт бўлиб, жуфт бўлиб халқ бошлар ўйин.  
Уч олиш пайтига яқинлашароқ,  
Онегин ичидан илжайиб бир чоқ  
Ёндошар Ольгага. У блан кейин  
Меҳмонлар олдида рақс этади чин.  
Ўтқазиб стулга кейин Ольгани,  
Уёқдан-буёқдан сўз очар аста,  
Бир икки минутдан кейин янада  
Бошланар қиз блан вальснинг<sup>160</sup> давоми.  
Ҳамма ҳам ҳайратда... Ленский ўзи  
Ишонмас: бу тушми ё алдар кўзи...

#### XLII

Мазурка гурлади. Ўтмиш замонда —  
Мазурка гурласа жадал, кетма-кет,  
Каттакон бир залда, бир хонадонда —  
Пошнадан қарсиллаб кетарди паркет,  
Қақшаб деразалар силкинар эди;  
Ҳозир ундай эмас! Хонимлар каби  
Сип-силлиқ полларда биз сирпанамиз.  
Шаҳарларда шундай, қишлоқда ёлғиз  
Мазурка ҳозир ҳам сақлаган тамом  
Ўзининг қадимги руҳин, чиройин:  
Мўйловлар, пошналар, сакраш мақомин,  
Ўзгартирмагандир уларни айём,  
У бизга жафокор мода балоси —  
Энг янги русиялилар ҳаваси.

#### XLIII. XLIV

Ҳасоратли менинг Буянов оғам  
Келтирди Татьяна блан Ольгани  
Бизнинг қаҳрамонга: шошароқ шу дам

Онегин Ольгани қўлтиқлаганди.  
У блан рақс этар бепарвогина,  
Энгашиб шивирлар қизга жимгина,  
Қандайдир тузсизроқ бир мадҳияни,  
Қўлини сиқади шул чоқ Ольгани.  
Қизнинг бино қўйган юзи гулгундай,  
Енади, Ленский кўрди ҳаммасин,  
Қизишди, туташди ўзин билмайин;  
Рашк, ғазаб ичида у йиқилгундай,  
Мазурка битсин деб кутади ҳали,  
Қизни кейин рақсга таклиф қилгали.

XLV

Лекин, мумкин эмас. Мумкинмас? Нечун?  
Онегинга Ольга сўз бериб қўйган.  
Ераббим, ёраббим! Ахир қандай кун!  
На тинглар Ленский? Мумкин Ольгадан...  
Мумкинми? Она сут оғзида ҳали,  
У танноз бўлибдир, ёшлик маҳали  
Ҳийлага синашта бўлмиш ҳалитдан,  
Ҳалитдан хиёнат қилишни билган!  
Зарбани даф' этиш учун мадор йўқ,  
Хотинлар макрига ла'нат совурар,  
Чиқиб ташқарига отини сўрар,  
Минади-чопади. Икки дона ўқ  
Ва бир жуфт тўппанча — шу ўзи фақат —  
Ленский тақдирин ҳал этар албат

## ОЛТИНЧИ БОБ

La, sotto igiorni nubilosi e brevi,  
Nasce una gente a cui 'l orir  
non dole.

*Petr.*<sup>161</sup>

### I

Онегин сездики Ленский ғойиб,  
Янадан дилгирлик қўймайди сра,  
Олган қасосидан қаноатланиб  
Ольганинг ёнида чўмди фикрга.  
Унинг орқасидан Ольга эснади,  
Кўзи жовдирлайди, Ленский қани?  
Ва узоқ чўзилган сўнгги, ўйини,  
Оғир бир туш каби, ҳордирди уни.  
Сўнг рақс битди. Тайёр кечки овқат ҳам.  
Урин соладилар; энди меҳмонлар  
Блан ҳамма уйлар даҳлизга қадар  
Банд бўлган. Шу топда ҳамма учун дам,  
Тинч уйқу лозимдир. Фақат Онегин  
Ўз уйига жўнаб кетади секин.

### II

Ҳаммаёқ тинчиди: меҳмонхонада  
Хуррак отар эди оғир Пустяков  
Зил-занбил ва лаппос хотини ила.  
Гвоздин, Буянов ҳамда Петушков,  
Жилла соғ бўлмаган Флянов, бари  
Ётишди суяниб стуллар сари.  
Полда ётар эди Трике жаноб,  
Фуфайка ва эски қалпоқда ағнаб.  
Қизларни оромли уйқу қучканди.

Татьяна ва Ольга уйи тўла қиз,  
Дераза остида ўтирар ёлғиз,  
Бечора Татьяна ухламаганди,  
Ой шу'ласида у ярқираб танҳо,  
Қарайди далага, жим дала, дун'ё.

### III

Онегиннинг бирдан қанғиб келуви,  
Кўзларида ёнган оний бир меҳр,  
Ольгага нисбатан ажиб қилиғи  
Унинг юрагига чуқур бир та'сир  
Қолдириб кетганди..

Лекин Татьяна

Тушунолмас эди бу ҳодисага.  
Қизни рашк қайғуси тўлқинлатади,  
Қандайдир совуқ қўл қалбин сиқади,  
Қандайдир ўпқинлик унинг тагидан  
Шувуллаб, қопқора гирдоб ўтгандай...  
«Ҳалок бўламан,— дер Татьяна,— Нетай,  
У туфайли ҳалок бўлиш ўзи шан,  
Мен ҳеч зорланмайман: нечун зорланай?  
У менга саодат бераолмагай».

### IV

Олға бос, тарихим! Шу саҳифадан  
Бизни янги бир шахс айлайди да'ват.  
Ленский қишлоғи, Красногорьедан  
Беш чақрим нарида соғу-саломат —  
Яшаб келмоқдадир бугунга қадар,  
Фалсафий хилватда беғам, бекадар  
Зарецкий; ўзи бир вақтлар шалоқ,  
Қартабоз шайкага қўрбоши; саёқ —  
Шумларнинг бошлиғи, майпуриш дуруст,  
Бу кунларда ҳалим, хуш хулқ ва содда;  
Оила бобоси, бўйдоқ бир ота,  
Шумларнинг бошлиғи, майпуриш дуруст,  
Ҳаттоки, у энди ҳалол бир одам:  
Шундай тузалмоқда бизнинг аср ҳам!

### V

Бир вақт хушомадгўй кибор олами  
Евуз ботирлигин унинг мақтаган:

У чиндан беш сажин наридагини  
Урарди мўлжаллаб тўппанча блан,  
Бир марта, дарвоқи' бағоят сарҳуш  
Уруш майдонида ғайрат кўрсатмиш:  
Эс-ҳушин йўқотган маст Зарецкий  
Қалмоқи отидан, жонсиз сингари,  
Балчиққа йиқилган ва тушган асир  
Французларга у: бебаҳо гаров!  
Ҳар тонг Верид<sup>162</sup> уч шишани дарров (36)  
Қарзга ичар эди; шу учун ҳозир  
Яна тутқун бўлса розидир буткул:  
Бу номус тангриси, бу янги Регул<sup>163</sup>.

## VI

Гоҳо у масхара қиларди қизиқ,  
Аҳмоқни ўхшатиб товлаб қўярди,  
Ёки зимдангина, ёки оп-очиқ,  
Донони ўхшатиб аҳмоқ қиларди,  
Гарчи, ҳазиллари унинг ба'зи чоқ.  
Ўзига берса-да кўпгина сабоқ,  
Гарчи, ба'зи вақтда ўзи гўл-баёв  
Сингари тузоққа тушса-да дарров;  
Талаша биларди Зарецкий шан,  
Унинг ўткир-ўтмас жавоби тайёр,  
Ба'зан тадбир ила индамай турар,  
Тадбир-ла тўпалон қилади, ба'зан,  
Бузаолар икки ёш дўст орасин  
Дуэльга<sup>164</sup> етказиб сўнг можаросин.

## VII

Ёки ярашувга мажбур қилади,  
Ноништани кўрар учови баҳам,  
Сўнгра, ҳазил, ёлғон гап тарқатарди,  
Улар обрўсини тўкарди ҳар дам.  
Замонлар ўзгарди! Йигит мардлиги  
(Ўзга бир шўхликдир ишқ дарди каби)  
Қувноқ ёшлик ила кечади қайтмай,  
Бизнинг Зарецкий, мен айтганимдай,

Оқибат воз кечди бўронлардан ҳам,  
Шумурт, акация соясига банд,  
Яшайди мисоли асл донишманд,  
Гораций сингари экади карам,  
Урдак, ғоз боқиш-ла овора бўлар,  
Алифбе ўқийди ундан болалар.

### VIII

У аҳмоқ эмасди; бизнинг Онегин  
Қилмаса ҳам уни шахсан эҳтиром,  
Еқтирар бу зотнинг муҳокимасин,  
Ба'зи тўғриларда қарашин соғлом.  
Онегин у блан кўришса ба'зан —  
Мамнун бўлар эди, шу-учун эртан  
Унинг келганини кўрганда бир он,  
Онегин ҳечнима қилмади гумон.  
Зарецкий салом-аликдан кейин,  
Дарров кесиб қўйди ўзга гап-сўзни,  
Уйнатиб айёрлик блан юз, кўзни,  
Онегинга берди шоирнинг хатин,  
Онегин дераза ёнига келиб,  
Ўқиди ичида хатни тикилиб.

### IX

Бу мактуб ёқимли ва асилона  
Қисқача да'ватдан берарди хабар:  
Совуқ ҳақиқат-ла, та'зимкорона,  
Ленский дуэльга дўстин чақирар.  
Онегин қайрилди чўчимай сра,  
Шундай топшириқнинг бу элчисига  
Юзини ўгирди, ўзга сўз даркор  
Эмасдек, дедики: *у ҳарвақт тайёр!*  
Уйида юмуши кўп бўлган учун  
Зарецкий узоқ қолиш истамай  
Турди, изоҳларни ортиқ кўргандай,  
Чиқди ташқарига; Евгений шу кун  
Танҳо суруштириб қалбини ўзи  
Ҳарҳолда ўзидан бўлди норози.

## X

Бу ҳолат ножўя; қат'ий текшириб,  
 Чақирди ўзини виждон ҳукмига.  
 Шунда ма'лум бўлди ўзидадир айб.  
 Биринчидан: ҳақсиз эди у кеча,  
 Нозик ва покиза ишқни шу қадар  
 Масхара қилдики, бутунлай беор.  
 Иккинчидан: майли, ўйнасин шоир,  
 Ун саккиз ёшларда севгига доир  
 Ёшлик ҳавасларин афв этиш мумкин.  
 Қўнгилдан севарак шу ёш йигитни,  
 Евгений таассуб қуроли каби,  
 Ё қизғин низо'чи ва шўх ўспирин  
 Қўрсатмай ўзини, ақл ва номус  
 Эгаси бўлиши керакди... Афсус.

## XI

Бир йиртқич сингари ҳурпаймай, балки,  
 Қўрсатса бўларди асл ҳисларин;  
 Унга лозим эди қурол таркини  
 Ёш қалбга ўргатиш... «Энди иш лекин  
 Кечикди, вақт ўтди... ўйлайди яна,  
 Шуниси ёмонки, ишга бу даф'а  
 Аралашиб қолди эски дуэльчи;  
 У ёмон, гийбатчи, у сўзга эпчил...  
 Қайтса, Зарецкий ҳар ерда уни  
 Қаттиқ масхаралаб юради ҳарчоқ,  
 Ивир-шивир қилар, кулар ҳар аҳмоқ...»  
 Мана буни дерлар фикри умумий! <sup>(37)</sup>  
 Номус пружинаси, бу бизнинг худо!  
 Мана, бунинг блан айланар дун'ё!

## XII

Чидамсиз душманлик блан бағри қон  
 Ўз уйида жавоб кутарди шоир;  
 Мана кетган қўшни, бу эзма инсон,  
 Тантана-ла жавоб келтирар охир.  
 Рашкчи учун энди худди бир байрам!

У қўрққан эдики, ҳазилкаш ошнам  
Бирон илож топиб ҳазил қилмаса,  
Тўқимаса эди бирон баҳона,  
Олиб қочмасайди кўксини ўқдан,  
Бутун шубҳалари ешилди ҳозир:  
Эрта тонгга қадар етиб борадир  
Тегирмон бўйига икков узоқдан;  
Бир-бирига қурол даст кўтаришар,  
Чаккадан, ё белдан нишон олишар.

### XIII

Нозчини нафратга лойиқ деб, ўйноқ  
Ольгани кўришни дуэль олдидан  
Истамаган эди Ленский — қайноқ;  
Боқарди қуёшга, соатга ба'зан,  
Энг сўнггида шоир силтади қўлни.  
Қўшни қизлар томон бошлади йўлни.  
Истади Ольгани ҳайратга солсин,  
Ўз келиши блан қизартаолсин.  
Кутгандай бўлмади: аввалги каби  
Бечора куйчини қаршилаш учун  
Сакради зинадан Ольгаси гулгун,  
Енгил ва ҳавойи умид сингари,  
У эди ўйноқи, шўҳ-шан ва беғам,  
Аввал қандай бўлса, шундай ҳозир ҳам.

### XIV

«Тез қочиб кетдиниз кеча сиз нечун?»  
Ольгасининг эди бу илк саволи.  
Барча туйғулари бурқуган тутун,  
Ленский индамас, йўқди жавоби.  
Йўқолди шоирнинг рашки, дарди-да  
Бу тиниқ кўзларнинг нури олдида.  
Бу латиф соддалик қай гўзалда бор,  
Унинг ўйноқ руҳи қандай шуладор!  
Боқади ширин шавқ ичида шоир,  
У равшан кўради: яна севилар;  
Қалбида шу замон ўкинч сезилар.  
Кечир, деб Ольгадан сўрашга ҳозир



У ичдан титрайди, сўз тополмайди,  
У бахтли, у энди қарийб соғайди...

#### XV. XVI. XVII

Яна-да у ўйчан, яна хафа у,  
Гўзал Ольгасининг рўбарўсида  
Владимирда йўқ эди куч, туйғу  
Тунги воқиани эслатай деса;  
Ўйлайди: «Мен қизга бўлғум халоскор.  
Чидаш мумкинмики, бузуқи, айёр  
Мақташлар, оҳ-воҳлар оташи ила  
Ёш қалбни алдагай қуриб бир ҳийла;  
Заҳарли ва чиркин бир қурт сунбулнинг  
Новдасин кемириб қўймасин тагин;  
Атиги икки тонг ўпган ғунчасин  
Сўлғинлик қучмагай — ёш умрин гулнинг».  
Дўстларим, чиқади бундан шу ма'ни:  
Ошнам-ла дуэльга чиқурман я'ни...

#### XVIII

Татьяна қалбини қандай бир яра  
Қуйдираётганин билсайди бир он!  
Оҳ, кошки, хабардор бўлса Татьяна,  
Кошки, у билсайди эрта ноғиҳон —  
Владимир Ленский блан Евгений  
Талашар қабрнинг тин кўлкасини;  
Эҳтимол, Татьяна ишқи янадан  
Қовуштирармиди дўстларни қалбан!  
Бу эҳтиросларни ҳечкимса лекин  
Тасодифан бўлсин кашф қилолмади,  
Онегин бутунлай оғиз очмади;  
Татьяна жим инграр эди яширин,  
Билаолар эди энага ёлғиз,  
Лекин у жуда ҳам эди фаҳмсиз.

#### XIX

Бутун кеч паришон эди Ленский.  
Гёҳ сукут қилади, дам у шод яна,  
Агар эркалатса илҳом кишини,

Ҳарвақт шундай бўлар: Ленский хафа,  
Чаларди клавикорд,<sup>165</sup> солиб қовоғин  
Ёлғиз аккордларни оларди лекин.  
Дам у кўзларини тикиб Ольгага,  
«Мен бахтли, тўғрими» дерди оҳиста.  
Кеч бўлди; жўнамоқ пайти ҳам етди.  
Қалби сиқилади, дарду-ғам улкан.  
У ёш қиз ила хайрлашаркан  
Кўнгли гўё чил-чил синди-да кетди.  
Қиз унга дер: «Сизга нима бўлди-а?»  
Эшикда у жавоб берар: Ҳечнима.—

## XX

Уйига қайтиб у пистолетини,  
Назардан ўтказиб, яна яшикка  
Жойлади, сўнгра у ешиб кийимни,  
Шам ёқиб, Шиллерни очди оҳиста.  
Лекин, унга ҳоким ёлғиз бир фикр;  
Ҳасратли қалбини мудроқ босмайди:  
Тасвир қилиб бўлмас гўзаллиги-ла  
Ольгани кўради кўзи ўнгида,  
Шунда Владимир китобни ёпар,  
Қўлга қалам олар; ишқий сафсата  
Ила суғорилган мисра'лар эса  
Кумушдек жаранглар, кўнгиладан оқар.  
Зиёфатларда маст Делвиг сингари<sup>166</sup>  
У ўқир ше'рлар — ўт ва дард бари.

## XXI

Ше'р тасодифан сақланган, мана  
Мен уни сизларга этайин тақдим:  
«Қайга узоқлашиб кетдингиз, қайга,  
Баҳоримнинг олтин кунлари, бахтим?  
Менга келажак кун нима ҳозирлар?  
Чуқур қоронғида яширин сирлар,  
Нигоҳим беҳуда қидирар уни,  
Ҳожат йўқ: ҳақлидир тақдир қонуни.  
Тешиб ўтган ўқдан мен йиқиламан,

Ёки ёндан учиб ўтади қиё,  
Барчаси не'матдир: уйғоқлик, ру'ё,  
Бордир ҳарбирига соат — муайян;  
Муборакдир заҳмат, ташвишли кун ҳам,  
Муборакдир зулмат ёпинган тун ҳам!

## XXII

Шу'лалар ярқираб ёнади тонгда,  
Кундуз ёрқин жилва қилади бирдан;  
Мен эса — эҳтимол, эрта соғона  
Сирли зулматини қучиб ётарман.  
Ёшгина шоирнинг хотирасини  
Қамрар унутилиш — замон дар'ёси,  
Мени унитади жаҳон; сен лекин,  
Эй нафосат қизи, келасанми чин,  
Шу бевақт, мозорим устида кўзёш  
Қуйиб ўйларсанми: у севди мени,  
Жўшқин бир умрнинг дардли тонгини  
Ёлғизгина менга бахш этди сирдош!  
Севгили дилдорим, азизим менинг  
Келақол, келақол: мен эринг сенинг!..»

## XXIII

У шундай ёзганди мубҳам ва сўлғин,  
Буни романтизм дея отаймиз,  
Гарчи романтизм бунда бусбутун  
Кўрмайман, ҳам уни нима қилғаймиз?  
Ниҳоят, ёйилган вақтда тонг нури,  
Чарчаган бошини солар у қуйи,  
Идеал<sup>167</sup> деб оталган модали сўзда,  
Мудроқ пайдо бўлди жимгина кўзда;  
Уйқу лаззатини тотиб у озроқ,  
Жимжит кабинетга киради чаққон.  
Ўзни унутганди, қўшниси шу он  
Уйғотар шоирни у туртиб қистоқ:  
«Туринг, соат етти, вақт ўтиб қолди.  
Онегин бизларни нақ кутиб қолди».

## XXIV

Аммо, янглишарди: чунки Онегин  
Данг қотиб ухларди худди шу чоқда.  
Ёришиб борарди тун аста-секин.  
Хўроз тонг юлдузин қутлар узоқда;  
Онегин бемалол ухлаб ётарди.  
Мана қуёш чиқиб юксалаборди.  
Ҳавода бўронлар гувлаб айланар,  
Офтобда ярқираб қор учар, ўйнар,  
Ётоқдан Евгений турмаган аммо,  
Ҳали ҳам елпийди уйқу қаноти.  
Мана кўзларини очди ниҳоят.  
Пардани кўтарар, чақнайди само.  
Кўрарки, қўрадан жўнаш мўлжали  
Аллақачон ўтган, шошар тургали.

## XXV

Дарҳол чинғирлатар. Югуриб кириб,  
Унинг хизматчиси Француз Гильо,  
Жома ва туфласин тез тақдим этиб,  
Ички кийимни ҳам қилар муҳайё.  
Қийинишга шошар шу чоқ Онегин.  
Гильога буюрар — тез тайёрлансин  
Бирга бориш учун, ҳам олсин қўлга  
Қурол-ўқ солинган бир яшик. Йўлга  
Мана тайёр бўлди чопқир чаналар.  
Онегин ўтириб, тегирмон томон  
Учади: Етдилар. Қаролга шу он.  
Қуролни олиб юр, деб у буюрар.  
Отларни дарахтга боғлаб хизматкор,  
Онегин ортидан жўнар босиб қор.

## XXVI

Тўфонга суяниб кўпдан Ленский  
Қутиб турар эди бунда бесабр.  
Қишлоқ механиги қув Зарецкий  
Тегирмонда ҳархил нуқсон топадир.

Афв сўраб етиб келди Онегин,  
Зарецкий ҳайрон, буради лабин:  
«Қани ахир, қайда сизнинг секундант?»<sup>168</sup>  
Дуэль соҳасида классик, педант,  
Усулбоз эди аслида ҳулқан,  
Ҳатто одамзодни ўлдирмоқда ҳам  
Қоида, шартларин сўрарди ҳардам,  
Бу сан'ат шартларин бузмай қат'иян,  
Қадимги одатин расо бажарар,  
(Мана бу сифатин мақтасак бўлар).

#### XXVII

«Менинг секундантим?» деди Онегин:  
«Мана у: рафиқим, *Гильо афанди*.  
Менинг намояндам учун мен тахмин  
Қиламен э'тироз бўлмагай энди:  
Гарчи бу нома'лум киши эса-да,  
Лекин ўзи жуда виждонли кимса».  
Зарецкий лабин тишлаб қоларкан,  
Онегин сўрайди Владимирдан:  
«Хўш, энди бошлаймиз?» — Бошласак бўлар —,  
Деб айтди Ленский, кетди иккиси  
Тегирмон ортига... Ва Зарецкий  
Ҳам виждонли кимса — хизматкор тузар —  
Экан нарироқда шартнома<sup>169</sup> муҳим,  
Душманлар турарди ерга боқиб жим.

#### XXVIII

Душманлар! Кўпданми қоннинг чанқоғи  
Айирди уларни бир-бирисидан?  
Яқинда уларнинг бутун бўш чоғи  
Сухбатда, таомда шериклик блан  
Ўтмасмиди ахир? О, улар ҳозир  
Даҳшатли, тушуниб бўлмас босириқ  
Ичра тайёрлашар сокин, оп-очиқ,  
Бир-бирлари учун бало чуқурин.  
Беланмай қонларга қўллари ҳали,  
Улар хандон уриб, нақ дўстлар каби,  
Топишиб кетмасми яна бир-бирин?  
Броқ киборларнинг душманлигин кўр,  
Қалбаки уятдан қўрқадилар зўр.

## XXIX

Мана тўппанчалар бирдан ярқирар.  
 Болғача гурлади тегиб сумбага:  
 Ярқироқ ўқдонга ўқлар жойлашар,  
 Тепки шиқиллади биринчи даф'а.  
 Мана тўкилади ўқдонга кулранг  
 Оқимча сингари порох: ана жанг!  
 Мустаҳкам буралган тишли чақмоқ тош  
 Ҳозирча тиккайган; паришон, дилғаш,  
 Бир тўнка ортида Гильо туради.  
 Уст тўнни ташлайди икки душман ҳам.  
 Зарецкий ўттиз икки тенг қадам  
 Жуда аниқ, текис қилиб ўлчади,  
 Дўстларни айирди ҳар икки томон,  
 Олди тўппанчасин иккиси шу он.

## XXX

«Энди яқинлашинг» — Совуқ қон, вазмин,  
 Нишон олмай ҳали бу икки душман  
 Кескин одим отар, текис ва сокин  
 Тўрт қадам қўяди икки томондан,  
 Утишди ўлимнинг тўрт босқичини.  
 Олдинга босишдан тўхтамай ҳали,  
 Ўз тўппанчасини Евгений шу он  
 Кўтарабошлади аста, беомон;  
 Мана ташладилар беш қадам тагин.  
 Ленский сўл кўзин бироз қисароқ,  
 Нишон олабошлар — шу замон броқ  
 Онегин ўқ узди... Тақдирнинг тайин  
 Этган соати ҳам урилди ҳозир,  
 Тўппанчани қўлдан туширар шоир.

## XXXI

Қўлди кўкрагига секин қўяди,  
 Ерга йиқилади... Булутли нигоҳ  
 Ғамнимас, ўлимни тасвир қилади.  
 Тоғларнинг сиртидан ба'зида ногоҳ,

Қуёшда учқунлар чақнатган қорлар —  
Бұлакланиб шундай аста юмалар.  
Оний изғириндан қалби титраган  
Онегин чопади шоирга бирдан,  
Боқар ва чақирар, фақат беҳуда:  
Чунки энди у йўқ. Навқирон шоир  
Бемаҳал ўлимни кучди, минг чақир!  
Бўрон нафасидан тонг шафағида  
Гўзал, тоза чечак сўлди бемаҳал,  
Сўниб қолди бирдан меҳробда маш'ал!..<sup>170</sup>

### XXXII

Қимир этмай ётар, ажиб жуда ҳам,  
Манглайида ҳорғин ва сўнгги армон,  
У кўкрак остидан ярадор, шу дам  
Оқарди тинмасдан ярасидан қон.  
Бир нафас илгари бу қалб ичида  
Уриб турар эди илҳом ва гина,  
Душманлик ва умид, муҳаббат, ҳар он  
Уйнар эди ҳаёт, ўйнар эди қон:  
Энди у ташландиқ ғариб уй каби,  
Ичи қопқоронғи ва жимжит фақат,  
Уни қучган энди мангу сукунат,  
Пардалар ёпилган, деразалари  
Бўр блан сувалган. Йўқ уй бекаси.  
Қайда, худо билар. Ўчган қораси.

### XXXIII

Яхши бўлар ёзиб ўткир ҳажвия  
Бефаҳм душманни қутуртириш чин.  
Аҳмоқ шохларини ўжарчасига,  
Эгароқ ойнага унинг қарашин  
Тамоша қилишлик жуда яхшику;  
Ўзини танишга кўп уялса у,  
Ҳаммадан ёқади, дўстлар, у агар —  
Аҳмоқча бақирса: менми бу магар!  
Яна ҳам яхшироқ бўларди, зимдан

Унга тайёр қилиб бир парча мазор,  
Яхши масофадан туриб, пурвиқор  
Нишон олсанг рангсиз пешонасидан;  
Лекин дархон қилиш уни бусбутун,  
Жилла ҳам ёқмаса керак сиз учун.

#### XXXIV

На бўлади, агар ўқингиз блан  
Йиқилса ёшгина қалин дўстингиз,  
Сизга тавози'сиз боқиб, ё бирдан  
Май ичиш базмида тамом сабабсиз,  
Бир баҳона топиб қилса ҳақорат.  
Ё қизғин аччиғдан ўзи бетоқат,  
Жангга да'ват этган бўлса у мағрур,  
Айтинг: руҳингизни қандай ҳис бўғур,  
Агар у дўстингиз жим қучса ерни,  
Қаршингизда ётса қимирламай зум,  
Шўрликнинг бошини силаса ўлум,  
Тош сингари аста қотса бадани?  
Бошида энкайиб минг қичқирсангиз,  
Лекин ундан садо чиқмаса ҳаргиз?

#### XXXV

Кўнгил азобининг изтиробидан  
Маҳкам сиқиб қўлда тўппанчасини,  
Евгений шоирга назар ташларкан,  
«На бўлди? Ўлибди!» деди қўшниси.  
Ўлибди! Даҳшатли бу хитоб блан  
Тош қотиб Онегин қалтирар, бирдан  
Чекинар; чақирар одамларни у,  
Яхлаган жасадни Зарецкий шу —  
Замон бир чанага авайлаб қўяр;  
Уйга у элтади мудҳиш хазина.  
Ўликни пайқаган отлар жимгина  
Турмайди; уруниб, кўпиклар сочар.  
Пўлат сўлиқларни чайнашар тинмай.  
Сўнгра, улар учиб кетади ўқдай.



### XXXVI

Эҳтимол, шоирга сиз ачинасиз:  
Наш'али умидлар гуллаган пайти.  
Дун'ёга улардан қолдирмай бир из,  
Гўдаклик кийимин ташламай ҳали,  
У сўлди! Қаерда қизгин ҳаяжон,  
Қаерда ёш, юксак, нозик ва мардон  
Ҳислар, фикрларнинг нодир ва асл  
Интилишлари у? Қаерда, айтгин?  
Қани муҳаббатнинг тошқин ҳаваси,  
Билимга, меҳнатга бўлган чанқоқлик,  
Қабиҳ иш, уятдан қўрқув ва поклик?..  
Қайда сиз, муқаддас ше'р рў'ёси!  
Қайда сиз, самовий ҳаёт сояси,  
Қайда сиз, дил суйган хаёл шарпаси?

### XXXVII

Эҳтимол, жаҳоннинг саодати-чун,  
Ёки шуҳрат учун туғилганди у;  
Сукут этган сози оҳангдор куйин  
Ва гўзал садосин дун'ёда мангу  
Юксалтабиларди. Қим билсин, балки,  
Қиборлар олами нарвонидаги  
Олий бир мартаба, иззат пояси  
Уни кутар эди. Шоир сояси  
Муқаддас сирини ўзи-ла бирга  
Қабрга элтгандур; энди биз учун  
Ҳаёт бағишловчи созни қучди тун.  
Қабрда ётар у, ва унга сра  
Етмас замонларнинг мадҳу-саноси,  
Келгуси насллар ишқи, дуоси.

### XXXVIII. XXXIX.

Бу ҳам бир эҳтимол: шоирни, балки,  
Қутиб турар эди оддий бир тақдир.  
Ўтиб кетгач қизгин йигитлик даври,  
Совурди руҳининг ўти, ким билар?  
Ўзгарарди балки, у секин-секин  
Ижоддан айрилар, оларди хотин,

Қишлоқда талтайиб яшарди сўқум,  
Эгнида қовулма чопони тўқум,  
Ҳаётни англарди балки чинакам,  
У қирқ ёшида бод касалга учрар,  
Ер, ичар, зерикар, семирар, озар,  
Ниҳоят ётоқда, ажал келган дам,  
Ўлган бўлар эди — бунга не чора,  
Болалар, кампирлар, табиблар ора.

XL

Ўқучим, ҳарнима бўлмасин, майли,  
Лекин, афсуски, у ёшгина ошиқ,  
У шоир, тафаккур, хаёл тимсоли  
Ҳалок бўлди дўстнинг қўлида ёзиқ.  
Илҳомнинг фарзанди яшаган жойдан,  
Сўл томонда бордир бир кичик маскан,  
Бу ерда қўш арча ўсар ёнма-ён,  
Арчанинг тагидан оқади ҳарён  
Булоқ суви кумуш уқа сингари;  
Бунда қўшчи ором олишни севар,  
Тўлқинга ботириш учун келишар  
Пичанчилар олиб жаранг кўзани;  
Қуюқ сояликда, булоқ ёнида,  
Тикилган кичик ва содда обида.

XLI

Баҳорнинг ёмғири қир экинини  
Томчилаб яшнатабошларкан, чўпон  
Ҳайкалнинг остида ўз шиппагини  
Тўқиб, балиқчилар ҳақида дoston  
Қуйлайди; ёшгина шаҳарли хотин,  
Ўтказиб қишлоқда иссиқ ёз чоғин,  
Отини қамчилаб учаркан ёлғиз,  
Учи кўринмаган далада ғамсиз,  
Қайиш тизгинини бирдан тортароқ,  
Ҳайкалнинг олдида отни тўхтатар.  
Шляпадан майин тўрини тортар,  
Кўзини югуртиб ўқиркан шу чоқ  
Бир содда битикни — ма'юс бўлади  
Ва нафис кўзларга ёшлар тўлади.

## XLII

Топ-тоза далада жўнаркан секин,  
 Бу хотин хаёлга шўнғийди чуқур.  
 Рўҳи узоқ замон йўқотиб эркин  
 Ленский тақдири блан лим тўлур.  
 Уйлайди: «Ольганинг ҳоли на бўлди?  
 Қанча вақт қалбига ғам-ғусса тўлди,  
 Еки тез ўтдими мотам палласи,  
 Қаерда тураркин энди опаси?  
 Сатанг гўзалларга у сатанг душман,  
 Наш'а ва инсонлар қочқини қайда?  
 Қайда мудом дили зиқ бўлган телба?  
 Ёш шоир қотили қаерда сарсон?»  
 Бу ҳақда ҳисобот берурман: фақат  
 Батафсил сўзлашга золимдир фурсат.

## XLIII

Лекин, ҳозир кутманг. Севсам-да уни —  
 Ўз қаҳрамонимни мен бутун қалбан,  
 Гарчи қайтсам-да унга бир куни,  
 Броқ ҳозир асло қарайолмайман.  
 Йиллар наср сари судрайди мени,  
 Йиллар қуваётир шўх қофияни,  
 Мен эса — оҳ чекиб бўлайин иқроп,—  
 Кетидан судралиб бораман беор.  
 Қадимий қаламнинг йўқдир ҳаваси,  
 Тарқоқ варақларни қоралаш учун;  
 Ўзгача ва совуқ хаёллар, бутун  
 Ўзгача заҳматнинг ғам-андишаси  
 Ҳаёт базмида ҳам, жимжитликда ҳам  
 Қалбим ру'ёсини тинч қўймас бир дам.

## XLIV

Танидим ўзгача орзу сасини,  
 Танидим энди мен янги қайғуни,  
 Орзулар қайнатмас қалб наш'асини,  
 Эски қайғуларнинг дилда тугуни  
 Хаёллар, сиздаги сирдошлик қани?  
 Мангу қофияси у ёшлик қани?

Ажабо, ёшликнинг гултожи чиндан  
Сўлганми, ниҳоят, сўлганми бирдан?  
Инониш мумкинми, шуми ҳақиқат,  
Қайғули ҳарқандай шўхликдан холи,  
Ўтарми умримнинг баҳор айёми?  
Шу чоққача ҳазил дердим мен фақат,  
Ноҳотки, ёшлигим қайта бермас юз?  
Ноҳотки, ёшим ҳам бўлибдир ўтгуз?

#### XLV

Демак, умримнинг-да ўтмишидир ярми,  
Кўраман, лозимдир иқрор этишим.  
Хўп, тақдир шу экан: энди самимий  
Хушлашайик, енгил ёшлигим меним!  
Миннатдорман сендан завқ-сафо учун,  
Қайғу, дард, ёқимли у жафо учун.  
Шўхликлар, қайнашлар, базмлар, сурур —  
Бахш этган бор тухфанг учун ташаккур.  
Раҳматлар ўқийман, сен блан ҳар он  
Говғалар ичида, сукут, ичинда,  
Қайфлар сургандим... Қонгунчагина...  
Бас, етар! Бугун мен янги йўл томон  
Равшан кўнглим блан қадам ташлайман,  
Ўтмишдан мен ором олабошлайман.

#### XLVI

Орқамга қарайин кечир, масканим,  
Уйчан руҳим туши, қизгин хаёли,  
Ширин танбаллик-ла тўла кунларим  
Қўйнингда бир замон кечди вафоли.  
Сен эса, сен ҳам эй ёш жўшқин илҳом,  
Менинг хаёлимни тўлқинлат мудом,  
Суст, мудроқ қалбимни сен жонлантиргил;  
Масканимга тез-тез сен учиб келгил,  
Шоир руҳи учун асло қўйма йўл,  
Совушга, қуришга, ёввойланишга,  
Ниҳоят, тош каби қотиб қолишга,  
Киборлар ҳаёти бўғучи бир қўл,  
Бу гирдоб ичида, сиз блан, дўстлар,  
Афсуски чўмилиб келдик баробар! (38)

## ЕТТИНЧИ БОБ

Москва, Россиянинг севикли қизи,  
Қайдан топиш мумкин мислингини сенинг?  
*Дмитриев.*

Севмасдан бўлурми она Москвани!  
*Баратинский.*

Москвага қувғин бўлиш! демак жаҳонни кўриш!  
Қаер яхшироқ?  
Биз бўлмаган жой.  
*Грибоедов*<sup>171</sup>

### I

Чақпаган баҳорнинг нафаси блан  
Теварак тоғларнинг сиртидан қорлар  
Эриб, лойқаланиб оқади бирдан,  
Сувга лим тўлади дала-ўтзорлар.  
Уйқудан кўз очиб табиат, ёрқин —  
Табассум-ла қарши олар йил тонгин.  
Зангори тус блан порлайди само,  
Ўрмонлар кўкарар пўрсиллаб гўё,  
Ранглари товланар тоза ва тиниқ.  
Даланинг божини йиғиш-чун ари,  
Мўм ҳужрадан учар ўтлоқлар сари.  
Водилар сергийди, товланар илиқ.  
Подалар ма'рашар ва булбул бунда  
Сайрайди тунларнинг жимжитлигида.

### II

Келишинг нақадар ҳасрат бахш этар,  
Баҳор, оҳ баҳор! эй севги фасли!  
Қандай интизорлик, ҳаяжон, кадар  
Руҳимга сингади, билсайдинг, асли!  
Мен қандай оғир бир юпаниш блан

Завқларга ботаман, баҳорнинг эсган,  
Юзимни силаган нафаси ила,  
Қишлоқ сукутининг соф оғушида!  
Завқларми бегона, ё меним учун,  
Ҳарнаким бахш этар ҳаёт ва сурур,  
Ҳарнаким яшнатар, сочар зиё-нур,  
Аллақачон ўлган руҳимга сўлғун  
Узилиш, зерикиш, хорғинлик берар?  
Ҳарнима у учун қора кўринар?

### III

Ёки куз фаслида тўкилган барглар  
Яна қайтиб келса, бўлмаймизми шод,  
Ўрмонларнинг янги қўшиғин тинглар  
Бўлсак кечмишларни этмаймизми ёд?  
Ёки қайта келмас ўтар умримиз  
Астагина сўлиб боришини биз,  
Дард чекиб ўйлаймиз, жонли, яшнаган  
Табиат олдида туямиз равшан?  
Эҳтимолки ёдга тушади тагин,  
Шоирона ру'ё ичида дилдор,  
Ўзгача бир баҳор, эски бир баҳор,  
Бу баҳор узоқ бир диёр ва оёдин  
Ажойиб тун, севги хаёли шунда  
Қўзғатмасми тўлқин юрак ичида...

### IV

Мана қандай фасл: танги ялқовлар,  
Эпикур<sup>172</sup> муриди — ҳакимлар, яна  
Бепарво, бахтиёр, беғам анқовлар,  
Левшин мактабининг қушчаларила,<sup>(39)</sup>  
Сиз ҳам, эй қишлоқнинг ўтагалари,  
Сизлар ҳам, серсезги хонимлар, қани,  
Сизни чақиради қишлоққа баҳор,  
Илиқлик, гул ва иш фасли кўп дилдор,  
Илҳомларга тўлиб кезишлар пайти,  
Чақиради сирли, оёдин кечалар,  
Дўстларим, далага! Тез чиқинг, кечар.  
Чиқинг, оғир юкли каретадами,

Почтовой ё оддий араваларда,  
Шаҳар қопқасидан чиқингиз барча.

V

Ҳа, сизчи лутфикор ўқучим, келинг,  
Четдан харид қилган аравангизда,  
Говур-ғувур тўла шаҳарлардан кетинг,  
Қиш чоғи унда хўб завқландингиз-да;  
Борайлик билармон бу музам блан  
Исмсиз у дар'ё бўйида турган  
Қишлоққа, тинглайлик ўрмон гурлашин;  
Бекорчи, нохушнуд бир гўшанишин —  
Менинг Онегиним яқин замонда,  
Худди шу ерларда қишни кечирган;  
Хаёлчан, суюкли Татьяна блан  
Яшаган бутун қиш бўлиб ҳамсоя.  
Лекин, энди унинг қораси ўчган,  
Бу ерга у ғамли из ташлаб кўчган.

VI

Ярим бир доира шаклида ётган  
Тоғлар орасида кичик булоққа  
Борайлик, сув оқиб яшил увадан  
Дарахтлар оралаб етар ирмоққа.  
Бу ерда баҳорнинг ошиқи булбул  
Бутун кеча куйлар; ва на'матак гул  
Очилган; булоқнинг товуши майин;  
Қартайган кўш арча сояси сарин;  
Буерда кўринар бир қабр тоши,  
Езуви сўзлайди ўтган кимсага:  
«Фалон бир тарихда, фалон санада,  
Ботирлар ўлими блан ёш чоғи  
Ўлган Владимир бунда ётадир,  
Қабрингда ором ол, ёш йигит — шоир!»

VII

Кексайган арчанинг булоқ-шохида,  
Бир чоқлар, саҳарги шаббода сарин,  
Хокисор мана шу қабр бошида,

Тебратарди сирли гултожни секин.  
Бир маҳал, қуйилгач кеч ғира-шира,  
Бу ерга келишиб икки ҳамшира,  
Қабр тепасида қучоқлашароқ,  
Йиғлашар эдилар ойдинда иноқ.  
Фақат, ҳозир эса.. бу ғамли ҳайкал  
Унутилган бутун. Унга борган из  
Ўчгандир. Бутоқлар энди гултожсиз,  
Мўйсафид ва юпун чўпон ҳар маҳал,  
Бунда аввалгидай қўшиқ айтади,  
Камбағал чоригин бунда ямайди.

#### VIII. IX. X.

Бечора Ленский! Бироз вақт Ольга  
Ичидан ингради, йиғлади пиқ-пиқ.  
Ҳайҳот! Ёш қаллуқлар ўз қайғусига  
Бўлаолмас экан узоқ вақт содиқ!  
Бошқаси жалб этди унинг диққатин,  
Бошқаси бу қизнинг дарду ҳасратин —  
Севги хушомад-ла юпатди тамом  
Бу ҳарбий одамди, хулласи калом,  
Жалб этди Ольганинг муҳаббатини,  
Мана қиз у блан меҳроб қошида  
Турарди жимгина, гултож бошида,  
Бошин қуйи солиб кутар бахтини.  
Сузук кўзларида ўт ёнар лим-лим,  
Лабларида унинг енгил табассум.

#### XI

Бечора Ленский! Улим бағрида,  
Соқов абадият қучоғида у,  
Қайғули куйчининг ёниқ кўксида,  
Хиёнатнинг маш'ум хабари туйғу —  
Ғазаб тўлдирдимми? Ё уйқуда қар,  
Ҳушсиз ва сезгисиз роҳатда ётар?  
Жаҳли чиқмадимми ҳечнимадан ҳам,  
Унинг учун ёпиқ ва гунгми олам?  
Нақ шундай! Парвосиз бир унутилиш  
Қабрга кирганда бизни кутади.



Севгилилар, дўстлар, душманлар саси  
Ноғихон кесилар. Меросхўрлар тиш  
Қайрашиб биргина мулк учун, эссиз,  
Бир жанжал бошлашар тездан ҳаёсиз.

## XII

Тез кунда Ольганинг жаранг овози  
Учди Ларинларнинг хонадонидан.  
Хизмати туфайли ўз Ольгасини  
Куёв олиб полкка жўнайди расман.  
Қампир, қизи блан видо'лашган чоғ,  
Ениқ кўзёшларин оқизди булоқ,  
Жони нақ бўғзига тиқилган каби.  
Ёлғиз бир Татьяна йиғлаёлмади,  
Фақат, унинг шу он юзлари маҳзун,  
Қопланди ўлимнинг ўчиқ ранги-ла;  
Ҳамма ҳам эшикка чиққан пайтда  
Келин ва куёвнинг атрофин бутун  
Қуршаб олиб ҳамма видо'лашаркан,  
Татьяна уларни кузатди қалбан.

## XIII

Уларнинг қораси ўчкунча бу қиз  
Қаради, гўёки туман ичидан...  
Мана қолди ёлғиз, Татьяна ёлғиз!  
Ҳайҳот! Шунча йиллар дугона бўлган,  
Унинг бу қумриси, дўст-севгилиси,  
У блан туғишган азиз синглиси  
Толи' ели уни учирди йироқ,  
Ундан айрилганди абадий шу чоқ.  
Соядек тентираб юрар бекорга,  
Хароб боғчаларга ба'зан қарайди...  
Ҳеч ер, ҳеч нарсадан ором олмайди.  
Босиб тиндирилган у кўзёшларга  
На таскин топади ва на тасалли,  
Юрак қоқ ёрилиб кетгудай ҳали.

## XIV

Мудҳиш ёлғизликда кучлироқ ёнар  
Татьяна кўксига севги оташи.

Онегин узоқда. Лекин зўраяр  
Қизнинг юрагида соғинч, қўмсаши.  
Энди ҳеч кўрмайди уни Татьяна,  
Ва ўз қардошининг қотили яна  
Қизнинг юрагида нафрат ҳам қўзғар,  
Шоир ҳалок бўлди... Ёдига олар  
Бирон киши йўқдир. Мана бирпасда  
Ўзгага берилди ёш маҳбубаси.  
Мовий самодаги бир тутун каби  
Шоир хотираси қолмади эсда.  
Эҳтимол, шоирга икки қалб ҳануз  
Қайғирар... Қайғуда не бор, айтингиз!

## XV

Оқшом пайти. Осмон қорайган. Сувлар  
Секин оқар... Қўнғиз визиллаб қолар.  
Лапарчилар тинган — тарқалган улар,  
Дар'ёнинг нариги бўйида ёнар  
Балиқчилар ўти. Татьяна шу чоқ  
Соф далада ёлғиз сайр этди узоқ.  
Хаёлларигина чулғаган уни,  
Қуюларди секин ой кумуш нури.  
Юрди, юрди. Қирдан кўрди қуйида:  
Онегин кўрасин кўрди ногаҳон,  
Тепанинг остида қишлоқ ва ўрмон,  
Бир боғча типтиниқ дар'ё бўйида.  
Боқаркан уларга Татьяна дили  
Бир зумда тез уриб, дукуллаб кетди.

## XVI

Уни саросима қилар гумони:  
«Олдинга юрайми, орқага қайтай?..  
У-ку бунда эмас, билмаслар мени...  
Шу уйга, шу боққа бир қараб ўтай...»  
Базўр нафас олиб Татьяна шу он  
Тушади тепадан, атрофга ҳайрон  
Югуртар қарорсиз боқишларин қиз..  
Сўнг кирар ҳовлига, ҳовли кимсасиз.  
Кучуклар увуллаб унга югурди.  
Қўрқувдан бу қизнинг дод-фар'ёдига

Атрофдан чувуллаб бир тўда бола  
Бир зумда йиғилиб итларни урди,  
Ва қувди ҳарёққа кўтариб сурон,  
Ҳимоя қилишди қизни шу замон.

#### XVII

«Кўришим мумкинми бариннинг уйин?»  
Сўради Татьяна. Тезда болалар,  
Калидини олиб келтириш учун,  
Анисья қошига дув югурдилар;  
Дарҳол қиз ёнига келар Анисья,  
Эшик очилади қиз қаршисида.  
Татьяна бўш уйга кирар; бир замон  
Бу ерда яшаган бизнинг қаҳрамон.  
Татьяна кўради: залда қаровсиз  
Биллиарднинг устида таёқ дам олар,  
Ғижимланган, юмшоқ курсида ётар  
Чавандоз қамчини. Узоқ боқар қиз;  
Қампир унга деди: «камин мана бул,  
Утирарди барин шу ерда нуқул».

#### XVIII

Бу ерда у блан қиларди овқат  
Қўшнимиз Ленский марҳум қиш пайти.  
Кетимдан бу ёққа қилинг марҳамат,  
Мана бу жанобнинг ўз кабинети.  
Бунда роҳат қилиб ичарди қаҳва.  
Приказчикларидан тинглар ма'руза,  
Китоб ҳам ўқирди эрталаб ба'зан...  
Эски барин ўзи шунда яшаган;  
Шу ерда мен блан якшанба куни  
Дераза олдида тақиб кўзойнак,  
Карта ҳам ўйнаган у кекса андак.  
Тангрим ярлақагил қабрида уни,  
Совуқ ер бағрида унга раҳм қил,  
Бир кап суягига сен тинчлик бергил!»

#### XIX

Ихлоскор бир боқиш ила Татьяна  
Ҳамма нарсаларга қунт блан қарар.

Бебаҳо кўринар унга ҳарнарсас;  
Ҳаммаси синиққан руҳни жонлатар,  
Бир азоб аралаш севинч-ла ҳардам:  
Қандиллари сўниб қолган стол ҳам,  
Қаланган китоблар, гилам тўшалган  
Кроват ва ойнинг хира аксидан  
Деразалардаги гўзал манзара,  
Шу ярим ойдинлик, қорамтир бир нур,  
Лорд Байрон сурати деворда мағрур;  
Қалпоғи остида ёвуз пешона,—  
Қўллари чалкашиб сиқилган маҳкам,  
Чўяндан ишланган у қуғирчоқ ҳам<sup>173</sup>.

## XX

Модали хонада Татьяна узоқ  
Туради, у мафтун бўлгандай гўё.  
Кеч бўлиб қолганди. Совуқ ел уйғоқ,  
Водилар қоронғи, туманли дар'ё  
Тепасида ухлар сокин дарахтзор,  
Тоғнинг орқасига ой яширинар.  
Зиёратчи қизга уйга жўнаш-чун  
Кўпдан вақт етгандир, босди қора тун.  
Татьяна билдирмай ўз ҳаяжонин,  
Хўрсинади ёлғиз, мана у қайта  
Келган йўли блан жўнайди яна.  
Лекин, Анисьядан сўрайди тагин  
Кимсасиз қасрни қилиб зиёрат,  
Шунда мутолиа учун ижозат.

## XXI

Дарвозадан чиқиб калидчи хотин  
Блан хушлашди у. Бир кун Татьяна  
Эрта блан барвақт келганди тагин,  
Ташланиб кетилган бу оромгоҳга;  
Шу жимжит кабинет ичида нолон,  
Дун'ёда барчани унутиб бир он  
Ниҳоят, қолганди энди бир ўзи,  
Анча вақт қайноқ ёш қуяди кўзи.

Сўнгра, машғул бўлди китоблар ила.  
Даставвал буларга йўқ эди майли,  
Лекин китобларда мавзу' туфайли  
Уларга қизиқди. Мутолиага  
Берилди Татьяна, унинг кўп чанқоқ  
Руҳига очилди бир олам шу чоқ.

## XXII

Гарчи, билар эдик, кўпдан Онегин  
Кўнгли қолган эди мутолиадан,  
Ташланган китоблар ичидан лекин  
Бирнеча асарни истисно қилган:  
Гяур ва Жуанни<sup>174</sup> ёзган куйчини,  
Яна романлардан икки-учини;  
Акс этгандир замон бу асарларда,  
Асрдош инсон ҳам чинлиги ила  
Тасвир этилгандир. Унинг хаёллар  
Кетидан поёнсиз равишда қувган  
Ахлоқсиз, паст, бузуқ ва қовжираган  
Худбин руҳи тамом тасвир этилар,  
Кўринар бўш амал ичида қайноқ,  
Унинг ғазабланган ақли ярқироқ.

## XXIII

Бир кўп саҳифалар сақлаб қолганлар  
Тирноқларнинг кескин белгиларини,  
Диққатли бу қизнинг кўзи тикилар  
Тийраклик блан у чизиқлар сари.  
Татьяна зир титраб кўрар бирма-бир  
Қайси қайд, танбиҳлар, ва қайси фикр  
Онегинни фақат ҳайратга солган,  
Ва қайси фикрга у қойил қолган.  
Китоблар четида учратади қиз  
Унинг қаламининг чизиқларини,  
Ҳар ерда Онегин руҳи, юраги  
Ифода қилади ўзини эрксиз,  
Гоҳо қисқа бир сўз, гоҳо бир чизиқ,  
Савол аломати блан оп-очиқ.

## XXIV

Тушунабошлайди, тангрига шукур,  
 Татьяна, Онегин ким эканини,  
 Хукмрон тақдир-ла қиз бойқиш бир қур  
 У учун ёқмади ўз юрагини?  
 Кимдир у, энг хавфли дардкаш савдойи,  
 Дўзахми яратган, осмонми ёки,  
 Малакми, ёки у такаббур мал'ун,  
 Нима у? Ажабо тақлидчи забун,  
 Кўзга илинмаган шарпа мисоли,  
 Ёки у Гарольднинг кийиб либосин,  
 Та'бир этмак учун ўзгалар айбин,  
 Бутун луғатини танлаб модали<sup>175</sup>.  
 Сўзлар-ла тўлдирган москвалими?  
 Ёки у майнавоз, найранг аҳлими?

## XXV

Ажабо, бу сирни қиз этдими ҳал?  
 Ажабо, топилди керакли бир сўз?  
 Соат югуради: қиз унутди сал.  
 Уйда уни кутиб туришар тўрт кўз.  
 Ҳозир ҳовлисида қўшнилар фақат  
 Татьяна устида қилишар суҳбат;  
 Кампир пихиллайди ололмай нафас:  
 — На қилай? Татьяна ёш бола эмас.  
 Унга қараганда Ольга-ку кичик;  
 Шу қизни узатсам: айни вақти-я,  
 Нима қилай энди қиз тушкурни, а?  
 Ҳаммага бирхилда жавоби кесик:  
 Тегмайман! Ҳам ўзи ҳамиша ма'юс,  
 Тентираб юради ўрмонда ёлғиз.—

## XXVI

«Севгига дучорми?»— Кимни севар у?  
 Буянов совчилар юборгани: рад...  
 Иван Петушковга — жавоб худди шу.  
 Гусар Пихтин<sup>176</sup> қандай қилди хушомад!  
 Айланди, ўргулди... Бизга меҳмонди,

Худди қув шайтондай ялинди-ёнди,  
Ҳа энди тегар деб ўйлаган эдим;  
Қаёқда! Соврулди яна умидим.—  
«Хўш, гапир, бувижон, на қолди энди?  
Москва бор, қаллиқлар ярманкасига,  
Узатарсан унда биронтасига»  
— Оҳ, жоним, ўргулай! Кирим озайди.—  
«Москвада қишга пулинг етса, бас.  
Бўлмаса, қарз ҳам берарман, куймас».

## XXVII

Ма'қул ва хайрли мана шу кенгаш,  
Кампирга жуда ҳам ёқиб қолади;  
Ҳам шунда қиш фасли Москвага жўнаш  
Учун кампир қат'ий қарор қилади.  
Етди Татьянага бу янги хабар.  
Талабкор ва инжиқ муҳитта элтар  
Тақдим этмоқ ўзин қишлоқча содда,  
Очиқ рухсорининг латофатин-да,  
Вақти ўтиб кетган зийнатларини,  
Нутқини, эскирган услубини ҳам;  
Жалб этиши керак у ерда ҳар дам  
Ҳархил олифталар диққатларини!  
Оҳ, даҳшат! йўқ, типтин ўрмонда буткул  
Қолмоқлик у учун яхши ҳам ма'қул.

## XXVIII

Тонгнинг илк нурлари блан уйғониб,  
Дала сайрига қиз ошиқар шу топ.  
Меҳрли кўзлар-ла тамоша этиб,  
Татьяна уларга қилади хитоб:  
«Алвидо', эй тип-тинч, сокин водилар,  
Сиз ҳам эй ошно тоғлар, чўққилар,  
Сен ҳам эй кўп чоқлар қадрдон ўрмон,  
Алвидо', сен ҳам эй шўх, шан табиат:  
Алишаман латиф, жимжит дун'ени,  
Йилтироқ ҳаётнинг шовқин-сурони  
Бадалига... Кечир, эй эрким, фақат!

Қайга, нима учун мен интиламан?  
Тақдирим не ва'да қилади экан?»

### XXIX

У далада кезиб узоқ сайр этар,  
Гоҳо бир тепача, гоҳо бир чашма,  
Ихтиёрсиз энди уни тўхтатар,  
Жалб этар бирдам ўз латофати-ла...  
Қиз ўз чакалаги ва майсалари  
Блан энг қадрдон дўстлар сингари,  
Дардлашиб қолишга ошиқар бироз.  
Лекин ҳу дегунча ўтиб кетар ёз,  
Ва етиб келади олтин куз мана.  
Табиат зир титроқ ва ранги сўнган,  
Қурбон бўлар қиздай кўркам кийинган...  
Мана шимол қувиб булутни яна  
Ҳансираб увлади — жодугар, ботир  
Ана қишнинг ўзи ҳам келаётир.

### XXX

Қиш келди-ю, чўкди; қор гули учиб  
Дарахтлар шохига осилиб қолди;  
Қирлар, адирларни далани қучиб  
Оқ мавжли гиламдай у ётиб олди.  
Тош қотган дар'ёнинг қирғоқларин қиш  
Юмшоқ, оқ пардага ўраб чирмамиш.  
Чақнади изғирин. Хўп севинамиз  
Суюкли бу қишнинг шўхлигига биз.  
Фақат қизнинг дили эмасди хурсанд.  
Татьяна бу қишни қаршилаб олмас,  
Совуқ учқунлар-ла олиб кенг нафас,  
Томдан оққан илк қор сувлари блан  
Ювмайди киптин-у, юзини ва кўксин:  
Қиш йўли хатарлик Татьяна учун.

### XXXI

Ўтиб кетди сафар муҳлати ана,  
Энг сўнгги муддат ҳам ўтмоқда эди,  
Тамом унутилган арава яна  
Кўздан кечирилди, тайёр этилди.



Уч соябонликдан иборат карвон;  
Юкланди рўзгорнинг лаш-луши: қозон,  
Товоқ, қошиқ, курси, қути — сандиқлар,  
Банкаларда қиём, ва пар ёстиқлар,  
Тўшаклар; хўрозлар ўз қафасида;  
Хурма, хурмачалар, тослар ва рўзгор  
Қақир-қуқуридан яна кўпи бор.  
Избада, хизматкор халқ орасида  
Қўтарилди шовқин, видо' йиғиси,  
Ҳайдалди отлардан ўн саккизтаси.

### XXXII

Кўркам аравага қўшилар отлар,  
Ошпазлар наҳорлик ҳозирлашади,  
Юкни ортадилар худди тоғ қадар,  
Кучерлар, аёллар хўп қарғашади.  
Оп-ориқ, ҳурпайган отга тезгина  
Серсоқол форрейтер<sup>177</sup> қўнқайди мана;  
Дарвоза олдига хизматкор аҳли  
Хўжайинлар блан хайрлашгали  
Йиғилди; шарафли бу аравага  
Ўтирди қиз, она; юради карвон.  
«Хайр энди, алвидо' гўзал, тинч мақош!  
Яхшиқол сафоли эй хилватхона!  
Қайта кўрарманми?»— сўзлар экан қиз,  
Чашмадай кўз ёши оқар тўхтовсиз.

### XXXIII

Хайрли урфоннинг чегараларин  
Яна ҳам бирмунча биз кенгайтира,  
Ўз навбати блан (фалсафа тахмин  
Жадваллари тузган ҳисобга кўра,  
Беш юз йилдан кейин) йўлни, шубҳасиз,  
Биз ҳам ўзгартириб олармиз ҳадсиз:  
Қаёққа қарасанг тош йўллар, бари  
Кесиб ўтар, қўшар шу Россияни.  
Дар'ёлар устидан ташлайди қадам,  
Чўян кўприклар ҳам ташлайди қадам,  
Ей каби, дар'ёларни — кесиб устида,

Тоғларни сурамиз, сувлар остида  
Қурамиз ҳайбатли пештоқларни ҳам,  
Исо динидаги шу мамлакатда  
Ошхона бўлғуси ҳарбир бекатда.

#### XXXIV

Ҳозир эса бизнинг йўллар кўп ёмон, <sup>(40)</sup>  
Ташландиқ кўприклар чиримоқдалар,  
Кўзларга уйқуни келтирмас бир он  
Бекатларда бўлган кана, бургалар;  
Ошхона йўқ. Хужра музлаб қотади,  
Деворда қуп-қуруқ овқат рўйхати —  
Хўжа кўрсин учун уни осишар,  
Иштаҳонг уйғотар, оғзинг сув ошар;  
Темирчилар — қишлоқ циклоплари<sup>178</sup>  
Ватан ерларининг ўнқир-чўнқирин,  
Паст-баландин мақтаб, бир зум тинмайин  
Ишлайди жим ёнган ўт ичра бари:  
Русия болғаси блан шифосин  
Қилар Европанинг нозик мато'йин.

#### XXXV

Шуниси ҳам борки, совуқ қиш фасли,  
Енгил ва ҳузурли бўлармиш сафар,  
Модали қўшиқнинг ма'носиз назми  
Сингари қиш йўли сипсиллиқ кетар.  
Жасоратли бизнинг автомедонлар,<sup>179</sup>  
Бизнинг тройкалар толмасдан чопар.  
Кўзга ташланади туташиб қатор,  
Чақирим устунлари бамисли девор. <sup>(41)</sup>  
Қиммат йўлкирадан қўрқиб Ларина  
Почтовой ёлламас, бахтига қарши,  
Судради уни ўз аравалари.  
Йўлнинг заҳматидан бизнинг Татьяна  
Тўйгунча қониқди, айлади маза:  
Етти кун йўл босди хонимлар роса.

#### XXXVI

Мана яқин қолди. Москва оқ мрамар,  
Олтин бутлар ёнган қадимги, кўҳна

Қубба-миноралар шавкати ила  
Уларнинг кўзига бирдан кўринар.  
Тингланг, қардошларим! Менга даф'атан  
Бутхоналар ва занг қуллалар блан  
Боғлар, саройларнинг манзараси жим  
Очилганда қандай севинган эдим!  
Айниб шум толиим, бенаво ҳижрон  
Ичинда яшаркан, аламлар ила  
Сени ўйлагандим... Сени, Москва!  
Москва... Бу садода қанча ҳаяжон.  
Қанча туйғу сингган руснинг қалбига!  
Акс этмиш хотира ундан мангуга!

### XXXVII

Дарахтзорлар блан тамом қуршалган  
Мана Пётр қасри. Ўшшайиб турар,  
Фахр этар яқинги шуҳрати блан.  
Сўнгги толиидан маст ва беқарор.  
Наполеон завқланиб кутди беҳуда  
Тиз чўкиб, зорланиб бунда дилида:  
Москва Кремли калидин тутди;  
Йўқ, менинг Москвам бошини қуйи  
Солароқ бормади Наполеонга.  
Тақдим-чун тўй эмас, ин'омлар эмас,  
Москва тайёрлади бир ёнгин халос,<sup>180</sup>  
Сабру қарори йўқ бу қаҳрамонга  
Шу чоқда Наполеон ўйга толади,  
Шиддатли ёлқинлар сари боқади.

### XXXVIII

Алвидо' эй ўчган шуҳрат гувоҳи  
Бўлган Пётр қасри! Тез юр, тўхтама.  
Жўнаб қол! Қопқанинг ана пештоқи  
Оқариб кўринар; Тверскойда  
Баланд-пастликлардан арава чопар.  
Ёндан ялт-юлт кечар будка, аёллар.  
Болалар, дўконлар, фанорлар, яна  
Саройлар, боғчалар, монастирь, чана;  
Бухородилар<sup>181</sup> ҳам кўк полизлари,

Тужжорлар, деҳқонлар, қанча дахмалар,  
Бульварлар, казаклар ва миноралар,  
Аптекарлар, мода магазинлари,  
Балконлар, тош шерлар дарвозаларда,  
Бутларга қўнишган галалаб қарға.

XXXIX . XL

Бу тамоша кишин бездириб жуда  
Ўзилди анча вақт, арава кейин  
Харитонъ олдида, кичик кўчада  
Бир уй дарвозаси олдида секин  
Тўхтади. Тўрт йилдан бери бўлиб сил,  
Кампир хола бунда турар муттасил,  
Ларинлар қўндилар бу хонадонга.  
Уралиб эски ва йиртиқ кафтанга  
Эшикни доғ очиб қилади қуллуқ,  
Қўзида ойнаги, қўлида пайпоқ,  
Уйнинг хизматкори, мўйсафид қалмоқ.  
Княгина қичқирар севинчга тўлиқ.  
Кампирлар қучишиб кўришар дарҳол,  
Йиғи-сиғидан сўнг сўрашар аҳвол.

XLI

— Бекажон — «Пашенька!» — Алинажоним! —  
«Ким ўйлайбиларди? Қанча вақт ўтган!  
Узоқ турасизми? Жоним! Эгачим!  
Ултиргин, қандай бу ажиб иш экан!  
Худо ҳақи, гўё романдан саҳна...»  
— Бу меним қизимдир, исми Татьяна —  
«Оҳ, жоним Татьяна! Менга кел, қани —  
Мен гўё шу топда туш кўрган каби...  
Грандисонни сен ёдларсан, жоним?  
Қайси Грандисон? Ҳа... Грандисон!  
Ёдимда, қайда у яшар бу замон? —  
«Москвада... Семёнда яшайди доим?»<sup>182</sup>  
Менга келиб кетди арафа кун,  
Уйлантирди у яқинда ўғлини.

## XLII

Анови... қўй, кейин сўзлармиз яна,  
Дурустми? Эртаёқ биз Танямизни  
Танитиб қўямиз хеш-ақрабога.  
Афсуски, заифлик қақшатди тизни,  
Оёқни зўр-базўр судраб босарман.  
Қийналиб келгансиз узоқ сафардан;  
Қани юринг, бирга олаёлик ором,  
Вой, сийнам чарчаган... кучим ҳам тамом...  
Ёлғиз қайғу эмас... Мен учун ҳамон  
Шодлик ҳам оғирдир энди, оппоғим...  
Энди ҳечнарсасага йўқ яроқлигим...  
Ҳаёт шундай хунук қартайган замон...»  
Шундаёқ бутунлай у чарчаб қолди,  
Кўзёши аралаш кампир йўталди.

## XLIII

Бу касал холаңинг силаб-сийпаши  
Татьянага та'сир қилади: аммо  
Кўзига кўринар уйи дилкаши,  
Янги маскан унга ёқмайди асло.  
Шойи пардалар-ла ўралган бутун  
Ётоғида уйқу келмайди бир тун.  
Эрталабки ишдан беради хабар  
Барвақт жарангловчи кўп қўнғироқлар,  
Ётоғидан эрта қўзғатар уни.  
Дераза олдига келар Татьяна,  
Зулматлар ёришар, аммо у яна  
Қўмсайди ўзининг дала, қирини;  
Унинг кўз ўнгида қўра — бегона:  
Кўринар отхона, девор, ошхона.

## XLIV

Мана, қариндошлар зиёфатига  
Энди ҳаркун қизни олиб юришар.  
Бобо, бувиларга паришонгина  
Бу эринчак қизни тақдим қилишар.  
Узоқ ердан келган қизга марҳамат,

Ҳар ерда очиқ юз кутиш ва иззат,  
Офаринлар, ўқиш, меҳмондорчилик.  
«Қиз қандай ўсибди! Мендим шекиллик  
Сенга исм қўйган туғилган кечанг?  
Мен эса шундай бир қўлга олгандим!  
Мен эса қулоғинг чўзақолгандим!  
Мен сенга ширинлик бергандим, билсанг!»  
Бир оғиздан тасдиқлашар бувилар:  
«Умримиз қандай тез учар-югирар!»

#### XLV

Лекин, уларда йўқ ўзгарниш, яна  
Эски қолипдадир улар ўшандоқ:  
Мана, хола — князь хоним Елена  
Бошида ҳали ҳам у дока қалпоқ;  
Ҳали упа сурар Лукерья Львовна,  
Ҳали ҳам лоф урар Любовь Петровна,  
Ва Иван Петрович ҳали ҳам аҳмоқ,  
Хасисдир Петрович Семён ўшандоқ...  
Палагея хонимга ҳали ҳам хуштор  
Айни ўша кўрган Финмуш афанди,  
Ўша зотли кучук, эри ҳам айни,  
Ўша клубига<sup>183</sup> ҳалига қадар  
Чин а'зо; ўшандай мўмин ва гаранг,  
Ўшандай ер, ичар, ўшандай барзанг,

#### XLVI

Татьянани қучар ҳамма қизлари...  
Москвада яшаган бу ёш парилар  
Дастлаб сукут қилиб Татьяна сари  
Бошдан оёққача солишар назар;  
Татьяна кўринар бир нав'и ажиб,  
Қишлоқидай содда, нозли ва латиф;  
Ранги ҳам қандайдир ўчиқ, қотма-ю,  
Шунинг блан бирга чакки эмас у;  
Сўнгра, қизлар хулқи очилган сайин —  
У блан дўстлашар ва чақиришар,  
Ўпишиб, қўлларин нозик сиқишар.  
Модага мувофиқ ҳурпайтиб сочин,  
Кўнгил сирларини, қизлар сирини,  
Очадилар унга жуда самимий.

## XLVII

Айтишар бировлар, ўзларининг ҳам  
Умид орзуларин, шўх хаёлларин.  
Енгил ғийбат, туҳмат аралаш ҳар дам  
Ма'сум суҳбатлари оқади сокин,  
Сўнг, сайраганлари учун қизчалар  
Назокат-ла, қалбан талаб қилишар,  
Унинг чин кўнгилдан э'тирофини.  
Гуё туш кўргандек, улар гапини  
Татьяна тинглайди ҳиссиз, бепарво;  
Ҳечнима англамас; лекин сақлар у,  
Бир сукут ичида севикли — мангу  
Кўнгил сирларини; улар бебаҳо,—  
Бахтнинг, кўзёшининг хазинасидир,  
Буларни ҳечкимга айтмайди ҳечбир.

## XLVIII

Суҳбатни, умумий муколимани  
Татьяна уқишга орзу қилади,  
Меҳмонхоналарда лекин ҳаммани  
Туғуриқсиз, пуч гап машғул этади;  
Уларда ҳарнарсга лоқайд ва сўлғун;  
Ҳатто бухтонлари рангсиз ва юпун;  
Пуч, қовжироқ гаплар, суруштиришлар  
Ғийбатлар, жўйишлар, ҳархил миш-мишлар  
Бутун кун чўзилсин ялт этмас фикр,  
Лоақал қўққисдан, лоақал бирдан  
Толғин фикр чиқмас бунда ҳечкимдан  
Ҳазил-ла юракка этолсин та'сир.  
Кулгига арзиғур аҳмоқлик ҳатто,  
Сенда учратилмас, пуч, кибор дун'ё!

## XLIX

Архив йигитлари<sup>184</sup> бўлиб бир гала  
Татьянага боқар ҳеч менсимасдан,  
Бу қиз тўғрисида та'налар ила  
Ёқимсиз гапларни тўқирлар қасдан.  
Қандайдир нома'лум бир ожиз қизиқ,

Қизни камолотин топар мувофиқ,  
Эшикка суяниб ёзмоқда шу пайт  
Татьяна ша'нида ошиқона байт.  
Наш'асиз холанинг уйида бирчоқ  
Қизга Вяземский йўлиқиб қолди,  
Ёнига ўлтириб кўнглини олди.  
Унинг яқинида қизни пайқаб, оқ  
Қалбаки сочларин пардозлаб бир чол  
Қизни суруштирар, секин, бемалол.

## L

Лекин, Мельпомена<sup>185</sup> чўзиқ нидоси  
Юксалган ерларда, ҳиссиз аламон  
Қаршисига чиқиб сун'ий ридоси  
Блан жилва қилган ерларда бир он,  
Дўстлик олқишларин тингламай лекин,  
Талия<sup>186</sup> мудраган жойларда сокин,  
Терпсихорага, ёлғиз унинг-чун  
Ҳар ёш тамошабин бўларкан мафтун,  
(Худди шундай бўлар эди илгари,  
Сизларнинг, бизларнинг замонимизда)  
Я'ни театрда бу содда қизга  
Тушмас хонимларнинг рашкли ойнаги;  
Машҳур билимдонлар дурбин қаратмас  
Ложа, курсилардан унга бир нафас.

## LI

Мажлисга ҳам қизни олиб келишар<sup>187</sup>.  
Тиқилинч, шошқинлик, ҳаяжон қизгин,  
Музика гурлайди, порлайди шамлар,  
Жуфт-жуфт бўлиб илдам учишар ёрқин;  
Порлар жононларнинг зеб-пардозлари;  
Халқ блан яшнаган балконлар бари,  
Қалдиқлар кенг ярим доира чизган,  
Барча туйғуларни мот этар бирдан.  
Машҳур олифталар бунда кўрсатар  
Ўз сурбетлигини, ўз нимчасини,  
Хотири паришон дурбинчасини...  
Бу ерга, муваққат бўшаган гусар —



Ошиқар, мақсади — гувуллаш, қучиш,  
Ялт этиб, дил узиб, яна пирр учиш.

### LII

Кечанинг кўп латиф юлдузлари бор,  
Жононлар Москвада яшар беҳисоб,  
Кўкдаги қизлардан ёрқинроқ порлар  
Ложувард ҳавода фақат бир моҳтоб.  
Бу ерда эди у — ажойиб бир қиз,  
Созим-ла қалбини ёқмадим ёлғиз.  
Угина хотинлар ва барча қизлар  
Ичида ярқираб у ойга ўхшар.  
У қандай илоҳий таманно блан,  
Қандай ҳашам блан юрар ва яшнар!  
Кўкрагида қандай севги, ноз ёнар!  
Диллар титрар унинг шаҳло кўзидан.  
Бас етар, бас етар; садонг тўхтагай:  
Сен-да мажнунликка бож бердинг талай.

### LIII

Қий-чув, қаҳқаҳалар, та'зим, саломлар,  
Ҳархил рақс — мазурка, вальс, айланув.  
Ҳечкимга сезилмай Татьяна турар,—  
Икки холасининг ўртасида у.  
Татьяна қарайди, олмайди лаззат,  
Қибор ғавғосидан қилади нафрат,  
Унга бу ер бўғиқ... У хаёлида  
Интилади ҳозир қир ҳаётига,  
Қишлоққа, камбағал деҳқонларига,  
Қумсайди у ҳозир холис гўшани,  
Шарқираб қайнаган кумуш чашмани;  
Интилар гуллари, романларига,  
Интилар кўлкадор хиёбон сари,  
Унда учрашганди дил олган ёри.

### LIV

Қизнинг фикри шундай теңтирар узоқ;  
Жаҳонни унутди, эсдан чиқди бал,

Ҳолбуки, бу қиздан кўз узмас шу чоқ  
Қандайдир серсовлат, мағрур генерал.  
Холажонлар дарҳол кўзни қиошди,  
Татьянани тирсак блан туртишди,  
Ва ҳарбири унга пичирлар шу чоқ:  
— Сўл томонга қара, тезгина бир боқ!  
«Сўл ёққа? қаерда? у ерда нима?»  
— Майли, на бўлмасин, қарайбер ахир...  
Анови тўдада, кўрдингми ҳозир...  
Ана, икки киши ҳали мундирда...  
Мана нари кетди... айланди мана.  
«Қимди? Анов йўғон генералми, а?»

LV

Бу ерда қутлаймиз ғалабаси-ла,  
Менинг бу севикли Танямни бугун,  
Йўлимизни четга бурамиз пича  
Қимни куйлашимни унутмаслик-чун...  
Бу ҳақда бир-икки оғиз сўз керак:  
*Куйлайин ёш ошнам мадҳин қизғинрак*  
*Ва унинг кўпгина ажиб сифатин.*  
*Давомли меҳнатим сен қил дуосин,*  
*Сен эй, ривоялар тўқучи илҳом,*  
*Топширгил энг содиқ бир асо қўлга,*  
*Адашгирма мени эгри бир йўлга.*  
Етар. Елкамдан юк йўқолсин тамом!  
Қлассицизмга бердим мен салом:  
Гарчи кеч эса-да бор муқаддимам.<sup>188</sup>

## САККИЗИНЧИ БОБ

Fare thee well, and if for ever  
Still for ever, fare thee well.

*Byron*<sup>189</sup>


### I

Лицей<sup>160</sup> боғларида беташвиш ва тинч  
Гуллаган, яшнаган чоқларимда ман,  
Цицеронни<sup>191</sup> асло ўқимай, севинч —  
Шавқ-ла Апулейни<sup>192</sup> ўқиб юраркан,  
У кунлар, сир тўла у водиларда  
Оқ қушлар қийқирган чоқда, баҳорда,  
Порлоқ сув бўйида ва шу жимжит дам  
Кўриниш бермоққа бошлади Музам.  
Менинг талабалик ҳужрам ногихон  
Нурга тўлган эди: бу ерда илҳом  
Қурди ёш шўхликлар базмини тамом,  
Тараннум қилди у қадимги замон  
Бизнинг шонимизни, гўдаклик нозин,  
Дилимдаги ларзон тушлар парвозин.

### II

Муҳит кутиб олди табассум ила;  
Бизни илк ғалаба қанотлангирди;  
Бизни чол Державин<sup>193</sup> кўзга илди-да,  
Фотиҳа ўқиғач қабрга кирди.

. . . . .  
. . . . .  
. . . . .  
. . . . .



### III

Ўзимга қоида сингари тутиб  
Ҳирсларнинг қайновчи бебош парвозин,  
Ҳисни аламон-ла мен баҳам кўриб,  
Ўйноқи созимни келтирдим яқин  
Жанжаллар, базмлар тўполонига —  
Соқчи-миршабларнинг тегиб жонига:  
Ўша девонавор базмларга деб  
Илҳомим совғалар келтирди эриб,  
Шароб парисидай ўйнади серноз,  
Қадаҳ орқасидан меҳмонлар учун  
Қуйлади; кечмишнинг ёшлари у кун  
Кетидан қизиқиб югуришди боз.  
Мен эса беқарор маҳбубам ила  
Базм аро ифтихор қилардим хийла.

### IV

Броқ, бу улфатдан мен узоқ замон  
Айрилиб қолгандим... ва қочдим узоқ.  
Орқамдан чопди саз — Музам меҳрибон,  
Жимжит йўлни менга яшнатди кўп чоқ  
Сирли эртақларни қилиб ривоят!  
Кавказ тоғларида у неча навбат  
Ойдин кечаларда Ленора каби,<sup>194</sup>  
Мен блан юрди у, от сурди дайди!  
Қрим соҳилида, тун қорасида  
Кўп даф'а биз юрдик: денгиз шовқини,  
Сув париларининг шивиллашини,  
Дун'ёлар отаси ҳақда қасида,  
Тинимсиз тўлқинлар ашуласини,  
Бирга тинглаб олдик биз — жумласини.

## V

Унутганди узоқ пойтахтни ҳам,  
Суронли базмлар ва дабдабани,  
Дардли Молдавия чўлининг пасқам  
Ерларида кўчма ҳар қабилани  
Фақир чодирларин қилди зиёрат,  
Улар орасида авомлашди бот.  
Ёдидан чиқарди тангрилар нутқин,  
Сихр этди қалбини ажиб ва мискин  
Тиллар ва ёқимли чўл қўшиқлари...  
Ногихон ўзгариб кетди ҳаммаёқ:  
Ана менинг боғим ичида иноқ  
Кўринди қишлоқи бир қиз сингари,  
Кўзларида ғамли фикрлар шу топ,  
Кўлида франсуз тилида китоб.

## VI

Мен бугун Музамни биринчи даф'а  
Кибор йиғинига олиб бораман;  
Ва унинг саҳройи латофатига  
Жур'атсиз рашк ила қараб қоламан.  
Ҳарбий олифталар, аслзодалар,  
Дипломат ва мағрур хонимлар — қатор,  
Булар орасидан оҳиста ўтар;  
Жимгина ўтирар, боқар, сайр этар,  
Ёқдириб суронли дувурни, яна  
Хоним кўйлақларин, сўзлар жумласин,  
Меҳмонларнинг секин, вазмин жилвасин  
Ёш бека олдида; қарайди Муза:  
Хонимлар атрофин эркаклар қуршар,  
Бу — сурат солинган рамкага ўхшар.

## VII

Киборлар гапининг текис навбати  
Мансаб ва ёшларда бўлган қурама,  
Сокин мағрурликнинг бу расмияти  
Ҳаммаси ҳам ёқар эди Музага.  
Киборлар гуруҳи ичида у ким,

Кўзлари туманли, турар сўзсиз, жим?  
Ҳаммага бегона туюлади у;  
Кўз ўнгидан шахслар ўтади дув-дув,  
Бир қатор дилозор хаёл ёки жин;  
Юзидан дард ёғар, хафақон, унда  
Ғамли кибр борми? Нечун у мунда?  
У кимдир? Ажабо, наҳот, Онегин?  
Чиндан ҳам ўшами?.. Нақ унинг ўзи.  
— Кўпданми бизларга қўшилмиш рўзи?

## VIII

Ҳали ҳам ўшами? Ё шахтдан тушган?  
Ё ўзин телбага соларми яна?  
Айтингиз, қайтмиш у не сифат блан?  
Бу гал бизга нелар қилур иона?  
Қандай кўринмоқчи? Мельмотми<sup>195</sup> магар,  
Космополитми<sup>196</sup> у, ё ватанпарвар?  
Гарольдми, динчими, ёки риёкор,  
Ё ўзга бир ниқоб ила мақтанар?  
Ё сиз ва мен каби, бор жаҳон каби  
Соддача беозор, хуш фе'лдир у?  
Лоақал у учун маслаҳатим шу:  
Эски модалардан чекинмоқ пайти!  
Муҳитни кўпгина алжитди у зот..  
— У сизга танишми? — ҳам таниш, ҳам ёт.

## IX

— Нимага шунчалик қаттиқ ва салбий  
Унинг тўғрисида берган фикрингиз?  
Шунинг учунмики тинмай, асабий  
Ҳарнима ҳақида жон койитамиз:  
Қизғин руҳлардаги эҳтиётсизлик  
Худбин пасткашларнинг кўзида хуник,  
Ҳақорат ва ёки кулги саналар,  
Кенгликни севган ақл юракни сиқар.  
Ҳарқандай гап-сўзни жуда кўп замон  
Чинакам амал — иш дея таниймиз,  
Ахмоқлик, ёмонлик эрур қарорсиз,

Такаббур шахсларга ярашар ёлгон?  
Биз учун оддийлик кўп мос келади,  
Бу ҳолат эмасми, айтинг, ғалати?

## X

Хушбахтдир, ким агар ёшдир — ёшликдан,  
Хушбахтдир, етилса кимки вақтида,  
Ҳаёт изғиринин бардошлик блан  
Кимки ўз умрида енгса оҳиста;  
Ким ажиб тушларга бўлмамиш мафтун,  
Ким кибор авомдан товламас бўйин,  
Ким йигирма ёшда франт, ё олғур,  
Ўттизда манфаат ила уйланур;  
Ким эллик ёшида қутулиб олса  
Хусусий ва ўзга қарзи-қурзидан,  
Кимки осойишта, навбати блан,  
Шухрат, оқча, мансаб қўлга туголса,—  
У ҳақда бир аср дейдилар бардам:  
Фалончи жудаям ажойиб одам.

## XI

Лекин, ёшлигимиз ўтди беҳуда,  
Хиёнат қилдик биз ёшликка ҳар он,  
Бизнинг қалбимизни алдади у-да;  
Биздаги энг гўзал орзу ва армон,  
Ва бизнинг топтоза ҳаёлларимиз  
Бир-бирини қувиб тўкилди ёлғиз  
Куз фасли чириган хазон сингари.  
Кўз олдинда ҳаёт хунукликлари:  
Ҳаркуни кетма-кет зиёфат, таом,  
Ҳаётга қарасанг маросим каби,  
Мансабдор гуруҳнинг на тушунчаси  
Ва на ҳисларига қўшилмай тамом,—  
Унинг орқасидан эргашиб юрмак  
Жуда ҳам хунукдир ўйласанг андак.

## XII

Қизғин гап сўзларга бўлиб бир қурол,  
Мўмин ва ахлоқли одамлар ичра

Сун'ий бир савдойи, ё паришон ҳол,  
Девона, ё мал'ун сифат тасқара  
Ҳаттоки, бу менинг Демоним<sup>197</sup> каби  
Танилиш кўп хунук (сиз ҳам денг бали).  
Онегин (қайтаман унга янадан)  
Дўстини дуэльда ўлдириб, зотан  
Беғоя, бемеҳнат ҳаёт кечирар;  
Нақ йигирма олти ёшига қадар,  
Танбал, ҳаракатсиз, дили зиқ юрган,  
У ишсиз, хотинсиз, бирон хизматсиз,  
Ҳарқандай юмушга тамоман ожиз.

### XIII

Қамраб олган эди бетинчилик уни,  
Макон ўзгартишга уйғонди орзу  
(Ба'зиларнинг ғоят мушкул удуми —  
Кўнгилли равишда тарк дун'ё қилув).  
Ташлади Онегин ўз қишлоғини,  
Ўрмон, далаларнинг тин қучоғини,  
Чунки бунда ҳар кун қонли бир соя  
Кетидан қуварди пярәма-поя,  
Энди бир туйғуга берилиб фақат  
Бошлади четларда дайдиб кезишни,  
Зотан дун'ёдаги ҳарнарска каби,  
Бу ҳам зериктирди уни ниҳоят.  
Онегин қайтди, Чацкий<sup>198</sup> каби  
Кемадан тўп-тўғри балга тушганди.

### XIV

Чайқалиб кетади бирдан аламон,  
Ивир-шивирларга тўлиб кетар зал...  
Борар шу чоқ уйнинг бекаси томон —  
Бир хоним, кетидан мағрур генерал.  
У хоним енгилтак эмасди, яна —  
Совуққон эмасди ва маҳмадона.  
Унинг қарашлари эмас ҳаёсиз,  
Зафар қозонишга у иддиосиз,



Кўз ва қошларининг йўқ учурмаси,  
Йўқ эди сохта ноз, сун'ий ифода,  
Туриши-юриши сокин ва содда.  
Du somme il faut нинг<sup>199</sup> у чин нухаси  
Бўлиб кўринарди. Шишков<sup>200</sup>, кечир сан,  
Таржимаси қандай бўлур, билмайман.

## XV

Хонимлар яқинроқ унга келишди;  
Кампирлар қилишди унга табассум;  
Эркаклар қуйироқ бошни эгишди,  
Боқишини ҳарким илмоқчи бир зум.  
Ёнидан жимгина қизлар ўтарди;  
Бу ерда ҳаммадан жуда юқори  
Тутарди унинг-ла бу залга кирган  
Генерал ўзини — у кўп гердайган.  
Ҳечким у хонимни гўзал, деб балки  
Айтаолмас; лекин бутун сиймода  
Ҳечким тополмагай бирон нишона,  
Нишонаки, ҳоким моданинг тили  
Лондонда, юксак бир гуруҳда тўлиқ  
Вульгар<sup>201</sup> деб атайди. Таржимаси йўқ...

## XVI

Мен ўзим севаман бу сўзни жуда,  
Лекин, таржимасин қилаолмайман:  
Ҳозирча бизларда янгидир у-да,  
Бу сўз бизда иззат қилинармикан?  
У балки кетади ҳажвий назмга...  
Хўш, энди келайлик хонимимизга,  
Улуғвор ҳусни-ла у дилбар эди,  
Сталнинг ёнида ўтирар эди  
Нина Воронская блан ёнма-ён,  
Бу гўзал — Неванинг Клеопатраси:  
Лекин у ўзининг мрамор чеҳраси  
Ила ҳамсоясин босолмас бир он,  
Жамоли кўзларни қамаштирса-да,  
Унга етаолмас эди, албатта.

## XVII

«Мумкинми?» — ичида ўйлар Онегин:  
 «Ажабо ўшами? Худди у... Эмас...  
 Чўлдаги қишлоқлар ичидан келсин...»  
 Қўлидан қўймайди дурбинни бирпас,  
 Қарайди у блан ҳар дақиқада  
 У хонимга; унинг юзи ёдига  
 Солар унутилган чеҳрани бирдан.  
 «Князь, боқ, айт менга, балки, биларсан,  
 Қирмизи беретли хотин кимдир у,  
 Испан элчиси-ла гаплашиб турган?»  
 Онегинга князь тикилар бирдан.  
 — Эҳе! Кўпдан бери сен йўқ эдинг-ку.  
 Тўхта, сенга уни танитиш лозим.—  
 «Айтсанг-чи, кимдир у?» — Менинг хотиним.—

## XVIII

«Уйландингми! Билмас эдим илгари!  
 Кўп бўлдимми?» — Яқин икки йил.—  
 «Кимга?» — Ларинага.— «Татьянагами!»  
 — Сен унга танишми? — «Бизлар қўшни, бил».  
 — Бўлмаса, борайлик.— Хотини сари  
 Князь уни бирга олиб боради —  
 Онегин дўстидир, қариндошдир ҳам.  
 Княгиня унга қарайди бирдам...  
 Қалбини эзмасин шу чоқ қанча ҳис,  
 Қанчалик ҳайратга у чулғанмасин,  
 Шу чоқда у қандай маҳтал қолмасин,  
 Броқ кўринмасди унда ўзгариш,  
 Унда сақланганди айни у сиймо,  
 Бурунгидай асл та'зими, ҳатто.

## XIX

Татьяна сесканиш, ёки тўсатдан  
 Ранг ўчиш, қизариш надир билмади.  
 Турарди лабин ҳам тишлаб олмасдан,—  
 Ҳаттоки, қошлари чимирилмади.  
 Уткир диққат блан унга боқса-да,

Татьянанинг эски изларин яна  
Сезаолмаганди бизнинг Онегин.  
Унинг-ла сўзлашиш истади, лекин  
Гапираолмади. Сўрди Татьяна:  
Кўпданми бунда у, қаерда эди,  
Эҳтимолки, улар юртидан келди?  
Сўнг, ҳорғин кўзи-ла эрига қиё  
Қаради; чекилиб кўздан йўқолди...  
Онегин қаққайиб ўрнида қолди.

## XX

Бизнинг романимиз бошланишида  
Ушами, у блан юзма-юз туриб  
Энг олис, энг пасқам диёр ичида,  
Ахлоқнинг хайрли ўтида куйиб,  
Насиҳатларини бир вақт тинглаган,  
Ростдан ҳам, бу хоним Татьянамикан?  
Бунда сақланади унинг бир хати,  
Бу хат бошдан оёқ қалб ҳикояти,  
Ҳамма гап аёндир, бутун сир зоҳир.  
Бу ўша қизчами... Е бу бир ру'ё?  
Бенасиб умрида бир вақтлар асло  
Назар солмагани у қизча, ҳозир  
Шу қадар бепарво, шу қадар жасур  
Тутади ўзини, жуда ажибдир?

## XXI

Тиқилинч йиғинни қолдиради у,  
Уйига жўнайди толиб фикрга;  
Қочган эди ундан ҳаттоки уйқу  
Гоҳ ғамли, гоҳ латиф бир хаёл ила.  
Уйғонган чоғида хат тутишади:  
Князь Н. ўтинч-ла таклиф қилади  
Зиёфатга. «Раббим! унинг уйига!..  
Бораман, бораман!» — дер. Дарҳол унга  
Назокатли жавоб ёзиб юборар.  
Нима бўлди! Қандай ажиб ру'ёда!  
Унинг совуқ, танбал руҳининг қора  
Ўпқинида бирдан не порлар?

Ҳасратми? Пуч хаёл? Янгидан ёки  
Ёшликнинг ташвиши — муҳаббат, балки?

## XXII

Онегин соатга қарайди ҳар он,  
Кунни кеч қилишга сабри йўқ яна.  
Соат ўн уради, чиқар шу замон,  
Отни суриб кетар; мана остона,  
Княгиня олдига қалтираб бирдан  
Қирар, Татьянани ёлғиз кўраркан,  
Бирга ўтиришар бирқанча минут.  
Онегин сўзламас, қилади сукут.  
Онегин сиқилган, ғам зўр сийнада.  
Татьяна сўзига жавоб қайтарар  
Уриниб, зўр-базўр; бошидан учар  
Ўжар фикрлари бутун бир гала;  
Онегин тикилиб қарайди: хотин  
Ўтирар қаршида бемалол, эркин.

## XXIII

Эри кириб келиб, кесиб қўяди  
Мана бу ноқулай суҳбат заҳматин,  
Онегин блан у ёдга олади  
Кечмиш шўхликларни, ҳазиллар пайтин.  
Улар кулишарди. Қирар меҳмонлар.  
Ўз-аро гаплар ҳам энди жонланар  
Қиборларга махсус аччиғлик блан.  
Бека ҳузурида ярқирайди шан  
Бема'ни енгил гап — беноз ва кўркем,  
Яна ўзга суҳбат бошланар, аммо  
Мангу ҳақиқатлар ярқирар гўё  
Юза мавзу'лардан озод бир олам.  
Эркин бир жонлилиқ кўрсатиб лекин  
Чўчитмади бу гап ҳечким қулоғин.

## XXIV

Бу ерда тўпланган пойтахтнинг гули,  
Мода нусхалари, ҳамда а'ёнлар,  
Ҳар ерда йўлиққан зотлар вужуди,

Умуман керакли бўлган нодонлар;  
 Бор эди ёшлари улуғ хонимлар,  
 Қалпоқли, гул таққан, юзлари заҳар,  
 Бу ерда бор эди аллақанча қиз,  
 Юзларида йўқдир табассумдан из.  
 Бу ерда бор эди яна бир элчи,  
 Давлат ишларидан фақат лоф урар;  
 Бунда эди оппоқ сочи муаттар,  
 Бурунгича ҳазил қилган чол киши:  
 Ҳазили ма'нодор ва нозик ғоят;  
 Бу кун-чун бир қадар кулгилик фақат,

XXV

Келганди ҳажвпараст ва ҳарнарсга  
 Диққати ошучи бир тажанг жаноб:  
 Беканинг кўп ширин чойидан хафа,  
 Енгил аёллардан, эрлардан хуноб.  
 Сирли иш ҳақида ғавғога диққат,  
 Опа-сингил олган савғога диққат.  
 Журналлар ёлғони, урушдан хафа,  
 Ҷордан, хотинидан, турмушдан хафа.

. . . . .  
 . . . . .  
 . . . . .  
 . . . . .  
 . . . . .  
 . . . . .

XXVI

Бу ерда ҳозирди Проласов деган,  
 Олчоқ руҳи ила қозонган шуҳрат,  
 Ҳамма альбомларда сенинг хитланган  
 Қаламларинг учрар, St.-Priest, албат<sup>202</sup>...  
 Эшикда ўзга бир бал диктатори —  
 Журналда босилган суратдек тури,  
 Байрам фариштаси каби қипқизил,  
 Қаққайган, индамас, ҳаракатсиз — зил;

Бор эди қўнимсиз саёҳатчи ҳам,  
Крахмал ёқалик шилқим — безори,  
Зеб бериб ўзига, қадди, сиймоси —  
Блан меҳмонларни кулдирад ҳар дам.  
Кўзларнинг ўзаро имлаши жим-жим,  
Унинг учун эди умумий ҳукм.

## XXVII

Менинг Онегиним оқшом тамоман  
Машғул бўлган эди Татьяна ила,  
Жасоратсиз, ночор ишққа берилган  
Бир содда қиз блан эмас, аксинча  
Банд эди шоҳона, оғир, серҳашам —  
Неванинг дахлсиз илоҳаси, ҳам  
Бепарво, ёш сулув княгиня блан.  
Инсонлар! Барчангиз ўхшайсиз экан  
Биринчи онамиз момо Ҳавога:  
Сизга нима қисмат бўлса жалб этмас;  
Илон чақиради сизни ҳар нафас,  
Имлар сирли дарахт, сирли мевага.  
Ман' этилган мева истайсиз фақат,  
Усиз жаннат сизга эмасдир жаннат.

## XXVIII

Уҳ, қандай ўзгариб кетмиш Татьяна!  
Қандай пишиқ кирган ўз ролига ул!  
Мушкул лавозимнинг бутун қоида,  
Йўлларини қандай тез этмиш қабул!  
Залларнинг парвосиз, кўркам, улуғвор  
Бу маликасини кўриб, у дилдор —  
У нафис қизчани ким эслар қани?  
Онегин ёққанди бир чоқ қалбини!  
Онегинни эслаб қоронғи тунда  
То уйқу кипригин боскунча, бир чоқ  
Қизларча чекарди ҳасрат ва фиरोқ.  
Хумор кўзларини сузиб ойдинда,  
У хаёл қиларди: Онегин блан  
Ҳаётнинг осойиш йўли кечаман!

## XXIX

Севгига бўйсунар ҳамма — ёш, қари.  
 Лекин, ёш ва тоза қалбларга, баҳор  
 Ёмғири қирларни яшнатган каби,  
 Ишқнинг жўшишлари гўзал, хайркор:  
 Севги ёмғирида бўлиб топтоза,  
 Қалблар янгиланар, етилар роса,  
 Ва қудратли ҳаёт бағишлар кўркам,  
 Чиройли гуллар ҳам, ширин мева ҳам.  
 Ёш улғайиб, дармон кетганда лекин,  
 Бизнинг умримизнинг бурулишида,  
 Улик эҳтироснинг изи фожиа:  
 Совуқ куз фаслида бўрон ва ёғин  
 Кўмкўк ўтлоқлардан ботқоқ ясайди,  
 Яшил ўрмонларни яланғочлайди.

## XXX

Ҳайҳот! Шак-шубҳа йўқ! Евгений бола  
 Каби Татьянага қўймиш муҳаббат;  
 Туну кун руҳида савдою нола,  
 Севги дардларига шўнғиган фақат.  
 Кучли афсусларни тингламас зиҳн,  
 Унинг бўсағасин, дарча, даҳлизин  
 Зиёрат қилишдан тўймас ҳар кун;  
 Кетидан соядек қувларди уни:  
 Татьяна киптига у ила билса  
 Юмшоқ қундузини — шоддир Онегин,  
 Ё иссиқ қўлига тегса у секин,  
 Ё унинг олдида ходим, ходима  
 Дастасини ёриб йўл очар экан,  
 Ёки рўмолчасин кўтарса ердан.

## XXXI

У қанча урунсин, қийналиб ўлсин,  
 Пайқамаган бўлар Татьяна уни,  
 Қабул қилади у уйида эркин,  
 Зиёфатда икки-уч сўз этгуси,  
 Ба'зан ёлғиз салом ила қаршилар,

Ба'зан у бутунлай сезмаган бўлар:  
Ишва-ноз йўқ эди унда заррача,  
Бунга тоқат қилмас юксак доира.—  
Учмоққа бошлайди Онегин ранги:  
Татьяна ё кўрмас, ё этмас раҳм.  
Онегин қовжираб кетади, балким,  
Силмикин мубтало бўлган касали.  
Ҳамма унга дейди: докторларга бор!  
Докторлар: «шифобахш сувга бормоқ даркор!»

### XXXII

Лекин, у жўнамас; у, боболарга  
Тез кунда учрашиш ҳақида бир хат  
Ёзишга ҳозирдир; фақат Татьяна  
Парвосиз (бу жинсда йўқдир марҳамат);  
Чекилиш истамас, Онегин қайсар,  
Яна умидланар, яна уринар;  
Соғдан жасурроқдир касал эса-да,  
Кучсиз қўли блан у Татьянага  
Бир нома ёзади ҳислари жўшқун.  
Гарчи бу нарсанинг оздир ма'носи.  
Тегармикан дейди хатнинг фойдаси.  
Билиндики, юрак дарди бусбутун  
Онегинга энди қилмиш ғалаба,  
Мана унинг хати нуқта-бануқта.

#### Онегиннинг Татьянага хати

Сезаман олдиндан: таҳқир этади  
Аламли сирларнинг баёни сизни.  
Қандай мағрурона нафрат-ла бизни  
Кўзингиз ҳукм этиб доғлаб кетади!  
Мен нима истайман? Ва қайси ғоя  
Блан мен руҳимни сизга очаман?  
Ва қандай ғазабли севинч, хандага,  
Эҳтимолки, сабаб бераман шундан!

Бир вақтлар учрашиб мен тасодифан,  
Меҳр учқунларин сизда туяр-кан.



Лекин ишонишга ботинмагандим:  
Яхши одатга бўйсунмадим у кун,  
Бездирган эркимни қўлимдан бутун  
Йўқотиб қўйишни хоҳламагандим.  
Айирди бизларни яна бир нарса...  
Ленский маҳв бўлди — толи'сиз қурбон...  
Жаҳонда қалбимга нима хуш эса  
Ундан мен қалбимни уздим шу замон;  
Хаммадан ётсиниб, беқайд, беғовга  
Ўйлаган эдимки, эркинлик, узлат  
Бахтнинг адашидир. Раббим, на зиллат!  
Қандай адашганман, бу қандай жазо!

Сизнигина кўриш ҳар минут сайин,  
Ҳар ерда соянгиз каби эргашиш,  
Лаблар табассумин, кўзлар чиройин  
Севгига тутилган кўзлар-ла илиш,  
Сизни узоқ туюш ва кўнгил ила  
Қамолатингизни англаш, сўнг албат  
Олдингизда қотиш, қийноқ ичинда  
Синиқиш ва сўниш... мана шавқ, лаззат!

Мен бундан маҳрумман: сиз учун фақат  
Ҳар ерда бош уриб суркаланаман,  
Менга ҳар кун қиммат, ҳар соат қиммат:  
Мен эса зиқлиқда исроф қиламан  
Умримнинг саноқли кунларин бекор,  
Бусиз ҳам улардан юрагим безор.  
Биламан: ҳаётим йўли ўлчанган,  
Лекин меним умрим давоми учун,  
Ҳар тонгда ишонган бўлайки чиндан  
Сиз-ла кўришаман кундуз — шу бугун...

Қўрқаман: ёлвариш, ожиз ноламда  
Қаҳрли кўзингиз кўражак бирдан  
Чиркин бир ҳийладан кирдикоргина,—  
Қинли итобингиз ҳам эшитарман.  
Бир он билсайдингиз на қадар даҳшат,  
Ишқнинг чанқоғида ҳорғин дард ютиш,  
Ўртаниш ва ақл блан ҳар соат  
Қондаги ис'ённи босиш, тинчитиш;

Яна тизингизни қучиш армони,  
Сизнинг оёқларда ҳўнграб йиғламоқ,  
Э'тироф, надомат, ўтинч, нидони,  
Нима айтаолсам — барчасин демоқ,  
Ҳолбуки, мен вазмин, ясама бир тур  
Бериб сўзимга ҳам, кўзларимга ҳам,  
Сокин суҳбатлашиш ва сизга ҳар дам  
Шод бўлиб қарашга бўламен мажбур!

Тақдирим шу экан ўз-ўзимга ман  
Қарши туриш учун йўқ менда мадор.  
Гап тамом: мен таслим, сизда ихтиёр,  
Мен энди бераман тақдиримга тан.

### XXXIII

Жавоб йўқ. Ёзади янги номалар:  
Иккинчи, учинчи хатларига ҳам —  
Жавоб келмайди ҳеч. Онегин борар  
Бир куни йиғинга; қўяркан қадам  
Учрашар Татьяна. Юзда ғазаби!  
Унга оғиз очмас, кўрмаган каби;  
Уҳ! Қаҳратон қишнинг совуғи блан  
Татьяна шу чоқда қандайин тўлган!  
Ўшшайган лаблари ғазабларини  
Қандай тутиб қолиш ила овора,  
Онегин тикилди — борми деб чора:  
Паришонлик қани, дардкашлик қани?  
Қани кўзёш доғи?.. Улар йўқ, ҳеч йўқ!  
Унинг юзларида ғазаб изи, дўқ...

### XXXIV

Эҳтимол, сирли иш қўрқуси бордир:  
Шўхлик, тасодифий заифлик блан  
Онегинга ма'лум яна қанча сир,  
Эр ёки жамоат билмасин деган...  
Умид йўқ! Онегин бундан жўнайди,  
Ўз тентаклигин энди қарғайди —  
Лекин яна чуқур ботади дардга,  
Дун'ёдан юзини ўгурур четга.

Жимжит кабинетда ўтирган замон  
Хотирга келганди ўтмиш давр йлк:  
У вақтдаги золим хафагазаклик  
Қайнаган ҳаётдан ҳайдаб беомон,  
Ёқасидан тутиб бўғганди маҳкам,  
Қоронғи бурчакка қамаганди ҳам.

### XXXV

Яна ўқийбошлар қўлга на тушса,  
Ўқиб чиқди Гиббон<sup>203</sup> Руссо, Манзони,<sup>204</sup>  
Гердерни,<sup>205</sup> Шамфорни<sup>206</sup>, Бишани<sup>207</sup>, яна  
Madame de Staël<sup>208</sup> блан Тиссо<sup>209</sup>,  
Ўқиб чиққан эди у шаккок Белни<sup>210</sup>  
Ўқиб чиққан эди у Фортенельни,<sup>211</sup>  
Биздан ҳам ўқиди ба'зибирларин,  
Ҳечбир нарсани рад этмас Онегин:  
Ўқир алманахлар, журналларни ҳам,  
Булар йўл-йўриқлар уқтиришади,  
Бугун мени улар хўп сўкишади.<sup>212</sup>  
Ба'зан учратардим ўз ҳақимда ҳам,  
Афандилар, шундай мадҳияларни:  
E sempre bene<sup>213</sup> ўтайлик, майли.

### XXXVI

Нима чиқди? Ёлғиз ўқиди кўзи,  
Лекин фикрлари учарди узоқ;  
Унинг хаёллари, орзу, қайғуси  
Руҳига, кўнглига берарди қийноқ.  
Босма сатрларнинг ораларидан  
Ўқирди ма'навий кўзлари блан  
Бошқа сатрларни. Булар тамоман  
Онегин дилини қилган эди банд.  
Булар эса қалбга ёқимли, фақат,—  
Ўтмишдан фисункор ҳикоялар-ди,  
Бепарво ва эркин туш-сояларди,  
Таҳдидлар, та'бирлар, фол ва каромат,  
Ё эртакнинг пўчак ҳангомалари  
Ёки бир ёш қизнинг ишқномалари.

## XXXVII

Ҳислар ҳам, ўйлар ҳам оҳистагина  
 Мадорсизланарди, мудрарди енгил.  
 Унинг кўз олдида хаёл бир лаҳза  
 Манзарасин ёйиб ташларди хил-хил.  
 Гоҳ кўрар: эриган қорда чўзилиб,  
 Қимир этмай ётар бир йигит тиниб,  
 Тош қотиб ухлайди, эшитар йўлдан:  
 Бир товуш чиқади: хўш, нима? ўлган!  
 Гоҳ кўринар эски душманлар бир он,  
 Бўхтончилар ила разил қўрқоқлар,  
 Бир гала бевафо жононлар ўтар,  
 Ва чиркин ўртоқлар — бир гуруҳ ёмон!  
 Гоҳ бир қишлоқча уй — дераза ёнида  
 Утиради бир қиз... у ҳарвақт унда!

## XXXVIII

Паришонликка у шундай ўрганди,  
 Кетаёзган эди ақл, ҳушидан,  
 Ё шоир бўлишга етиб қолганди.  
 Э'тироф қилайик: бу эди монанд!  
 Тўғриси: магнетик бир қувват ила<sup>214</sup>  
 Русча ше'рларнинг тузилишига  
 Тутинанганди у замон кам-кам  
 Меним бу фаҳмсиз нодон талабам.  
 Шоирга у ўхшар эди нақадар,  
 Бурчакка қисилган чоғида якка,  
 Олдида каминда ёнгач аланга,  
 «Илоҳий паримсан» ёки «Эй дилбар»  
 Дея мингирлаб у, туфлисин, гоҳо  
 Журнални печкада куйдирар бежо.

## XXXIX

Кунлар ғиз-ғиз учар; ҳаво мусаффо,  
 Қиш ҳам тушиб борар ўзин таптидан;  
 Шоир бўлолмади Онегин асло,  
 На ўлди у ва на озди ақлдан.  
 Кўклам жон киргизар унга: илк даф'а  
 Онегин ташлайди тонгги паллада

Ҳарвақт ёпиқ турган ўз масканини,  
Бунда қишлаганди кўр сичқон каби,  
Қўшалоқ дарчани, печни тарк қилар,  
Нева бўйлаб энди чопар чанада.  
Кўкимтир ва кесик муз парчаларда  
Қуёш ҳам ўйнайди. Юмшаб қолган қор  
Кўчаларда пилч-пилч эрийди секин,  
Булардан йўл босиб қайға Онегин —

## XL

Зўр бериб чопади? Сиз олдинданоқ,  
Топдингиз қаерга; худди шундай ҳам:  
Татьяна уйига келади шу чоқ,  
Хулқи тузалмаган у эски телбам.  
Уйга томон юрди, ўхшар мурдага,  
Даҳлизда кўринмас эди кимса-да.  
Залга киради у; юрийди нари:  
Ҳечким йўқ. Эшикни очади. Қалби  
Нимага бу қадар ҳайратда титрар?  
Княгиня эди қаршида ёлғиз.  
Ҳали кийинмаган, чеҳраси рангсиз,  
Қандайдир мактубни ўқиб ўлтирар,  
Қўли чеккасида, эгилган боши,  
Кўзидан оқарди дар'ёдек ёши.

## XLI

Оҳ, унинг бу тилсиз дард, изтиробин  
Қим нақ шу лаҳзада фаҳмламайди!  
Ҳозир княгинахоним сиймосин —  
Эски Татьянани ким танимайди!  
Телба ачинишлар ҳасрати ила  
Йиқилди Евгений унинг тизига;  
Татьяна сесканди; сукут қилади;  
Онегинга шу он кўзни тикади,  
Лекин юзларида на ҳайрат, на кин..  
Онегиннинг хаста, сўник нигоҳи,  
Ёлворган ҳолати, тилсиз итоби,  
Ҳаммаси ма'лумди. Содда қиз тағин

Кечмиш кунлар қалби, хаёли ила  
Ҳозир Татьянада қилганди жилва.

#### XLII

Онегинни ердан кўтармас Тая  
Ва ундан кўзларин айирмайди ҳам  
Узининг сезгисиз қўлларин яна —  
У чанқоқ лаблардан узмайди бир дам...  
Ҳозир у нимани хаёл суради?..  
Узоқ вақт сукутда жимиб туради,  
Ниҳоят, Татьяна дер секингина:  
«Бас, етар, турингиз, мен энди сизга  
Дардим очиқ баён этишим лозим.  
Онегин, у соат эсингиздами?  
Боғда, хиёбонда у замон бизни  
Тақдир учраштирди; ожизона, жим  
Тингладим, сиз менга бердингиз сабоқ?  
Энди менга навбат келмишдир бу чоқ.

#### XLIII

«Онегин, у чоғлар ёш эдим анча,  
Гўзалроқ ҳам эдим шекилли у чоқ.  
Мен сизни севардим; қани натижа?  
Қалбингиздан нима топдим мен броқ?  
Қандай жавоб олдим? Фақатгина қаҳр,  
Ювош, содда қизнинг севгиси ахир  
Сиз учун янгилик эмасди лекин?  
Қонимни қоплайди — ёҳу! — изғирин  
Ёлғиз эсга тушса у совуқ боқиш,  
Ва'зингиз... Лекин мен сизга албатта,  
Бирон айб тақмайман: мудҳиш соатда  
Қалбингиз кўп олижаноблик қилмиш,  
Сиз ҳақли эдингиз менга нисбатан.  
Ташаккур қиламан бутун қалбимдан..

#### XLIV

«У чоқлар, ма'носиз шов-шувдан узоқ  
Бир четда ёқмаган эдим сизга ман,

Бу тўғри эмасми?.. Бугун сиз броқ  
Кетимдан юрасиз, билмадим недан?  
Нечун мен бир нишон бўлдим сиз учун?  
Сабаби: мен юксак оламда бугун  
Кўриниш бераман, мен энди кибор?  
Мен энди давлатманд ва эрим донгдор,  
Жангларда гавдаси бўлган ярадор,  
Бунинг учун бизни эркалар сарой?<sup>215</sup>  
Шунинг-чун хоҳлайсиз шарманда бўлай,  
Ҳамминг олдида бўлиб шармсор?  
Яна жамиятда келтирсин бу гап  
Сиз учун мақтову ва ёркин шараф?

#### XLV

«Йиғлайман... Агар сиз Татьянагизни  
Унутмапсиз экан шу чоққа қадар,  
Эсларсиз у совуқ сўзларингизни,  
Қилгандингиз та'на ва ҳақоратлар...  
Аmmo мен у маҳал бу хат, бу ишқни  
Барчасидан а'ло кўрардим, кошки.  
Қўлимдан келсайди меним бу нарса,  
Менинг ёш хаёлим учун агарда  
Сезган бўлсангизди у вақт бир шафқат,  
Ёки қилсангизди ёшга эҳтиром...  
Бугун-чи!— Сизни не келтирди тамом  
Оёғим остига? Бу қандай зиллат?  
Шундай қалб, ақлга эга бир одам  
Майда ҳисларга қул бўлар шунча ҳам?

#### XLVI

«Мен учун, Онегин, ушбу дабдаба —  
Бир совуқ ҳаётнинг йилтироқ тўни,  
Кибор оламида кўрган ғалаба  
Данғиллаган уйим, зиёфат, тўйи,—  
Нима бор буларда? Мен эса ҳозир,  
Жон деб алишардим бутун шу зоҳир  
Зийнатни қий-чувни, бўғиқ ҳавони  
Бирнеча китобга, жўн боққа, я'ни

Бизнинг фақирона эски хонага,  
У масканларгаки, сизни, Онегин,  
Кўргандим биринчи даф'а... Ва сокин  
У қабристонгаким, унда бечора  
Менинг энагамнинг устида ҳозир  
Бир бут ва дарахтлар сояси бордир...

#### XLVII

«Бахтга очилганди ажойиб имкон,  
У шунча яқин-ди... Тақдирим аммо  
Энди ҳал бўлгандир. Балки у замон  
Ҳаракат қилганман ўйламай асло:  
Кўз ёшларин тўкиб, ёлвориб она  
Сўзлади бечора бу Татьянага;  
Барча кўргуликлар менга бир эди...  
Эрга тегдим. Энди тинч қўйинг мени,  
Тамом унутингиз, сўзим қат'ий чин;  
Қалбингизда бордир — бу менга аён —  
Ҳам ғурур, ҳам асл қувватли виждон,  
Мен сизни сёваман (айёрлик нечун?)  
Лекин мен ўзганинг ёриман ортиқ;  
Мен унга абадий қолурман содиқ».

#### XLVIII

Татьяна нарига кетганди. Чақмоқ  
Бошидан ургандек Онегин турар,  
У қандай сезгилар бўронига нақ  
Бутун қалби блан дуч келган, титрар  
Лекин, жаранглади шпор ноғиҳон,  
Татьянанинг эри кўринди шу он.  
Уқучи, шу ерда қаҳрамонимни  
Қолдирайлик энди узоқ, абадий,  
Унга кўп аламли бир дақиқада..  
У блан бир йўлдан кезиб баробар,  
Жаҳонда анча вақт юрдик дарбадар.  
Энди соғ-саломат етиб соҳилга  
Бир-биримизни қутлаймиз. Урра!  
Зотан, фурсат кўпдан келгандику-я!



## XLIX

Эй, менинг ўқучим, ким бўлма, майли,  
Дўстми, дўст эмасми, бугун мен сендан  
Айрилмоқ истайман бир ошно каби.  
Кечиргил. Бу ерда мендан кейин сан  
Нима қидирмагил бу қит'аларда,  
Майли, бир ис'енкор, қизгин хотира,  
Меҳнат — машаққатдан оромми гоҳо,  
Жонли лавҳаларми, ўткир сўзми ё,  
Грамматик жиҳатдан ба'зи хатолар,  
Ўқучим, қидириб шу китобчада,  
Эрмак, ўйин, хаёл, юрак учун-да  
Ва журнал ғавғоси учун сан агар  
Тариқча тополсанг — тангрига шукур  
Шу блан айрилиб қоламиз, кечир.

## L

Алвидо', э менинг ажиб ҳамроҳим,  
Сенга ҳам, эй содиқ ғояий-амал,  
Сенга ҳам алвидо' жонли ва доим  
Бирга бўлган меҳнат. Сиз-ла, билдим бемалол  
Шоир ҳавас қилган не бор, ҳаммасин:  
Дун'ё бўронида ҳаёт ғавғосин —  
Унутиш, дўстлар-ла лаззатли суҳбат...  
Еш Татьяна блан Онегин шу вақт  
Олис ҳамда хира тушда-ру'ёда  
Биринчи мартаба кўринган ондан,  
Бу эркин романинг поёнини ман  
Ҳали ойинаи жаҳоннамода  
Равшан ажратмаган чоқлардан буён  
Кўп кунлар учдилар, ўтди кўп замон.

## LI

Мен илк парчаларни улфатда иноқ  
Ўқиркан, тинглаган ёронлар қани...  
Ба'зилар энди йўқ, ўзгалар йироқ,<sup>216</sup>  
Бир замонлар Са'дий<sup>217</sup> дегани каби.

Онегин тасвири битди уларсиз.  
У қани, қани у олижаноб қиз —  
Татьянанинг гўзал, дилбар хаёли...  
Оҳ, фалак кўпларни, кўпларни олди!  
Май тўла қадаҳни тагигача шан  
Сипқирмай, ҳаётнинг базмини эрта —  
Тарк этиб кетганлар ва охиргача  
Ҳаёт романини ўқимай, ундан,  
Мен Онегинимдан айрилган каби,  
Бирдан айрилганлар, албатта, бахтли.

---

## «ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН» ГА ПУШКИННИНГ ИЗОҲЛАРИ

- (1) Бессарабияда ёзилган.
- (2) Dandy — олифта, франт.
- (3) a'la Bolivar дейилган шляпа.
- (4) Чайльд Гарольдга сазовор бўлган совуган ҳис белгиси. Дидлонинг балетлари жонли, фавқулодда нафосат блан тўладир. Бизнинг романтик ёзучиларимиздан бири уларда бутун француз адабиётидан кўпроқ поэзия кўрган эди.
- (5) Tout le monde sut qu'il mettait du blans; et moi, quin'en croyais rien, je commencai de le croire, non seulement par l'embellissement de son teint, et pour avoir trouve des tasses de blanc sur sa toilette, mais sur ce qu'entrant un matin dans sa chambre, je le trouvoi brossant ses onglesaves une petite vergette faite expres, ouvrage qu'il continua fierement devant moi. Je jugeai qu'un homme qui passe deux heures tous les matins a brosser ses ongles peut b en passer quelques instants a remplir de blanc les creux de sa peau. (*Confessions de J. J. Rousseau*).<sup>1</sup> Грим ўз асридан олдин кетган: бутун маданий Европада тирноқни махсус кичкина чўтка блан тозалайдилар.

---

<sup>1</sup> Т а р ж и м а с и — унинг оқ мой бўёқ ишлатишини ҳамма билар эди; мен дастлаб бу нарсага ишонмадим, лекин кейинча ишонабошладим. Ишончимга сабаб — унинг юзларининг ранги яхшиланганидан эмас, пардоз столида оқ мой бўёқ банкачалари борлигидан эмас, бир кун эрталаб мен унинг уйига киргач, уни ўз тирноқларини махсус тирноқ чўтка блан силлиқлаб-тозалаб турган ҳолда ҳам кўрдим ва менинг ҳузуримда ҳам у виқор блан ўз машгулотини давом эттирди. Мен муҳокама қилдимки, ҳар кун эрталаб тирноқларини тозалаш учун икки соат вақт сарф этган киши, терисидаги ғадир-будурларини оқ мой бўёқ блан тўлдириш учун бирқанча минутни аямаслиги мумкин. (*Жан Жак Руссо*).

- (6) Бутун шу кинояли строфа (банд) бизнинг гўзал ватандош хоним қизларимизга нозик мадҳдан бошқа нарса эмас. Масалан, итоб пардаси остида Буало, Людовик XIVни мақтайди. Бизнинг хонимларимиз лутфикорлик ила, ахлоқий тозаликни Сталь хонимни шу қадар мафтун этган шу шарқ нафосати блан бирлаштирадилар. (*Dix ans d'exil.*)
- (7) Гнедич идиллиясидаги Петербург кечасининг гўзал тавсифини ўқучилар хотирлайдилар.

«Мана кеча; лекин булутларнинг олтин қатламлари сўнмайди.  
 Узоқликлар порлайди — на-ой бор, ва на юлдуз.  
 Узоқдан кўринади мовий самода сузган каби  
 Кемаларнинг кумуш чодирлари ҳам.  
 Кеча самоси тиниқ шу'лалар блан порлар.  
 Қуёш ботаркан, унинг шу'лалари шарқнинг олтинига қўшилар;  
 Гўёки саҳар ўз кетидан олиб чиқади  
 Гулгун тонгни. Олтин бир йил эди, кечанинг  
 Ҳркимлигин ёз кунлари қандай босади.  
 Четдан келган кишиларни қандай асир қилади,  
 Сихрли кўлкалар ила тотли нурлар порлаши.  
 Ҳечвақт кундуз самоси бундай безанган эмас;  
 Бу тиниқлик ўхшайди шимол қизи ҳуснига,  
 Бир қизки кўзлари мовий, юзлари қизил,  
 Жим товланади олтин кокиллар мавжи.  
 У вақт Нева, ҳашаматли Петрополь устида  
 Кўрадилар кўлкасиз тунларни, тез учган кечаларни.  
 У чоғ Филомел ярим кеча қўшиқларин битирар экан,  
 Бош кўтарган кундузни олқишлаб куй бошлайди.  
 Лекин, вақт кечди; Нева бўйларида тоза салқинлик;  
 Шабнам тушди. . .  
 Мана қоқ ярим кеча: оқшом минглаб эшкаклар-ла қайнаган  
 Нева тебранмайди; шаҳарли меҳмонлар тарқалди.  
 Соҳилда на бир сас, на тўлқин, ҳаммаёқ жимжит,  
 Елғиз кўприклардан гумбурлаган ун  
 Сув устидан учиб ўтади.  
 Елғиз чўзиқ ҳайқириқ узоқ қишлоқдан эшитилади,  
 Унда посбонлар кечага ҳайқирар.  
 Ҳарнарс ухлайди . . . . .

- (8) (Ше'рнинг мазмуни берилди. *Таржимон*).  
 Лутфикор илоҳани чинакам  
 Кўради ҳаяжонли шоир,  
 Гранит — тошларга суяниб  
 Уйқусиз кечани ўтказадир,

(Муравьев. *Нева илоҳаси*)  
 (Ше'рнинг мазмуни берилди. *Таржимон*).

- (9) Одессада ёзилган.
- (10) «Евгений Онегин»нинг биринчи нашрига қаралсин.
- (11) «Днепр русалкаси»нинг биринчи қисмидан.
- (12) Ширин садоли юнон исмлари, масалан: Агофон, Филат, Федор, Фекло ва ҳоказо, бизда фақат оддий халқ орасида қўлланилади.
- (13) Грандисон ҳам Ловлас — икки яхши романнинг қаҳрамонлари.
- (14) Агар менда бахтга ишониш телбалиги бўлса эди, мен уни одатда қидирар эдим. (Шатобриан.)
- (15) Бечора Иорик! Қизиқчининг бош суягига қараб Гамлетнинг қилган хитоби.
- (16) Илгариги босмасида *уйга учадир*, ўрнига хато ўлароқ *қишда учадилар*, деб босилган эдики, бу нарсанинг ҳечқандай ма'носи йўқдир. Буни танқидчилар тушунолмади, сўнгги строфаларда анахронизм кўрганлар. Романимизда замон календарь бўйича ҳисобланган деб ишонтирамиз.
- (17) Юлия Вольмар — Янги Элоиза, Малек-Адел, М-ме Коттин романининг қаҳрамони. Густав-де-Линар, боронесса Крюднер ёзган гўзал романнинг қаҳрамони.
- (18) Вампир, Лорд Байронга янглиш нисбат берилган қисса, Мельмот, Матюрининг доҳиёна асари. Je an Sboger — Карл Нодьенинг машҳур романи.
- (19) Бу ерга киручилар, ҳарқандай умидни ташлангиз.— Данте-нинг «Илоҳий комедиясидан» Тавози'ли муҳаррир гўзал ше'рнинг фақат ярмисинигина таржима қилган.
- (20) Бир замонлар марҳум А. Измайлов томонидан анча тартибсиз равишда нашр этилган журнал, Ноширнинг ўзи ҳам бир вақт, байрамда *ўйнаб* қолибман, деб матбуотда халқдан узур сўраган.
- (21) Е. А. Баратинский.
- (22) Аслзода ойим қизларни *қизчалар* деб айтилган экан, қандай қилиб чўриларни (деҳқон қизларни) *қиз* дейиш мумкин, деб журналларда ажабланганлар.
- (23) Танқидчиларимиздан бири: «бу нарса болалар конькида ўйнайдилар, демакдир» деди. Ҳақли.
- (24) Гўзал чоқларимда меним,  
Шоирона Ан  
Шўх кўпиклари ила,  
Еқар эди у менга,

Худди муҳаббат каби,  
Ё телба ёшлик сингари,

(Л. П. га нома)

- (25) Август Лафонтен — бир кўп оилавий романларнинг авторидир.
- (26) Князь Вяземскийнинг *Биринчи қор* деган ше'рига қаранг.
- (27) Баратинский ше'ридаги Финляндия кишининг тасвирига қаранг.
- (28) Эркак мушук урғочисини  
Печкада ухлашга чақиради.  
Бу, тўйдан хабар беради. Биринчи қўшиқ эса ўлимдан дарак беради.
- (29) Шундай қилиб бўлажак куёвнинг исмини биладилар.
- (30) *Хлоп, молвь, топ* деган сўзларни келишмаган янгилик деб журналларда мазаммат қилгандилар. Бу сўзлар нуқул, чинакам русча сўзлардир.
- (31) Танқидчиларимиздан бири бу ше'рларда бизга англашилмайдиган бир ҳаёсизлик кўрганга ўхшайди.
- (32) Фол китоблари бизда Мартин Задек фирмаси остида нашр этилади; В. Н. Федоровнинг айтишича, бу муҳтарам зот ҳеч-вақт фол китоблари ёзмаган.
- (33) Ломоносовнинг машҳур мисра'ларига пародия:  
Шафақ гулгун қўли блан  
тонгги сокин сувлардан  
Қуёш ила эргаштириб чиқади, ва ҳоказо.
- (34) Буянов, менинг қўшним,  
Кеча ёнимга келди, мўйловлари қирилмаган,  
Сочлари пахмоқ, парга ағнаган, ваҳимали шапка кийган...  
(*Хавфли қўшни*)
- (35) Латиф жинснинг содиқ мухлислари бўлган бизнинг танқидчиларимиз бу ше'рнинг ахлоққа уймаганлигини қаттиқ танқид қилдилар.
- (36) Париж ресторанчиси.
- (37) Грибоедов ше'ри.
- (38) Биричи босмада олтинчи боб тубандагича тамомланган эди:  
Сен эса, сен ҳам ёшгина илҳом,  
Менинг хаёлимни тўлқинлат мудом.  
Суст-мудроқ қалбимни сен жонлантирғил,

Масканимга тез-тез сен учиб келгил,  
 Шоир руҳи учун асло қўйма йўл  
 Совушга, қуришга, ёввойиланишга,  
 Энг сўнгра тош каби қотиб қолишга,  
 Кибор ҳаётнинг ўлдирадиган  
 Завқ-сафоси ичра руҳсиз такаббур,  
 Ялтироқ-қашаматли аҳмоқлар ичра.

(39) Левшин, хўжаликка оид бир кўп асарларнинг авторидир.

(40) Бизнинг йўлларимиз — кўзларга боғча:  
 Дарахтлар, чимланган дўмбоқлар, зовурлар,  
 Юмуш кўп, шон-шуҳрат ҳам кўп.  
 Афсуски ба'зида ўтишга йўл йўқ.  
 Посбон каби турган дарахтларнинг  
 Уткинчиларга камдир фойдаси;  
 Йўлни жуда яхши дейсан.—  
 Бир ше'р эслайсан: қатновчилар учун;  
 Рус йўли эркиндир фақат икки ҳолда:  
 Бизнинг Одам Ота, ё Момо Ҳаво —  
 Қиш ғазабдан чарсиллаб,  
 Қаҳр блан юриш қилганда,  
 Йўлни муз чўян ила қошлаб,  
 Юмшоқ пар блан ўраб  
 Изин бекитса илк қор.  
 Ёки далаларни қизғин қуруқчилик  
 Босарки, у вақтда ҳалқобдан  
 Пашша ҳам кўзини қисиб ўтаолади.

(Станс, Князь Вяземский.)

(Бу ше'рнинг фақат мазмуни берилди.)

(41) Бу ўхшатиш, ўзининг ўйноқи хаёли блан машҳур бўлган  
 К.дан олинган. К. бир вақт Потёмкиндан императрицага  
 чопар бўлиб юборилганда, у шундай тез борганки, аравадан  
 осилиб қолган қиличи ҳарбир чақирим масофада қоқилган  
 устунларга шақилдоқ бўлиб урилган.

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Эпиграфнинг таржимаси:

«У мақтончоқлик блан суғорилиб, бундан ташқари, алоҳида  
 мағрурликка ҳам эга эдики, бу нарса бир турли бепарволик  
 блан хоҳ яхши, хоҳ ёмон фе'л-ҳаракатни, балки бир хаёлий  
 равишда бўлган афзаллик туйғусини э'тироф қилишга маж-  
 бур этади».

(Хусусий мактубдан).

<sup>2</sup> Бу муқаддима (кириш) шоир томонидан Плетнёвга бағиш-  
 ланган. Пётр Александрович Плетнёв (1792—1865) бирмунча  
 вақт Петербург университетининг ректори бўлиб турган. Бу

- киши адиб, шоир, танқидчи бўлиб, Пушкиннинг йигирма йиллик яқин дўстидир. Пушкин сургунда юрган замонларда Плетнёв унинг адабиётга оид топширмаларини бажариб турарди. Пушкин шеърларининг нашрига тегишли ишларини олиб борарди. Пушкин ўз хатларининг бирида Плетнёв менга «ҳам қариндош, ҳам дўст, ҳам ношир, ҳам кассир» дейди ва шунинг учун унга бағишланган киришда, дўстлик илтифотини» қайд этиб ўтади.
- 3 *Вяземский* (1792—1878)— шоир, танқидчи; Пушкиннинг дўсти, Пушкиннинг бир кўп шеърлари Вяземский блан алоқадор. «Евгений Онегин» да ҳам у бирқанча мартаба хотирланади.
- 4 *Зевес иродаси блан* — оллоҳнинг иродаси блан демакдир (Зевес — қадимги юнонларнинг э’тиқодича, худолар орасида энг қудратлисидир).
- Людмила ва Руслан* — Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» номли поэмаси бор, шуни ўқучининг хотирига солинади.
- 6 *Лекин зарарлидир шимол мен учун* — Пушкин сиёсий шеърлари учун Петербургдан жанубга сургун қилинган эди. «Евгений Онегин»нинг биринчи боби 1823 йилда жанубда ёзилган. Бу мисра’да шоир ўзининг сургун қилинганлигига ишорат қилади. Рим рақамлари блан Пушкиннинг уқтиришлари кўрсатилган.
- 7 *Бал* — эски вақтда юқори табақа орасида жуда расм бўлган ва умумий рақслар, музика, зиёфат блан ўтказиладиган ўлтириш — базм.
- 8 *Madame* (французча) — бу ерда француз хотин, мураббия ма’носидадир.
- 9 *Monsieur* (французча) — бу ерда мураббий, муаллим ма’носидадир. XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида Россияда дворян оилалари ажнабийларни, шу жумладан кўпинча французларни ўз болаларига мураббий, муаллим қилиб белгилар эдилар.
- 10 *Dandy* (англизча) — олифта; юксак дворян жамоатига мансуб одамларнинг бутун ахлоқ ва муомила қондаларига мувофиқ тарбияланган одам.
- 11 *Мазурка* — Европача рақслардан бири.
- 12 *Педант* — қуруқ, онг-фикри чегаралари тор, майда-чуйдага мойил, касб этган ахлоқ ва одатларга қаттиқ риоя қилучи одам.
- 13 *Лотин тили* — ўрта асрда, қисман янги замонда европада адабий, илмий бир тил сифатида ҳукм сургун (қадим римлилар тили).



- 14 *Vale* (лотинча)— хайр, салом, саломат бўл демакдир.
- 15 *Iuvinal, Detsi oni Iuvinal* (42—122) машҳур рим сатириги — ҳажв ёзучиси; бу киши ўз даврида оқча эгаси бўлган аслзодаларнинг очкўзлиги, сотқинлиги, золим ва ахлоқсизлигини асарларда қаттиқ танқид қилган. Пушкин бу ёзучини жуда севар эди. Унинг ҳажвий асарларини таржима қилишга ҳам бир вақт киришган эди.
- 16 *Энеида* — ўн икки қўшиқдан иборат бўлган ва румо шоири Виргили томонидан ёзилган лотин поэмасининг номи. Энеида — румо адабиётининг энг отоқли асарларидан бири. Бу асар мактабларда ўқитилиб текширтирилар эди.
- 17 *Ромул* — Рим шаҳрини та'сис этган афсонавий шахс. Ромулнинг туғилиши ва ҳаёти афсоналарда ҳаёлий, мавҳум тафсилотлар блан безатилган.
- 18 *Хореј, јамб* — рус поэмасида икки асосий ше'р вази.
- 19 *Гомер* — бизнинг тарихдан тахминан 1000 йил илгари яшаган қадим юнон шоири. «Одиссея» ҳам «Илиада» номли икки буюк ше'рий асарни шу шоирга нисбат берадилар. Бу асарларда қадим юнонларнинг Троя уруши ҳақидаги халқ эртаклари бадий акс этган. Феокрит — бизнинг тарихдан III аср илгари ўтган қадим юнон шоири ва файласуфи, жуда узоқ ўтмишда чўпонларнинг бахтли ва ғамсиз турмушини тасвирлаган чўпон ше'р оқимининг намояндаси.
- 20 *Адам Смит* (1722—1790)— инглиз буржуазияси иқтисод олимларидан, сиёсий иқтисодда «Классик мактаб»ни қуручилардан бири. Смит ўзининг машҳур асари «Халқларнинг бойлиги» да ташқи ва ички савдонинг сарбаст бўлишлигини, хўжалик фаолиятини тўсиб турган ҳархил тўсиқларнинг йўқотилиши кераклигини илгари суради. Адам Смит та'лимоти капитализм устида ишлабчиқаришни ўстириш учун тор феодализм тартибларига қарши кураш олиб борган ва мустаҳкамланган инглиз буржуазиясининг идеологиясини акс эттиргандир. XIX аср бошларида Россияда буржуазия муносабатлари ўсабошлагани сабабли Адам Смит асарлари русчага таржима қилиниб, дворян доираларида кўп ўқиларди. Бу ерда Пушкин Адам Смит та'лимотини кўрсатади. Унинг та'лимотича, мамлакатнинг бойлиги оқчада эмас, балки меҳнатда, ишлабчиқарилган товарлар, исте'мол буюмларининг кўплигидадир.
- 21 *Назон* — қадим рим шоири; ишқий ше'рлар, поэмалар ёзган. Ишқий ше'рлари учун император Август томонидан Римдан

- Қора денгиз қирғоғига ҳайдалган ва шу сургунда ўлган. Пушкин бу шоирни жуда севар эди. Жанубда яшаган вақтда Назоннинг таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишга тиришган.
- 22 *Фоблас* — шу исмда бўлган романнинг қаҳрамони. Бу роман француз ёзучиси Де-Кувре (XVIII аср) томонидан ёзилган. Фоблас можара, саргузашт қидиручи бузуқи одам типи.
- 23 *Боливар* — цилиндр формали, четлари кенг шляпанинг номи (Жанубий Америка сиёсий ходими Буливарнинг исмига нисбатан берилган).
- 24 *Каверин* — ёш Пушкиннинг дўсти, офицер. Пойтахт дворян муҳитида бу киши ўзининг бебошвоқ, жўшқин ҳаёти блан танилган.
- 25 *Raast-beef* (инглизча) гўштдан махсус равишда қовурилиб пишириладиган овқат.
- 26 *Федра* — француз драматурги Расин (1639—1699) пьесасининг қаҳрамони. *Клеопатра* — қадимги замонда Мисрда подшоҳлик қилган гўзал хотин. Бир кўп пьесаларнинг қаҳрамони. Бу ерда Пушкин машҳур француз адиби Вольтер (1694—1778) нинг асарини кўзда тутди. *Моина* — танилган ёзучи Озеровнинг «Фигнал» номли трагедиясининг қаҳрамони. Пушкин даврида бу рольни Колосова деган артистка яхши ўйнади.
- 27 *Фонвизин Д. И.* (1745—1792) — машҳур рус драматурги. «Бригадир» ва «Недоросль» номли машҳур комедияларни ёзган. Бу асарларда Фонвизин вилоятлардаги аслзодаларнинг жоҳиллиги, қўполлиги, ёшларни тарбия қилишдаги аҳмоқликни ва эзилган крепостной деҳқонларга йиртқичларча муносабатни танқид қилади. «Эрк дўсти» дейишнинг сабаби шундаки, Фонвизин ба'зи асарларида либерал сиёсий қарашларни илгари суради.
- 28 Княжнин (1742—1791) — ёзучи, драматург; бир кўп трагедиялар ва драмалар ёзган. Ғарбий Европа драматургия намуналарига эргашиб, уларнинг сюжетини тақлид қилиб ёзгани учун Пушкин уни тақлидчи деган сифат блан атайди.
- 29 *Озеров В. А.* (1770—1816) — драматург, бир қатор трагедиялар («Дмитрий Донской», «Фигнал» ва бошқалар) ёзган. Булар шакл жиҳатдан сохта классик, мазмун жиҳатидан ватанпарвар асарлар бўлган. Унинг асарлари ўша вақтда катта муваффақият қозонган. Чунки Наполеон урушлари муносабати блан дворянларнинг ватанпарварлик ҳисларини кўзғатар эди.

- 30 *Семенова Е. С.* (1780—1849)—ўша вақтда машҳур рус артисткаси. Трагедияларда ўйнар эди. Ўз ўйини блан халққа кучли та'сир қиларди. Бир вақтларда Пушкинда шу артисткага қизиқиш бошланганди.
- 31 *Корнел* (1606—1684)— француз классик трагедиясининг қуручиларидан бири. Корнелнинг трагедияларида воқиаларнинг ҳаракати қаҳрамонлик характерига эга. Диалоглар кескин ва оташин бўлиб, иштирок қилучи шахсларнинг темпераменти ҳам жўшқин бўлар эди.
- 32 *Катенин П. А.* (1792—1853)— Пушкин даврида шоир, танқидчи ва драматург, бу киши француз драматургларида Корнел ва Расиннинг асарларини русчага таржима қилиб шуҳрат топган.
- 33 *Шаховский А. А.* (1777—1846)— Пушкин даврининг драматургларида. Жуда кўп комедия ва драмалар ёзган, уларнинг кўп қисмини ажнабий ёзучиларнинг асарларини таржима ва ўзгартма ташкил қилган. Император театрларининг репертуар бўлимига бошлиқ бўлгани учун унга шу асарларини саҳнага қўйиш осон бўлган. Шу асарларни қўйиб, айрим ёзучиларга, (Карамзин, Жуковский ва бошқалар) қарши фитна кўзгаган. Пушкиннинг «суронли гала», «дағал Шаховский» деган сўзлари шунга ишорат қилади.
- 34 *Дидло* — XVIII аср охири ва XIX аср бошларида отоқли балетмейстер, эски балетни ислоҳ қилган (қўйиш ва костюм жиҳатидан). Дидло постановкалари фавқулодда муваффақият қозонарди.
- 35 *Терпсихора* — қадим грекларнинг э'тиқодича, рақснинг илоҳий ҳимоячиси.
- 36 *Лорнет* — дастакли ва очилиб-ёпиладиган махсус дурбин.
- 37 *Истомина А. А.* (1799—1846)— Пушкин даврида Петербургнинг машҳур балет артисткаси.
- 38 *Эол* — қадим грек э'тиқодича шамол худоси.
- 39 *Руссо Жан-Жак* (1712—1778)— XVIII асрнинг энг буюк адиб ва мутафаккирларидан. Руссонинг та'лимоти инсоннинг «табиий» ҳуқуқларини тасдиқ этишдан иборатдир. Руссо маданият ва ма'лумот — таҳсил орқасида бузилган ҳисларнинг эркин ўсуви кераклигини, «табиат товушига» қулоқ солиш лозимлигини гапирди. Руссонинг фикрлари француз революцияси замонида яқобинчилар учун байроқ, шиор бўлиб хизмат этди ва катта шуҳрат қозонди.

- 40 *Грим Фридрих Мелхиар* (1723—1807)— француз ёзучиси ва Руссонинг дўстидир.
- 41 *Чаадаев П. Я* (1796—1856)— рус адиби, философ, Пушкиннинг яқин дўсти. Пушкин бунга бирқанча шеърлар бағишлаган эди. Чаадаев ёшликда офицер бўлиб, декабристларга мансуб эди. Декабристлар қўзғолонидан сўнг реакция даврида машҳур «Фалсафий мактуб»ни ёзади, бунда бутун рус маданиятига кескин ҳукм чиқаради. Рус давлат қурилишини танқид қилгани учун бу мактубни босган журнал подшоҳ буйруғи билан ёпилган, редактори сургун этилган ва Чаадаев жинни деб эълон қилинган. Чаадаев юксак дворян муҳитида беками-кўст кийинадиган, зоҳирига жуда кўп диққат қиладиган киши сифатида ҳам машҳур эди.
- 42 *Венера* — қадим римлилар эътиқодича ишқ ва гўзаллик худоси.
- 43 *Анжуман дониш* — академия —1806—1821 йилларда фанлар академияси томонидан рус тили луғати тузилиб нашр этилган.
- 44 *Карета* — махсус усти берк арава.
- 45 *Сувори зобит* — отлиқ гвардия офицери.
- 46 *Диана* — қадим грек эътиқодича ой, ўрмон ва овчилик худоси.
- 47 *Флора* — қадим румолиларда баҳор ва гуллар илоҳаси.
- 48 *Эльвина* — бу ерда шартли исм.
- 49 *Қамин* — махсус печка.
- 50 *Чайльд Гарольд* — машҳур инглиз шоири Байроннинг шу номли поэмасининг қаҳрамони. Юқори аслзодалар муҳитида етишган, паришонҳол, бўш — бекорчи, ҳаётнинг ноз-неъматидан ортиқ тўйган, безган, ҳар ерда қайғу чекадиган, ҳар ерда ҳарнимадан зерикадиган ёш аристократ йигит образи.
- 51 *Бостон* — карта ўйини.
- 52 *Сей, Бентам* — Сей — француз иқтисодчиси (1767—1832). Бентам — инглиз философи ва сиёсий муҳаррирларидан (1748 — 1832), иккиси ҳам ўша даврда буржуазия идеяларини ифода қилган ва олға сурган.
- 53 *Миллионная* — Петербургда бир кўчанинг номи.
- 54 *Торкватто Тассо* — машҳур итальян шоири. 8 мисрадан иборат шеърлар — октавалар билан «Қутқазилган Қуддус» асарини ёзган. Бу асарни Пушкин жуда яхши кўрарди.
- 55 *Брента* — Адриятик денгизига қуйилучи Италияда бир наҳр.
- 56 *Петрарка* — XIV аср итальян шоири. Бу шоир ишқий шеърлари билан шуҳрат топган. Унинг шеърлари шакл ва тил жиҳати-

- дан камолга етган намуналардир. Альбион — Англия; Аполлон набиралари — шоирлар демакдир.
- 57 Пушкин сургунда юрганда азоб чекиб, бир вақт чет элларга қочмоқчи ҳам бўлган. Бу ерда шунга ишорат қилади.
- 58 *Байрон Жорж Ноэл Гардон* (1788—1824) — машҳур инглиз шоири, камбағаллашган аристократ оилада туғилган. Байрон асарларининг қаҳрамонлари учун характерли нарса — атрофни ўраган жамиятга нафрат қилиш, ундан норози бўлиш, жамият қонунлари, одатларидан жирканиш, турмушдан беизиш, муҳитдан юқори турадиган «кучли шахсият»га топинишидир. Фақат, Байрон умрининг охирида Грециянинг миллий озодлик олиши учун курашида иштирок этган чоқда унинг ижодида ҳаёт шодлиги кўринабошлайди. Байрон бутун Европада таъсир кўрсатган катта адабий ҳаракатнинг бошловчисидир.
- 59 *Муза* — поэзия, шоирнинг илҳоми (муза грек сўзи; санъатнинг илоҳий ҳимоячилари муза аталар эди).
- 60 *Сальгир* — Қримда бир наҳр.
- 61 *Цензура* — матбуот устидан ҳукумат контроли. Пушкин даврида цензура жуда қаттиқ эди, ҳукуматнинг ўзбошимчалигига, зулмига қарши қаратилган ҳарқандай фикрни, ҳатто энг ожиз имони ҳам бўғар эди. Цензура дастидан Пушкин ҳам анча қийналган эди.
- 62 Пушкин бунда товуш жиҳатидан ўхшайдиган сўзлардан фойдаланиб «сўз ўйини» ясайди: *О рус* — (лотинча) эй қишлоқ! демакдир. *О Русь!*—эй рус!— демакдир.
- 63 *Дриадалар* — қадим грек афсонасида ўрмон парилари.
- 64 *Барщина* — крепостной право даврида помещчик хўжалигида деҳқонлар гарданига тушган мажбурий меҳнат (помещчик фойдасига).
- 65 *Оброк* — крепостной право даврида помещчикларнинг деҳқонлардан оқча ёки ҳосилот шаклида оладиган маблағлари.
- 66 *Кул* — бу ерда крепостной деҳқон.
- 67 *Фармозон* — (франк-масон) нинг бузилгани. Бу ерда ҳур фикрли, бидъатчи маъносида.
- 68 Яъни, қишлоқ аҳолиси Онегинни адабсизлик, назокатсизликда айблайди.
- 69 *Кант* — немис идеалист философи (1724—1804).
- 70 Биз ҳаммамиз ўзимиз учунгина муваффақият ва шуҳрат қидирамиз, демакдир. (Наполеон — 1769—1824—номаълум бир

- офицер бўлиб, кейинча французларнинг императори даражасига кўтарилган машҳур кўмондондир).
- 71 *Шимол дostonлари* — гўё қадим замонда яшаган афсонавий Шотландия шоири Оссианга тақлидан ёзилган қўшиқлар назарда тутилади. Русча қилинган таржимаси катта муваффақиятга эга бўлгандир.
  - 72 «*Шап Майлов*» — аскарлар, ҳарбийлар демакдир. Подшоҳ ҳукумати — биринчи Николай даврида, ҳарбийлар учун соқолни қириб, фақат мўйлов қўйишни буюрилган эди.
  - 73 Дворян жамиятининг юқори қисмида «Татьяна» исми у вақтларда оз қўлланиларди. Романларда эса иштирок этучи шахсларнинг юқори, танланган табақага мансуб бўлиши қоида эди.
  - 74 *Ричардсон* (1689—1761) — инглиз ёзучиси. Сентименталь характердаги «оилавий» романлар жанрининг отаси. Бир кўп романлари бор: «Помелло», «Клориса гарлов», «Грандисон». Қаҳрамонлари ғайри-табiiй бир фазилатга, ахлоққа эга бўлган бу романлар бир вақт Россияда кўп тарқалган эди.
  - 75 *Грандисон, Ловлас* — Ричардсон романларининг қаҳрамонлари, Грандисон — XVIII аср буржуазия ахлоқининг тимсоли бўлган фазилаткор қаҳрамон. Ловлас — ахлоқсиз, фаҳшга ботган одам образи.
  - 76 *Гвардия сержанти* — ҳарбий унвон, унтер-офицер.
  - 77 Помещчиклар ўз қўл остларида бўлган деҳқонларни аскарликка жўнатиш ҳуқуқига эга эдилар. Аскарликка бериладиган йигитларнинг сочларини қирқар эдилар. *Соч қирқиш* — аскарликка жўнатиш демакдир.
  - 78 Бема'ни, сууқ, лекин ҳиссий тизмалар ёзиш, бу ерда истехзоли ма'но бор. *Альбом* — ҳархил ше'рлар, хотиралар, қизиқ иборалар ёзиладиган дафтар, эски вақтда Россияда жуда расм бўлиб кетган эди.
  - 79 *Прасковья* — аслзодалар тушунчасига «оддий», «қора авом» исми. Шунинг учун бу исм яхшироқ деб билинган «Полина» исми ила олмоштирилади.
  - 80 *Қорсет* — хотинларнинг белини ипгичка қилиб кўрсатадиган махсус кийим.
  - 81 *Масленница* — русларнинг диний байрами.
  - 82 У вақтларда дворян оилаларида меҳмонларга овқат мансаб тартиби блан тортилар эди.
  - 83 *Бригадир* — эски вақтларда полковник блан генерал мансаби орасида бўлган ҳарбий мансаб.

- 84 *Poor Yorick* (инглизча) — бечора Иорик! демакдир. Бу ифода инглиз драматурги Шекспирнинг (1564—1616) «Гамлет» номли пьесасидан.
- 85 *Очаков медаль* — 1787—1791 йилларда бўлган рус турк уруши вақтида Очаков деган турк қал’аси олинганда берилган медаль.
- 86 «У қиз эди, у севган эди» — француз шоири Мольфилатр.
- 87 *Эклога* — қишлоқ ҳаётига доир эски ше’рлар.
- 88 *Филлида* — қадим грек Эклогаларидаги қаҳрамон қиз исми (бу ерда қишлоқ гўзали ма’носида).
- 89 *Светлана* — машҳур рус шоири ва таржимони Жуковскийнинг (1783—1852) шу номдаги ше’рининг қаҳрамони. Светлана ҳассос ҳаёлчи, романтик руҳли қиз образи.
- 90 *Вондека Мадоннасидай* — Голландия rassоми Вондека (1599—1611) ясаган Мар’ямнинг (итальянчаси *Мадонна*) сурати.
- 90 *Малек-Адел* — XVIII аср француз адибаси Коттеннинг мо-жаро-саргузашт романининг қаҳрамони.
- 91 *Де-Линар* — Баронесса Крюднер томонидан ёзилган «Валерия» номли романининг қаҳрамони. Бу асарда бир ёш йигитнинг эрли кибор хотинга бўлган ишқ тарихи тасвир этилади.
- 92 *Вертер* — Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» деган романининг қаҳрамони. Бу асарда бахтсиз севги орқасида ўзини ўлдирган ёш йигитнинг драматик кечинмалари тасвир этилади, роман ўша замонда ўқучиларга катта та’сир кўрсатган, ўз-ўзини ўлдириш (интиҳор) ларни кўпайтган.
- 93 *Клариса* — Кларисса Горлов — Ричардсон романининг қаҳрамони.
- 94 *Юлия* — Юлия Вольмар кўзда тутилади (юқорига қаранг).
- 95 *Дельфина* — француз адибаси Д. Стальнинг (1766—1817). шу номдаги романининг қаҳрамони.
- 97 Илтифот кўрқмоқда романда ҳам шар — «шар» ёмонлик демакдир. Бу ерда Пушкин XVIII асрдаги «ахлоқий» романлар ўрнини олган янги типдаги романларни характерлайди.
- 98 *Вампир* — инглиз ёзучиси Д. Поледорининг шу номдаги романининг қаҳрамони.
- 99 *Мельмот* — инглиз ёзучиси Матюрин (1782—1824) нинг «Мельмот саёқ» деган асарининг қаҳрамони.
- 100 *Абадий жухуд* — ўрта аср эртақларининг қаҳрамони.
- 101 *Корсар* — Байроннинг шу номдаги поэмасининг қаҳрамони. (Корсар — денгиз қароқчиси демакдир).

- 102 *Сбогар* — француз ёзучиси Нодье (1780—1844) нинг «Жан сбогар» номли романининг қаҳрамони.
- 103 Бу ифода итальян шоири Данте (1236—1321) нинг «Илоҳий комедия» номли асаридан олинган (Пушкиннинг уқтиришларига қаранг). Бу асарда Данте жаннат ва дўзах манзараларини тасвирлайди.
- 104 *Сариф рўмол ўраган семинарист* — диний мактабда ўқийдиган талабани семинарист аталади, семинария аталган бу мактабларга тарбия диний таассуб блан суғорилган бўлар эди. Бу мисра’да сохта, ўзини олим кўрсатадиган хотинлар масхара қилинади.
- 105 Бунда ҳам олимнамо хотин масхара қилинади.
- 106 *Галицизмлар* — француз тилидан олинган сўзлар, ифодалар.
- 107 *Богданович* Е. Ф. (1743—1803) — рус шоири, «Душенька» номли поэмаси бор.
- 108 *Парни* (1753—1814) француз шоири, ишқий ше’рлар автори. Бунинг ше’рлари ўйноқи, нафис эди. Шоир завқ-сафони тараннум қиларди.
- 109 *Фрейшц* — немис композитори Вердининг (1786—1826) операси.
- 110 «Ахлоқ, нарсаларнинг табиатидадир» Гекер.
- 111 I. II. III. IV. V. VI.— бу строфалар ва бундан бошқа яна бир кўп строфалар ба’зи сабабларга кўра Пушкин томонидан туширилиб қолдирилган.
- 112 XVIII асрда дворянлар орасида париклар — сун’ий сочлар қўйиш эркакларга ҳам, хотинларга ҳам расм эди.
- 113 *Вист* — карта ўйини.
- 114 *Гименей* — қадим грек афсонасида никоҳ-уйланиш худоси
- 115 *Шатобриан* Ф. Р. (1768—1848) — француз ёзучиси, романтик. Уз асарларида тескарчи диний — идеологияни ўтказган. Шатобрианнинг «Табиат манзаралари» деган ше’рлари юксак бадий мумтозиятга молик бўлиб, табиатни жуда аниқ ва тўғри тасвирлайди. Пушкин бу ерда ахлоқи-та’лимий романларни масхара қилади.
- 116 «Пиёда» ва «рух» — шахмат ўйинида фигуралар.
- 117 *Киприда* — қадим грек ишқ худосининг номи.
- 118 Французча иборанинг таржимаси: Бу варақларга сиз нима ёзасиз.
- 119 *T. a, y, Annette* (Французча) — сизга ихлосманд Аннетта.



- 120 Альбомга чизилган лавҳалар. Маш'ал — у вақтларда ёлқинли муҳаббат белгиси ҳисобланарди.
- 121 *Нозим* — тизмачи. Бу ерда бема'ни ше'р тўқучидан кулли-нади.
- 122 *Языков Н. М.* (1803—1841) — машҳур шоир, Пушкиннинг асрдоши ва яқин дўсти.
- 123 Трагедия, комедия, сатира каби адабий нав'ларнинг шартли ўлароқ кўрсатилиши.
- 124 *Қасида* — «Ода», рус адабиётида XVIII асрда пайдо бўлди. Қасида подшоҳларга, зафарларга, сарой ҳаётига доир, ёки қандай бўлмасин диний-фалсафий мавзуларда «юқори» тантанали услуб блан ёзиладиган ше'р. Ода — қасида XVIII аср аристократ адабиёти учун характерлидир. Лекин XVIII аср охирида оз тумтароқли бўлган ше'р формалари (элегия) блан олмошинабошлайди. XIX аср бошларида қасида тарафдорлари блан «эскилик» тарафдорлари — қасидачилар орасида тортишувлар бошланди. Пушкин мана шу тортишувларга катта қизиқиш кўрсатган; шу строфада ва бундан кейингида Пушкин шунга ишорат қилади.
- 125 Сатирик — ҳажвий-сатирик асарлар ёзучи. Бу ерда Е. Е. Дмитриев деган ёзучи ҳақида сўз боради. Бу ёзучи XIX аср бошида жуда кўп ҳажвий асарлар, масаллар, эртаклар ёзган. «Бегона ма'но» деган сатирасида мукофот олмоқ учун а'ён, такаббурларни мақтайдиган қасидачиларни Дмитриев масхара қилади.
- 126 Я'ни XVIII (қасида ҳукм сурган давр) ва XIX аср (янги адабий оқимлар) орасидаги кураш.
- 127 *Қари энага* — Пушкиннинг энагаси Арина Радионовна. Пушкинни халқ тили, халқ ижоди — эртаклар блан таништиришда катта роль ўйнаган. Пушкин Михайловскийда сургунда юрганда энагасининг оғзидан бир кўп эртакларни ёзиб олиб, кейинча улардан фойдаланган. Пушкин бир кўп ше'рларида ўз энагасини хотирлайди.
- 128 *Гульнар шоири* — Байрон. (Гульнар — Байрон асарларидан бирининг қаҳрамони).
- 129 Дарданель бўғозини бир вақт Байрон сузиб ўтган эди (бу ерда ҳазил: Онегин чўмиладиган анҳорни Дарданель деб кулади).
- 130 *Предт* (1759—1837) — француз сиёсий ходими ва адиби.
- 131 *W. Scott* — Вальтер Скотт (1771—1831) инглиз ёзучиси. Урта аср феодализм турмушидан олиниб ёзган тарихий романлари бор.

- 132 Шампанский виноларнинг маркалари (фирмаларнинг номлари).
- 133 *Эпокрена* — шоирона илҳом (эпокрена қадим юнонларнинг афсонасига кўра қанотли от — Пегаснинг туёғи зарбидан очилган булоқ бўлиб, ажойиб бир хоссага эга бўлган эмиш: бу булоқдан кимки ичса, у ше'р блан сўзлар эмиш. Бу булоқ Аполлонга бағишланган).
- 134 *Бордо* — француз қизил виноси.
- 135 *Ди* — француз шампанский виносининг бир нав'и.
- 136 Исм қўйилган кунни хотирлаб зиёфат бериш..
- 137 *Жуковский* — рус шоири ва таржимони. (Илгари изоҳат берилган).
- 138 *Оддий табиатни булар акс этар* — бу ерда Пушкин II строфани кўзда тутлади. Бунда дворян адабиёти учун ғалати, оддий бўлиб кўринган фигуралар, тасвирлар киритилган: четан аравада деҳқоннинг кетиши, унинг ориқ оти, чана тортиб юрган оддий деҳқон боласи ва ҳоказо. Эски дворян адабиёти нуқтан назаридан бундай нарсалар оддий, «паст табиат» эди. Бундай тасвирларда нафосат кўрмас эдилар. Пушкин гўзаллики шундай тор англовчиларга пичинг қилади. Сўнгра Пушкин Вяземскийнинг «Биринчи қор» номли безакли, «нозик» ше'рига ҳам ишорат қилади.
- 139 Бу ерда турли фол очиш ва айрим крим ҳақида сўз боради.
- 140 Бу строфада ҳам фол очиш тасвир этилади. Илгари қизлар байрам арафасида кечаси ойга ойна тутиб қараб, ўткинчининг отини сўраб, ўз бахтларини синашга, келажакда куёвларининг исмларини билмоққа тиришар эдилар.
- 141 Тонгги шафақ. (Қадим грек э'тиқодича, шафақ—тонг худоси )
- 142 *Сенека* — (милоднинг I асрида) Рим философи ва адиби
- 143 *Хонимларнинг мода журнали* — Шаликов томонидан 1823 йилдан 1833 йилга қадар чиқарилган «Хоним журнали» дир.
- 144 *Халдей донишмандлар аҳлининг пири* — қадим бобиллиларда фолчиларнинг, юлдузлар ҳаракатига суяниб, келажакни тайин қилишга интилганларнинг бошлиғи.
- 145 *Мальвина* — француз адибаси Каттеннинг романи.
- 146 *Петрнома* — *Петрыда* — А. Н. Грузинцевнинг биринчи Петр ҳақидаги поэмаси.
- 147 *Мармонтел* (1723—1791) — француз ёзучиси.
- 148 *Буянов* — Пушкиннинг амакиси томонидан ёзилган «Хавфли қўшни» номли ҳажвий асарнинг қаҳрамонидир. Қовоқда юриб бор-йўғини совурган шалақ помешчик типидир.

- 149 Французча жумланинг таржимаси: уйғонинг, ухлаб ётган жонон.
- 150 *Belle Nina* — гўзал Нина демак.
- 151 *Belle Tatijana* — гўзал Татьяна.
- 152 *Блан-Манже* — ширин демак.
- 153 *Цимлянский* — қизил шароб.
- 154 *Зизи* — Пушкин сургун қилинган Михайловскийга яқин Григорский қишлоғида яшовчи помешчик хотин Осипованинг қизи Евпраксия Вульфни назарга олинади. Вульф Пушкинга кўнгили қўйган эди. Пушкин унга ўзининг икки ше’рини бағишлаган.
- 155 Карта ўйини учун махсус столлар.
- 156 *Бостон, ломбер* — карта ўйинлари.
- 157 Қадим грек шоири (юқорида изоҳ берилган) Бунинг «Илиада» ва «Одиссия»сида зиёфатлар муфассал тасвир қилинади.
- 158 *Парис* — қадим юнон афсоналарига кўра жуда келишган, чиройли қаҳрамондир. Троя подшоҳининг хотинини олиб қочган: Мана шундан Троя урушлари бошланган эмиш: Париснинг исми эркак гўзаллигини тимсол қилади.
- 159 *Албан* — машҳур Италия рассоми:
- 160 *Вальс* — Европача рақслардан бири.
- 161 Қунари туманли ва қисқа бўлган жойда бир насл туғилдики, унинг учун ўлиш оғир, изтиробли эмиш. (Петрарка).
- 162 *Зарецкий* — Пушкин Зарецкий образида «Америкали» деб аталган Федор Толстойни кўрсатган бўлса керак, дейдилар. Ф. Е. Толстой (1782—1846) ёшлигида гвардия офицери бўлиб, ўша вақтнинг бир кўп ёзучилари блан, шу жумладан Пушкин блан ҳам яқин таниш эди. Бу киши бебошвоқ, жанжалчи, дуэльчи, фирром, картабоз бўлиб, Алиут оролларида ва Камчаткада («Америкали» лақаби шундан) хаёлга сизмас саргузаштлари блан шуҳратланган эди.
- 163 *Регуль* — қадим Румода сиёсий ходим ва қўмондон. Ривоятга кўра, румо манфаатига хиёнат қилишдан ҳалок бўлишни афзал кўрган.
- 164 Дуэль — ғарбда феодал-дворян жамиятида пайдо бўлиб, у ердан Россияга ҳам ўтган бир одат. Кишини таҳқир этган, иззат-пафсига теккан кимсани дуэльга чақирилади, қўлда қурол ушлаган ҳолда ҳар икки томон бир-бирига отишади. Дуэльда маълум шартлар ва расмиятларга риоя қилинади. Эски замонларда дуэль дворян муҳитида жуда кенг тарқал-

- ган одат бўлиб, «номус» ҳақида дворян тушунчаси ила боғлангандир.
- 165 *Клавикорд* — музика асбоби.
- 166 *Дельвиг А. А.* (1798—1831) — шоир ва Пушкиннинг дўсти.
- 167 *Идеал* — интилиш нуқтаси, гоё ёки намуна бўладиган шаклда тасаввур қилинган юксак мукамаллик демакдир. Романтик шоирлар тили учун характерли бир сўз.
- 168 *Секундант* — дуэльда ҳозир бўлиб туручи гувоҳ (ҳар икки томоннинг секунданти бўлади).
- 169 *Шартнома* — секундантлар биргалашиб, олдиндан дуэль қондаларини, шартларини белгилаб оладилар, икки душман орасидаги масофа қанча ва неча марта отишлари керак ва ҳоказо тўғрисида.
- 170 Қадим халқларда худога қурбон қилинадиган ҳайвонларни шу меҳробда — махсус тош устида ёндиради, ё сўяр эдилар. Меҳробда ҳарвақт олов ёниб турар эди. Бу ерда эса шоир ўлди, ёлқинли илҳоми сўнди ма'носида.
- 171 *Грибоедов А. С.* — «Ақл балоси» номли машҳур асарнинг аuctори.
- 172 *Эпикур* — бутун шахсий орзуларни та'минлашга асосланган руҳий тинчлик, завқланиш катта не'матдир, деган грек философи.
- 173 Наполеоннинг чўяндан ишланган бюсти.
- 174 *Гяур, Жуан* — Байрон асарларининг қаҳрамонлари.
- 175 Байрон қаҳрамони Чайльд Гарольдга (юқорида изоҳ берилган) тақлид қилган ма'носида.
- 176 *Гусар* — подшоҳ қўшинида махсус қисм.
- 177 Аравага кўпроқ от қўшганда олдиндаги отларни бошқариб юручи кучер.
- 178 *Қишлоқ циклоплари* — қишлоқ темирчилари демакдир (циклоплар — қадим юнон афсонасига кўра — темирчи худо Гефеснинг ёрдамчилари — бир кўзли дев махлуқлар).
- 179 *Автомедонлар* — моҳир кучерлар (автомедон — Гомер поэмаси «Илиада» қаҳрамони бўлган Ахиллеснинг дўсти ва кучеридир).
- 180 *Москва тайёрлади бир ёнғин...* — 1812 йил урушида Москвада бўлган ёнғинни айтмоқчи.
- 181 *Бухороилар* — Москвага ипак моллар ва бошқа шарқ буюмларини олиб келиб сотадиган — умуман шарқ савдогарларини бухороилар деб аталар эди.
- 182 Семён кўчасида, деган ма'нода.

- 183 Москвадаги инглиз клуби. Бой ва эски дворян табақасининг намояндалари бу клубга а'зо бўлар эдилар.
- 184 *Архив йигитлари* — ташқи ишлар министрлигининг архивида хизмат қиладиган юқори табақа ёшлари назарда тутилади.
- 185 *Мельпомена* — қадим грек афсонасига кўра трагедия ва театрнинг илоҳий ҳимоячиси.
- 186 *Талия* — қадим юнон афсонасида комедия ва театрнинг илоҳий ҳимоячиси.
- 187 Дворян мажлиси; (баллар) маскарадлар бўладиган жой.
- 188 Бу ерда Пушкин классик жараён (XVIII аср) шоирларини масхара қилади, улар ўз поэмаларини яқнасақ, совуқ, сун'ий, тумтароқли муқаддима блан бошлар эдилар. Классицизмга салом бердим: киноя, истеҳзо.
- 189 «Бахтли бўл! Агар биз абадий айрилажак эсак, абадий алвидо'!» — Байрон.
- 190 *Лицей* — дворян болалари учун махсус ўқув юрти. Бу ерда Пушкин 1811 йилдан 1817 йилгача ўқиган Царское Селодаги лицей назарда тутилади.
- 191 *Цицерон* — машҳур рим ноғиқи, сиёсий ходими ва адиби.
- 192 *Апулей* — Рим адиби (милоддан икки аср аввал); турли можаролар, саргузаштлар ва ишқий тасвирларни ўз ичига олган «Олтин эшак» номли асарнинг автори.
- 193 *Державин Г. Р.* (1742—1816) — машҳур рус шоири. XIX аср бошида рус ше'рининг улғ намояндаси бўлиб шуҳрат қозонган. Пушкин 1815 йилда лицейда бўлган имтиҳон вақтида Державин хузурида ўз ше'рини ўқиб берган ва бу ше'р Державинга та'сир қилган, шоир бу ерда Державин томонидан тақдир этилганлигини ишорат қилади.
- 194 *Ленора* — Жуковский таржима этган баллада қаҳрамони.
- 195 *Мельмот* — «Мельмот — саёқ» ҳақида юқорида изоҳ берилди.
- 196 *Космополит* — бутун дун'ени ўз ватани деб билган, ма'лум бир миллатга ўзини мансуб ҳисобламаган одам.
- 197 «*Менинг Демоним*» — Пушкиннинг ше'ри.
- 198 *Чацкий* — Грибоедовнинг «Ақл балоси» номли сатирик комедиясининг қаҳрамони. Чацкий уч йил четэлларда кезиб, Москвага келган кунидеъ бал устидан чиққан.
- 199 *Di Comme il faut* (французча) юксак жамиятда қабул этилган одоб, назокат намунаси.
- 200 *Шишков* — рус тилига ажнабий сўзларнинг киришига душман бўлган адиб.

- 201 *Вульгар* — (инглизча) — авомга махсус, қўпол, дағал демакдир.
- 202 *St — Priest — Sen Piri* — ўша вақтнинг машҳур карикатурчиси.
- 203 *Гиббон* — (1737—1794) — инглиз тарихчиси.
- 204 *Манзони А.* (1764—1873) — италян шоири.
- 205 *Гердер Л.* (1744—1803) — немис философи ва шоири, халқ ижодига оид асарларни тўплаган.
- 206 *Шамфор* (1744—1794) — француз сиёсий муҳаррири. XVIII аср француз революцияси арафасида ва революция йилларида Франция ҳаётини, маишатини акс этдирган мақолалари ва афоризмлари блан машҳурдир.
- 207 *Биш М.* (1771—1802) — француз доктори, Инсон анатомияси (ташрих)га оид китоби бор.
- 208 *Madame de Staël* — бу ёзучи ҳақида изоҳ юқорида берилган.
- 209 *Тиссо С.* — француз доктори, медицинага оид тушунарлик — енгил асарлар муҳаррири.
- 210 *Бел П.* (1747—1806) — француз адиби ва мутафаккири. Католик бутхонаси душмани бўлиб, бутхона хурофотларига қарши курашган. Дун'ёни англаш методи сифатида ҳаётга шубҳа-шак блан қараш кераклигини илгари сурган.
- 211 *Фонтенел* — XVIII аср француз философи ва адиби. Диний шубҳачиликни ташвиқ этган.
- 212 Бир кўп журналлар ва алманахларда Пушкин ижодини қаттиқ танқид этган мақолалар чиққан эди. Шоир шунга ишорат қилади.
- 213 *E sempre Bene* — (итальянча) нима бўлар эди, кўп а'ло, демакдир.
- 214 *Магнетизм* — бу ерда та'сир ва талқин кучи ёки гипнотизм ма'носидадир.
- 215 *Сарой* — бу ерда подшоҳнинг яқинлари, юксак аристократ гуруҳ ма'носида.
- 216 Пушкин ўз романининг «илк қит'аларини» ўқиб берган дўстларидан кўпи, роман тамом бўлган вақтда, Сибирьда сургунда эдилар. Декабристлар қўзғолонига иштирок қилиб, сургунга кетган дўстларини Пушкин бу ерда хотирлайди.
- 217 XIII асрда ўтган машҳур Эрон шоири Шайх Са'дийдир.



БОРИС ГОДУНОВ<sup>1</sup>

НИКОЛАЙ МИХАЙЛОВИЧ  
КАРАМЗИННИНГ

*даҳосидан илҳомланган бу асаримни,  
буюк бир ҳурмат ва ташаккур ила,  
мазкурнинг россиялилар учун жуда қиймат бўлган  
хотирасига бағишлайман.*

АЛЕКСАНДР ПУШКИН





## КРЕМЛЬ ПАЛАТАЛАРИ

(1598 йил, 20 февраль)

ШУЙСКИЙ<sup>2</sup> ва ВОРОТИНСКИЙ деган князьлар

### Воротинский

Бу шаҳарни кузатмоққа тайинланганмиз,  
Фақат ма'лум бўлмадики, кимдан қўриймиз:  
Москва бўш; патриархнинг<sup>3</sup> кетига тушиб  
Бутун халқ ҳам монастырьга қараб жўнади.  
Нима дейсан, бу тўполон не блан битар?

### Шуйский

Нима блан битишини билиш қийинми:  
Халқ бечора яна бироз йиғлаб-сиқтайди,  
Борис бўлса худди арақ ичаётгандек  
Бир озгина буруштириб пешонасини,  
Кейин яна марҳамати қўзғалиб кетиб,  
Тожу-тахтни индамасдан қабул қилади;  
Ундан кейин тепамизда илгаригидек —  
Ўз ҳукмини юргизади.

### Воротинский

Синглиси блан<sup>4</sup>,  
Монастырьга кириб олиб дун'ё ишидан  
Бутун кечиб кетганига бир ой бўлди-ку?

Шу кунгача патриарху-иноқ боярлар  
Уни ма'қул маслаҳатга кўндиролдими?  
Улар қанча ёлвардилар, Москва халқи ҳам —  
Кўп ялинди, Улкан Собор<sup>5</sup> ўгитлар қилди —  
Ҳечбирига шу чоққача қулоқ солдими?  
«Акангизга ўгит қилинг — тахтга чиқсин!» деб  
Синглисига ялиндилар, фойда бермади:  
Аламзада малика ҳам унинг ўзидек  
Қаттиқ туриб, ўз сўзидан сра қайтмади.  
Унга мундай руҳни берган Борис ўзидир.  
Чинакам ҳам, подшолик ишлари унинг  
Тинкасига теккан бўлса, шу оғир кунда  
Подшолик мансабини хоҳламасачи?  
Мана мунга нима дейсан?

### Ш у й с к и й

Нима дер эдим?  
Шаҳзоданинг гўдак қони бекор тўкилди<sup>6</sup>;  
Димитриймиз тирик бўлса, шоҳ ўшайди-ку.

### В о р о т и н с к и й

Жуда ёмон бир жиноят! Чинакам уни —  
Борис ўлдиртирганмикан?

### Ш у й с к и й

У бўлмаса, ким?  
Чепчуговга пора берди ким? ким юборди  
Ака-ука Битаговскийларни яна,  
Қачаловга ҳамро қилиб? Мен ҳам Угличка  
Шу ишларни текширмоққа борган эдим-ку:  
Мен ўшанда ҳамма ишнинг тагига етдим.  
Бутун шаҳар жиноятнинг гувоҳи эди;  
Шаҳар халқи бир оғиздан тасдиқ қилишди  
Қайтиб келганимдан кейин бир оғиз сўзим  
Гуноҳкорни очиб бериш учун бас эди.

### В о р о т и н с к и й

Нима учун гуноҳкорни ҳалок қилмадинг?

### Ш у й с к и й

Иқроор қилай, у вақтда Борис ўзини  
Вазмин олиб, кўрилмаган безбетлик блан  
Ҳақ кишидай, кўзларимга бақрайиб олди;  
Тафсилотни суриштириб, яхши тергади.  
Сўнгра қанча ноҳақ сўзни шипшитди менга,  
Мен ҳам уни эл олдида такрорлаб бердим.

### В о р о т и н с к и й

Номуссизлик!

### Ш у й с к и й

Бошқа нима қилаолардим?  
Шоҳ Фёдорга сирни очсам, у кунларда шоҳ  
Ҳар нарсани Борис кўрган кўз блан кўриб,  
У эшитган қулоқ блан гап-сўз тингларди.  
Борди-ю мен, ҳақиқатни англатаолдим,  
Борис дарҳол уни яна айнатар эди;  
Мени бўлса ҳайдардилар «оқ уйлик» қилиб,  
Балки, шўрлик амакимдек, қора зиндонда  
Пайтни пойлаб туриб секин тамомлардилар.  
Мақтанмайман, лекин агар бошимга келса  
Ҳечбир жазо юрагимга хавф сололмайди;  
Қўрқоқлик йўқ, лекин унча аҳмоқ эмасман  
Беҳудага ўз бошимни ҳалок қилгали.

### В о р о т и н с к и й

Жуда мудҳиш жиноят бу! Рост бўлсамикан  
Гуноҳкор ҳам қилмишидан пушаймон эмиш?  
Бир бегуноҳ ёш болани ўлдириб қўйиб  
Энди мана тахтга дадил чиқаолмайди.

### Ш у й с к и й

Чиқади у; қўрқоқ одам эмас у Борис!  
Бизга, я'ни Россияга қандай шараф бу!  
Кечаги қул, татарбачча, ҳам Мольотанинг?..  
Бир жаллоднинг куёвчаси, ўзи ҳам жаллод —  
Тож кияди яна тагин Мономах тожин..

Воротинский

Унинг зоти тоза эмас; биз тозароқмиз.

Шуйский

Ҳа, шундайдир.

Воротинский

Шуйский-ю, Воротинский...

Ҳазил эмас, булар асли князь уруғи.

Шуйский

Асл князь, ҳамда Рюрик авлодларидан.

Воротинский

Князь дейман, асли бизнинг Фёдор ўрнига —  
Ўтиришга ҳақимиз бор эди.

Шуйский

Албатта,

Биз Борисдан ҳақлироқмиз.

Воротинский

Ҳа, рост!

Шуйский

Нима қилиш керак?

Борис агар фитнасини давом этдирса,  
Келинг, биз ҳам, бутун элга ғовға солайлик,  
Годуновдан юз ўғирсин бутун мамлакат,  
Князьлар кўп, улар етиб ортади, майли —  
Ўзларидан биттасини шоҳ сайласинлар.

Воротинский

Биз варягнинг<sup>8</sup> авлодлари оз эмасмиз-ку,  
Аммо лекин Борис блан олишув қийин:  
Бу халқ бизни ўз жанговар амирларининг  
Энг қадимги авлоди деб билмайди бугун.  
Аллақачон ажралганмиз давлатимиздан,

Шу шоҳларга ғулом бўлиб хизмат этамиз.  
Борис бўлса ҳам қўрқитиш, ҳам меҳрибонлик,  
Ҳам шуҳрати донғи блан элни ром этган.

Ш у й с к и й (деразадан қараб)

Борис дадил — гап шу ерда! Бизларчи... Бўлди,  
Бўлди энди! Халқ тарқалиб қайтабошлади.  
Тезроқ бориб билайликчи, нима бўлди кан...

## ҚИЗИЛ МАЙДОН

ХАЛҚ

Б и р о в

Хеч кўнмайди? Катта-катта руҳонийларни,  
Боярларни<sup>9</sup> патриархни ҳайдаб чиқарди.  
Бекор кетди тиз чўкишиб ялинганлари,  
У қўрқади тожу-тахтнинг шон-шавқатидан.

И к к и н ч и б и р о в

Э худойим, бошимизда ким турар экан:  
Вой шўримиз!

У ч и н ч и б и р о в

Ана, кўринг, Дума ҳукмини<sup>10</sup>  
Эшитдириш учун котиб чиқиб келаяпти.

Х а л қ

Жим тур! Жим, ҳой! сўз айтмоқчи «дума» муншийси:  
Қулоқ солинг!

Ш ч е л к а л о в (*Қизил Остонадан туриб*)

Собор шундай қарорга келди:  
Ҳашаматликнинг қаттиқ кўнгли юмшамасми деб  
Сўнг мартаба у кишига ёлварилади.  
Эрта саҳар бизнинг азиз патриархимиз,  
Кремльда дабдабалик ибодат қилгач,  
У муқаддас, азиз туғнинг олдига тушиб,  
Владимир, Донскойнинг тасвири бирлан

Қўзғалади; орқасидан боярлар, а'ён,  
Дворянлар, сайланганлар ҳам Москванинг  
Ҳақ динида бўлган ҳамма, бизлар ҳаммамиз —  
Маликанинг ҳузурига бориб деймизки:  
Етим Москва аҳволига раҳмингиз келсин,  
Годуновга шоҳлик учун фотиҳа беринг!  
Энди, «ҳақ» деб, уйингизга тарқалингизу,  
Худойимга ёлварингиз, ҳақ қулларининг —  
Дуолари осмонда ижобат бўлсин.

*(Халқ тарқалади.)*

МОСКВАДА «ДЕВИЧЬЕ ПОЛЕ» ДЕГАН ЖОЙ.  
НОВОДЕВИЧИЙ МОНАСТИРИ

ХАЛҚ

Б и р о в

Ҳозир мана Борис блан патриархимиз,  
Енларида дворянлар, маликамининг  
Урдасига киришдилар.

И к к и н ч и б и р о в  
Нима гап?

У ч и н ч и б и р о в

Ҳали —  
Ужарликни қўймаётир, лекин умид бор.

А ё л (*қўлида боласи*)

Ўвв!.. Йиғлама, бас қил энди! Ҳой олабўжи!  
Ма, олиб кет, бу болани! Бас дейман. Ўвв, ўвв!

Б и р о в

Ичкарига ўтаолсак яхши бўларди.

И к к и н ч и б и р о в

Иложи йўқ. Э, қаерда! Бир у ер эмас,  
Дала ҳам зич, ҳазилмиди? Бор москвали  
Йиғилишган шу ўртага; ана; кўр ўзинг:  
Тому-девор, катта черков жомхонасининг



Ҳар қавати, черкав усти, то — хочларгача  
Одам тўлган.

Б и р и н ч и

Рост айтасан: қизиқ чинакам!

Б и р о в

Нима шовқин?

И к к и н ч и б и р о в

Қулоқ беринг! Нима шовқин бу?

Халқ бўкирди; қатор-қатор, тўлқинлар каби  
Тиз чўкалар, ана... ана... энди, оғайни,  
Навбат бизга етиб қолди; тез бўл! Тиз чўк; тиз!  
Х а л қ (*тиз чўккан, фар'ёд қилади, йиғлайди*)

Раҳминг келсин, э отамиз! Бизга шоҳлик қил!  
Отамиз бўл, шоҳимиз бўл!

Б и р о в (*секин*)

Нега йиғлайлар?

И к к и н ч и б и р о в

Биз қаердан биламиз? Бу боярлар иши,  
Ким билади?

А ё л (*қўлида боласи*)

Муни кўринг: йиғлаш вақтида —  
Жимиб қолди! Яшшамагур! Ҳой, олабўжи!  
Йиғла дейман!

(*Болани ерга ташлайди, бола йиғлайди*)

Йиғладинг-ку!

Б и р о в

Ҳамма йиғлайди.

Дўстим, биз ҳам йиғлайлик-да.

Иккинчи биров  
Шунча қиламан,  
Ҳеч бўлмайди.

Биринчи  
Мен ҳам. Йўқми биронта пиёз?  
Кўзга суртсак.

Иккинчи биров  
Мен тупук-ла, намладим бир оз...  
Нима гап у? Нима шовқин?

Биринчи  
Ким билар эди?

Халқ  
Тож кияди! Шоҳ бўлади! Розилик берган!  
Борис бизга шоҳ бўлади! Яшасин Борис!

## КРЕМЛЬ ПАЛАТАЛАРИ

БОРИС, ПАТРИАРХ, БОЯРЛАР

Б о р и с

Эй патриарх, эй отамиз, эй сиз — боярлар,  
Менинг кўнглим сизлар учун бутунлай очиқ:  
Кўрдингизки, бу муаззам ҳокимиятни  
Ташвиш блан, ожизона қабул қиламан.  
Менга тушган бу вазифа жуда ҳам оғир!  
У қудратли Иоаннларнинг вориси бўлдим.  
Фариштадек подшонинг вориси бўлдим!..  
Э тақвадор, э шавкатли отам! Бу содиқ —  
Бандаларнинг кўз ёшини аршда туриб кўр!  
Ўзинг севдинг, ўзинг мунча мартаба бердинг,  
Энди менга — ҳукмронлик қилмагим учун  
Дариг тутма ўз шоҳона иноятингни:  
Токи мен ҳам шону-шавкат блан юрт сўрай.  
Ўзинг каби олижаноб ва тўғри бўлай.  
Эй боярлар, сиздан эса кўмак кутаман.  
Халқнинг ра'йи бу мақомга чиқармай туриб  
Мен сизларга ҳамкор эдим, биласиз энди  
Унга қилган хизматларни менга ҳам қилинг.

Б о я р л а р

Қасам ичдик, у қасамни сра бузмаймиз.

Б о р и с

Энди юринг: Россиянинг ҳукмдорлари  
Ётган ҳамма даҳмаларга юзни сурайлик;

Ундан кейин бутун халқни — а'ендан тортиб  
Қўзи ожиз гадойгача — тўйга чарлансин;  
Қўйиб беринг ҳамма кирсин, ҳар меҳмон — азиз.  
(*Чиқади, кетидан боярлар*)

Воротинский (*Шуйскийни тўхтатиб*)  
Сен билгансан.

Шуйский  
Мен? Нимани?

Воротинский  
Эсингда борми?  
Шу ерда, бир кун?

Шуйский  
Нима, эсимда йўқ ҳеч.

Воротинский  
Бор халқ Девичье полега тўпланган кун  
Сен дединги...

Шуйский  
Вақти эмас энди эслашнинг.  
Маслаҳатим шуки, бунга ба'зан унутгин.  
Аммо унда ёлғондакам нолиган бўлиб,  
Фақат сени синаб кўрай деган эдим мен  
Балки, яширин фикрларинг билмоқ бўлганман  
Қулоқ бергин: ана шоҳни қутлаётирлар,  
Мен бўлмасам бунга балки диққат қиларлар,  
Мен ҳам борай.

Воротинский  
Жуда ёмон айёр тулки бу!

## КЕЧАСИ. ЧУДО МОНАСТИРИДА БИР ҲУЖРА

(1603 йил)

ПИМЕН ЧОЛ, ухлаб ётган ГРИГОРИЙ

П и м е н (*шам олдида ёзиб ўтиради*)

Яна битта, энг охирги ривоят қолди.  
Шундан кейин китобим ҳам тамом бўлади:  
Мен гуноҳкор бандасига худо топширган  
Бурч ўталди. Шунча замон шунча ишларга  
Худойимнинг мени шоҳид қилиб қўйиши,  
Хат битишни ўргатиши бежиз эмасди;  
Бир кун келиб меҳнат севар биронта монах,  
Менинг сер қунт, лекин беном ишимни топиб,  
Менга ўхшаш чироғини ёндиради-да,  
Сафҳалардан юз йилларнинг чангини артиб,  
Бу ҳаққоний ривоятни қайтиб ёзади.  
Майли, она ватанимнинг ҳақ динидаги  
Авлодлари ўтмишлардан хабардор бўлсин;  
Иш кўрсатган, шараф топган, яхшилик қилган  
Буюк-буюк шоҳларини эслашиб турсин;  
Қора юзли ва гуноҳкор шоҳлари учун  
Худойимга ёлваришсин ма'рифат тилаб.

Қариганда мен янгидан яшайбошладим,  
Ўтган замон кўз олдимда ясов тортади:  
Ҳодисалар тўла кечмиш, гўёки океан,  
Тўлқинлана-тўлқинлана ўтгани қачон?  
Кечмиш энди индамайди, сукутга ботди:  
Кўп кишилар хотиримдан фаромуш бўлган,  
Менга етиб келган сўзлар унча кўп эмас,  
Қолганлари қайтмас бўлиб кетдилар бутун...

Тонг отмоқда, тездан сўниб битажак чироғ —  
Яна битта, энг охирги ривоят қолди.

(Езабошлайди)

Григорий (уйғонади)

Яна ўша тушни кўрдим! Бу гал учинчи!  
Кўп ёмон туш!.. Чол бечора чироғ олдида  
Яна ўша ёзувидан бош кўтармайди;  
Уйқусираб, туни бўйи кўзни юммаган,  
Унинг вазмин туришини қанча севаман.  
Чин кўнглидан кечмишларга кўмилиб олиб,  
Тарихларни ёзади у, неча марталар  
Билайн деб қасд қилдимки, нима ёзади?  
Татарларнинг у даҳшатли ҳукмронлигин?  
Ё Иоаннинг ваҳшийларча жазоларидан?  
Новгороднинг серхархаша йиғинларидан  
Ё ватаннинг шарафидан? Фойда бермади:  
На у чўзиқ манглайида на кўзларида —  
Яширилган ўйларидан бир нишона бор.  
Доим ўша, оғир, вазмин; ҳайбатли туриш.  
Ёрлиқ ёзиб, соч оқартган котиб сингари,  
Ҳақликка ҳам, ҳақсизга ҳам парво қилмайди,  
Ёмонликка, яхшиликка лоқайд қарайди,  
На ғазабни билади у, на марҳаматни.

Пи мен

Уйғондингми, ҳой биродар?

Григорий

Дуо қил мени,—

Покиза чол.

Пи мен

Болам, сенга — бугун ва эрта  
Бутун умр худо ўзи меҳрибон бўлсин.

Григорий

Ҳеч тўхтамай ёздинг, ота, ором олмадинг,  
Аmmo менинг роҳатимни шайтони хаёл

Емон бузди, душман менга қутқилар солди.  
Тушимда бир тик шотидан жуда баландга —  
Бир минорга чиқиб эдим, ундан Москва  
Чумолининг уясидек кўринар эди.  
Пастда эса, кенг майдонда одам қайнаган,  
Ҳамма мени эрмак қилиб, туртиб кўрсатган.  
Ҳам уялар, ҳам қўрқардим, сўнгра у ердан  
Бирданига йиқилдим-да, уйғониб кетдим...  
Мен бу тушни бир гал эмас, уч топқир кўрдим  
Ажиб ҳолми?

### П и м е н

Йигитликнинг қони қайнайди:  
Ибодат қил, ҳам рўза тут — кўнглингни покла,  
Шундан кейин енгил-енгил тушлар кўрасан.  
Мана мен ҳам, шундай кекса одам, ба'зида  
Бенхтиёр уйқусираб, дармоним қуриб,  
Кеч кирганда ибодатни қилмасам агар,  
Уйқим анча бесаранжом, нотинч ўтади.  
Гоҳ тўполон базмларни, гоҳ споҳларни,  
Гоҳ шиддатли урушларни, гоҳ йигитликнинг  
Телбаларча айшларини кўриб чиқаман.

### Г р и г о р и й

Қандай қувноқ ўтказгансан йигитлигингни!  
Қозон шаҳри олинганда аралашгансан,  
Литвалини ҳайдагансан Шуйский блан,  
Хўп кўргансан шоҳ Иоаннинг ҳашаматини.  
Армонинг йўқ! Аммо менчи? Йигитлигимдан  
Зоҳид бўлиб ҳужраларда умр ўтказдим!  
Нечун мен ҳам урушларда маза қилмайин?  
Нега шоҳлар не'матидан сероб бўлмайин?  
Сенга ўхшаб мен ҳам кекса чол бўлганимда  
Бу вафосиз дун'ёсидан қўл тортар эдим;  
Зоҳидликнинг жандасини устимга ташлаб,  
Хонақада чилла тутиб ўтирар эдим.

### П и м е н

Мунча эрта кетдим гуноҳ олаmidан деб,  
Тангри мени керагинча синамади деб,

Кўп нолима, э биродар; менга инонгил,  
Шухрат, ҳашам ҳамда аёл тойифасининг  
У бевафо муҳаббати — йироқдан ширин.  
Узоқ яшаб, кўп ишратлар сурган кишиман;  
Аммо лекин худо мени бу монастирьга  
Лойиқ кўрганидан бери чин роҳат топдим.  
Кечмишдаги чўнг шоҳларни ўйлаб кўр, ўғлим!  
Улардан зўр — худо эди; яна уларга —  
Ҳечким қарши чиқолмасди! Шунда кўпинча  
Тилла тожлар бошларига оғир келарди,  
У тожларни бир кулоҳга берар эдилар.  
Шоҳ Иоаннинг овунчоғи — руҳонийликнинг  
Меҳнатига ўхшайдиган машғулот эди.  
Мағрур дўстлар тўлиб-тошган катта ўрдаси  
Худди янги монастирьга айланган эди:  
Дўзахилар, дағал либос ва тақ'я кийиб,  
Товфиқ топган сўфи бўлиб келар эдилар;  
Шоҳ ўзичи? Мудҳиш соҳиб сингари эди  
Мен бу ерда, шу ҳужранинг худди ўзида,  
(У замонлар бу ҳужрада қаноат қули,  
Ҳаққоний зот Кирилл турди; ўшанда тангрим  
Бу дун'ёнинг фонийлигин билдирди менга).  
Ўша замон шоҳимизни кўриб эдим, у —  
Қўрқинч ўйлар, жазолардан чарчаган эди.  
Шоҳ Грозний ўйга ботиб, тек ўтирарди.  
Ҳузурида қимирламай тик турардик биз,  
Бизлар блан астагина суҳбат қиларди.  
Пирга ҳамда муридларга юзланиб, деди:  
«Э оталар, у кутилган кун ҳам келажак,  
Товфиқ излаб, мен бу ерга ҳозир бўламан.  
Сен, Никодим, ҳай сен, Сергей; сен ҳам; ҳай Кирилл,  
Сиз ҳаммангиз қулоқ беринг васиятимга:  
Юзим қора, гуноҳим кўп... бир бор келаман.  
Эзги отам, оёғингга йиқилиб туриб,  
Роҳибликнинг кисвасига сурунажакман».  
Шундай деди ҳашаматлик подшоҳимиз.  
Қандай ширин эди унинг айтган сўзлари!  
У йиғлади; биз ёш тўкиб дуолар қилдик;  
Худо унинг бесаранжом, осий кўнглига  
Севги берсин, меҳрибонлик нурини солсин.



Унинг ўгли шоҳ Фёдорчи? Тахтда ўтириб  
Риёзатчи сўфийларнинг тинч ҳаётини  
Тусар эди. Подшонинг ўрдасини у  
Хонақага айлантириб юборган эди;  
Унда унинг эзги кўнгли подшоликнинг  
Оғир-оғир ташвишидан эзилмас эди  
Унинг мундай ғариблиги худога ёқиб,  
Худо унинг замонида бу рус элига  
Осойишу-иқбол берди, ўлар чоғида —  
Одам ҳайрон қолатурган му'жиза бўлди:  
Ўлим кутиб ётар эди, ундан бошқага  
Кўринмасдан, бир нуроний чол кириб келди,  
Шоҳ ҳам дарҳол у чол блан сўзлаша кетди,  
Чолни «улуғ патриарх» деб улуғлар эди,  
Осмондан тушган бирон арвоҳмикан деб,  
Ҳозир турган ҳамма одам қўрқувга тушди.  
Нега десанг, ўша кун катта ҳазратни  
Хонақада шоҳимиз ҳам кўрмаган экан!  
Жон берди шоҳ... Шундан кейин бутун ўрдани  
Ажойиб бир хушбўй тутди, шоҳнинг юзи ҳам  
Офтобдек равшан бўлиб, чарақлаб кетди;  
Унингдек шоҳ бизга энди ҳеч насиб бўлмас,  
Пешонамиз қандай ёмон шўрлик эканки,  
Гуноҳ қилиб, худойимнинг қаҳрига қолдик:  
Шоҳни ўлдирган кишини, шоҳлик тахтига —  
Олиб келдик.

### Г р и г о р и й

Азиз отам, анчадан бери,  
Сўрамоқчи эдим сиздан — ёш шаҳзодамиз  
Дмитрийнинг ўлимини; ўша кунларда  
Сиз Угличда эдингиз-ку?

### П и м е н

Ҳа эсимда бор!  
Тангрим мени ҳунук ишга, қонли гуноҳга  
Гувоҳ қилди. У вақтда бир гуноҳ қилиб  
Угличдаги монастырьга ҳайдалган эдим.  
Тун ярмида етиб бордим; эрталаб туриб  
Ибодатга чиқсам, бирдан жомлар чалиниб,

Дод-вой бўлди. Чопишдилар ички ўрдага;  
Мен ҳам чопдим. Бутун шаҳар ўша ердайди.  
Пичоқланган ёш шаҳзода ерда ётарди:  
Тепасида эс-ҳушидан ажралган она,  
Момаси ҳам дод деб яна дун'ени бузган;  
Жаҳли чиққан аламон ҳам — ана у динсиз,  
Хиёнатчи энагани судраб юрибди...  
Шу ҳангомга кириб келди Битяговский —  
Қўрқув блан ранги ўчган; дарранда, хоин!  
«Қотил ана, ана қотил!» деди барча халқ;  
Бир нафасда йўқ этилди, кейин аламон —  
Қолган учта қотилни ҳам ахтариб кетди;  
У гўдакнинг совимаган тани устига  
Уларни ҳам олиб келиб, ҳозир қилишди...  
Қудратни кўр: бирданига гўдак силкинди!  
«Тавба қил!» деб на'ра тортди бутун аламон;  
У уч қотил болталарнинг ҳайбати блан —  
Тавба қилиб — ҳамма гуноҳ Борисда — деди.

Г р и г о р и й

Неча ёшга кириб эди марҳум шаҳзода?

П и м е н

Етиларда; ўзи агар тирик бўлсайди —  
(Ҳодисага ўн йил бўлди... йўқ, кўпроқ бўлди:  
Ўн икки йил) сенга букун тенгқур бўларди,  
Юрт сўрарди, фақат тақдир бошқача экан.  
Тарихимни шу аламлик ҳикоя блан  
Тугатаман бу дун'енинг корборидан —  
Шундан бери қўл тортганман, ҳой Григорий,  
Сен биродар, бир саводхон, мулла одамсан,  
Бу тарихни сенга берай бандачиликдан,  
Ибодатдан бўш вақтингда, бекорчиликда,  
Маккорона ҳикмат сотмай, турмушда кўрган  
Ҳар нарсангни шу тарихга ёзиб бор, я'ни:  
Уруш, яраш, юрт тутуми хусусларини,  
Авлиёлар каромати, му'жизасини,  
Осмоний аломатлар ва нишонларни.  
Энди мен ҳам чироғимни сўндириб, бир оз —

Ором олай... йўқ бўлмади: эрта бланги,  
Ибодатга жом чалдилар... Осий қулларни —  
Кечир, раббим!.. Григорий, таёғимни бер!

(Чиқади)

Григорий

Борис, Борис! Ҳамма сендан қўрқиб титрайди,  
У бечора ёш гўдакнинг қора кунини  
Ҳечким сенга эслатишга бетлоёлмайди!  
Аммо лекин шу қоронғи ҳужрада зоҳид,  
Сенинг учун кўп даҳшатли ҳукм ёзмоқда:  
Ҳақ ҳукмидан қочиш мумкин бўлмаганидек,  
Халқ ҳукмидан қочишинг ҳам мумкин бўлмайди.

## ПАТРИАРХ ПАЛАТАЛАРИ

ПАТРИАРХ, ЧУДОВ МОНАСТИРИНИНГ ИГУМЕНИ

П а т р и а р х

Шундай қилиб, қочиб кетди денг, игумен бобо?

И г у м е н

Ҳа, қочиб кетди, тақсир. Бугун уч кун бўлди.

П а т р и а р х

Шайтон экан, баччағар! Қимнинг наслидан ўзи?

И г у м е н

Отрепьевлар наслидан, Галиция боярларининг авлоди. Қаерда бўлса ҳам, ҳарҳолда, болалигида таркидун'ё қилиб, Суздальдаги Ефимьев монастирида истиқомат қилган экан. У ердан чиқиб, турли-туман монастирьларда судралгандан кейин, охири бизнинг Чудов монастирига келиб қолди; у чоқларда ҳали ёш ва ақли бир жойда қарор топмаган эди, шу сабабдан бошқа солиҳ ва муттақий халифаларимиздан Пимен чолга топширдим. Боланинг дурустгина саводи бор эди; бизнинг қайғуномаларимизни ўқиб, яхши-яхши муножотлар ёзарди; энди ма'лум бўлдики, бутун у илмларни раҳмон эмас, шайтон берган экан...

П а т р и а р х

Дод бу саводхонларнинг дастидан! Нималарни ўйлаб чиқаради булар! Москвага шоҳ бўлар эмиш! Оҳ, шайтон

олати! Лекин бу тўғрида шоҳга арз қилишнинг ҳожати йўқ; шоҳ бобони ташвишга солиш нега керак? Шу қочиш ҳодисасининг ўзини муншийлардан Смирнов ёки Ефимьевга айтиб қўйилса кифоя: О, бадбахт кофир! Москвага шоҳ бўламан эмиш! Бу душман иноғини албатта қўлга тушириб, умрбод Соловецкийга бадарга қилиш керак. Куфр эмасми бу ахир, игумен бобо?

Игумен

Куфр, тақсир, куфр, бориб турган куфр.

## ШОХ ПАЛАТАЛАРИ

Икки дастурхончи

Б и р и н ч и

Шоҳ қаерда?

И к к и н ч и

У ўзининг оромгоҳида;  
Яна битта фолбин келди... Уша блан банд.

Б и р и н ч и

Унинг севган сўзлари ҳам мана булар-ку:  
Азайимхон, эмчи, фолбин, бахши, парихон.  
Бўйга етган кўркам қиздек фол очиради  
Ҳайронманки, фол очириб нима кўради?

И к к и н ч и

Ана ўзи келаётир. Сўрасакмикан?

Б и р и н ч и

Қандай хафа!

(Чиқади)

Ш о ҳ (киради)

Бу юқори мансабга чиқдим;  
Олти йилки,— тинчлик блан шоҳлик қиламан;  
Эссизларки, кўнглим бетинч, шундай эмасми;

Биз ёшликда ҳою-ҳавас гадоси бўлиб,  
 Уни тоза ахтарамиз, лекин кўп калта —  
 Комимизга бир эришсак, ҳаваслар қонса,  
 Шунда дарҳол совиймиз-да, тўйиб қоламиз?  
 Фолчиларнинг менга «узун умр кўрасиз,  
 Осойишта юрт сўрайсиз» дейиши бекор;  
 На ҳукумат, на-да ҳаёт қувонтиради;  
 Осмондан бало-қазо келадигандек...  
 Мен толи'сиз. Ўйладимки, ўз фуқаромни  
 Мамнун қилсам, шараф блан юқорилатсам,  
 Кўп муҳаббат аён қилиб ўзимга тортсам,  
 Йўқ, бўлмади, бу ҳимматни кейинга қўйдим:  
 Подшони тирик чоғда эл севмас экан;  
 Подшони ўлгандан сўнг севар эканлар.  
 Халқ алқаса ёки аччиқ фарёдлар қилса,  
 Кўнглимизнинг юмшариши — жиннилик экан!  
 Худо бизнинг элимизга очлик юборди,  
 Халқ қийналиб жон бераркан, фар'ёдлар қилди;  
 Ғалла тўла омборларни очдириб қўйдим,  
 Олтин сочдим, кўпларига иш топиб бердим;  
 Аччиғланиб сўкди мени яна ўша халқ!  
 Олов чиқиб, халқнинг уйи кулга айланди,  
 Мен қайтадан янги уйлар солдириб бердим.  
 «Ўт қўйди» деб мени сўкди яна ўша халқ!  
 Қора халқ шу, ундан нечук ихлос кутасан?  
 Оиламдан кўнглимга бир қувонч кутардим,  
 «Яхши эрга берай, қизим қувонсин!» дердим.  
 Ўлим келди бўрон каби олди куёвни...  
 Шу ерда ҳам халқнинг оғзи менга очилди:  
 Қиз шўрликнинг эрга тегмай тул қолишини  
 Мендан кўрди, мен бечора отадан кўрди...  
 Қим ўлса ҳам уни яшрин ўлдиручи мен:  
 Мен тезлатдим ўлимини, гўё Фёдорнинг,  
 Ўз синглимдек маликага, ювош ва ҳалим  
 Роҳибага заҳар берган менман... Бутун мен!  
 Оҳ! Биламан: бу дунёнинг қайғуларидан  
 Бизга юпонч берадиган ҳечбир нарса йўқ,  
 Ҳечнарса йўқ, ҳечбир нарса... магар бир виждон!  
 У пок бўлса, у албатта ёмонликларга,  
 Қора туҳматлардан бутун зўр келади-ку;

Лекин унда бир кичкина доғ бўлса агар,  
Биргина доғ тасодифан илашган бўлса,  
Унда — ёмон! Худди ўлим яраси каби —  
Қўнгилларни ёндиради, заҳар қуяди,  
Та'на тоши, болға каби, қулоқни ейди,  
Қўнгил айниб, бош айланиб, кўзлар тинади;  
Кўз олдидан қонга ботган гўдак кетмайди...  
Қочсам дейсан, қай ерга ҳам қочасан?.. Мудҳиш!  
Шундай қилиб, пок бўлмаган виждоннинг шўри!



## ЛИТВА ЧЕГАРАСИДА БИР МАЙХОНА

МИСАИЛ блан ВАРЛААМ, ДАРБАДАР ДЕВОНАЛАР;  
ГРИГОРИЙ ОТРЕПЬЕВ оддий фуқаро либосида; БЕКА.

Б е к а

Эй девона боболар, сизни нима блан сийласам экан?

В а р л а а м

Худонинг еткизгани блан, бека, майнинг йўқми?

Б е к а

Нега бўлмасин, боболарим! Ҳозир олиб чиқаман.

(Чиқади)

М и с а и л

Нега сен тунтайиб ўтирибсан, биродар? Литва чегараси деб ўлган эдинг, ана — Литва чегараси.

Г р и г о р и й

Литва тупроғига ўтиб олмагунимча хотиржам бўлмайман.

В а р л а а м

Литвани мунча яхши кўриб қолибсан? Мана биз, Мисаил бобо блан мен гуноҳкор банда, монастырьдан қочган кунимиздан бери ҳечнарсанинг ташвишини қилмаймиз. Литва элими, рус ерими, ҳо нари, ҳо бери — бизга барибир, майдан шимир! Ана май! Ҳай, ҳай!

Мисаил

Қотирдинг, Варлаам бобо, қотирдинг!

Бека (киради)

Мана май, айланай боболар, ичинглар омонликка!

Мисаил

Қуллуқ, синглим, худо ярлақасин.

(Монахлар ичишади, Варлаам чўзиб қўшиқ айтади)

Варлаам

«Любам, жон Любам, севгилим»

(Григорийга) ҳой, нега сен биргалашиб айтмайсан, косани бўшатмайсан?

Григорий

Хоҳламайман.

Мисаил

Ихтиёр ўзингда...

Варлаам

Маст киши — ишратга банда, Мисаил бобо! Хўп ичайлик шу бугун, майфуруш дилбар учун...

«Бир қия боқсанг-чи, ей гулим...»

Ҳой Мисаил бобо, май бўлса ичаман, ичмагандан кечаман! Мастлик, сурур — бир бошқа, кибру-ғурур — бир бошқа! Биздек яшамоқчи бўлсанг — кел, марҳамат қил; бўлмаса кет, йўқол: масхаравоз ҳечвақт попга ошна бўлолмайди.

Григорий

Ичкину, жўшиб ичма, ақлингни қўшиб ичма! Қўрасанми, гоҳ-гоҳ мен ҳам созлаб гапиришни биламан!

Варлаам

Ақлимни ичиб нима қилибман мен?

## Мисал

Қўй Варлаам бобо, унга тегма.

### Варлаам

Бу қандай сўфилик, азбаройи худо? Бизга улфат бўламан деб ўзи ёпишди, ўзи ким, қаердан — ҳечким билмайди, яна тагин кеккайишини айтмайсанми?..

*(Ичиб куйлайди)*

«Бир йигит бор эди дун'ёдан кечган. . .»

### Григорий (бекага)

Бу йўл қаерга боради?

### Бека

Литвага, Луй тоғларига боради, яхши йигит.

### Григорий

Луй тоғи узоқми бу ердан?

### Бека

Йироқ эмас, кечга етиб борса бўлади-ку, шоҳнинг тўсқовуллари, ундан кейин пойлоқчи миршаблари ёмон.

### Григорий

Нима, нима? Тўсқовуллар? У нимаси?

### Бека

Москвадан аллаким қочибди, ҳаммани ушлаб, қараб ўтказилсин деган буйруқ келипти.

### Григорий (ўз-ўзига)

Ана холос, мана бу тамошани кўринг энди!

### Варлаам

Ҳой ўртоқ! Сен бизнинг бекага тоза ёпишиб олдинг-ку. Мундан чиқадики, сенга арақжон эмас, ёри-жонон керак экан: жойида биродар, жойида! Ҳаркимнинг

одати бошқа. Биз бўлсак, Мисаил бобо иккимиз биргина нарсани биламиз — арақни ичиб кайф қиламиз, ичиб бўлиб косани тўнкарамиз, шундай қилиб масту-аласт кун кўрамиз!

Мисаил

Қотирдинг, Варлаам бобо, қотирдинг.

Григорий

Қим керак экан уларга? Қим қочибди Москвадан?

Бека

Худо билади уни: ўғрими, қароқчими,—аммо лекин бу жойларда ҳозир тўғри одамларга ҳам кун қолмади: — нима чиқади бундан дерсан, ҳечнарсачиқмайди: балонинг уруғини ҳам тутолмайдилар. Литвага шу катта йўлдан бошқа йўл қуриб кетибдими? Мана шу ернинг ўзидан чапга қайрилсанг, қарағайзордан ўтиб Чекан ариқнинг бўйида кичкинагина бир ибодатхонага етасан: ундан нари кўл бўйлаб Хлопинага етасан. Хлопинадан бирпасда Захаровга ўтасан, у ерда ҳарқандай ёш бола ҳам сени Луй тоғига олиб бориб қўяди. Бу миршабларнинг ўтган-кетганнинг та'бини хира қилиши, ундан кейин биздек камбағалларни қоқлашдан бошқа ишлари йўқ! (*Шарпа.*) Яна нима бало бўлди! Вой шўрим, ўша ўлгирлар келишди! Айланиб юришипти...

Григорий

Бека, уйингизда бошқа биронта пана бурчак йўқми?

Бека

Йўқ, жонгинам, ўзимга беркинадиган жой топсам ҳам жон дердим. У айланиб юришлари «хўжа кўрсин»га, холос, бўлмаса нон бериб, май бериб, яна нималар бериб — етказолмайсан. Илоҳим ер ютсин ла'натиларни! Илоҳим...

(*Миршаблар киришади*)

Миршаб

Омонмисан, бека?

## Б е к а

Хуш келдингиз, азиз меҳмонлар, марҳамат қилинглр.

Б и р м и р ш а б (*яна бирига*)

Эҳҳа-а! Бу ерда базми жамшид қурилибди-ку! Индама, бизга ҳам бир нима чиқадиганга ўхшайди. (*Монахларга*) Сиз қандай одамлар бўласиз?

В а р л а а м

Биз яратганнинг қуллари, худо деган эрлармиз, қишлоқма-қишлоқ юрамиз, христиан черкови учун хайру-эҳсон йиғамиз.

М и р ш а б (*Григорийга*)

Сенчи?

М и с а и л

Бизнинг улфатимиз...

Г р и г о р и й

Шаҳарлик бир фуқароман; бу боболарни чегарагача узатдим, энди уйимга қайтаман...

М и с а и л

Демак сен айнибсан-да...

Г р и г о р и й (*оҳиста*)

Жим тур!

М и р ш а б

Бека, майдан олиб чиқ, мана бу боболар блан бирга ичишиб, бир суҳбатлашайлик.

Я н а б и р м и р ш а б (*оҳиста*)

Бу йигит қупқуруққа ўхшайди, ундан бир нарса чиқмас; аммо мана бу чоллар...

## Б и р и н ч и

Жим тур, уларни ҳозир қўлга туширамиз,— Хўш боболар қалайсиз? Қасбу-корлар қалай?

## В а р л а а м

Маза йўқ, болам, маза йўқ! Бу замонда христианлар ҳам ёмон бахл бўлиб кетишди: пулни яхши кўришади, пулларини беркитишади. Худо йўлига жуда оз беришади. «Мусаллат айлагай, бу олам аҳлига балосини». Ҳамма савдо-сотиқ блан, дун'ё гами блан овора, фақат бу дун'ёнинг роҳатини ўйлаб, тонгла маҳшар кунини эсдан чиқарадилар, юриб-юриб, сўраб-сўраб, ба'зида, уч куннинг ичида ҳам тўрт пул тополмайсан. Шундай гуноҳи азимки! Бир ҳафта, икки ҳафта ўтади, халтага қарасанг, тушган маблағ шуқадар озки, монастырьга кўрингани ҳам уяласан; нима чора? Камоли хафа бўлганингдан тушган маблағни ҳам ичиб тамомлайсан; хафачиликдан бошқа гап йўқ. Оҳ, аҳвол ёмон, бизнинг сўнг кунларимиз келганга ўхшайди. . .

## Б е к а (йиғлайди)

Худоё ўзинг ярлақа, ўзинг нажот бер!

*(Варлаам сўзларкан, биринчи миршаб  
Мисаилга кўп тикилади)*

## Б и р и н ч и м и р ш а б

Алёха! Подшонинг ёрлиғи ёнингдами?

## И к к и н ч и м и р ш а б

Ёнимда.

## Б и р и н ч и

Бер менга.

## М и с а и л

Сен нега менга мунча тикилиб қарайсан?

## Б и р и н ч и

Қараганимнинг сабаби шуки, Москвадан ёмон бир зиндиқ одам қочибди, Гришка Отрепьев деган, хабаринг борми бундан?

М и с а и л

Хабарим йўқ.

М и р ш а б

Хабаринг йўқми? Яхши: ўша қочган зиндиқни тутиб олиб дорга осилсин деган мазмунда шоҳдан буйруқ бор. Бундан ҳам хабаринг йўқми?

М и с а и л

Йўқ.

М и р ш а б (*Варлаамга*)

Хат ўқишни биласанми?

В а р л а а м

Ешлигимда билардим, аммо эсимдан чиқиб кетган.

М и р ш а б (*Мисаилга*)

Сенчи?

М и с а и л

Худо бермади.

М и р ш а б

Ундай бўлса, мана сенга шоҳнинг ёрлиғи.

М и с а и л

Нима қиламан мен буни?

М и р ш а б

Менинг фаҳмимча, ўша қочган зиндиқ, ўғри-мут-таҳам — сенсан.

М и с а и л

Мен? Худо сақласин! Нима деганинг бу?

М и р ш а б

Шошма! Эшикни тўс! Мана ҳозир тўғрилаймиз.

Б е к а

Оҳ, бу ла'нати золимлар! Бу сўфи бобони ҳам тинч қўймайдилар.

М и р ш а б

Ким бор саводлик?

Г р и г о р и й (*олдинга чиқади*)

Мана мен.

М и р ш а б

Ана холос! Ким та'лим берган?

Г р и г о р и й

Маҳалламизнинг сўфиси.

М и р ш а б (*ёрлиқни унга узатади*).

Овозингни чиқариб ўқи!

Г р и г о р и й (*ўқийди*)

«Чудова монастирининг ноқобил халифаси бўлган Григорий ўзи Отрепьевлар наслидан, зиндиқлик тариқига кириб ва шайтоннинг макрига алданиб, ҳархил вос-вос фикрлар ва дин йўлидан хориж да'волар ила эзги одамларни осийлик ва қонунсизликка мойил айламакка жур'ат қилди. Олинган ахборотга қараганда, мазкур, я'ни ла'наткарда Гришка Литва чегарасига қочибдир...»

М и р ш а б (*Мисаилга*)

Нечук сен бўлмайсан?

Г р и г о р и й

«...ва шоҳ фармон қилдиким, мазкурни ушлансин...»

М и р ш а б

Ва осилсин.

Г р и г о р и й

Мунда «осилсин» дегани йўқ.

М и р ш а б

Елғон айтасан, ҳарқандай сўзни хатга битмайдилар. Ушлансин ва осилсин деб ўқи!



## Григорий

«...ва осилсин», «Мазкур ўғри Гришканинг ёши...  
(*Варлаамга қараб олиб*) элликдан ошган, ўрта бўйли,  
сийқа пешонали, оқ соқол, қорни пўрдоқроқ...»

(*Ҳамма Варлаамга қарайди*)

### Биринчи миршаб

Йигитлар! Гришка шу! Ушлаб боғланг буни? Билмабман, пайқайолмабман-а.

В а р л а а м (*қоғозни тортиб олади*)

Осилманг менга итваччалар! Нега Гришка бўлайин? Нечук? Эллик яшар, оксоқоллик, қорни пўрдоқроқ эмиш! Йўқ, биродар! Мен блан ўйнашишга ёшлик қиласанлар! Мен кўпдан бери хаг ўқиганим йўқ: аммо иш мунақа, сиртмоққа оид бўладиган бўлса бир илож қилиб, таталаб бўлса ҳам ўқийман. (*Бўлиб-бўлиб ўқийди*) «...аммо мазкурнинг ёши... йигирмада», Хўш, биродар? Қани бу ерда эллик? Йигирма-ку!

### Иккинчи миршаб

Ҳа, айтганча, йигирма эди. Бизга ҳам шундай деган эдилар.

Биринчи миршаб (*Григорийга*)

Сен, биродар, ҳазилкаш одамга ўхшайсан.

(*Ўқиш чоғида Григорий бошини қуйи солиб, қўлини қўйнига суқиб туради*).

В а р л а а м (*давом этади*)

«Аммо мазкур паст бўйлик, кенг кўкраклик, бир қўли иккинчи қўлидан калтароқ, кўк кўз, малла соч, юзида холи бор, пешонасида яна бир дона холи бор». Бу дўстим, сен ўзинг эмасмисан?

(*Григорий бирданига ханжар суғиради. Ҳамма унга йўл беради, у деразага ўзини уриб қочади*)

### Миршаблар

Ушла! Ушла!

(*Ҳамма тартибсиз югуради*)

## МОСКВА. ШУЙСКИЙНИНГ ҲОВЛИСИ

ШУЙСКИЙ, МЕҲМОНЛАР кўп. Кечки овқат.

### Ш у й с к и й

Вино беринг!

*(Ўрнидан туради, унга эргашиб ҳамма туради)*

Қани, азиз меҳмонларимиз.

Энг сўнгги жом! Муножотни бошла, ҳой бола!

### Б о л а

Эй ҳар ерда, ҳозир бўлган ҳолиқи кавнайин,\*  
Қулоқ бергил бандаларнинг ниёзларига:  
Шоҳимизнинг иқболини сўраймиз сендан —  
Ўзинг берган, диёнатли подшоҳимиз,  
Христиан оламининг мутлоқ амири;  
Сақла уни ўз қасрида, жанг майдонида,  
Сафарларда ва ҳам роҳат ётоқларида.  
Нусрат бергил, душманлардан ғолиб бўлсин у.  
Бу денгиздан у денгизга етсин шуҳрати.  
Омон бўлсин, унсин, ўссин бола-чақаси,  
У авлоднинг эзги шоҳи бутун дун'ёга  
Соя солсин: бизга, я'ни ўз қулларига  
Аввалгидай саҳоватли, раҳмдил, мушфиқ  
Ва бардошли бўлсин; сўнгсиз ҳикматларининг  
Чашмалари оқсин бизга; шу тилак блан

---

\* Икки дун'ени яратучи.

Сенга я'ни ер ва кўкнинг подшосига,  
Елворамиз биз шоҳона қадаҳ кўтариб!

Ш у й с к и й *(ичади)*

Кўп яшасин бизнинг улуғ подшоҳимиз?  
Кечирингиз, эй ҳурматли, азиз меҳмонлар;  
Менинг нону-намагимни қайтармадингиз,  
Куллуқ сизга! Кечирингиз, роҳат кечалар!

*(Меҳмонлар чиқишади, мезбон уларни эшик олдигача  
узатиб чиқади)*

П у ш к и н

Энди кетишди-я! Хўш, князь Василий Иванович,  
мен, бизга бугун гаплашувга ҳам фурсат бўлмас, деб  
ўйлаб эдим.

Ш у й с к и й *(хизматкорларга)*

Нега бақрайиб турибсиз? Хўжаларингизнинг гап-  
ларига яширинча қулоқ солишдан бошқа ишингиз йўқ.  
Дастурхонни йиғиштиринг-да, йўқолинг бу ердан, хўш  
нима гап, Афанасий Михайлович?

П у ш к и н

Шундай ажиб янгиликки, сра сўраманг,  
Краковдан, Гаврил Пушкин — менинг жияним,  
Менга нома юборибди — чопар орқали.

Ш у й с к и й

Хўш?

П у ш к и н

Жуда ҳам қизиқ хабар ёзади жиян,  
Грознийнинг ўғли... шошманг...

*(Эшикка бориб қараб келади)*

Гўдак шаҳзода,  
Годуновнинг амри блан боши кесилган...

Ш у й с к и й

Бу эски гап.

П у ш к и н

Сабр қилинг, сиз шошмай туринг:  
У ўлмаган.

Ш у й с к и й

Йўғ-эй! Ростми? Мана бу қизиқ!  
Шаҳзода соғ! Бу чинакам ажойиб хабар.  
Шугинами?

П у ш к и н

Охиригача эшитсангизчи.  
Қим бўлса ҳам: қутқарилган шаҳзодамизми,  
Ёки унинг сувратига кирган арвоҳми,  
Е жур'атли бир ёлғончи, беюз каззобми,—  
Ҳарҳолда бир Дмитрийнинг чиққани ма'лум.

Ш у й с к и й

Э, бекор гап.

П у ш к и н

Бош ўрдага борганларини,  
Литванларнинг а'ёнлари сафидан ўтиб,  
Тўппа-тўғри ич ўрдага кирганларини  
Пушкин ўзи ўз кўзила аниқ кўрипти.

Ш у й с к и й

У ким ўзи? Қайдан чиққан?

П у ш к и н

Ҳечким билмайди.  
Шу ма'лумки: у, бир замон Вишневецкий—  
Деганларда қарол экан касал чоғида.  
У, руҳоний бир бобога ёрилган экан.  
Қимлигини билиб олгач, у мағрур пан ҳам,  
Яхши қараб, касалидан тузатиб, уни —  
Сигизмундга олиб бориб, кўрсатган экан.

## Ш у й с к и й

Унинг ўзи тўғрисида нима дейдилар?

## П у ш к и н

Уни эпчил, эсли, дилкаш одам дейдилар,  
Севар эмиш ҳамма! Москва қочоқларини  
Ром қилипти: латинларнинг руҳонийлари  
У блан бир; қирол уни яхши кўрармиш!  
Қирол унга ёрдам вада қилган, дейдилар.

## Ш у й с к и й

Бутун булар, ҳой биродар, шундай гапларки,  
Эшитганда, беихтиёр, бош айланади.  
Ҳеч шубҳасиз, унинг шоҳман дегани ёлғон,  
Аммо иқрор қиламанки, хавфу-хатар бор.  
Муҳим хабар! Агар элга еткундек бўлса  
Жуда катта ҳодисалар бўлиши мумкин.

## П у ш к и н

Шундай катта ҳодисаки, шунчалар эсли —  
Шоҳ Борис ҳам тожу-тахтни сақлаёлмайди.  
Ажаб бўлди! У ўзи ҳам мудҳиш Иван\* дай  
Подшолик қилаётир (тушга кирмасин!).  
Дуруст, бизда ошкора ўлдиришлар йўқ?  
Қонли қозиқ тепасида, эл-халқ олдида,  
Биз Исога йиғламаймиз — шафоат тилаб;  
Куйдириш йўқ зўр майдонда бизни, шоҳ ўзи  
Ўз ҳассаси блан чўғни кавлаб турмайди.  
Лекин ожиз ҳаётимиз хавфдан холийми?  
Бизни ҳар куни подшонинг қаҳри кутади.  
Зиндон, Сибирь, кулоҳ-жанда ёки кишанлар,  
Қолаберса очдан ўлиш ёки бир сиртмоқ.  
Орамизда донг чиқарган авлодлар қани?  
Қани князь Сицкийлар, ҳам Шестуновлар?  
Қани юртнинг умидлари — у Романовлар?  
Зиндонларда, сургунарда қийноқ-азобда.

---

\* Иван Грозний.

Шошмай туринг: у кунларни сиз ҳам кўрарсиз.  
Уйлаб кўринг: биз бу ерда, Литва сингари,  
Хоин қуллар томонидан қамалган бўлсак!  
Ҳамма одам хиёнатга ҳозир, барчаси  
Ҳукуматга виждонини сотган бир ўғри.  
Ёзмишимиз арзимас бир тўрага боғлиқ,  
Ваҳоланки уни бизлар йўқ қилсак!— деймиз.  
Юрьев деган байрамимиз йўқ қилинмоқчи:  
Уз молимиз, мулкимизга эга эмасмиз.  
Эринчоқни ҳайдолмаймиз, балки чор-ночор,  
Тўйғазишга сиз мажбурсиз, уни янгилаш  
Мумкин эмас. Йўқ десангиз — каттакон жазо!  
Айтиб беринг: шоҳ Иваннинг вақтида мундай  
Жабри жафо бор эдими? Юртга осонми?  
Юртдан сўранг. Уялган шоҳ — Юрьев кунини  
Қайтармоқчи бўлиб юртга ва'да берсами,  
Унда кўринг тамошани.

### Ш у й с к и й

Гапинг рост, Пушкин,  
Менга қара, энди бизлар бу тўғриларда  
Гапиришни бас қилайлик ҳозирча.

### П у ш к и н

Тўғри,  
Билиб қўйинг. Сиз бир эсли, зийрак одамсиз,  
Суҳбатингиз мени доим хурсанд қилади:  
Қўнглим, агар: бир нарсадан сал ташвиш қилса,  
Сизга айтиб ёзилмасам, чидаёлмайман.  
Боз устига асалингиз, хушхўр пивонгиз —  
Бугун менинг тилларимни кўп қалдиратди...  
Хайр, князь!

### Ш у й с к и й

Хайр дўстим, кўришгунча, хайр!  
(Пушкинни узатади).

## ШОҲНИНГ ПАЛАТАЛАРИ

ШАҲЗОДА география харитаси чизиб ўтиради.  
МАЛИКА (ШОҲНИНГ ҚИЗИ), унинг энагаси

### К с е н и я *(портретни ўқиб)*

Эй менинг сеvimли куёвим, чиройли шаҳзода, менга, ўз қайлиғингга эмас, қора гўрларга, бегона, тупроқларга насиб бўлдинг. Ҳечқачон юпанишни билмасдан, умрбод сени соғиниб йиғлаб ўтажакман.

### Э н а г а

Бас энди, маликам! Қизнинг кўз ёши шабнамга ўхшайди: офтоб чиқади, шабнам қуриydi. Бошқа битга чиройли, хушмуомила куёвга тегиб оласан, уни ҳам севиб қоларсан, бебаҳо болам, шу блан шаҳзода ҳам эсингдан чиқиб кетар.

### К с е н и я

Йўқ, энажон! У ўлган бўлса ҳам, мен унга вафо қиламан.

*(Борис киради)*

### Ш о ҳ

Хўш, Ксения? Ширин қизим, кўз қорачиғим?  
Чимилдиққа кирмай туриб тул қолган болам,  
Сен ҳалиҳам раҳматликни ўйлаб йиғлайсан.  
Жоним болам! Иқболингиз ва бахтингизга —  
Сабаб бўлай деган эдим, тақдир қўймади.

Худойимга юзим қора бўлса керакки,  
Сени бахтли, саодатли қилаолмадим.  
Эй ма'сум қиз, ўз-ўзингни нега қийнайсан?  
Сенчи, ўғлим, шуғлинг нима? Хўш, бу — нимаси?

Ф е о д о р

Москванинг харитаси; буюк юртимиз  
Бошдан-оёқ кўринади: мана Москва,  
Бу — Новгород, бу Астрахань, мана бу — денгиз;  
Бу — Пермьнинг қўл тегмаган кенг ўрмонлари,  
Мана — Сибирь.

Ш о ҳ

Бу нима, бу — илон изидек.  
Эгри бугри буралган.

Ф е о д о р

Бу — Волга, дар'ёмиз.

Ш о ҳ

Жуда яхши! Ўқиганнинг натижаси бу!  
Ўлкамизни — чегараси, шаҳри, сойини —  
Осмондан қарагандай кўриб турасан.  
Ўқи, ўғлим, билим ўзи шундай нарсаки —  
Тирикликда кўп мушкулни осон қилади.  
Бир кун келиб, балки тезда, мана бу сенинг  
Харитага сан'ат блан чизган жойларинг  
Ўз ҳукмингга, фармонингга тоби' бўлажак!  
Ўқи, ўғлим бу давлатни идора қилиш  
Ҳунарини жуда яхши ўрганажаксан.

*(Семён Годунов киради)*

Мана Годунов, менга арзи борга ўхшайди.

*(Ксенияга)*

Жоним қизим, энди киргил ўз хонангга сен,  
Кечир, тўхлим, худо ўзи тасалли берсин.

*(Ксения, энагаси блан бирга чиқиб кетади)*

Қани, Семён, нима дейсан? Гапир!



Семён Годунов

Шу саҳар  
Тонг чогида Шуйскийнинг ва ҳам Пушкиннинг  
Одамлари менга хабар топиб келдилар.

Ш о ҳ

Хўш?

Семён

Пушкиннинг хизматкори хабар бердики,  
Кеча саҳар Краковдан Пушкинникига  
Чопар келган, бирон соат ўтгандан кейин —  
Нома олмай яна қайтиб жойига кетган.

Ш о ҳ

У чопарни ушлаш керак.

Семён

Одам юбордим.

Ш о ҳ

Шуйскийчи?

Семён

Кеча у ҳам ўз дўстларини —  
Ака-ука Милославлар, Бутурлинларни  
Салтиковни ҳам Пушкинни ва бошқаларни —  
Меҳмон қилган: меҳмонлари кеч тарқалишган.  
Фақат Пушкин ёлғиз қолиб, Шуйский блан,  
Алланима хусусида узоқ гаплашган.

Ш о ҳ

Шуйскийга тезлик блан бир одам юбор!

Семён

Шу ерда у, подшоҳим.

Ш о ҳ

Бу ерга чақир.

*(Семён чиқади)*

Литва блан муносабат! Бу қандай гап бу? ..  
Мен сезмайман Пушкинларни — ис'ёнчи авлод;  
Шуйскийга ишонишлик сра бўлмайди:  
Писмиқ ўзи, лекин жасур ва маккор одам...

*(Шуйский киради)*

Сенинг блан сўзлашмоқчи эдим, ҳой князь,  
Аммо ўзинг бир иш блан келдинг шекилли,  
Майли энди, олдин сендан сўз эшитайин.

Ш у й с к и й

Подшоҳим: менинг бурчим муҳим хабарни  
Сизга айтмоқ.

Ш о ҳ

Қани, сўйла: қулоғим сенда.

Ш у й с к и й

*(Шаҳзода Феодор томонга имо қилади)*

Подшоҳим. . .

Ш о ҳ

Сен ҳарқандай хабар сўйласанг,  
У хабардан воқиф бўлсин шаҳзода, сўйла.

Ш у й с к и й

Подшоҳим, хабар келди Литвадан...

Ш о ҳ

Кеча

Кеч пайтда Пушкин олган хабар эмасми?

Ш у й с к и й

Ҳамма гапни билар экан! — Подшоҳим мен,  
Бу сирлардан хабарингиз йўқ деб ўйладим.

### Ш о ҳ

Унда гап йўқ! Қнязь, менга ҳарбир хабарни  
Билиш керак: йўқса асл ҳақиқат бизга —  
Очилмайди.

### Ш у й с к и й

Мен билганим фақат шугина:  
Краковда биров шоҳлик да'во қилипти,  
Қирол блан панлар унга ён босишипти.

### Ш о ҳ

Нима дейлар? Қим эмиш у — тож да'вогари?

### Ш у й с к и й

Хабарим йўқ.

### Ш о ҳ

Хўш, нега у хавфлик экан?

### Ш у й с к и й

Подшоҳим, давлатлари шубҳасиз, маҳкам;  
Шафқат блан тақво блан, мурувват блан —  
Фуқарони ўзингизга боғлаб олгансиз,  
Лекин нодон фуқарони яхши биласиз:  
Хиёнатчи, бағоватчи, хурофотчи у;  
Қандай мавҳум умид бўлсин, тез ишонади;  
Бир нафаслик талқинларга дарров учади;  
Ҳақиқатни эшитмайди, писанд қилмайди,  
Бўлар-бўлмас афсонага берилади у,  
Унга шундай безбетларча дадиллик ма'қул.  
Агар ўша яланг оёқ, дарбадар ҳам қул  
Агар Литва чегарасидан ўтса буёққа,  
Юртга яна ёйилади Дмитрий номи,  
Телба халқ ҳам эргашади ўша саёққа.

### Ш о ҳ

Нима, нима? Дмитрийми? Уша гўдак-а!  
Дмитриймиш... Сен, шаҳзода, чиқиб тур бир оз.

Ш у й с к и й  
Шоҳ бўзарди: ишлар ёмон!

Ф е о д о р  
Э подшоҳим,  
Рухсат бўлса...

Ш о ҳ  
Йўқ бўлмайди, ўғлим, чиқиб тур.  
(Феодор чиқиб кетади)  
Дмитриймиш!..

Ш у й с к и й  
Шоҳ ҳечнарсa билмаган экан.

Ш о ҳ  
Князь! Ҳозир, ҳеч тўхтовсиз чора кўрилсин:  
Тўсқовуллар қўйиб, Литва чегаралари  
Беркитилсин, ҳечбир жонни чегаралардан  
Ичкарига қўйилмасин; Польшадан бизга  
Бир қуён ҳам ўталмасин, битта қарға ҳам  
Краковдан бизга учиб ўтмасин, бор, чиқ.

Ш у й с к и й  
Хўп, чиқаман.

Ш о ҳ  
Бир оз тўхта! Бу келган хабар  
Ажойиб-а? Умрингда ҳеч эшитганмисан:  
Улган киши ўз гўридан тирилиб чиқиб,  
Юрт сайлаган, қонун блан сайланган шоҳни,  
Патриархдай улуг одам тож қўйган шоҳни —  
Тергар экан? Ажойиб-а? Жуда қизиқ-а?  
Нима дединг? Кулгиликми? Нега кулмайсан?

Ш у й с к и й  
Менми, шоҳим?..

### Ш о ҳ

Гапни эшит, князь Василий:  
Бир кун менга дедиларки, ўша болани...  
Йўқ, айтганча: ўша бола дун'ёдан ўтгач  
Сен терговга борган эдинг; мен сендан энди  
Тангри учун, салиб учун сўрайман, айтгил,  
Ҳақиқатни, инсоф блан, менга сўзлагил:  
У болани ўзинг кўриб таниганмидинг?  
Бошқа бола эмасмиди? Жавоб бер менга.

### Ш у й с к и й

Валлоҳ, биллоҳ...

### Ш о ҳ

Йўқ, эй князь, онт керак эмас,  
Жавоб керак: шаҳзоданинг ўзимиди?

### Ш у й с к и й

Ҳа, ўзи эди.

### Ш о ҳ

Ўйла, князь, кечиришга ва'да бераман,  
Бурун ёлғон айтган бўлсанг, беҳуда ерга  
Қийнамайман. Аммо лекин ҳозир мен блан  
Ўйнашмоқчи бўлсанг, ўғлим Феодор жонига  
Онт бўлсинки, сенга ёмон азоб бераман,  
Шундай азоб бераманки, мудҳиш шоҳ Иван  
Ўз гўрида, қўрққанидан, қалтираяжак!

### Ш у й с к и й

Азоб майли, подшоҳим, ғазаб қилмангиз  
Қандай жур'ат қилоламан сизни алдашга?  
Дмитрийни танимаслик бир даражада  
Алданишим мумкинмикан? То уч кунгача,  
Углич, халқи блан бирга Соборга бориб,  
Ҳар кун унинг ўлигини кўриб келардим.  
Атрофида, халқ томондан уриб ташланган  
Ўн уч киши ётар эди, ҳамма ўликлар

Бўй чиқариб, бузилишга бошлаган эди.  
Шаҳзоданинг гўдак юзи нурлик ҳам тоза,  
Худди ухлаб ётган каби мулойим эди.  
Яра чуқур, лекин янги, қони қотмаган.  
Юзларининг белгилари ҳеч ўзгармаган.  
Ҳеч гумон йўқ, подшоҳим, гўдак Дмитрий  
Тек ётибди ўз гўрида.

Ш о ҳ (тинч)

Хўп, сенга жавоб.

*(Шуйский чиқиб кетади)*

Оҳ, бу фалак!.. Нафасимни бир оз ростлайин —  
Менга шундай туюлдики, бутун қонларим  
Юзга тепиб, сўнгра бирдан яна тарқалди!  
Ун уч йилдан бери ҳадеб у мақтул бола  
Тушларимга кирар эди, шундай экан-да!  
Ҳа, шундайми? Шундақами? Тушундим энди!  
Аммо лекин ким бўлди у — қўрқинч кушандам?  
Қаршимда ким? Қуруқ бир ном, бир кўлагами  
Бир кўлага мендан тахтни олаладимми?  
Бир ун блан ўғлим тождан ажраладимми?  
Жинниман мен! Нега қўрқдим, недан чўчидим?  
Бир пуф десанг, йўқ бўлади, ваҳима бу бир...  
Шундай бўлсин, дадил турай, очилмасин сир;  
Аммо лекин бўшашмайин, кўрайин тадбир  
Мономахнинг бу телпаги мунча ҳам оғир.

## КРАКОВ. ВИШНЕВЕЦКИЙ ҲОВЛИСИ

ЕЛҒОН ШОҲ блан черниковский деган ПАТЕРИ

### Е л ғ о н ш о ҳ

Йўқ тақсирим, юз бермайди ҳечқандай мушкул,  
Ўз халқимнинг руҳи менга хўп яхши ма'лум;  
У, яратган тангрисига жуда астойдил,  
Ҳар хусусда ўз шоҳидан олади мисол.  
Боз устига қаноатда бир лоқайдлик бор.  
Ишонаман: икки йил ҳам ўтмасдан туриб  
Ҳамма халқим, я'ни бутун шимол черкави  
Шоҳ Петрнинг ворисини қабул қилажак!

### П а т е р

Насиб бўлса бошқа турлик давру-давронлар,  
Унда сенга азиз Игнат мадаккор бўлсин!  
Унга қадар, ҳақдан сенга етган эҳсонлар!  
Соф кўнгилда, эй шаҳзода, сақланиб турсин!  
Одамларга ёлғондакам муомила қилиш  
Бизлар учун ба'зан диний бир вазифадир,  
Сўзинг блан қилмишингни банда тергайди,  
Аммо лекин ниятингни ҳақ ўзи билсин.

### Е л ғ о н ш о ҳ

Омин, омин! Ким у?

*(Хизматчи киради)*

Айтгил: қабул қиламиз.

(Эшик очилиб, рус ва поляклардан иборат бир тўда одам киради)

Эй ўртоқлар! Биз эртага йўлга чиқамиз  
Краковдан ҳой Мнишек, Самборга боргач  
Уч кунгача сеникида меҳмон бўламан.  
Мен биламан: меҳмоннавоз бўлган саройинг  
Шоҳона бир шукуҳ блан жило беради,  
Боз устига донг чиқарган ёш бекаси бор;  
Умид шулки, соҳибжамол Марина блан  
Кўришарман, сиз дўстларим, Литва блан Русь,  
Сиз бўлсангиз биродарлик байроқларини  
Кўтаргансиз у муштарак душманга қарши,  
Менинг ёмон ва ҳийлакор ёвимга қарши;  
Э славян болалари, сиз ботирларни  
Тез орада матлуб бўлган жангга соламан.  
Орангизда бугун янги шахслар кўраман?

Г а в р и л а   П у ш к и н

Булар сенинг даргоҳингга келишган, сендан —  
Қилич ҳамда хизмат сўраб.

Е л ф о н   ш о ҳ

Қуллуқ, болалар!

Бери келинг, дўстлар қани, айтчи, Пушкин, бу —  
Кўҳлик йигит ким бўлади?

П у ш к и н

Князь Курбский.

Е л ф о н   ш о ҳ

Ҳайбатли ном!

(Курбскийга)

Сенинг киминг Қозон ботири?

К у р б с к и й

Уғлиман мен.

Е л ф о н   ш о ҳ

У тирикми?



## Қурбский

Йўқ, ўлиб кетган.

### Елғон шоҳ

Зийрак киши! Уруш ҳамда кенгаш кишиси!  
Озер етса жуда ёмон ўч олар эди.  
Литвалилар блан бирга, қадим ва кўҳна  
Ольгин шаҳри атрофида пайдо бўлди-ю,  
Шу бўйича унутилди...

## Қурбский

### Шўрлик отамнинг —

Қолган умри Баторийнинг ормуғон қилиб  
Берган жойи — Волиндаги битта қўрғонда —  
Ўтиб кетди; ўзи ёлғиз ва сокин эди.  
У ўзига илму-фандан севинч изларди;  
Тинч меҳнати уни лекин юпатолмасди:  
Ўзи ўсган ватанини кўп ўйлар эди,  
Сўнг дамгача ватанини унутолмади.

### Елғон шоҳ

Толии йўқ саркарданинг у — тўз-тўполон,  
Қосирғали ёш ҳаёти кўп порлоқ ўтди.  
Кўп хурсандман, асли тоза у жанговарнинг  
Асл қони ватанига яна қовушди.  
Оталарнинг қилмишини унутиш керак;  
Тупроқлари енгил бўлсин. Яқин кел, қўл бер!  
Бу қизиқ ҳол: мени, я'ни Иоанн ўғлини,  
Қурбскийнинг ўғли келиб тахтга чорлайди;  
Банда, худо — ҳамма букун менга мададкор.  
Ҳой, сен кимсан?

## Поляк

Собаньский, эркин бир поляк

### Елғон шоҳ

Мақтов, шараф бўлсин, сенга эй, эрк боласи!  
Ойлигингни тўртдан учи олддан берилсин.

Булар кимлар? Она ватан либосларини  
Мен буларда кўрмакдаман. Бу бизникилар.

Х р у ш ч о в (*ергача эгилиб*)

Рост айтасан, соябоним, бизлар тиришқоқ —  
Сер ҳаракат қулларингмиз, қувғин бўлганмиз.  
«Оқ уй» қилиб ҳайдадилар бизни Москвадан,  
Даргоҳингга келдик, шоҳим; сенинг йўлингга  
Жонимизни аямаймиз; ўликларимиз —  
Подшолик тахтинг учун поғона бўлсин!

Е л ф о н ш о ҳ

Эй, гуноҳсиз қийналганлар, дадил бўлингиз,  
Бир иш қилинг: Москвага бир етиб олай,  
Ундан кейин жазосини тортади Борис.  
Хўш, сен кимсан?

К а р е л а

Мен казакман, Дондан келганман.  
Эркин қўшин, ҳам дов юрак, мард атаманлар,  
Юқори ҳам қуйидаги барча казаклар  
Мени мунга юборишди — сени кўрмакка,  
Улар учун та'зим қилиб бўйин эгмакка.

Е л ф о н ш о ҳ

Дон халқини билар эдим, ўз қўшинимда  
Казакларни кўришимга шубҳам йўқ эди.  
Бутун донли қўшинга биз қуллуқ қиламиз  
Биламизки, букун ундан бизнинг казаклар  
Ноҳақ ерга жабр кўриб, азоб тортмоқда;  
Худо ёрдам қилиб, агар, ота-бобонинг  
Ўз тахтига ўтиралсак, эски йўсинда  
Дон халқига ўз эркини қайтиб берамиз.

Ш о и р (*қуйи эгилиб, та'зим қила-қила, келади ва*  
*Елфон шоҳ Гришанинг этагидан ушлайди*)

Эй мунаввар қиролбачча, буюк шаҳзода!

Е л ф о н ш о ҳ

Нима дейсан?

## Ш о и р (қоғоз тутади)

Марҳаматан қабул қилсангиз  
Кўп меҳнатнинг бу арзимас натижасини.

### Е л ф о н ш о ҳ

Не кўраман? Булар латин ше'рлари-ку!  
Кўп муқаддас қилич блан рубоб бирлиги,  
Бир гулдаста иккисининг бошига безак.  
Мен туғилдим қора тунли шимолда, лекин —  
Латин созин овозини яхши биламан.  
Ҳам парнасининг гулларини яхши кўраман.  
Ишонаман шоирларнинг му'жизасига.  
Йўқ, уларнинг алангали кўнгилларида  
Севинч бекор қайнамайди: сафар хайрлик,  
Бу сафарга улар кўпдан таважжуҳ берган!  
Дўстим, менга яқин келиб, эсдалик учун,  
Ҳад'ямни ол.

### (Узук беради)

Тақдир менга тайин қилган иш  
Ўз ўрнига келгач, ота-боболаримнинг  
Тожин кийгач, умид шуки, яна тингларман  
Сенинг ширин овозингни, илҳомли ше'ринг,  
Соз шуҳратга, шуҳрат созга тож кийдиради.  
Хўп, дўстларим, эртагача омон бўлингиз!

### Ҳ а м м а

Йўлга! Йўлга! Минг яшасин бизнинг Дмитрий,  
Омон бўлсин Москванинг буюк князи!

САМБОРДА ВОЕВОДА (УЛҚА БОШЛИҒИ)  
МНИШЕКНИНГ УРДАСИ

*(Бир қатор чароғон уйлар. Чолғу)*

ВИШНЕВЕЦКИЙ блан МНИШЕК

Мнишек

Унинг доим гаплашгани менинг Маринам,  
Маринадан бошқа блан ҳеч машғул эмас...  
Бу ишлардан уйланишнинг ҳиди келади;  
Хаёлингга келганмиди, Вишневецкий,  
Менинг қизим бир кун шоҳга хотин бўлар деб?

Вишневецкий

Ҳа, ажойиб... сен Мнишек, ўйлаганмисан,  
Қарол болам Москвадан тож кияди деб?

Мнишек

Маринамни кўрсангчи сен, ундан келсангчи!  
Мен бир оғиз айтдим холос: пухта бўл, қизим!  
Дмитрийни қўлдан берма!.. Мана шу блан  
Иш тугади. Йигит тамом қизнинг қўлида.

*(Чолғу полякча куй чалади. Биринчи жуфт:  
Елғон шоҳ блан Марина)*

Марина *(секингина, Дмитрийга)*

Ҳа, эртага, тунги соат худди ўнбирда.  
Орғувонли хиёбонда, фонтан олдида.

*(Кетадилар бошқа бир жуфт)*

Э р к а к  
Нимасига ошиқ бўлган Дмитрий-а?

Х о н и м

Нега? гўзал.

Э р к а к

Мармар каби совуқ бир гўзал:  
Кўзларида, лабларида жон йўқ, кулги йўқ...

*(Бошқа бир жуфт)*

Х о н и м

Йигит хунук, лекин унинг қадди келишган.  
Ҳам кўришиб турадики, подшоода.

*(Яна бошқа жуфт)*

Х о н и м

Сафар қачон?

Э р к а к

Шаҳзодадан фармон бўлганда.  
Биз ҳозирмиз, лекин бизни Марина блан  
Бу шаҳзода тоза путиб туради, дейман.

Х о н и м

Кошки эди.

Э р к а к

Албатта-ю, лекин сиз бир оз...

*(Кетадилар, уйлар бўшалади)*

М н и ш е к

Биз қарилар, ўйнаб, оёқ тепаолмаймиз,  
Мазурканинг овозидан энди кўнгил тўқ;  
Оқ қўлларни қисиб-қисиб ўпаолмаймиз.  
Лекин, эски шўхликларни унутганим йўқ!  
Энди, ҳозир бурунгидай, эскидай эмас:  
Бу ёшларда, ҳарна агар, у дадиллик йўқ.  
Гўзаллик ҳам аллақандай... Алангасиз чўғ;

Хўп де, дўстим: ҳар нарсанинг руҳи сўник, пас. . .  
Қўй уларни: юр кетайлик, азиз ўртоғим;  
Мажар тамға, гиёҳ босган, кўҳна, оғзи дим  
Бир шишани очтирайлик, сўнгра иккимиз —  
Бир бурчакда — ўзи хушбўй, мой қадар қуюқ  
Майи нобни, соғлиқ учун, ичиб... беш оғиз,  
Баланд-пастдан гаплашайлик, юр томоқ қуруқ  
Юр, биродар.

В и ш н е в е ц к и й  
Юр, биродар, тўғри бу — йўриқ.

## ТУН. БОҚЧА. ФОНТАН

### Е л ф о н ш о ҳ (кириб)

Мана фонтан. Қиз шу ерга келиши керак.  
Мен сра ҳам қўрқоқ бўлиб туғилмаганман;  
Кўз олдимда ўлимни ҳам кўрган кишиман,  
Уша ўлим олдида ҳам титраганим йўқ.  
Бутун умрим асирликнинг хавфида ўтди.  
Кўп қувдилар мени фақат руҳим тушмади,  
Сурлик қилиб, асирликни енгиб ташладим.  
Бу туганмас титрашларнинг сабаби нима?  
Ҳозир менинг нафасимни нима бўғади,  
Ё бу титраш — тилакларнинг зўрлигиданми?  
Йўқ, бу — қўрқув! Бутун кунни кутиб ўтказдим.  
Шу қиз блан яширинча кўришаман деб.  
Уни кўрсам айтаман деб, сўзлар ахтардим,  
Мағрур қизнинг ақл-ҳушин ўғирламоқчи,  
Уни Москва маликаси деб атамоқчи —  
Бўлдим; мана фурсат келди, лекин унутдим;  
У кўп марта ҳижжаланган сўзлар йўқ бўлди  
Хаёлимни севги тамом паришон қилди...  
Алланима йилт эдимиз? Шарпами? Жим, жим...  
Йўқ, алдамчи ойдан тушган ёруғ шекилли,  
Шу ерда бир шабада ҳам ўтди.

М а р и н а (кириб)

Шаҳзода!

Елғон шоҳ  
Узи!.. Қонлар баданимда уюшиб қолди.

Марина  
Дмитрий сенми?

Елғон шоҳ  
Ширин тилсимли овоз!

*(Унга томон боради)*

Оҳ, сенмисан? Сени кўриб турибманми мен,  
Елғиз сени, тинч кечанинг қучоғларида?  
Зериктиручи кундуз қандай имиллаб ўтди!  
Оқшом чоғи қуёш қандай имиллаб ботди!  
Шу қоронғу кечада мен, нақадар кутдим!

Марина  
Тун ўтмоқда: менинг учун фурсат кўп қиммат,  
Сенинг блан кўришгали чиқсам ҳам, мақсад  
Севгучининг ширин сўзин тингламоқ эмас.  
Сўз бас энди. Ишонаман, мени севасан;  
Фақат тингла: тўс-тўполон ва ҳақдан йироқ  
Тақдирингга тақдиримни боғлайман энди!  
Шундай бўлгач, эй Дмитрий сендан бир нарса  
Талаб қилсам ҳаққим бор-ку? Талабим шуки,  
Менга очиб айтиб берсанг ўз кўнглингдаги —  
Ҳамма яшрин умидларинг, ниятларингни,  
Ҳатто қўрққан жойларингни; шундан кейин мен  
Дадил бўлиб, қўл ушлашиб, сен блан бирга  
Йўлга тушсам — болалардек кўр бўлиб эмас,  
Эрнинг хою-ҳавасига қул бўлиб эмас,  
Индамас бир канизагинг бўлиб ҳам эмас,  
Балки, сенинг муносиб бир ҳамдаминг бўлиб,  
Москванинг хоқонига ёрдамчи бўлиб.

Елғон шоҳ  
Тақдиримнинг қайғулари, ваҳмаларини  
Қўй, бир озроқ унутайин эсга олмайин,  
Сен ўзинг ҳам шаҳзода деб билмагил мени



Э Марина, мени битта ошиқ деб билгил!  
Бир ошиқки, уни ўзинг танлаб олгансан,  
Бир қарашинг унинг учун катта саодат!  
Сен севгининг ниёзига қулоқ сол, жоним,  
Кўнгилдаги бор дардимни очиб берайин.

### М а р и н а

Вақти эмас, князь! Ишни тахирга солдинг,  
Сенга ихлос қилганларнинг кўнгли совийди,  
Таҳликалар, оғирликлар тобора ортиб,  
Аллақандай овозалар юрабошлади,  
Бир-бир кетин янги гаплар чиқабошлади:  
Годунов ҳам бўш келмайди, чора кўради...

### Е л ф о н ш о ҳ

Қўй барисин! Менинг бахтим, иқболим сенсан,  
Сенинг севгинг қаршисида нимамаймиш Борис?  
Бўлди энди! Унинг тожи, тахти шоҳлиги —  
Ҳаммасидан совудим мен, оҳ сенинг севгинг  
Усиз менга заррача ҳам татир эканми —  
Умр кўриш, ном чиқариш, салтанат суриш!  
Менга бутун подшолик тожидан а'ло —  
Сенинг севгинг...

### М а р и н а

Уят сенга! Унутмагилки,  
Сенинг баланд ва муқаддас бир мовқи'инг бор:  
У мовқи'инг, у даражанг сен учун бутун  
Севинчлардан, ҳаваслардан, комлардан юксақ,  
Сен билиб қўй — мен кўнглимни бераман: аммо  
Куйиб-ёнган ва ҳам менинг ҳуснимни кўриб.  
Телба бўлган йигитчага эмас ҳарҳолда;  
Москванинг тож кутучи вали аҳдига,  
Худо ўзи асраб қолган шаҳзодасига.

### Е л ф о н ш о ҳ

Кўп қийнама мени, жоним, гўзал Маринам,  
Мени эмас, даражамни севдим деб айтма.

Эҳ Марина! Шу сўз блан юрак-бағримни —  
Ништар блан тилганингни ўзинг билмайсан.  
Оҳ, билмайсан! Йўқ, борди-ю... — оҳ, бу васваса! —  
Айт, бордию... Менинг аслим шоҳдан чиқмаса,  
Бу кўр ёзмиш, шоҳ қонини менга бермаса,  
Мен у буюк шоҳ Иоаннинг ўғли бўлмасам,  
Қаршингдаги... Унутилган йигит бўлмасам:  
Ўшанда ҳам... ўшанда ҳам севар эдингми?

М а р и н а

Йўқ, Дмитрий, мумкин эмас, ўзга бўлишинг,  
Мен ўзгани севолмайман.

Е л ф о н ш о ҳ

Бўлди. Бас! Етар:

Менинг ёрим бир ўлканинг дилдори бўлса,  
Истамайман ўлик блан баҳам кўргали.  
Етар энди алдаб юриш! Бўлган гапларни  
Айтиб берай: билиб олки, сенинг Дмитринг  
Ўлиб кетган, ер остида, қайтиб келмайди,  
Кимлигимни билгинг келса, марҳамат қилгил:  
Мен камбағал бир монахман; оғир риёзат —  
Жонга теккач, кулоҳ кийган шу бошим блан,  
Бу каттакон, кўрқинч ишни ўйлаб чиқардим,  
Ер юзини ҳайронликка солмоқчи бўлдим;  
Ахир бир кун риёзатлик ҳужрадан қочиб,  
Украинали ботирларнинг чайлаларида —  
Қилич ушлаш, от чопишининг машқини олдим;  
Дмитрий деб ном қўйдиму бу ерга келдим.  
Бу эсипаст полякларни тоза алдадим.  
Қани, гапир: нима дейсан, мағрур Марина?  
Ҳақиқатни очганлигим сенга ма'қулми?  
Нега ахир индамайсан?

М а р и н а

Уят бу, номус!

(Жим қолади)

Е л ф о н ш о ҳ (оҳиста)

Аччигимга чидаёлмай нималар дедим?  
Зўрға-зўрға қўлга кирган саодатимни

Энди, балки, бир умрга қўлдан чиқардим.  
Нима қилдим мен эсипаст?

*(Овозини чиқариб)*

Билдим, англадим:  
Одий инсон севгисидан ҳазар қиласан.  
Қани, айтгил, у бир оғиз заҳарлик сўзни:  
Тақдиримга сен ҳокимсан, ҳукмингни чиқар!  
Интизорман...

*(Тиз чўкади)*

М а р и н а

Тур, эй шўрлик — тож да'вогари!  
Мени, балки, бир соддадил, бўшанг қиз дерсан,  
Ва бу хилда тиз чўкишлар блан бу мағрур —  
Ва кибрлик кўнглимни ҳам юмшатай дерсан?  
Янглишасан, дўстим, менинг олдимда қанча  
Мард йигитлар, олижаноб эрлар тиз чўккан;  
Мен шуларнинг барчасини қайтарган бўлсам,  
Бир қувинди монах учун қилган эмасман...

Ё л ф о н ш о ҳ *(ўрнидан туриб)*

Тож истаган ёш йигитдан ҳазар қилмагил;  
Балки, унда Москванинг тожу-тахтига,  
Ҳамда сенинг у бебаҳо муҳаббатингга  
Лойиқ бўлган — мардлик блан хосият бордир!

М а р и н а

Дорга лойиқ хосият бор сенда, ярамас!

Ё л ф о н ш о ҳ

Гуноҳ менда; ғурур блан кўзим кўр бўлиб  
Ҳам худони, ҳам шоҳларни алдадим, бутун —  
Ер юзига ёлғон айтдим; лекин, Марина,  
Сенга ҳақман, сен бермагил менга жазони.  
Йўқ, мен сени ҳечбир замон алдаёлмайман.  
Менинг учун сен бирдан-бир олий даргоҳсан,  
У даргоҳда ёлғон айтиш қўлдан келмайди.

Севги, севги, шу — кўр севги, шу рашкчи севги,  
Фақат севги мажбур қилди бўлган гапларни  
Бутун айтишга!

### М а р и н а

Мақтанади тагин бу тентак!  
Ким сўради сендан айт деб у ҳақиқатни?  
Модомики, сен нома'лум дарбадар экан,  
Икки элни мунча яхши алдайбилибсан,  
Ва шу блан зўр давлатга эришай дебсан,  
Ҳеч бўлмаса у давлатга лаёқат қозон,  
Сирни жуда маҳкам сақлаб, умрбод сақлаб,  
У мардона фирибингни очиб қўйма-да!  
Сен мунчалар енгиллик ҳам осонлик блан  
Сал нарсага ўз айбингни фош қилиб турсанг,  
Айтчи, қани, сенга кўнгил берсам мумкинми?  
Насабимдан, ҳамда қизлик шармимдан кечиб,  
Тақдиримни тақдирингга қўшсам мумкинми?  
Севганидан айтган эмиш менга сирини!  
Мен ҳайронман, нима учун — қадрдоним деб,  
Отамга ҳам ўша сирни изҳор қилмадинг?  
Ёки хурсанд бўлганингдан қиролимизга,  
Ё бўлмаса садоқатли хизматчиман деб,  
Ўз хўжангга ҳамма гапни айтиб бермадинг?

### Е л ф о н ш о ҳ

Онт бўлсинки, кўнглимдаги ҳамма гапларни  
Елғиз сенга, бир ўзингга очиб гапирдим.  
Онт бўлсинки, ҳеч бир жойда ва ҳеч бир замон.  
Мастлик блан бош айланган ўтиришлардз,  
Дўстлар блан ўтказилган маҳрам суҳбатда,  
Ўткир қилич ёки оғир қийноқ остида —  
Менинг тилим кўрқинч сирни сўйламаяжак!

### М а р и н а

Онт ичармиш! Мен ҳам дарров ишонақолдим!  
Ҳа, ишондим! Фақат билиш мумкинми! бу онт —  
Ким номига ичилади? Худо номига?

Дуруст, ўзинг жуда диндор бир езуитсан-да!\*

Ё асл бир сипоҳсану номус номига?

Ё подшо ўғлисану подшолардек —

Сўз берасан, шоҳона сўз — шундайми, гапир!

### Е л ф о н ш о ҳ (мағрур)

Грознийнинг руҳи мени «ўғлимсан!» деган,  
Дмитрий деб тобутимдан чақириб олган,  
Менинг учун элларга ҳам қўзғолон солган,  
Менинг учун Годуновни қурбонга берган —  
Шаҳзодаман! Бўлди энди! Бир мутакаббир  
Поляк қизи ҳузурида хўрланиш уят!  
Хайр энди бир умрга! Бу қонли уруш,  
Тақдир менга ҳозирлаган катта ташвишлар,  
Балки севги ғамларини босиб кетарлар.  
Оҳ, бу озғин ҳавасларнинг олови сўнса,  
Чин кўнглидан сени ёмон кўрар эдим мен!  
Энди кетдим! Россияда менинг бошимга  
Ё кесилиш ё тож кийиш насиб бўлажак:  
Майдонларда ўлиб кетсам мард сипоҳлардек,  
Ёки дорга тортилсам бир ўғри қатори —  
Сен, барибир, менга шерик бўлмайсан энди;  
Ёзмишимни мундан нари ўртоқлашмайсан;  
Аммо лекин, бир кун келиб, бугун севгимни  
Қайтарганинг учун ўзинг пушаймон ерсан.

### М а р и н а

Борди-ю мен, бу ҳаёсиз фирибларингни,  
Сендан аввал, эл олдида очиб берсамчи?

### Е л ф о н ш о ҳ

Демак сендан қўрқаман мен? Шундайми ҳали?  
Сен бир хотин киши бўлсанг, мен шаҳзодаман —  
Кимнинг сўзи кўп ўтади? Шуни билгилки,  
Қирол бўлсин, папа\*\* бўлсин, а'ёнлар бўлсин

\* «Исо жамияти»; католик мазҳабини ҳар йўл блан тарқатишга бел боғлаган руҳонийлар жамияти а'золарини езуит дейдилар.

\*\* Христианларнинг энг бош руҳонийси (Римда).

Менинг айтган сўзларимни ўйлаб турмайди  
Дмитрийман ё бошқаман — уларга нима?  
Мен жанжалга, ҳам урушга бир баҳонаман.  
Улар учун кераги шу; хотиржам бўлгил,  
Бир оғиз ҳам сўзлашингга йўл қўймадилар.  
Хайр энди! Кетдим!

М а р и н а

Шошма! Шошма, шаҳзода!  
Мана энди бола эмас, эркак гапирди.  
Бу гап блан сенга яна яқин бўламан.  
Телбаларча туғёнингни унутдим, яна —  
Дмитрийни кўрмакдаман. Лекин, қулоқ сол:  
Айни вақти! Кўзингни оч, кўп тайсаллама,  
Қўшинингни Москва томон етакла тезроқ:  
Кремльни олиб, Москва тахтига ўтир,  
Шундан кейин мени сўраб совчингни юбор:  
Аммо лекин, худо шоҳид, сенинг оёғинг  
Москва тахти зинасига чиқмасдан туриб,  
Сенинг зарбанг Годуновни йиқмасдан туриб —  
Севги деган сўзга асло қулоқ бермайман!

(Чиқиб кетади)

Ё л ф о н ш о ҳ

Йўқ, мен учун Борис блан олишув осон,  
Урдадаги езуитни ҳам алдашим осон,  
Аммо хотин киши блан — худо сақласин!  
У — аврайди, чирмашади, ўраб олади,  
Вишиллайти, қўрқитади заҳар солади —  
Худди илон! титрашим ҳам бекорга эмас!  
Тамом ҳалок бўлишимга бир баҳя қолди.  
Маслаҳат шу: эрта блан қўшин тортаман!

## ЛИТВА ЧЕГАРАСИ

(1604 йил, 16 октябрь)

КНЯЗЬ КУРБСКИЙ блан ЕЛФОН ШОҲ. Иккови ҳам отлиқ.  
Қўшин чегарага яқинлашиб келмоқда

К у р б с к и й  
(энг аввал от чопиб киради)

Мана, мана! Рус худуди, рус чегараси!  
Муқаддас Русь! Она ватан! Мен — сеникиман.  
Ғурбатларнинг чангларини, нафратлар блан,  
Қоқаман-да, шимираман, янги ҳавони:  
У, ўз ҳавом!.. энди сенинг руҳинг, эй отам,  
Таскин топиб, хор қилинган суяқларинг ҳам —  
Мозорингда севинишиб, яйраяжаклар!  
Бизнинг ирси\* қиличимиз яна ярқирар  
Бу қиличким, жоҳил Қозон титраган ундан,  
Бу қиличким, уни тутган Москва шоҳлари!  
Тўйи келди бу қиличнинг, у — қувнаяжак,  
Умидгоҳи — шоҳи учун хўп ўйнааяжак!

Е л ф о н ш о ҳ  
(Бошини қуйи солиб, секин боради)

Қандай хурсанд! Унинг тоза, оппоқ кўнглида  
Севинч блан шону-шараф олови ёнди!  
Ҳой ботирим! Шу ҳолингга келар ҳавасим,  
Курбскийнинг, эй ғурбатда ўсган боласи;  
Отанг берган азобларни унутиб буқун,  
Отанг гўрда, унинг бутун айбини ювиб,

---

\* Ота-бободан қолган

Шоҳ Иоаннинг ўгли учун фидо бўлишга,  
Ҳақли шоҳни ватанингга яна қайтадан  
Келтиришга бел боғладинг... ҳақлисан, дўстим,  
Кўнглинг севинч оловида ёниши керак.

### Курбский

Сиз ўзингиз, подшоҳим, севинмайсизми?  
Ана ватан! у — сизники, азиз шаҳзода.  
Унда сизни кутиб ётган содиқ қуллар бор:  
Москва бор, Кремль бор, шону шавкат бор!

### Ёлғон шоҳ

Эй Курбский, энди руслар қони оқажак:  
Сиз шоҳ дея қўзғолдингиз, сизда гуноҳ йўқ;  
Қардошларга сизни солган менман, Литвани  
Рус устига мен чақирдим, қизил Москванинг  
Қиши билмас йўлларини ёвга кўрсатдим!..  
Аммо лекин бу гуноҳлар менга тушмасин,  
Сенга тушсин, эй подшо қотили Борис!  
Илгарига!

### Курбский

Илгарига! Бориснинг шўри!

(От чопадилар.

Аскарлар чегарадан ўтабошлайдилар).



## ШОҲ ДУМАСИ

ШОҲ, ПАТРИАРХ, БОЯРЛАР

### Ш о ҳ

Мумкинмики, қувғин монах, қочоқ бир сўфи  
Устимизга бошкесарлар блан от сурсин,  
Бизга таҳдид қилиб ёзсин! Бас, у тентакни  
Босиш керак! Дарҳол жўнанг, тўхтовсиз жўнанг:  
Басманов, ҳам Трубецкой, менинг баҳодир  
Бегларимга ёрдам бериш керак, албатта.  
Черниговни ўраб олган номуссизлардан  
Шаҳарни ҳам, аҳолини қутқоринг.

### Б а с м а н о в

#### Шоҳим,

Шу соатдан э'тиборан уч ой ҳам ўтмай  
Ёлғон шоҳдан ному-нишон қолмайди асло;  
Қўлга тушган даррандадек, темир қафасга —  
Солиб, уни Москвага олиб келамиз.  
Худо шоҳид бу аҳдимга!

*(Трубецкой блан бирга чиқиб кетади)*

### Ш о ҳ

#### Силвай\* қироли

Элчи қўйиб бирлашувга чақирди мени;  
Лекин бизга керак эмас ётлар ёрдами,  
Хоинларни ҳам лахларни\*\* қайтариш учун

\* Ҳозирги Германия ўрнидаги давлат.

\*\* Полякларни.

Кўшин йиғсак, одамимиз — етиб ортади.  
Мен «йўқ!» дедим. Шчелкалов, ҳамма бекларга  
Фармон блан чопар юбор: отга минсинлар,  
Бурунгидай, хизмат учун одам берсинлар.  
Бази пастроқ ходимларни монастырьлардан  
Териб олиш лозим. Бурун замонда агар —  
Мамлакатга хатар келса, хатто зоҳидлар  
Ўзларича хоҳлаб жангга чиқар эдилар.  
Эндиликда биз уларни бетинч қилмаймиз,  
Майли, улар ҳаққимизга дуо қилсинлар —  
Шоҳ буйруғи, ҳам боярлар маслаҳати шу.  
Энди муҳим бир иш борки, унга ўтайлик:  
Биласизми, у беҳаё тож да'воғари  
Ҳар томонга фитна ангиз хабарлар ёйган,  
Ҳарбир жойга у юборган номалар бориб,  
Эл кўнглида ташвиш ҳамда гумон кўзғотган;  
Кўча-кўйда махфиёна ивир-шивир кўп:  
Юрт қайнайди... Бу оловни сўндириш керак.  
Истар эдим қўлланмасак ўлим жазосин  
Лекин нечук бўлади бу? Шунни топайлик.  
Эй ҳазратим, аввал сиздан сўз эшитайлик.

#### П а т р и а р х

Ҳикмати зўр тангриниким, сенинг кўнглингга  
Эй буюк шоҳ, раҳму-шафқат ҳамда ювошлик.  
Сабру-мақом не'матини жойгир қилмиш;  
Сен, ҳаттоки, гуноҳкорга омон тилайсан,  
Залолатдан қутулар деб, шошмай кутасан.  
Ҳа, залолат барҳам топиб, ўлмас ҳақиқат  
Қоинотни ёритажак — Мен дуоғўйинг,  
Бу дун'ёнинг ишларига нўноқ бўлсам-да,  
Ўз фикримни билдиришга жур'ат қиламан.  
Иблисвачча, мардуд монах, осий ва нужрум —  
Халқ ичида Дмитрий деб танилиб қолди:  
Худди жанда ўғрисидек, шаҳзодамизнинг  
Пок номини, ҳаё қилмай, ўғирлаб олди:  
Шу жандани шундоққина устидан олсанг,  
Ифлос тани қипяланғоч зоҳир бўлажак.  
Бу хусусда худо ўзи тадбир кўрсатган  
Подшоҳим, арзим шуки, олти йил бурун

Я'ни сени ҳақтаоло шоҳлик тахтига  
Лойиқ кўриб, шу мансабга чиқарган йили,  
Кеч пайтида кекса бир чол ёнимга келди,  
У ўзи бир соддагина қўйчивон эди.  
Мана мундай ажойиб бир сирни сўзлади:  
«Ёшлигимда — деди у чол,— кўзим кўр бўлди;  
Шундан бошлаб қаригунча на кечасини,  
На кундузни ажратолдим; дору-даволар,  
Ўқитишлар, суф-куфлардан фойда бўлмади;  
Катта-катта машойихлар, авлиёларнинг  
Мозорига қатнаб кўрдим, яна бўлмади;  
Кўп табаррук булоқлардан сув олиб келиб,  
Кўзларимга томизсам ҳам, фойда қилмади;  
Худо менга раҳми келиб шифо бермади.  
Шундан кейин, мен охирда, умидни узиб,  
Кўзимдаги зулуматга кўникдим, ҳатто  
Тушимга ҳам, ўнгимдаги ҳоллар кирмасдан,  
Қуруқ унлар кирардилар, бир кун тушимда  
Бир боланинг товушини эшитиб қолдим.  
Менга деди: «тур, эй бобо, қўзғол ўрнингдан,—  
Угличга бор, Преобраз жоми'га кир,  
Унда менинг қабримни топ, номоз-ниёз қил  
Худо раҳмон, гуноҳингдан балки кечарман»  
У боладан сўрадим мен: «кимсан сен ўзинг?»  
«Мен шаҳзода Дмитрийман, халлоқий олам —  
Фаришталар тўдасига киритди мени.  
Мен ҳам энди авлиёман, соҳиб каромат!  
Жўна эй чол!»— уйғондиму ўйланиб қолдим:  
Нимаси бор? Эҳтимолки, худойим менга  
Кеч бўлса ҳам шифо ато қилаётгандир?  
Борай!— дедим, ва у олис сафарга чиқдим.  
Угличга ҳам етиб бордим, катта жоми'га —  
Бориб кирсам, тушки номоз ўқилар эди,  
Кўнглим юмшаб ширин-ширин кўзёши тўқдим,  
Хўп йиғладим; шунда кўрлик деган нарса ҳам,  
Ёш ҳолида, кўзларимдан кетгандек бўлди.  
Халқ чиқмоққа бошлаб эди, мен неварамга  
Дедим: «Иван, бошла мени шаҳзодамизнинг,—  
Дмитрийнинг мозорига!»— шундан сўнг Иван —  
Бошлаб кетди. У қабрнинг бошига бориб,

Ихлос блан дуо, ниёз қилиб эдимки,  
Икки кўзим шифо толди: шундан сўнг мен ҳам  
Бу дун'ёни, неварамни, мозорни кўрдим».   
Подшоҳим, у кекса чол шундоқ деб эди.

*(Ҳамма ҳайрон. Бу сўз чоғида Борис бирнеча марта юзини рўмолча блан артади.)*

Мен Угличга одам йўллаб эдим, ўшанда,  
Дарҳақиқат, кўп касалманд, дардчил кишилар  
Шаҳзоданинг мозоридан шафоат тилаб,  
Шунинг блан ҳалигидек шифо топганлар.  
Кенгашим шу: у — каромат эгаси бўлган  
Пок жасадни Кремльга, Архангельский  
Жоми'ига кўчирайлик, халқ ўзи кўрсин;  
У фосиднинг, у даҳрининг сирри очилсин,  
Каромати, ғубор янглиғ, тўзиб таралсин!

*(Жимлик)*

### Князь Шуйский

Эзги ота, ҳақтаоло иродасини  
Ким билади? Сўз демакка ҳаддим йўқ менинг.  
Улгач яшаш ва каромат не'матларини  
Бир гўдакнинг жасадига бералади у,  
Лекин халқнинг ўртасида юрган гапларни  
Зиҳн қўйиб, холисона текшириш керак.  
Фитналарнинг бу авж олган замонларида  
Яхшимикан шундай катта ишни қўзғатиш?  
Ўз дун'ёвий ишларига шундай табаррук  
Авлиёни қурол қилди демаслармикан?  
Халқ ҳали ҳам жуда ёмон иккиланмакда,  
Халқ ичида ҳархил гаплар сероб ҳали ҳам,  
Шундай, муҳим, кутилмаган янгилик блан  
Ташвиш солиш вақти эмас халқ миясига.  
Хўп, биламан: қувғин монах эл орасига  
Гап тарқатган, у гапларни битириш керак,  
Лекин бунинг ўзга йўли, осон йўли бор:  
Я'ни шоҳим, лозим бўлса фармон қиласиз,  
Халқ тўпланган кенг майдонга чиқиб бораман,  
Телба халқни ўгит қилиб, йўлга соламан,  
Фош қиламан у саёқнинг ёвуз макрини.

## Шоҳ

Шундай бўлсин! Э патриарх, руҳоний отам,  
Утинаман: чодиримга марҳамат қилинг,  
Бугун менга сизнинг блан сўзлашмоқ лозим.

*(Чиқади. Унинг кетидан ҳамма боярлар)*

Б и р б о я р *(яна бирига оҳистагина)*

Пайқадингми, шоҳнинг ранги оқорганини,  
Юзларидан йирик-йирик тер томганини?

Я н а б и р и

Гапнинг рости: кўз ташлашга ботиналмадим,  
Дам олишга бўлмади-ю, қимирлаш қайда?

· Б и р б о я р

Шуйскийга тан бераман, қўллаб юборди.

ШИМОЛИЙ-НОВГОРОД ЁНИДА БИР УВА

(1604 йил, 21 декабрь)

ЖАНГ

А с к а р л а р (тартибсиз қочмоқда)

Дод, дод! Шаҳзода! Лахлар! Ана келишиб қолди!  
Ана, ана!

(Маржерет ва Вальтер Розен деган капитанлар  
киришади)

М а р ж е р е т

Қаерга? Қаерга? Хўш... қайт орқангга, қайт дейман!

Қ о ч о қ л а р д а н б и р и

Ўзинг қайт, қайтгинг келса, ла'нати кофир!

М а р ж е р е т

Нима? Нима?

Я н а б и р и

Қур-р, қур-р! Рус шаҳзодасига қур-риллаб беришни  
сен яхши кўрасан, эй денгиз нариги ёғидан келган  
бақа! Бизлар бўлсак православний одамлармиз.

М а р ж е р е т

Нима дегани бу — православний? Ла'нати итлар,  
ифлос ялангоёқлар. Мен, тақсир, ёмон ғазабландим:

уларда, ма'лум бўлдики, уришадиган қўл йўқ, фақат шикқиллатадиган туёққина бор.

В. Розен

Ор! Номус!

Маржерет

Ла'нат бўлсин! Бир қадам ҳам жилмайман: ма'рака бошланиб қолган, тугатиш керак? Нима дейсиз, тақсир?

В. Розен

Айтганингиз жуда тўғри.

Маржерет

Оташин ҳангома, лекин бу ла'нати, Елғон шоҳ деган махлуқ, унақа қўрқоқ йигит эмас, итвачча! Нима дейсиз, тақсир?

В. Розен

Ҳа, албатта!

Маржерет

Уни қаранг, уни қаранг: душманнинг орқа томонида, иш бошланиб кетди. Ана у ёвюрак Басманов айланиб ўтаётганга ўхшайди.

В. Розен

Шундайдир дейман.

*(Немислар киришади)*

Маржерет

Ана, бизнинг немислар ҳам келишди, афандилар! Тақсир, буларни сафга чақиринг, таваккал қилиб, уракетайлик!

В. Розен

Жуда яхши. Са-аф-га!

*(Немислар қаторлашади)*

Арш!

Немислар (юрадилар)

Худо бизга ёр!

Лахлар

Ғалаба! Ғалаба! Шарафлар бўлсин шоҳ Дмитрийга!

Дмитрий (отда)

Урушни тўхтатинг, карнай чалинсин! Биз енгдик,  
бас; рус қонини ортиқ тўкмангиз.

Тўхтатинг урушни.

(Карнайлар, ноғоралар чалинади)



## МОСКВАДА СОБОР ОЛДИДАГИ МАЙДОН

ХАЛҚ

Б и р и

Бу шоҳ собордан қачон чиқар экан?

Я н а б и р и

Тушки ибодат тамом бўлди; ҳозир дуофотиҳалар ўқиляётипти.

Б и р и н ч и

Хўш, ана уни дуоибад қилиб юборишдими?

Я н а б и р и

Мен худди эшик олдида туриб ўз қулоғим блан эшитдим, сўфи овозининг борича бақириб ётипти: «оллоҳнинг ла'нати бўлсин Гришка Отрепьевга!»

Б и р и

Майли, дуоибад қилаберсинлар; шаҳзоданинг Отрепьевга нима алоқаси бор?

Я н а б и р и

Шаҳзоданинг арвоҳига фотиҳа ўқиб ётиптилар.

Б и р и

Улмаган одамнинг арвоҳига-я! Лекин бу даҳрилар жазосини тоза тортади.

Уч и н ч и

Жим! Шовқин кўтарилди. Шоҳ эмасмикан?

Т ў р т и н ч и

Йўқ; девона у.

*(Темир қалпоқли; кишанлар осилган, болалар ўраб олган девона киради).*

Б о л а л а р

Никола, Никола — темир қалпоқ!.. Тир-р-р...

К а м п и р

Тинч қўйсанглар-чи, ҳей ҳаромилар, бу азиз одамни!  
Никола, менинг ҳаққимга бир дуо қилиб қўй.

Д е в о н а

Чақа бер, чақа! Чақа, чақа!

К а м п и р

Мана чақа, бир дуо қилиб қўй.

Д е в о н а *(ерга ўтириб куйлайди)*

Ой нурини сочади,  
Мушук миёв қилади,  
Эй девона, тур, қўзғол,  
Ибодат қил, ибодат!

*(Болалар яна унинг атрофини ўраб олишади)*

Б о л а л а р д а н б и р и

Омонмисан, Никола, нега қалпоғингни олмайсан?  
*(Темир қалпоғига уради.)* Жаранглашини қара, жаранглашини.

Д е в о н а

Менинг чақам бор.

Бола

Елғон айтасан! Қани кўрсат-чи.

*(Чақани тортиб олади-да қочиб кетади)*

Девона *(ийғлайди)*

Чақамни олиб қочдилар; бояқиш Николага озор бераётирлар.

Халқ

Шоҳ келаётипти, шоҳ!

*(Черковдан шоҳ чиқади, бир бояр олдинда гадойларга садақа улашиб боради. Орқада боярлар)*

Девона

Борис, Борис! Николага болалар озор бераётирлар.

Шоҳ

Садақа берилсин унга, нега йиғлайди у?

Девона

Николага ёш болалар озор беришади...  
Сўйишга буюрсанг-чи ўша болаларни, гўдак шаҳзода-  
ни ҳам сўйдирган эдинг-ку.

Боярлар

Тур, йўқол, жинни! Тутинг бу жиннини!

Шоҳ

Тегманг унга, менинг ҳаққимга дуо қил, шўрлик  
Никола.

*(Чиқиб кетади)*

Девона *(орқасидан)*

Йўқ, йўқ! Хоин шоҳ ҳаққига дуо қилиб бўлмайди:  
Мар'ям-онадан рухсат йўқ!

СЕВСК

ЎЗ ОДАМЛАРИ УРТАСИДА ЕЛҒОН ШОҲ

Елғон шоҳ

Асир қани?

Лах

Ташқарида.

Елғон шоҳ

Айтиб кирингиз.

(Асир рус киради)

Кимсан?

Асир

Рожнов, москвали бир дворянман.

Елғон шоҳ

Қачон кирдинг бу хизматга?

Асир

Бир ойча бўлди.

Елғон шоҳ

Менга қарши қилич ушлаб чиқибсан, Рожнов,  
Айб эмасми?

Асир

Қандай қилай, ихтиёрсизлик.

Е л ф о н ш о ҳ

Северскда жанг қилдингми?

А с и р

Мен ўша жангдан  
Икки ҳафта ўтгандан сўнг Москвадан келдим.

Е л ф о н ш о ҳ

Борис қалай?

А с и р

Жангда ёмон мағлуб бўлди у,  
Боз устига мажруҳ бўлди Мстиславский;  
Шунга жуда ташвиш тортди, ҳам Шуйскийни  
Қўшинларга бошлиқ қилиб юборди.

Е л ф о н ш о ҳ

Нега  
Басмановни Москвага чақириб олди?

А с и р

Басмановнинг хизматини тақдир қилди шоҳ.  
Улуғлади, олтин берди. Шоҳ думасида —  
ўтиради ҳозир.

Е л ф о н ш о ҳ

Жойи қўшинда эди.  
Хўш, Москвада нима гап бор?

А с и р

Шукур, тинчлик.

Е л ф о н ш о ҳ

Хўш? Халқ мени кутадими?

А с и р

Худо билади.  
Унда сендан гапиришга ҳамма қўрқади.  
Ё тилини кесадилар, ё калласини:

Замонанинг талаби шу! Ҳаркуни қатл.  
Зиндонларга одам тўлган. Бирон майдонда  
Уч-тўрт киши тўпландими — чақимчи тайёр,  
Бекор қолган кезларида, чақимчилардан  
Шоҳнинг ўзи гап сўрармиш, бу, жуда ёмон!  
Ундан кўра индамасдан юрган яхшироқ.

Ё л ғ о н ш о ҳ

Ҳа-а Бориснинг фуқароси «жаннат»да экан!  
Қўшини-чи?

А с и р

Усти бутун, қорни бўлса тўқ,  
Ҳар тўғрида мамнун ўзи.

Ё л ғ о н ш о ҳ

Қанча келади?

А с и р

Худо билсин.

Ё л ғ о н ш о ҳ

Ўттиз мингга етиб борар-а?

А с и р

Эллик минг деб айтганда ҳам ёлғон бўлмайди

*(Ёлғон шоҳ ўйлаб қолади. Атрофидагилар бир-бирлари-  
га қарайдилар.)*

Ё л ғ о н ш о ҳ

Хўш, уёқда нима гап бор менинг тўғримда?

А с и р

Сен шафқатли тўғрисида мундай дейдилар:  
«Гарчи ўзи (кечир, шоҳим!) ўғри бўлса ҳам,  
Отасига раҳмат унинг!»

## Ё л ф о н ш о ҳ (қулиб)

Уларга буни

Мен иш блан кўрсатаман: дўстлар, эртага,  
Шуйскийни кутмасданоқ жангга бошлаймиз!  
Қутлуғ бўлсин!

Ҳ а м м а

Қўп яшасин, бизнинг Дмитрий

Л а х

Эртага жанг! Душман томон эллик минг киши,  
Биз томонда ўн беш мингга зўрға етади.  
Жинни бўпти.

Б о ш қ а б и р и

Ундай дема, дўстим, бир поляк  
Бешюз москал\* қаршисида тураолади.

А с и р

Ҳа, турарсан! Шошма ҳали, уруш бошлансин,  
Сен мақтанчоқ, биттасидан қўрқиб қочарсан!

Л а х

Сен беҳаё асир, агар қиличлик бўлсанг. Бунинг  
блан (*ўз қиличини кўрсатади*) ҳоврингдан туширар  
эдим.

А с и р

Бизнинг руслар қиличсиз ҳам боппай беради:  
Сен эсипаст... (*Мушгини кўрсатиб*)  
Мана буни истарсан, балки!

(*Лах унга ғурур блан қараб, индамасдан чекинади.*  
*Ҳамма кулади*).

---

\* *Москал* — Москвали, рус ма'носида.

## УРМОН

ЕЛҒОН ШОҲ, ПУШКИН

*(Олисда ўлаётган бир от)*

Е л ғ о н ш о ҳ

Жонивор от! Шу букунги, сўнгги урушда  
Қандай ғайрат блан чопди, сўнгра ўзи ҳам  
Уқ еди-ю, мени елдек учириб кетди.  
Жонивор от!

П у ш к и н *(ўз-ўзига)*

Ана холос! Уйи нимада?  
Уйи — отда! Ваҳоланки аскарларимиз  
Тамом бўлди!

Е л ғ о н ш о ҳ

Менга қара, жароҳатининг  
Зўрлигидан ётиб қолди, бироз дам олиб  
Туриб кетар.

П у ш к и н

Э қаерда! Жон бераётир.

Е л ғ о н ш о ҳ *(ўз оти ёнига боради)*

Жонивор от!.. Нима қилсам? Юганни олсам,  
Қорин боғисини ечсам. Эркинлик блан,  
Роҳатланиб ўлса.

*(Ҳамма жабдуқларини олади, бирнеча лахлар  
киради).*



Салом, ҳой афандилар!  
Бу нима гап? Орангизда Курбский йўқ-а?  
Бугун жангда, қалтис жойга бориб кирди у,  
Ўзим кўрдим: ҳар томондан беҳисоб қилич,  
Тўзган ари галасидек, ўради уни; ●  
Қани менинг баҳодирим?

Л а х

У, ҳалок бўлди.

Е л ф о н ш о ҳ

Шараф ундай баҳодирга, жойи жаннатда!  
Бу жангдан сўнг соғ қолганлар бизда жуда оз.  
Эй хоинлар! Запорожли муттаҳамлар, сиз,  
Сиз ўғрилар, сиз — бизларни нобуд қилдингиз!  
Уч минутли бир ҳужумга чидалмадингиз!  
Қараб тулинг! Ҳар ўнтадан биттангизни мен  
Остираман, эй ўғрилар!

П у ш к и н

Қимда бўлса айб,  
Бўлсин, аммо, ҳарҳолда биз ёмон урилдик,  
Қирғин бўлдик.

Е л ф о н ш о ҳ

Енгай-енгай деб қолган эдик;  
Евнинг олдинги сафини мен эзиб эдим,  
Немислар ҳам бизга катта мадад беришди;  
Омон бўлсин, худо ҳаққи, яшасин улар!  
Суяман мен немисларни, ҳам ўшалардан  
Албатта бир фахрий дружин ташкил қиламан.

П у ш к и н

Етадиган бир жой борми бизга бу кеча?

Е л ф о н ш о ҳ

Шу ўрмон-чи? Бунда нега тунаб бўлмасин?  
Саҳар жўнаб, Рильскийга тушда етамиз.  
Хайрли кеч!

*(Бошига эгарини қўйиб ётади-да, ухлаб кетади)*

Пушкин

Яхши тушлар кўринг, шаҳзода!  
Хўп урилди, қочиш блан жон сақлаб қолди,  
Ушанда ҳам, эс кирмаган боладай, беғам;  
Шубҳасизки, ғойиб бир куч сақлайди буни;  
Нолимайлик энди, азиз дўстларим, биз ҳам.

## МОСКВА. ШОҲ ПАЛАТАЛАРИ

БОРИС, ВАСМАНОВ

### Ш о ҳ

У енгилди, бизга лекин бундан не фойда?  
Беҳуда бир ғалабага эришган бўлдик.  
У тарқалган қўшинини яна тўплади,  
Путивелдан бизга яна дўқлар қилмоқда;  
Шундай ҳолда, бизнинг ботир эрлардан келинг:  
Бир ўринда тухум босган... бир гала казак  
Чурук девор орқасида булардан кулган...  
Мана шараф! Йўқ, улардан норозиман мен,  
Устларига бошлиқ қилиб сени йўллайман:  
Сарлашкарлар зотли эмас, эс ҳушли бўлсин,  
Улардаги насабфарастлик ўти пасайсин,  
У му'табар қораларнинг додини босиб,  
Қўрқинч одатни йўқотиш замони келди.

### Б а с м а н о в

Оҳ, э шоҳим, ҳарбир бети жанжаллар блан,  
Фитна блан, гурур блан қора қилинган  
Насабнома китоблари ўтда ёнган кун —  
Кўп шарафли кун бўларди!

### Ш о ҳ

У кун ҳам яқин;  
Сабр эт бироз, мен бу халқнинг тўполонини  
Босиб олай.

## Басманов

Унга қараш нимага керак?  
Халқнинг доим тўполонга яширин майли бор:  
Сувлиғини ғажийди-ку жангари от ҳам;  
Бўз йигит ҳам отасига сўз бермайди-ку;  
Бокиси йўқ! Жангари от ювошланади,  
Бўз йигитни яна ота ишга солади.

## Шоҳ

От ба'зида эгасини йиқитади ҳам,  
Доим эмас йигитларнинг эрки отада;  
Заптимизни бўшаштирмай ушласак халқни  
Шундагина мумкин. Иоанн шундай дер эди —  
Бўронларни босган, эслик подшо — Иоанн!  
Шундай ўйлар эди йиртқич набираси ҳам.  
Йўқ, марҳамат ва шафқатни англамайди халқ:  
Яхшилик қил — сенга ҳечбир раҳмат демайди,  
Тала, ўлдир — бундан сенга ёмон бўлмайди.

## (Бояр киради)

Хўш?

## Бояр

Чет элдан бизга ҳозир меҳмонлар келди.

## Шоҳ

Хўп, чиқаман; сен, Басманов, шу ердан жилмай,  
Мени кутгил: сенинг блан гаплашадиган —  
Гапларим бор.

## (Чиқиб кетади)

## Басманов

Олий руҳли, буюк ҳукмдор,  
Э худойим, иноят қил бунга, у мал'ун  
Отрепьевни забун қилсин! Бу, Россияда  
Ҳали анча яхши-яхши ишлар қилажак.  
Миясида жуда муҳим фикр туғилган.  
У фикрни сўлдирмаслик керак. Бу агар,

У насабдор боярларнинг шохин синдирса,  
Менга қандай буюк майдон очилар эди!  
Тахт ёнида энг биринчи киши бўлардим.  
Ажаб эмас... Нима қий-чув, қандай шовқин бу?

*(Тўполон, боярлар, сарой хизматчилари тартибсиз  
чопишадилар, бир-бирлари блан йўлиқишиб пичирла-  
шадилар)*

Б и р о в

Табибга чоп!

И к к и н ч и б и р о в  
Патриархни чақиринг, тезроқ!

У ч и н ч и б и р о в  
Шаҳзодани йўқлаб ётир, шаҳзодани! Тез!

Т ў р т и н ч и б и р о в  
Домласини!

Б а с м а н о в  
Нима бўлди? Нима гап ўзи?

Б е ш и н ч и б и р о в  
Шоҳ йиқилди!

О л т и н ч и б и р о в  
Ҳоли оғир!

Б а с м а н о в  
Э буюк танграм!

Б е ш и н ч и б и р о в  
Тахтада ўтирган жойида бирдан йиқилди,  
Ҳам оғзи, ҳам қулоғидан қон келди селдек.

*(Шоҳни тахтда ўтирган ҳолда кўтариб олиб чиқадилар; унинг бутун оила а'золари, ҳамма боярлар ҳозир бўладилар)*

## Шоҳ

Сиз ҳаммангиз чиқинг, аммо менинг ёнимда  
Шаҳзоданинг ўзи қолсин.

*(Ҳамма чиқди)*

Ажалим етди:  
Қучоқлашиб кўришайлик, хайр ўғлим: энди  
Шоҳ тахтига сен чиқасан... Раббим, э раббим!  
Ҳузурингга жўнайман мен, шу топда руҳни  
Бироз поклаб олиш учун фурсат йўқ менда.  
Фақат, руҳни поклашдан ҳам кўра, э ўғлим,  
Менинг учун сен қимматсан... хўп, майли энди!  
Мен фуқаро ўғли эдим ҳам шунинг учун  
Фуқародек кўлагада ўлсам бўларди;  
Лекин тахтга эга бўлдим... Қандай йўл блан?  
Қўй, сўрама, керак эмас, сенда гуноҳ йўқ,  
Подшолик тахти сенинг ҳалол қисматинг,  
Ҳақ олдида барча ишга ўзим мас'улман.  
Яхши болам, хато кетиб, йўлдан адашма,  
Ўзинг хоҳлаб кўзларингни ўзинг кўр қилма,  
Бесаранжом бир замонда тахтга чиқасан:  
У ғалати ёлғон шоҳдан қўрқулик, болам,  
У, кўп мудҳиш бир ном блан майдонга чиқди...  
Юрт сўрашда тажрибам кўп бўлганлигидан —  
Тўполонлар, фитналарни босиб туралдим;  
Улар мenden қўрқиб дир-дир қалтирардилар,  
Хиёнат ҳеч овозини чиқаролмасди.  
Сен — ёш ва хом ҳукмдорсан; шу нозик онда  
Қандай қилиб юрт сўрайсан, хиёнатларни  
Ҳош қиласан, фитналарни барҳам берасан?  
Ма'юс бўлма: оллоҳ буюк! у, ёшларга эс,  
Ожизларга куч беради... Сўзимни эшит:  
Маслаҳатчинг — э'тимодли, кўп кўриб билган,  
Кекса ва ҳам элга ма'кул бир одам бўлсин.

Боярлардан олай десанг: зоти улуғроқ,  
Донғи улуғ бир кишини, чунончи мана —  
Шуйскийни ол, қўшиннинг бошида, лекин,  
Уста одам турсин: унга Басманов лойиқ;  
Боярларнинг шовқинини, дадил туриб, бос!  
Ёшлигингдан ўз ёнимда — думада бўлдинг,  
Давлат иши — йўриғини яхши биласан;  
У йўриқдан чиқакўрма, одат — давлатнинг  
Руҳи демак. Бу кунларда ҳархил қийноқлар,  
Жазоларни тиламакка мажбур бўлдим; сен  
Йўқ қилақол, Грознийдан тахтни олганда,  
Амакингни қандай дуо қилган бўлсалар,  
Уша хилда дуо қилиб олқарлар сени.  
Вақти келгач, оз-моз яна давлат ишининг  
Тизгинини тортиб олсанг ёмон бўлмайди;  
Уни ҳозир бўшаткину, қўлдан чиқарма.  
Ажнабийга шафқатли бўл, яхши қабул қил,  
Э’тимод ҳам ишонч блан хизматингга ол.  
Қаттиқ ушла қонунини черкавимизнинг,  
Кўп гапирма; подшонинг овози асло  
Бекор ерга ҳаволарда исроф бўлмасин.  
У, муқаддас нидо каби, буюк қайғидан  
Ёки катта бир байрамдан огоҳлантирсин.  
Оппоқ болам, хотинларнинг чиройли юзи  
Қонга хуруж соладиган бир ёшга келдинг.  
У муқаддас поклигингни, ма’сумлигингни,  
Фурур блан ёндош бўлган поклигинг сақла;  
Билиб қўйки, ҳис кетида ўз ёшлигида  
Айшу-ишрат гуноҳига ғарқ бўлганлар,  
Улғайганда тунт бўлади, қонхўр бўлади,  
Эсини ҳам бемаҳал бир булут босади.  
Оилангда доим ўзинг бошлиқ бўлиб тур,  
Ўз онангни иззат қилу, эркингни берма,  
Чунки эрсан ва ҳам шоҳсан, синглингни ҳам сев,  
Сендан бошқа қўриқчиси йўқ у шўрликнинг.

### Ф е о д о р ( т и з ч ў к и б )

Йўқ, йўқ, яша, узоқ йиллар подшолик қил,  
Сен бўлмасанг, эл ҳам хароб, биз ҳам харобмиз.

## Ш о ҳ

Тамом бўлди: кўзларимни қора босмоқда.  
Гўрга махсус совуқлик ҳам сезилди...

*(Патриарх киради, унинг кетидан бошқа руҳонийлар,  
сўнгра ҳамма боярлар киришади. Маликани қўлтиқлаб  
олиб кирадилар, у йиғлайди)*

Ким у?

Ҳа! Схима\*... Яхши! Демак, покланиш чоғи...  
Жом чалинди, роҳибликка ўтишим керак,  
Қопқоронғи қабр менга ҳужра бўлажак...  
Сабр этсангиз, азиз отам, патриарх ҳазрат,  
Ҳали шоҳман: э боярлар, қулоқ берингиз:  
Мансабимга ўтадиган мана ушбудир;  
Феодорнинг бўйнидаги хочни ўпингиз,  
Э Басманов, э дўстларим... ўлим олдида  
Сўрайманки, мунга содиқ хизмат қилингиз!  
У ҳали ёш, тажрибасиз, пишиб етмаган.  
Сўз берарсиз?

Б о я р л а р

Сўз берамиз!

Ш о ҳ

Хотиржам бўлдим.

Хатоларим, гуноҳларим, очиқ ва яшрин  
Сизга берган озорларим бўлса, кечиринг...  
Азиз ота, яқин келинг энди тайёрман.

*(Ўлим олдидаги поклаш, тавба-тазарру' маросими  
бошланади. Ҳушидан кетган хотинларни олиб чиқиб  
кетадилар)*

---

\* Схиматик: руҳоний бир мансаб, даража эгаси: бунда эса «дун'ёдан кетаманми?» деган ма'ни қасид қилинади.



## ҚАРОРГОҲ (СТАВКА)

БАСМАНОВ ПУШКИННИ БОШЛАБ КИРАДИ.

Б а с м а н о в

Қир буёққа, тортинмасдан сўзингни сўзла.  
Шундай қилиб, сени менга юборди дегин.

П у ш к и н

«Ҳа, у сенга дўст бўлишни таклиф қилади,  
Тахт ёнида энг биринчи мансаб беради»

Б а с м а н о в

Менга мунда шоҳ Феодор ҳам олий даража  
Бериб, мана — қўшинларга саркарда қилди.  
У, мени деб, баланд даража одамларидан,  
Боярлардан кечди,— мен ҳам унга сўз бердим.

П у ш к и н

Хўп қонуний валиаҳдга сўз берибсан сен,  
Ундан кўра қонунийроқ бошқа валиаҳд  
Соғ бўлса-чи?..

Б а с м а н о в

Менга қара, Пушкин, қўй энди,  
Бекор гапни гапирмагил; яхши биламан  
У одамнинг кимлигини.

## Пушкин

Русь блан Литва

Дмитрий деб уни тасдиқ қилиб қўйипти,  
Майли энди, бу тўғрида иқрор қилмайин.  
У, эҳтимол, чинакам ҳам Дмитрий бўлса,  
Эҳтимолки, ёлғончидир; фақат мен шуни  
Биламанки, бир кун келиб Бориснинг ўғли  
Унга Москва шоҳлигини бериши аниқ.

## Басманов

Бу ёш шоҳнинг орқасида мен турсам борми,  
Тожу-тахтни у ҳечқачон қўлдан бермайди;  
Бизда қўшин етарли бор, худсга шукур!  
Енгаман-да руҳларини юксалтираман.  
Хўш, сизлар-чи? Бизга қарши кимни қўясиз?  
Қазақлардан Карелами? Ё Мнишекми?  
Қўпмидингиз? Қўп бўлсангиз саккиз мингдирсиз?

## Пушкин

Янглишасан. Саккиз минг ҳам чиқмайди бизда,  
Гапнинг рости: қўшинимиз бир пулга қиммат.  
Қазақларнинг бутун иши қишлоқни талаш,  
Полякларда мақтанишу ичкилик, холос,  
Русларничи... Э, уларни нима ҳам дердим...  
Мен шайтонлик ишлатмоқчи эмасман сенга;  
Биласанми, биз не блан кучлимиз, дўстим?  
Қўшин бўлсин, Польша берган ёрдамлар бўлсин —  
Бари бекор! Гап фикрда, халқнинг фикрида  
Эслайсанми: қандай нусрат топди Дмитрий,  
Қанча юртни ҳеч урушсиз қўлга киргизди:  
Қўп шаҳарлар бир дона ҳам ўқ чиқармасдан,  
Индамасдан унга бир-бир таслим бўлдилар,  
Халқнинг ўзи тутиб берди ўжар бекларни?  
Ўзинг кўрдинг: хоҳлабгина уруш қилдими —  
Аскарларинг? Бу ҳол тағин Борис вақтида!  
Энди бўлса... Йўқ, Басманов, э'тироз бекор,  
Жанг ва қирғин оловига мой қуйиш бекор.  
Шунча эсли, шунча маҳкам ироданг блан  
Чидалмайсан; соз бўларди: бошлаб сен ўзинг

Фаросатли бир иш қилиб, намуна бўлсанг,  
Дмитрийни подшо деб юртга билдирсанг;  
Ва шу блан унга мангу дўст бўлиб қолсанг!  
Нима дейсан?

Б а с м а н о в

Сиз эртага биласиз муни.

П у ш к и н

Бир нима де!

Б а с м а н о в

Хайр, энди!

П у ш к и н

Ўйла, Басманов.

*(Чиқиб кетади)*

Б а с м а н о в

Рост айтади, рост; ҳар ерда хиёнат ҳиди;  
Энди нима қиламан мен? Бу ис'ёнчилар  
Мени тутиб Отрепьевга топширадилар!  
Шуни кутиб ёгаманми? Яхши бўлмасми,  
Қўрқинч селлар оқимининг олдини олсам,  
Ўзим бориб... Йўқ, сўзимдан нечук қайтаман?  
Номуссиз деб бир умрга бадном бўлайми?  
Ёш ҳукмдор томонидан илтифот кўриб,  
Бунга қарши олчоқларча сотқинлик қилиш...  
Банда бўлган ўша қочоқ — фитна ва ис'ён  
Оловини ёқса мумкин, аммо лекин мен,  
Мен, Басманов, подшонинг энг севган дўсти...  
Ундай десам, ўлим... Мансаб... халқнинг фигони.

*(Ўйлаб қолади)*

Ҳой, ким бор, ҳой!

*(Ҳуштак чалади)*

От эгарланг! Қўшинни тўпланг!

## ЖАЗО МАЙДОНИ

Аламон ўртасида ПУШКИН келмоқда.

Х а л қ

Шаҳзодадан элчи бўлиб келган бир бояр.  
Қани чиқиб гапирсин-чи, нима дер экан.  
Ҳой, бери кел, ҳой бери кел!

Пушк ин (*Амвонда\* туриб*)

Э Москва халқи,

Шаҳзоданинг саломини етказай сизга!

(*Эгилиб салом беради*)

Биласизки, худойимнинг қудрати блан  
Шаҳзодамиз омон қолди қотил зарбидан;  
Қотилнинг жазосини бермоқчи эди,  
Худо ўзи жазо берди хоин Борисга.  
Дмитрийга бўйинсунди бутун рус эли.  
Басманов ҳам товба қилиб, барча қўшинга  
Онт ичирди янги шоҳга садоқат учун.  
Дмитрийнинг марҳамати, лутфи бор сизга.  
Годуновнинг авлоди деб, сиз Москва халқи,  
Душман бўлиб чиқасизми қонуний шоҳга  
Ҳақли шоҳга, Мономахнинг набирасига?

Х а л қ

Йўқ, албатта!

\* Черков минбарига яқин жой.

## Пушкин

Москванинг граждaнлари.

Бутун дун'ё биладики, марҳаматсиз бир  
Келгиндидан қанча-қанча жабр кўрдингиз:  
Қамаш, чопиш, номус булғаш, олиқ-солиқлар,  
Меҳнат, очлик — ҳаммасини кўриб ўтдингиз.  
Шоҳ Дмитрий кўп марҳамат қилмоқчи сизга —  
Боярларга, дворянларга, қарол, сарбозга;  
Мусофирга, савдогарга — ким тўғри бўлса!  
Сизлар, яна телбаларча ўжарлик қилиб,  
Шоҳнинг лутфи-карамидан юз тоблайсизми?  
Билиб қўйинг ирсий бўлган шоҳона тахтга  
Чиқар экан, у даҳшатли қувватга эга.  
Аччиғига тегманг шоҳнинг, худодан кўрқинг.  
Бу қонуний ҳукмдорнинг хочини ўпинг:  
Унга унанг, ҳамда дарҳол турган жойига  
Митрополит, руҳонийлар, сўфилар ва ҳам  
Холис вакиллар боришиб, бизга ҳам ота,  
Ҳам подшо бўлган зотга салом берсинлар!

*(Жойидан тушади. Халқ олағовур қилади)*

Халқ

Албатта-да! Бу боярнинг сўзлари тўғри.  
Омон бўлсин шоҳ Дмитрий бизнинг отамиз!

Мужик *(Амвонда туриб)*

Оғайнилар! Кремльга! Шоҳ ўрдасига!  
Юринг, тутинг ит Бориснинг кучукчасини!

Халқ *(шовқин-сурон блан югуради)*

Тутинг! Уринг! Дмитриймиз омон бўлсинлар!  
Годуновнинг авлодлари қирилиб битсин!

КРЕМЛЬ. БОРИСНИНГ УИИ. ЭШИК ОЛДИДА  
ПОЙЛОҚЧИЛАР

Дераза ёнида ФЕОДОР

Г а д о й

Худо йўлига бир хайр қилинглар.

П о й л о қ ч и

Бор, бор! Бандилар блан гаплашув та'қиқ қилинган.

Ф е о д о р

Йўлингдан қолма, чол, мен сендан ҳам фақирман,  
сен озодсан-ку!

*(Уртик остида Ксения ҳам дераза ёнига келади).*

Х а л қ д а н б и р и

Ака-сингил! Шўрлик болалар, худди қафасдаги  
қушлардек.

И к к и н ч и с и

Хўп одамларга ачиндинг! Ла'нати авлод бу!

Б и р и н ч и с и

Отаси ёмон эди, болаларида нима айб?

И к к и н ч и с и

Илон боласи илон, чаён боласи чаён.

К с е н и я

Акажон, акажон, биз томонга боярлар келаётганга  
ўхшайди.

Ф е о д о р

Голицин блан Мосальский, бошқаларни танитайман.

К с е н и я

Оҳ, акажон, юрагим торс ёрилай дейди.

*(Голицин, Мосальский, Молчанов ва Шефединов,  
орқаларида уч аскар)*

Х а л қ

Йўл беринг, йўл беринг! Боярлар келаётир.

*(Улар уйга кирадилар)*

Х а л қ д а н   б и р и

Булар нега келдилар?

Я н а   б и р и

Феодор Годуновни янги шоҳга бай'от этдириш учун  
келганлари ростмикан?

У ч и н ч и с и

Шундаймикан-а? Ичкаридан чиққан шовқинни эши-  
таётибсанми? Бир гап бор, уришаётирлар

Х а л қ

Эшитаётибсанми? Чийқираш. Бу аёл овози. Юр,  
кўрамиз! Эшик ёпиқ экан. Фар'ёд ҳам босилди.

*(Эшик ючилиб, бўсағада Мосальский кўринади)*

М о с а л ь с к и й

Хой халқ, Мария Годунова блан унинг ўғли Феодор  
ўзларини заҳарлаб қўйибдилар. Биз уларнинг ўлик  
жасадларинигина кўрдик.

*(Халқ, даҳшат ичида, жим туради).*

Нега жим турасиз-ахир? «Яшасин шоҳ Дмитрий  
Иванович!» деб қичқиринг!

*(Халқ жим)*

---

## ИЗОҲЛАР

*Борис Фёдорсвич Годунов* — (1551—1605) Рюрик уруғидан бўлмаган рус подшоларининг биринчиси эди. Унинг ота-боболари татар уруғидан бўлиб, икки юз йиллар чамаси Москва саройининг энг яқинларидан бўлиб келган. Борис 20 ёшга тўлганда Иван Грознийнинг яқинларидан бўлган Григорий (Малюта) Лукьянович Бельск-Скуратовнинг қизига уйланади. У бора-бора, шоҳга яқин бўлади ва бирқанча сарой мансабларига ҳам ўтади. Кейинроқ шоҳ ўғли Фёдорни Бориснинг синглиси бўлмиш Иринага уйлантиради. Грозний ўлгач (1584) унинг тахтига ақл жиҳатидан телбароқ бўлган ўғли Фёдор чиқади. Шунда Борис бутун ҳокимиятни ўз қўлига олади ва 1588 йилларда ҳақиқатан ҳам подшо номидан давлат ишини олиб бораётганини аниқлаштиради.

Фёдорнинг (1598) ўлиmidан кейин, подшоликка кўтарилган Борис, Земский соборининг қарори, халқ манифестацияси блан ўзини тасдиқлатади.

Борис шоҳлик қилган йиллар: йирик социал ўзгариш ва иқтисодий кризис (буҳрон), қаттиқ очлик ҳукм сурган (1602—1604) йилларга тўғри келади. Грознийни— ҳокимиятни марказлаштириш — Фёдор даврида боярлар блан курашда майда маҳаллий дворянларга суянган — сиёсатини давом эттирган Борис, ўз даврининг социал қарама-қаршиликларини ҳал қилишга ва ўзига душман ҳисобланган боярларнинг социал тўдалари томонидан мухтасар ҳимоя топишга қурби етмади. У ўзининг подшолик даврининг сўнгги йилларида дворянлар, деҳқонлар ва савдогарлар орасида унча обрўйли эмас эди.



Шаҳзода Дмитрий—Грознийнинг ўғли, Угличда Борис томонидан ўлдирилган деган гапни Пушкин Карамзин деган сарой тарихчисидан ва Годуновга қарши бўлган летопислардан олган, ўша вақтларда летопислар ҳам монахлар томонидан ёзилган бўлиб, Годуновнинг боярлар блан бўлган курашида руҳонийлар (Духовенство) боярлар тарафида эди. Бу воқиянинг энг яқин гувоҳларидан бўлган князь Василий Иванович Шуйский, Дмитрийнинг ўлиmidан кейинроқ ёзилган тергов актида, Дмитрийни «тичка» деган ўйин ўйнаётиб, пичоққа қоқиниб кетиб ўлган деб тасдиқлайди. Елғончи Дмитрийнинг ўлиmidан кейин шоҳнинг мансабига чиққан ҳалиги Шуйский, Дмитрийнинг жасадини Москвага олиб келишга буйруқ қилади. Мана шундан сўнг Дмитрийнинг Годунов томонидан ўлдирилган деган мишмиш баттароқ тарқалди. Романовларнинг подшолик даврининг қат'ий установакиси шундан иборат бўлди.

Дмитрийнинг ўлими тўғрисида, Борис ҳали тахтга чиқмай туриб ҳам, асосий айбни Борисга тўнкалган ва уни тахтга чиқармаслик учун қўлланилган қуролнинг энг биринчиси шу эди. Социал ўзгаришнинг оғир бир установакиси ва Борис шоҳлик қилган даврида Борисга қарши қўлланилган курашнинг энг козирьларидан эди.

- 2 *Шуйский Василий Иванович* — (1552—1612) Грозний ва Борис шоҳлик қилган даврда саройда хизмат қилган оддий боярлардан бири. Кейинроқ, елғончи Дмитрийга қарши бўлган фитнанинг иштирокчиси; бояр ва савдогарларга суяниб 1606 йилдан 1610 йилгача подшолик қилиб турган.
- 3 *Патриарх* — юқори диний мансаб. Патриархлик Фёдор подшолиги вақтида 1589-нчи йилда тасдиқланган эди.
- 4 Подшо Фёдорнинг ўлиmidан кейин (7 январь 1598 йил) боярлар блан руҳонийлар унинг хотини — Бориснинг синглиси Ирина тахтга ўтқизмоқчи бўлишади. Ирина тахтдан воз кечиб, тарки дун'ё қилиб, монастырьга кириб кетади ва ўша ерда (1603 йилда) вафот қилади.
- 5 *Земский Собор* — XVI—XVII асрларда жуда ҳам зарур пайтларда чақириларди, масалан уруш э'лон қилинса ёки тахт ворисини тасдиқлаш пайтлари келса. Асосан собор боярлар, руҳонийлар ва йирик савдогарлардан иборат эди. Собор 1598 йил Фёдор тахтининг меросхўри Ирина тахтдан воз кечгач, патриарх Иов томонидан чақирилган.

- 6 *Дмитрий* — Грознийнинг ўғли, гўдаклигида онаси Мария Нагих блан Волгадан Угличга қувилган эди. 1591 йилда ўша ерда ҳалок бўлган.
- 7 *Малюта* — иккинчи номи Григорий Лукьянович Скуратов — Грознийнинг яқинларидан бири бўлиб, ўлдирish ва жазолаш бошлиғи бўлган.
- 8 *Варяги* — Скандинавия ярим оролида яшовчи одамларни қадимги рус халқи шундай деб атарди. Ғарбий Европада эса, уларни нормандлар деб атайдилар. IX асрнинг охири X асрнинг бошларида нормандлар рус ерларининг бир қисмини, аввал Новгород, кейинроқ Киевни ишғол қилиб, исти'ло қилишган. Рюрик норманд князьларидан бири бўлиб, Новгородда князь бўлган ва князьлик династиясини мустақкамлаган.
- 9 *Бояр* — феодал аристократиясининг юқори табақаси.
- 10 *Боярская дума* — Иван Грознийнинг ёшлик вақтида XVI асрнинг ўрталарида зўр аҳамиятга эга бўлган, феодал аристократиясидан ташкил топган давлат тузумининг олий органи эди. Кейинроқ Петр I даврида Боярская думага барҳам берилди.
- 11 *Патер* — ота. Қатолик руҳонийларини шундай деб атардилар.



# ҚИЗҒАНЧИҚ РИЦАРЬ





## I САҲНА

*Равоқда*

АЛЬБЕР ва ИВАН

А л ь б е р

Ҳарқандай бўлса ҳам, мен бу турнирга  
Албатта бораман. Шлёмни кўрсат.

*(Иван унга шлёмни узатади)*

Йўқ, найза тешипти, кийиб бўлмайди,  
Энди янгисини топишим керак.  
Қандай зарб! Ла'нати бу граф Делорж!

И в а н

Сизнинг ҳам зарбингиз чакки бўлмади,  
Ажаб учиб тушди узангисидан,  
Ўликдай ётган-миш ўшандан бери.  
Ҳали ҳушин йиққан бўлиши маҳол.

А л ь б е р

Ҳарқалай, менчалик зиён кўрмади.  
Унинг Венеция қалқони бутун,  
Кўкраги янчилса ғам емас, чунки,  
Пулга сотилмайди кўкрак дегани.  
Нега шлёмини ечиб олмадим!  
Ечиб олар эдим, бироз уялдим,  
Герцог, хонимлардан қилдим андиша.  
Ўстибошим йиртмай, найзаси блан,

Бошим ёрмайдими, ла'нати граф!  
Сўнги бор рицарлар герцог уйида  
Ипак, бахмал либос кийиб ўтирди.  
Орада ёлғиз мен уст-боши ямоқ.  
Қўққисдан келувдим, дея важ қилдим,  
Бугун нима дейман? Оҳ, бу қашшоқлик!  
Инсонни бунча ҳам хўрлайди экан!  
Оғир найза блан Делорж ўша кун  
Шлёмимни тешиб, чап бериб ўтди.  
Шунда Амиримга тортиб бир қамчи  
Бўрон каби елиб қувдим ортидан.  
Етиб, эгаридан узиб, ўша дам —  
Йигирма қадамга отиб ташладим.  
Хонимлар жойидан тик турди бирдан.  
Қлотильданинг ўзи юзин бекитиб,  
Беихтиёр додлаб юборди шунда.  
Герольдлар мадҳ этди менинг зарбимни.  
Қайдан бу жасурлик ва ажойиб куч —  
Ҳечким бәисини ўйлаб кўрмади!  
Қалқон пачақлангач, қайнади қоним:  
Мардлигим сабаби надир?— Бахиллик.  
Шундай! Яқин юрсанг менинг отамга  
Хасислик мараздай юқиши мумкин.  
От жонивор қалай?

И в а н

От оқсаяпти.

Ҳали унга эгар уриб бўлмайди.

А л ь б е р

Илож йўқ. Оламан ўша тўриқни,  
Арзон сўраётир от эгаси ҳам.

И в а н

Арзонку-я, аммо пулимиз йўқ-да.

А л ь б е р

Бекорчи Соломон нима деяпти?

И в а н

Бундан сўнг гаровсиз қарз бермас эмиш.

А л ь б е р

Гаров! Қайдан олай уни, алвасти!

И в а н

Мен ҳам шундай дедим.

А л ь б е р

Хўш, нима деди?

И в а н

Фақат йўталади, елка қисади.

А л ь б е р

Отаси жуҳуддай бой демайсанми,  
Айтмайсанми, қачон бўлмасин бир кун  
Бу бойликлар менга мерос қолади.

И в а н

Айтдим.

А л ь б е р

Хўш?

И в а н

Йўталиб, елка қисади.

А л ь б е р

Энди нима қилдим?!

И в а н

Ўзи келмоқчи.

А л ь б е р

Шундай де, хайрият. Энди келса ҳам  
Пул олмай чиқариб бўпман уни.

(Эшик тақиллайди)

Ким?

Жуҳуд

Камина қулингиз.

Альбер

Бормисан, ошнам!  
Муҳтарам Соломон, ла'нати жуҳуд,  
Сен қарзга ишонмай қўйган эмишсан?

Жуҳуд

Марҳаматли рицарь, қасам ичайки:  
Жон деб берар эдим... пулим бўлганда.  
Нуқул рицарьларга қарашабериб,  
Хонумоним куйиб кетди: Илож йўқ.  
Қарзни тўлашмайди. Мана ўзингиз,  
Ярмини бўлса ҳам беролмайсизми...

Альбер

Қароқчи! Ёнимда пул бўлса, сен-ла  
Ўлтирарми эдим пачакилашиб!  
Бас, ўжарлик қилма, азиз Соломон,  
Червонларни чиқар. Юзтасини чўз!  
Қани, ўзинг чиқар.

Жуҳуд

Юзтасини? А?  
Шундай юрармидим юз червон бўлса?

Альбер

Дўстга қарашмаслик — уят эмасми?

Жуҳуд

Онт ичаман...

Альбер

Бас, бас! Гапни кўп чўзма!



Гаровига бирор мол берсин, дебсан?  
Чўчқа терисини берайми сенга?  
Гаровга арзирлик молим бўлганда,  
Соғиб емасмидим! Айт-чи, итвачча,  
Рицарьлик лафзининг қадри шунчами?

### Ж у ҳ у д

Токи барҳаётсиз — лафзингиз қиммат.  
Фламанд бойларининг сандиқларини  
Сихрли калиддай очар сўзингиз.  
Аммо ҳозир ўша пок лафзингизни  
Мен қашшоқ жуҳудга агар берсангиз,  
Худди шу орада (худо кўрсатмасин),  
Агар ўлиб-нетиб қолсангиз бирдан,  
Лафзингиз денгизга ботган қутининг  
Калидидай қолар қўлимда наф'сиз.

### А л ь б е р

Наҳот отам мендан узоқ яшаса?

### Ж у ҳ у д

Қайдам, тақдиримиз тангри қўлида;  
Бугун — бордир йигит, эртасига — йўқ.  
Қарайсизки, уни тўрт муккайган чол  
Елкасига қўйиб элтар қабрига.  
Барон ҳали тетик, бемалол ўн йил,  
Худо ярлақаса — йигирма, ўттиз. . .

### А л ь б е р

Елғон айтма, жуҳуд: ўттиз йилдан сўнг  
Ўзим ҳам элликка кираман, ахир,  
У вақт пул деганинг менга не ҳожат?

### Ж у ҳ у д

Пул? Пул деганинг, ҳар вақт, ёшми-кексами,  
Ҳар қайда, ҳар жойда ҳаммага зарур.  
Аммо ёшлар уни қул қилмоқ истар,

Аямай, у ёнга — бу ёнга отар.  
Чол пулни ишончли дўст деб билади,  
Кўзин қорасидай асрайди ҳар вақт:

А л ь б е р

Оҳ, менинг отамми! Пулни қул эмас,  
Ҳатто дўст ҳам эмас, тангри деб билар.  
Олтинга сиғинар, араб қулидай,  
Занжирдаги итдай хизматин қилар.  
Қалтираб ўлтирар совуқ ўрада,  
Қоқ нонни кемириб, ичар совуқ сув,  
Тун мизғимай, итдек, олтинни пойлар,  
Олтин-чи, сандиқда ётар бемалол,  
Майли, ётаберсин, жим тур! Бир маҳал  
Барибир тушади менинг қўлимга.

Ж у ҳ у д

Ҳа, шундай. Баронни дафн қилганда  
Кўзёшидан кўпроқ тўкилар олтин.  
Мерос ато қилсин, ёрабби, тезроқ.

А л ь б е р

Омин!

Ж у ҳ у д

Балки бошқа бир йўл...

А л ь б е р

Нима?

Ж у ҳ у д

Йўқ, шундай.  
Бошқа бир иложи бормикин девдим...

А л ь б е р

Қандай илож экан?

Ж у ҳ у д

Айтмоқчиманки,

Бир, яҳудий чол бор, менга танишроқ.  
Доривор сотади, ўзи камбағал...

А л ь б е р

Судхўрдир. Сендайми ё инсофлироқ?

Ж у ҳ у д

Йўқ, рицарь, Товийнинг савдоси бошқа.  
Бирхил дориси бор... Чиндан ажойиб,  
Та'сири тез, ўткир.

А л ь б е р

Хўш, менга нима?

Ж у ҳ у д

Бир пиёла сувга... Уч томчиси бас.  
На ранги билинмас ва на мазаси.  
Одамнинг кўнгли ҳеч беҳузур бўлмай,  
Тутқаноқсиз, аста ўла қолади.

А л ь б е р

Заҳар сотадими?

Ж у ҳ у д

Ҳа. Заҳри ҳам бор.

А л ь б е р

Демак, пул ўрнига қарз бермоқчисан —  
Ўн сўм ҳисобидан юз шиша заҳар?  
Шундайми?

Ж у ҳ у д

Сиз нуқул эрмак қиласиз,  
Аммо мен... Сизга бир яхшилик... Балки,  
Ахир энди барон ўлса бўлади.

А л ь б е р

Нима? Падаркушлик? Сен нима дединг...  
Қандай жур'ат қилдинг? Иван! Тут буни!..  
Сен ялмағуз, илон, билиб қўй, ҳозир —  
Дарвозага осиб ўлдираман-а!

Ж у ҳ у д

Узр! Кечирасиз: ҳазиллашувдим.

А л ь б е р

Иван, арқон келтир.

Ж у ҳ у д

Мен... ҳазил, ҳазил:  
Пул келтирган эдим.

А л ь б е р

Йўқол, итвачча!

*(Жуҳуд кетади)*

Ўз отамнинг бундай хасислик фе'ли  
Бошимни неларга қилмади дучор!  
Жуҳуднинг ботинган сўзин қара-я,  
Бир пиёла май бер. Қалтироқ босди..  
Ҳайтовур, пул менга барибир керак.  
Орқасидан югур, ла'нати жуҳуд —  
Червонларини ол. Айтгандай, аввал  
Сиёҳдонни келтир, тилхат ёзайин.  
Маккорни бу ерга киргиза кўрма.  
Дарвоқи', тўхта-чи, унинг пулидан  
Қадим аждодининг тангаларидай  
Заҳар ҳиди келар...

Май деган эдим.

И в а н

Майдан бир томчи ҳам қолмаган.

А л ь б е р

Нима?

Испаниядан Ремон юборган май-чи?

И в а н

Хаста темирчига кеча кечқурун  
Элтиб берган эдим сўнгги шишасин.

А л ь б е р

Ҳа, эсимда, шундай... Бўлмаса сув бер.  
Бадбахт тирикчилик! Йўқ, йўқ, гап битта:  
Герцогга бораман истаб адолат.  
Менга, ертўлада оламга келган  
Бир каламуш эмас, балки, фарзанд деб —  
Қарашга отамни мажбур қилсинлар.

## II САҲНА

*Ертўла*

Барон

Маккор фоҳишанинг домига тушган,  
Ё бир аҳмоқ хотин алдаган йигит —  
Висол оқшомини қай хилда кутса,  
Мен ҳам худди шундай кутдим кун бўйи  
Сирли ертўламга, бу жозибатор  
Сандиқлар ёнига тушиш пайтимни.  
Қандай бахтиёр кун! Мен букун яна  
Жамғарган бир сиқим олтин-пулимни  
Олтинчи сандиққа соламан. Тўғри,—  
Кўп эмас (сандиқ ҳам тўлмаган ҳали),  
Аммо аста-секин ортар хазина.  
Ривоятда борки, бир замон бир шоҳ  
Узоқдан сиқимлаб тупроқ ташитиб,  
Ерида тикка тоғ барпо қилганмиш.  
Шу баланддан денгиз ва кемаларни,  
Яшил водиларни, оқ чодирларни  
Завқ блан қиларкан кунда тамоша.  
Худди шундай мен ҳам бу ертўламга  
Ҳар куни келтириб бир сиқим хирож  
Бир тоғ яратдимки, чўққиларидан  
Менга қарам бўлган дун'ё кўринур.  
Менга ким қарам-мас? Иблис сингари  
Жаҳонга ҳукимни юргизоламан;  
Истасам, кўшклар барпо қиламан;  
Истасам, бу сўлим боғларим аро

Базм-сафо қурар ҳур қизлари ҳам,  
Бож, совға кўтариб келар парилар,  
Эркин даҳо менга қул бўлар ҳатто,  
Адл-мурувват ҳам, бедор меҳнат ҳам  
Кутади тиз чўкиб эҳсонларимни.  
Ҳайт десам, қаршимда қонли жиноят  
Букилиб ҳукмимга қилар итоат,  
Товонимни ялар, ўқир кўзимда  
Ҳукм-иродамнинг нишонасини,  
Ҳамма менга қарам, мен-чи, ҳечкимга;  
Мен ҳамма тилакдан устунман, тинчман.  
Мен ўз қудратимни биламан!— етар —  
Мен учун шу басдир...

*(Олтинларига қарайди)*

Ўзи кўп эмас,  
Аммо қанча заҳмат, қанча макр-ҳийла,  
Қанча кўзёшлару, қарғиш, ёлбориш —  
Эвазига келган ҳарбир мисқоли!  
Мана бу қадимий олтин тангани  
Букун бир бевадан ундирдим. Аммо,  
Уч боласи блан аввал тиз чўкиб  
Деразам ёнида ёлборди кампир.  
Дам тўхтаб, дам яна саваларди дўл,  
Аммо маккор хотин жилмас ўрнидан.  
Ҳайдамоқчи эдим сал бўлса. Лекин,—  
Недир шивирлади қулоғимга: «Қўй,  
У сенга келтирмиш эрининг қарзин,  
Эртага зиндонга тушишдан қўрқар».  
Мана бунисини-чи? Тибо келтирди.  
Қайдан олган буни муғомбир, ялқов?  
Ўғирлаб келтирган албатта, ёҳуд —  
Тунда ўрмон йўлин тўсган, талаган...  
Бу олтинлар учун тўкилган қон, ёш  
Бирдан ер остидан сапчиса борми?  
Тўфон босар эди, тўфон! Мен шунда  
Азиз ертўламда ўлардим бўкиб.  
Лекин, бас!

*(Сандиқни очмоқчи)*

Ҳар сафар сандиқларимга  
Яқинлашарканман, титрар вужудим.  
Бу қўрқувдан эмас. (Йўқ! Недан қўрқай,  
Ёнимдаги содиқ пўлат шамширим —  
Олтиним соқчиси) лекин қандайдир...  
Қандайдир бир шарпа эзар кўнглимни...  
Ҳақимлар дейдики, ба'зи одамлар  
Бировни қатл этиб топар эмиш завқ.  
Қалид соларканман сандиқ қулфига,  
Бировга тиғ санчган қотилдай мен ҳам  
Ажиб ҳис туяман: завқли ва қўрқинч.

*(Сандиқни очади)*

Мана менинг мулким, роҳати жоним.

*(Тангаларни тўкади)*

Дам олинг! Бас энди жаҳонгашталик.  
Кўпларнинг хирсини қондиргандирсиз.  
Аршу а'лодаги тангрилар каби  
Тинч ухланг, аллалаб қудратингизни.  
Қатта базм қурмоқ истайман бугун:  
Ҳар сандиқ устига ёқмоқчиман шам;  
Қопқоқларин очай, турай ўртада,  
Олтин шу'ласига қонсин кўзларим.

*(Сандиқларини бир-бир очиб, ҳарқайсининг  
устига шам ёқади)*

Шаҳаншоҳман!.. Қандай фусункор шу'ла!  
Менинг ҳукмимдадир бу қудратли мулк.  
Шунда менинг бахтим, шоним, шуҳратим!  
Шаҳаншоҳман... Ҳайҳот, мenden кейин-чи?  
Кимга мерос қолар мулким? Уғлимга!  
Саёқ норасида, исрофгар, тентак,  
Ишратпарастларнинг бебош ҳамроҳи!  
Уша! Уша тушар жон берар чоғим  
Бу жимжит ва тилсиз равоқ тагига.  
Бу ерга у блан келар бир гала



Муттаҳам ва оч кўз аслзодалар  
Ва менинг мурдамдан калит ўғирлаб,  
Қаҳ-қаҳ уриб очар сандиқларимни.  
Шунда олтинларим, менинг олтинларим  
Аглас чўнтакларга оқар шилдираб.  
Эзгу идишларим синдириб ташлар,  
Ботқоққа оқизар оби-ҳаётни.  
Талон-торож қилар... Қандай ҳаққи бор?  
Бекорга келганми менга бу давлат?  
Ё гарткам дея пулга чанг солган  
Қиморвоз омади блан келган мулк?  
Ким билар, қанча вақт шу олтинни деб  
Оғир алам блан тийдим нафсимни,  
Орзулардан кечдим, ўй сурдим чексиз,  
Тунлар ухламадим, тинмадим кундуз;  
Қалбинг моғор босган! — дер ўғлим, балки,  
Балки дер, орзу ва ҳавас сенга ёт,  
Виждон азобини билмайсан, дер. Йўқ!  
Виждон ваҳший ҳайвон, тирноғи блан  
Қалбни тимдалайди, қўпол, беомон,  
Виждон — юзсиз меҳмон, беор суҳбатдош.  
Ойни сўндиручи, гўр титратгучи,  
Ўлик ҳуркитучи ялмағуз — виждон...  
Азоб эвазига аввал мулкни топ,  
Кейин кўр: қон тўкиб мол топган бахтсиз  
Исроф қилармикан ўзининг мулкин.  
Қани энди агар шу ертўламни  
Назари пастлардан асраб қололсам!  
Қани энди, гўрдан чиқиб келсаму  
Соқчи кўланкадай ўлтирсам шунда,  
Худди ҳозиргидай сандиқ устида  
Ҳазинам сақласам шу тириклардан.

### III САҲНА

*Саройда*

АЛЬБЕР, ГЕРЦОГ

А л ь б е р

Мен узоқ чидадим, шоҳим, ишонинг,  
Ёвуз муҳтожликнинг уятларига!  
Қоқ суякка бориб етмаса пичоқ  
Келармидим сизга бундай арз блан.

Г е р ц о г

Ишондим, ишондим: му'табар рицарь,  
Қоқ суякка бориб етмаса пичоқ,  
Отадан ранжимас сиздайин ўғил,  
Мен отангиз блан гаплашай танҳо,  
Шов-шувсиз. Сиз асло бўлманг безовта.  
Қўпдан кўрганим йўқ. Бугун келмоқчи.  
У менинг бобомга дўст эди бир вақт.  
Хотиримда, ҳали бола эканман,  
Отига миндириб ба'зан, бошимга —  
Оғир шлёмини кийгазарди.

*(Деразага қараб)*

Ким?

Отангиз шекилли.

А л ь б е р

Ҳа, шоҳим, ўша.

Герцог

Нариги хонага ўтинг. Мен ўзим  
Чақирарман.

*(Альбер нариги хонага ўтади. Барон киради)*

Сизни соғ ва саломат  
Ҳузуримда кўриб кўп шодман, барон.

Барон

Бахтлиман, ҳукмдор,— амрингиз блан  
Ҳозир бўлаолдим ҳузурингизда.

Герцог

Дийдор кўришмадик анчадан буён,  
Мени эслайсизми?

Барон

Албатта, шоҳим!  
Худди ҳозиргидай кўз ўнгимдасиз,  
Ҳе-ҳе, жуда ҳам шўх бола эдингиз.  
— Филипп,— дерди ба'зан раҳматлик герцог  
*(У мени Филипп деб отарди доим),—*  
Йигирма йилдан сўнг балки сен ва мен  
Бу бола қаршисида бўлармиз тентак...  
Сизнинг қаршингизда, я'ни...

Герцог

Энди биз  
Яна тиклагаймиз ошноликни.  
Аммо сиз саройга келмай қўйдингиз.

Барон

Қариб қолдим, шоҳим, саройда, ахир,  
Нима ҳам қилардим. Мана сиз ёшлар  
Турнирда, байрамда очасиз кўнгил.  
Мен-чи бу ишларга энди заифман.  
Худо амри блан жанг бўла қолса,  
Отлангайман дарҳол кекса бўлсам ҳам.

Қилич яланғочлаб титроқ қўлларим,  
Сиз учун жангларда топажак қудрат.

Герцог

Барон, бизга аён содиқлигингиз;  
Бобомнинг дўстисиз, раҳматли отам  
Сизни ҳурматларди. Мен ўзим эса  
Содиқ мард рицарь деб биламан. Қани,  
Утирайлик, барон. Болангиз борми?

Барон

Уғлим бор.

Герцог

Саройга нечун келмайди?  
Хўп, сиз учун бу ер кўнгилсиз. У-чи?  
Саройга муносиб ёши, мансаби.

Барон

Суронлик ҳаётни севмайди ўғлим;  
Та'би ёввойироқ, маҳзун ва ўйчан.  
Қўрғон атрофида, ўрмонда ёлғиз  
Кийик боласидай кезар.

Герцог

Яхши-мас.  
Еввойиладимасин. Келсин сароига,  
Шодлик-базмларга ўргансин бироз.  
Ҳузуримга келсин. Мансабига боп  
Маблағ тайин қилинг, ўғлингиз ахир...  
Рангингиз ўчдими? Балки йўл юриб  
Чарчаб қолгандирсиз?

Барон

Йўқ, ҳукмдор, йўқ;  
Броқ ҳозир мени уялтирдингиз,  
Уғлим тўғрисида айтгим йўқ эди,  
Энди иқрор бўлмай йўқдир иложим:  
Шоҳим, минг афсуски, у эҳсонга ҳам

Қадри-ҳимматга ҳам муносиб эмас.  
У ёшлик йилларини зойи' қилмоқда,  
Нома'қул ножўя...

Герцог

Чунки у ёлғиз.  
Ёлғизлик ёшларни ҳалок қилади.  
Бизга йўлланг уни: узлатдан чиқса,  
Ножўя хулқларин унутар.

Барон

Шоҳим,  
Мен бунга розилик бермайман, узр...

Герцог

Нега, ахир?

Барон

Чолга беринг ихтиёр...

Герцог

Сабабини айтинг — талаб қиламан.

Барон

Хафаман ўғлимдан, шоҳим.

Герцог

Нимага?

Барон

Евуз бир жиноят юз берган.

Герцог

Айтинг —

Нима экан ўзи?

Барон

Сўраманг, шоҳим...

Герцог

Ажаб, ё номусга қўйдими сизни?

Барон

Ҳа... Номусга қўйди...

Герцог

Хўш, нима қилди?

Барон

У... Мени бир кун ўлдирмоқ бўлди.

Герцог

Ўлдирмоқчи бўлди? Ундай бўлса мен  
У ёвузни дарров жазога тортай.

Барон

Мен да'во қилмайман, гарчи аёнки,  
Менинг ўлимимни тўрткўзлаб кутар.  
Гарчи у мулкимга қасд қилмоқда...

Герцог

А?

*(Альбер нариги хонадан отилиб чиқади)*

Альбер

Елғон гапирдингиз, барон.

Герцог *(ўғилга)*

Сиз қандай...

Қандай ботиндингиз?

Барон

Шу ердამисан!

Сен... қандай ботиндинг! Сен ўз отанга

Қандай жур'ат блан айтдинг бу сўзни?..  
Хам бизнинг ҳукмдор ҳузурида-я!..  
Ёлгон эмиш! Мен... мен... ёки энди мен  
Рицарь эмасмиман?

А л ь б е р

Сиз ёлгончисиз.

Б а р о н

Нега ер ёрилмас, ё парвардигор!  
Ол, мана, ҳақ ҳукм чиқарсин ханжар!

*(Қўлқопини ташлади, ўғли уни дарҳол ердан олди)\**

А л ь б е р

Раҳмат. Бу — отадан биринчи ин'ом.

Г е р ц о г

Бу қандай манзара? Унгимми? Уғил —  
Кекса отасига ханжар ўхталар!  
Не балолик кунда кийган эканман  
Герцоглик тожини! Бас, э тентак чол,  
Бас қил дейман сен ҳам шервачча.

*(Уғилга)*

Ташла.

Қани қўлқопни ҳам менга бер.

*(Тортиб олади)*

А л ь б е р *(четга)*

Афсус.

Г е р ц о г

Дарров чанг солдия, қўлқопга! — аблаҳ!  
Йўқолинг: то ўзим чақирмагунча  
Кўзимга кўринманг.

---

\* Рицарьлар расмида қўлқопни ерга ташлаш — яккама-якка қиличбозликка чақиришни ифода қилар эди.

(Альбер кетади)

Сиз-чи, бадбахт чол.  
Уялмадингизми...

Барон

Афв этинг, шоҳим...  
Дармоним қолмади... Бўгинларимда  
Қувват йўқ... Бўғилдим!.. Бўғилдим!..  
Қани,  
Қани, калидларим? Калидлар...

Герцог

Улди.  
Ераб! Мудҳиш замон, мудҳиш юраклар!





# ТОШ МЕҲМОН

Loporello. O statua gentilissima  
Del gran' Commendatore! . .  
. . . Ah, Padrone!

*Don Giovanni.\**

---

\* *Лепорелло: О, буюк Командорнинг севимли ҳайкали!.. Оҳ, афандим!—«Дон-Гуан».*





## I САҲНА

ДОН ГУАН ва ЛЕПОРЕЛЛО

Дон Гуан

Биз шу ерда кутажакмиз тунни. Ниҳоят,  
Мадриднинг қопқасига етдик. Ҳадемай,  
Мўйловимни плаш блан, қошни бўрк блан  
Ёпиб, таниш кўчалардан елдай учаман.  
Нима дейсан? Мени биров танирмикан-а?

Лепорелло

Ҳа! Мумкинми Дон Гуанни танимоқ зинҳор!  
Ахир, ундай кишиларнинг сон-саноғи йўқ!

Дон Гуан

Нечун ҳазил? Ким танийди?

Лепорелло

Биринчи посбон.

Бирор лўли, ё учраган сармаст созанда,  
Ёки, эски бир жўрангиз — плашни кийиб  
Қиличини қўлтигида қисган беҳаё.

Дон Гуан

Танийберсин, бокиси йўқ. Қиролнинг ўзи —  
Дуч келмаса басдир менга. Ростини айтсам,  
Мен Мадридда ҳечкимсадан қўрқмайман асло.

## Лепорелло

Дон Гуаннинг ижозатсиз сургундан қайтиб,  
Мадридга кирганлиги эрта кундаёқ  
Қиролгача бориб етар — хўш, айтинг-чи, у  
Сизни нима қилар?

## Дон Гуан

Яна жўнатар такрор.  
Ахир, улар кесмаслар-ку менинг бошимни,  
Мен хиёнат қилганим йўқ, ахир, давлатга;  
Қирол мени севиб туриб бадарға қилди;  
Ўлдирилган у кишининг аҳли-хонаси —  
Жонимга қасд қилмасин деб...

## Лепорелло

Буни қаранг-а!  
У ерда тинч юрганингиз мақулроқ эди.

## Дон Гуан

Кечирасиз каминани! Мен у ерларда  
Елғизликда ўлай дедим. Қандай одамлар!  
У қандай ер! Осмон-чи? .. Баайни тутун.  
Хотинлар-чи? Эй сен тентак Лепорелло, бил;  
Андалуснинг энг оддий бир деҳқон хотинин  
Уша ернинг дилбарига алишмайман мен.  
Улар аввал кўмкўк кўзи, оппоқ бадани,  
Камтарлиги, ҳаммадан ҳам янгилиги-ла  
Менга ёқди — кўзларимни қувонтираолди;  
Минг шукурки, тезда фаҳмим етди барига —  
Улар блан яқин бўлмоқ — гуноҳ деб билдим,  
Уларда жон асари йўқ — мўм кўғирчоқлар!  
Оҳ, бизларнинг хотинлар-чи!.. Аммо, қара-я,  
Бу ерда бизга таниш; сен ҳам таниёлдингми?

## Лепорелло

Таниганда қандоғ; эсимдадир Антоний —  
Монастири. Сиз бу ерга кўп келардингиз,  
Бу чорбоғда отингизни ушлаб турардим.

Рост сўзласам, бу — ла'нати вазифадир. Сиз  
Вақтингизни мендан кўра хуш ўтказгансиз —  
Ҳа, ишонинг.

Дон Гуан (ўйчан)

Оҳ бечора гўзал Инеза!  
Энди у йўқ! Уни қандай яхши кўрардим!

Лепорелло

Инеза! Ҳа, у қора кўз... Ҳамон эсимда.  
Уч ой унга сиз хушомад қилиб юрдингиз,  
Аммо иблис сизга ахир мададга келди.

Дон Гуан

Июль ойи... Тунда унинг ма'юс нигоҳи,  
Жонсиз-жонсиз лабларида ғалати бир завқ,  
Ажиб роҳат олган эдим. Бу кўп таажжуб.  
Уни гўзал эмас деган эдинг шекилли.  
Ҳа, чиндан ҳам, унда асл чирой кам эди.  
Фақат кўзлар, унинг ёниб турган кўзлари...  
Ва боқиши... Мен у каби нафис боқишни  
Учратолган эмасман ҳеч... Овози эса  
Худди бемор товушидай сокин ва ожиз.  
Унинг эри тош юракли муттаҳам эди.  
Буни кейин билиб қолдим... Эссиз Инеза!..

Лепорелло

Бокиси йўқ, янгилари топилди.

Дон Гуан

Бу ҳақ!

Лепорелло

Омон бўлсак, яна кўпи топилгусидир.

Дон Гуан

Бу ҳам тўғри.

Лепорелло

Боргандан сўнг, Мадридда энди  
Қайсибирин ахтарамиз?

Дон Гуан  
О, Лаурани!  
Мен ўшанинг ҳузурига югураман.

Лепорелло

Соз!

Дон Гуан

Эшигини қоқажакман — агар уйда  
Биров бўлса, — деразадан қочсин — сўрайман.

Лепорелло

Бу турган гап. Хурсандчилик чакки бўлмади.  
Марҳумалар бизни узоқ безовта қилмас.  
Биров келар, ким бўлса у?

(Роҳиб киради)

Роҳиб

Ҳозир шу ерга  
У келади. Ким бу? Булар Дона Аннанинг  
Одамлари эмасмикан?

Лепорелло

Йўқ, йўқ, — бизлар ҳам —  
Ўзимизга ўзимиз бек. Зиёрат қилиб  
Юрмоқдамиз.

Дон Гуан

Хўш, сиз нима кутиб турибсиз?

Роҳиб

Дона Анна марҳум эри мақбарасига  
Ҳозир етиб келажакдир.

Дон Гуан

О, Дона Анна

Де-Сольва! У, ўлдирилган марҳум командор —  
Рафиқаси... Эслолмайман ким ўлдирганин?

Р о ҳ и б

Фаҳш, виждонсиз, худосини сотган Дон Гуан.

Л е п о р е л л о

Уҳў! Буни қаранг-а! Дон Гуан қиссаси  
Ҳатто сокин монастырьга кирибди. Энди  
Узлатдаги зоҳидлар ҳам куйлар мадҳини.

Р о ҳ и б

Балки, сизга танишдир у?

Л е п о р е л л о

Бизгами? Асло!  
Ҳозир қайда бўлса экан у?

Р о ҳ и б

Бу ерда йўқ.  
Узоқларда, бадарғада

Л е п о р е л л о

Худога шукур.  
Қанча олис бўлса, шунча яхши. Барча шу —  
Бузуқларни битта қопга солиб, биракай  
Худ денгизга ташлаш керак.

Д о н Г у а н

Бу қанақа гап?

Л е п о р е л л о

Сукут сақланг; мен атайин шундай сўзладим.

Д о н Г у а н

Ҳа, шу ерга кўмилган-да, демак, командор?

Р о ҳ и б

Ҳа, шу ерга. Ери унга ҳайкал тиклади,  
Арвоҳини қувонтирмоқ учун ҳар кун у

Қабр устига келиб, дуо ўқийди тинмай,  
Кўзларидан ёш тўкади.

Д о н   Г у а н  
Ғалати бева!

Хусни қалай?

Р о ҳ и б

Хотинларнинг гўзаллигига  
Бизлар — тарки-дун'ё аҳли, мафтун бўлмаймиз.  
Аммо ёлгон гапирмаклик гуноҳдир; ҳатто  
Тақводор ҳам унинг ҳуснин инкор этолмас.

Д о н   Г у а н

Раҳматликнинг рашк қилиши бечиз эмас-кан.  
У хилватда тутар эди Дона Аннани,  
Ҳечбиримиз уни кўраолмаган эдик.  
Мен у блан сўзлашмакка кўп ишқивозман.

Р о ҳ и б

Дона Анна эркак киши блан сўзлашмас,  
Бу гапим чин.

Д о н   Г у а н  
Сиз блан-чи, Роҳиб ота?

Р о ҳ и б

Мен роҳибман — менинг блан сўзлашар албат.  
Ана ўзи.

*(Дона Анна киради)*

Д о н а   А н н а  
Қани, отам, эшикни очинг.

Р о ҳ и б

Ҳозир, хоним: кутиб турган эдим мен сизни.  
*(Дона Анна Роҳибнинг орқасидан боради)*



Лепорелло

Хўш, қанақа?

Дон Гуан

Беваликнинг қора чодраси —  
Уни тамом қоплаб олиб, кўрсатмас бизга,  
Фақат нозик товонини кўриб қололдим.

Лепорелло

Сизга шу бас. Қолганини тасаввурингиз  
Бир нафасда беками-кўст чизиб беради;  
Хаёлингиз наққошдан ҳам моҳир ва чаққон,  
Хоҳ қошидан бошланг, хоҳ оёқларидан,  
Сиз учун бу баб-баравар...

Дон Гуан

Эй, Лепорелло,  
Мен у блан танишаман.

Лепорелло

Энди шу-ми етмагани! — Қатл этиб эрин,  
Беванинг кўзёшларидан завқланасизми?  
Бу золимлик!

Дон Гуан

Оқшом энди яқинлашмоқда.  
Тепамизда ой намоён бўлмасдан бурун,  
Нури блан зулумотни қувмасдан бурун,  
Қиришимиз лозим Мадридга. (*Кетади*).

Лепорелло

Ё Раббим!

Испания бекзодаси, худди ўғридай  
Тунни кутар ва ойдиндан чўчир-ҳайиқар.  
Эй, ла'нати тирикчилик! Ахир, тобакай  
Мен у блан сарсон бўлғум? Мажолим битди.

## II САҲНА

*Хона. Лаура зиёфат беради.*

### Биринчи меҳмон

Онг, ичаман, эй, Лаура, ўзинг ҳечқачон  
Чалмагандинг бунча завқу камолат блан.  
Ўз ролингни тушунибсан, ғоят ҳаққоний!

### Иккинчи меҳмон

Сан'атингни нозик ечдинг! Мардона, жўшқин!

### Учинчи меҳмон

Сан'атингга қойил!

### Лаура

Ҳа, мен бугун ҳар зарбнинг,  
Ҳарбир сўзнинг ма'носини чертдим ўрнида,  
Қалбим блан мафтун бўлдим илҳомга эркин.  
Сўзлар ожиз хотиранинг меваси эмас,  
Балки, юрак чашмасидан қуйилди равон.

### Биринчи меҳмон

Бу гапинг ҳақ. Оҳ, кўзларинг ҳамон чақнайди.  
Еноқларинг ҳамон ёнар, эрка шодлигинг  
Вужудингни қопламишдир. Лаура, куйла,  
Севинчингнинг сўнишига йўл қўйма асло,  
Бирор нарса куйла яна. .

Лаура  
Созни беринглар.

*(Гитарани олиб, куйлайди)*

Ҳамма

Баракалла! Баракалла! Мислсиз гўзал!

Биринчи меҳмон

Раҳмат сенга, сирғар қиз. Сен кўнглимизни  
Мафтун қилдинг. Ҳаёт завқу сафоларидан  
Фақат севги қаршисида музика банда;  
Аммо ишқнинг ўзи куйдир... Ана, назар сол,  
Та'сирланди ҳатто Карлос — мағрур меҳмонинг.

Иккинчи меҳмон

Бу не овоз! Жоннинг ўзи сингибди унга!  
Кимнинг сўзи Лаура бу?

Лаура

Дон Гуанники.

Дон Карлос

Кимнинг дединг! Дон Гуаннинг сўзи дедингми?

Лаура

Бу сўзларни бир вақтлар у содиқ дўстим,  
У ҳавоий ишқивозим тўқиган эди.

Дон Карлос

Худосини сотган, аблаҳ у Дон Гуаннинг;  
Сен бўлсанг, сен аҳмоқсан.

Лаура

Сен жинни бўлдингми?  
Гарчи испан бекзодаси бўлсанг ҳамки сен,  
Фармон берсам, навкарларим бошингни олар.

Дон Карлос (*ўрнидан туради*)  
Чақир ўша навкарларни.

Биринчи меҳмон

Лаура, бас қил;  
Дон Карлос, сен хафа бўлма. Эсини епти...

Лаура

Нечун? Гуан, акасини қиличбозликда  
Ҳалол туриб ўлдиргани учунми? Афсус,  
Ўлдирмапти ўзини ҳам.

Дон Карлос

Жаҳлим кўзгади.

Мен тентакман.

Лаура

Аҳа! Иқроп бўлдинг-а. Майли,  
Ана энди ярашамиз.

Дон Карлос

Кечир, Лаура.

Гуноҳқорман. Аммо ўзинг яхши биласан,  
Унинг номин асло лоқайд эшитолмайман...

Лаура

Унинг номи ҳар лаҳзада тилимга келар,  
Ўзинг айтгил, шунинг учун гуноҳқорманми?

Меҳмон

Сен жаҳлингдан тушганлигинг нишонасига,  
Куйлаб бергил, Лаура.

Лаура

Ҳа, хайрлашамиз,  
Тун ҳам бўлди. Энди нима куйласам экан?  
Ҳа, тингланглар.

(*Куйлайди*).

Ҳ а м м а

Жуда ҳам соз, мислсиз гўзал!

Л а у р а

Хайр, энди афандилар.

М е ҳ м о н л а р

Хайр, Лаура.

*(Меҳмонлар кетади. Лаура Дон Карлосни тўхтатиб қолади)*

Л а у р а

Эй, сен шадлол, меҳмоним бўл бу кеча менинг,  
Менга чиндан ёқиб қолдинг; ҳақорат қилиб,  
Тишларингни тишларингга босар экансан,  
Дон Гуанга ўхшаб кетдинг.

Д о н К а р л о с

О, бахтли йигит!

Сен севгансан.

*(Лаура бошини қимирлатиб севганлигини изҳор қилади)*

Жуда ҳамми?

Л а у р а

Ҳа, жуда ҳам.

Д о н К а р л о с

Сен ҳозир ҳам севасанми?

Л а у р а

Шу лаҳзадами?

Йўқ, севмайман. Икки ёрни севаолмайман.  
Энди сени севиб қолдим.

Дон Карлос  
Айтгил, Лаура,  
Неча ёшга кирдинг ҳозир?

Лаура

Ун саккиз ёшга.

Дон Карлос

Сен ниҳолсан... Яна беш, ё олти йилгача  
Ниҳол каби яшнайсан сен. Теварагингдан  
Яна олти йил аримас ишқивозларинг,  
Улар сени эркалайди, тухфалар бериб,  
Кечалари куйлаб, ором бағишлайдилар,  
Сени дея, катта йўлнинг чорраҳасида  
Тўқнашишиб, бир-бирларин ўлдирадилар.  
Аммо фаслинг ўтажакдир, кўзларинг сўнар.  
Қовоқларинг ажинларга тўлиб, қораяр,  
Тундай қора сочларингга оқ оралайди,  
Ҳамма сени кампир дейди; ўшанда, айтгил,  
Сен ўшанда нима дейсан?

Лаура

Нима дер эдим?

Нечун бундай хаёлотлар? Гапингни қара!  
Кел, айвонни очиб қўй. Кўк шу қадар сокин.  
Илиқ ҳаво ҳаракатсиз, тун қучоғида  
Анқиб ётар лимон блан дафна бўйлари.  
Ой порлайди қорамтир тун кўкида равшан.  
Сукунатдан дарак берар посбонлар саси.  
Балки, олис шимол ёқда — Парижда бу он  
Булутлар-ла қоплангандир мовий осмон.  
Балки, совуқ ёмғир ёғар, аччиқ ел эсар.—  
Бизнинг қандай ишимиз бор? Қулоқ сол,  
Карлос,  
Сендан талаб этаман мен, менга кулиб боқ;  
Қани, бир кул, қани-қани!

Дон Карлос

Эй азиз иблис!

*(Эшик тиқирлайди)*

Дон Гуан

Хей, Лаура!

Лаура

Кимдир келган? Кимнинг товуши?

Дон Гуан

Эшикни оч...

Лаура

Наҳотки у?.. Ё раббим!..

*(Эшик очилади.. Дон Гуан киради)*

Дон Гуан

Салом!..

Лаура

Дон Гуан!..

Дон Карлос

Ким? Дон Гуанми?

*(Лаура ўзини Дон Гуаннинг бағрига отади)*

Дон Гуан

Лаура, жоним!..

*(Қизни ўпади)*

Уйингдаги ким, Лаурам?

Дон Карлос

Мен, Дон Карлосман.

Д о н Г у а н

Кутилмаган бир учрашув! Мен эртагаёқ  
Хизматингга тайёрдирман.

Д о н К а р л о с

Йўқ, ҳозир — шу он.

Л а у р а

Дон Карлос, бас! Сиз кўчада эмассиз ҳозир,  
Ахир, менинг уйимдасиз. Кетингиз дарҳол. . .

Д о н К а р л о с *(қулоқ солмайди)*

Ахир, сенинг қиличинг бор. Мен кутаяпман!

Д о н Г у а н

Агар сабринг чидамаса, майли, мен рози.

*(Улар олишадилар)*

Л а у р а

Ҳой! Ҳой! Гуан

*(Лаура ўзини ётоққа ташлайди. Дон Карлос йиқилади)*

Д о н Г у а н

Тур, Лаура, иш тамом бўлди.

Л а у р а

Нима бўлди? У ўлдими? Менинг уйимда!  
Ана холос! Энди нима қиламан, шайтон?  
Жасадини қайга ташлай?

Д о н Г у а н

Балки, у ҳали

Улмагандир.



Лаура (жасадни кўздан кечиради)

Улмаганмиш! Ҳай муттаҳам, ҳай;  
Юрагига тиф санчибсан — янглишмабсан ҳам,  
Уч қиррали жароҳотдан ҳатто қон келмас,  
Нафаси ҳам ўчиб қолган — сен нима қилдинг?

Дон Гуан

Узи шунни истади-ку. Мен нима қилдим?

Лаура

Эҳ, Дон Гуан чиндан алам қилади жуда.  
Сен ҳамиша қилгиликни қиласан, лекин  
Ҳеч гуноҳкор бўлмайсан сен... Қаердан келдинг?  
Қачон келдинг?

Дон Гуан

Ҳозиргина келдим, яширин,  
Ахир, ҳали гуноҳимни кечганлари йўқ.

Лаура

Шу ондаёқ Лаурангни эсга олдингми?  
Яхши нарса — яхши бўлур. Ҳа, энди етар.  
Сенга ортиқ ишонмайман. Сен тасодифан  
Уйни кўриб қолгандирсан, шу ердан ўтиб...

Дон Гуан

Йўқ, Лаурам, ишонмасанг, сўрай оласан,  
Лепореллом айтиб берар. Шаҳар четида  
Бир ла'нати қабристонни қўналга этдим.  
Мен Мадридга Лаурани излаб келганман.

(Уни ўпади)

Лаура

Азиз дўстим!.. Тўхта... Улик ҳузурида-я!  
Уни нима қилсак экан?

Д о н   Г у а н

Ишинг бўлмасин!

Эрта блан, тонг чоғида ридога ўраб,  
Уни мен бу ердан олиб чиқиб кетаман,  
Чорраҳага ётқизаман.

Л а у р а

Эҳтиёт бўлгил,

Сени яна бирор киши кўриб қолмасин.  
Сен бир лаҳза кейин келиб, яхши иш қилдинг!

Ўртоқларинг зиёфатда эди шу ерда.  
Ҳозиргина тарқалишди улар уйимдан.  
Яхши бўлмас эди агар рўбарў келсанг!

Д о н   Г у а н

Айт, Лаура, қачон кўнгил қўйгансан бунга?

Л а у р а

Кимга? Эсинг жойидами?

Д о н   Г у а н

Иқрор бўл ҳозир.

Мен бу ердан кетганимдан бери неча бор  
Бевафолик қилдинг менга?

Л а у р а

Сен-чи, тентагим?

Д о н   Г у а н

Олдин сен айт... Майли, кейин суҳбатлашамиз!

### III САҲНА

*Командор ҳайкали*

Д о н   Г у а н

Ҳамма нарса тобора соз; мен тасодифан  
Дон Карлосни ўлдиргандан кейин, шу ерда  
Дарвеш бўлиб яшириндим — мен энди ҳар кун  
Бу чорбоғда кўрмоқдаман гўзал бевамни,  
У ҳам мени пайқагандир.— Шу пайтга қадар  
Сипоҳ тутдик ўзимизни,— аммо мен бугун  
Унинг блан сўзлашаман; бас шунча кутмоқ.  
Гапни қандай бошлай? Ҳа, «Мен ботинолдим...»

Иўқ.

«Сеньора...» деб бошлайман... Э! Бошга не келса,  
Мен ўшани айтаман-да, тайёргарликсиз,  
Ишқ қўшигин тўқучиси каби бемалол...  
Энди кела қолса эди... Менимча, усиз  
Бу ерда кўп зерикади ёлғиз командор.  
Заб баҳодир сифат турар бу ерда мағрур!  
Елкаларни қаранг! Қандай Геркулеснамо!  
Марҳум пастбўй одам эди, жажжи ва тажанг;  
Оёқ учин бунда босиб, чўзсайди қўлин —  
Ҳайкалининг бурнига ҳам етказолмасди.  
Ескурьялнинг ёнида дуч келганимда,  
Қиличимни бир қададим, нина санчилган —  
Чигирткадай қотиб қолди — ва лекин ўзи  
Жасоратли, мағрур эди, руҳи шиддатли...  
Ҳа! Ана у.

*(Дона Анна киради)*

Д о н а   А н н а

У яна шу ерда-я. Отам,  
Ногоҳ келиб, фикрингизни бўлдим шекилли.  
Афв этинг.

Д о н   Г у а н

Мен, хоним, сиздан афв сўрайман.  
Балки гаму-гуссангизни бемалол, эркин  
Езаркансиз, сизга халал бермоқдадирман.

Д о н а   А н н а

Йўқ, отажон, қайғуларим ўзимга аён,  
Олдингизда дуоларим осмонга қадар  
Ҳеч мони'сиз етиб борар — сиздан сўрайман,  
Овозимга қўшинг азиз овозингизни.

Д о н   Г у а н

Дона Анна, мен сиз блан дуо ўқийми!  
Бу қадарли саодатга лойиқ эмасман.  
Мени бу осий лабларим-ла сизнинг муқаддас  
Сўзларингиз такрорлашга жур'ат этмайман —  
Бошингизни аста эгиб, тун каби қора  
Сочингизни оқ мрамарга ёяр экансиз,  
Мен олисдан ихлос блан сизга боқаман.  
Шунда гўзал бир фаришта бу мақбарага  
Сирли учиб келган каби туюлар менга,  
Шунда қалбим бир изтироб блан ўртаниб,  
Дуо келмас тилимга. Мен ҳайрон термулиб,—  
Гўзал малак нафасила ёнган, севгининг —  
Кўзёшидан баҳраманд бу совуқ мрамарнинг  
Соҳибини кўп бахтиёр дея ўйлайман.

Д о н а   А н н а

Сўзларингиз кўп ғалати!

Д о н   Г у а н

Йўғе, сеньора?

Дона Анна  
Менга ахир... Унутмангки...

Дон Гуан  
Сабаб? Еки мен  
Чиндан дарвеш эмасманми? Осий овозим  
Бу даргоҳда шунча баланд янграмасинми?

Дона Анна  
Шундай туйдим... Мен ҳеч нарса тушунолмадим.

Дон Гуан  
Эҳ, англадим. Сиз барини билиб олгансиз.

Дона Анна  
Мен нимани билдим?

Дон Гуан  
Я'ни, мен роҳиб эмас —  
Қошингизда тиз чўкаман, узр сўрайман.

Дона Анна  
Е раббим! Йўқ, туринг, туринг... Сиз кимсиз ахир?

Дон Гуан  
Мен бир бадбахт, оқибатсиз севги қурбони.

Дона Анна  
Е раббим! Қабр тепасида бу қандай сўзлар!  
Кетинг ҳозир!

Дон Гуан  
Дона Анна, биргина лаҳза,  
Мен биргина лаҳза қолай!

Дона Анна  
Биров келса-чи?

Д о н   Г у а н

Панжара берк. Бир лаҳзага ижозат беринг!

Д о н а   А н н а

Қани, айтинг! Сизга нима керакдир?

Д о н   Г у а н

Ажал...

Майли, ҳозир оёғингиз остида ўлай,  
Шу чорбоққа дафн этилсин шўрли жасадим;  
Шу яқинга, сизга азиз бўлган қабрининг  
Яқинига эмас, балки нарироқ ерга.  
Дарвозанинг яқинига, худ остонага;  
Зулфингизни қуйи солиб, ёш тўкмак учун  
Мағрур ҳайкал сари келар экансиз, токи  
Либосингиз, оёғингиз енгил тегаркан,  
Мозоримнинг тошини сиз айланг бахтиёр.

Д о н а   А н н а

Эс-ҳушингиз жойидамас.

Д о н   Г у а н

Ё, Дона Анна,

Телбаликнинг белгисими ажал тиламоқ?  
Агар телба бўлсам, тирик қолмоқ истардим,  
Қалбингизни тоза севгим оташи блан  
Қўзғатишдан бўлаолар эдим умидвор;  
Агар телба бўлсам эди, кечаларни мен,  
Қўшиқ айтиб, уйқунгизни қилиб безовта,  
Балконингиз қаршисида ўтказар эдим;  
Агар телба бўлсам, сукут сақлаб ҳамиша  
Азоб чекиб юрмас эдим...

Д о н а   А н н а

Сизнинг сукутда  
Юрганингиз шуми ҳали?

Д о н   Г у а н

Эй, Дона Анна,

Бир тасодиф йўлим очди, йўқса, сиз ҳеч он  
Менинг ғамли сирларимни билмас эдингиз.

Д о н а   А н н а

Кўпдан бери мени севиб қолгансизми сиз?

Д о н   Г у а н

Қачон севиб қолганимни ўзим билмайман,  
Аммо ўша дамдан бери шу бир лаҳзали  
Ҳаёт менга қимматлидир, ўшандан бери  
Мен англадим толи' деган сўзнинг қадрини.

Д о н а   А н н а

Нари кетинг — сиз қўрқинчли одам экансиз.

Д о н   Г у а н

Нима учун?

Д о н а   А н н а

Мен кўрқаман сўзларингиздан.

Д о н   Г у а н

Мен тинаман, фақат мени мангу қувламанг,  
Сизни фақат кўриш ўзи менга саодат.  
Мен шармсиз ниятларни ўйламайман ҳам,  
Сиздан ҳечбир нарса талаб қилмайман, агар  
Менга яшаш насиб экан, сизни кўрмагим —  
Керак.

Д о н а   А н н а

Кетинг, бу ер бундай сўзлар ва бундай  
Телбаликлар ўрни эмас. Эртага бизнинг  
Уйга келинг. Агар мени хурмат қилишга  
Онт ичсангиз, сизни қабул қиламан, фақат

Оқшом чоғи, балки яна кечроқ келасиз.  
Бева бўлиб қолганимдан бери ҳечким-ла  
Қўришмадим...

Д о н Г у а н

Дона Анна, гўзал фаришта!  
Сиз бугун бир бечорага таскин бергандек,  
Тангри ўзи сизни қўллаб, берсин тасалли.

Д о н а А н н а

Энди кетинг.

Д о н Г у а н

Яна қолай бир лаҳзагина.

Д о н а А н н а

Йўқ, мен ўзим кетақолай... Зотан тилимга  
Оятлар ҳам келмай қолди. Сиз бу дун'ёвий  
Гаплар блан банд этдингиз; менинг қулоғим  
Бу сўзларга кўпдан бери бегона эди.  
Сиз эртага келинг.

Д о н Г у а н

Ҳамон ишонолмайман.  
Ҳамон кўзим етмас бахту-саодатимга...  
Наҳот эрта сизни кўрсам! —  
Очиқ-ойдин!

Д о н а А н н а

Ҳа, эртага, куни эртага.  
Исмингиз на?

Д о н Г у а н

Диего де Кальвадо исмим...

Д о н а А н н а

Хайр энди, Дон Диего  
(кетади).



Д о н Г у а н  
Эй Лепорелло!

*(Лепорелло киради).*

Нима хизмат?

Д о н Г у а н  
Азиз Лепорелло! Мен жуда  
Бахтиёрман! Эртагаёқ — оқшомда, кечроқ...  
Лепореллом, эртагаёқ — тайёрликни кўр...  
Чақалоқдай бахтиёрман!

Л е п о р е л л о  
Дона Анна-ла  
Сиз сўзлашолдингизми? Балки у сизга  
Икки оғиз ширингина, сўз сўйлагандир.  
Еки, уни дуо қилган бўлсангиз керак.

Д о н Г у а н  
Лепорелло, йўқ, ундаймас! У менинг блан  
Кўришмоқни ва'да қилди!

Л е п о р е л л о  
Йўғе, мумкинмас!  
О, бевалар, барингиз ҳам шундай.

Д о н Г у а н

Мен бахтли!

Л е п о р е л л о  
Командор-чи? Бунга нима дейди командор?

Д о н Г у а н  
У рашк ичра ёнади деб ўйлайсанми сен?  
Йўқ, бундаймас; у ақлли-хушли бир одам,  
Итоаткор бўлиб қолган ўлгандан бери.

Л е п о р е л л о

Йўқ; командор ҳайкалига бир назар ташланг.

Д о н Г у а н

Нима бўпти?

Л е п о р е л л о

У сиз томон тикилиб, гўё  
Зарда қилган каби.

Д о н Г у а н

Қани, бор, Лепорелло,  
Унга айтгил, меникига марҳамат қилсин,  
Йўқ, эртага — Дона Анна уйига борсин.

Л е п о р е л л о

Ҳайкал меҳмон бўладими? Нечун?

Д о н Г у а н

Аёнки,  
Дона Анна блан суҳбат қилгали эмас;  
Хайкалга айт, эртагаёқ, кечроқ келсину,  
Дона Анна эшигининг остонасида  
Эшикбонлик қилиб турсин.

Л е п о р е л л о

Ҳазилни қўйинг.

У ўлик-ку!

Д о н Г у а н

Бор дедим, бор.

Л е п о р е л л о

Лекин...

Д о н Г у а н

Тезроқ бор.

Л е п о р е л л о

Эй шарафли, эй чиройли, ажойиб ҳайкал!  
Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар,  
Ташриф қилиб... Худо урсин, гапиролмайман,  
Қўрқиб кетдим.

Д о н Г у а н  
Қўрқоқ! Шошма!

Л е п о р е л л о

Марҳамат қилинг.

Афандим Дон Гуан сиздан ўтиниб сўрар;  
Сиз эртага рафиқангиз уйига келиб,  
Дарвозада соқчи бўлинг...

*(Ҳайкал бошини қимирлатиб, розилигини билдиради)*

Вой!

Д о н Г у а н  
Не гап?

Л е п о р е л л о

Вой! Вой!..

Вой!.. Уламан!

Д о н Г у а н  
Сенга нима бўлди, нима гап?

Л е п о р е л л о *(бошини тебратади)*  
Ҳайкал... Вой, вой!..

Д о н Г у а н  
Унга та'зим қилаяпсанми?

Лепорелло

Йўқ!

Мен эмас, у!

Дон Гуан

Қўй, бўлмаган, беҳуда гапни!

Лепорелло

Ўзингиз боринг.

Дон Гуан

Сени қара, лўттибоз.

*(Ҳайкалга)*

Командор, мен ўтинаман сендан, эртага  
Бева қолган хотинингнинг ҳузурига бор.  
Мен бўламан. Сен эшикда соқчи тур. Хўпми?

*(Ҳайкал яна бошини қимирлатади)*

Ё раббим!

Лепорелло

Хўш? Айтмадимми...

Дон Гуан

Қани, кетамиз.

## IV САҲНА

*Дона Аннанинг хонаси*

ДОН ГУАН ва ДОНА АННА

Д о н а А н н а

Дон Диего, сизни қабул қилдим мен; фақат  
Қўрқаманки, менинг дардли суҳбатим сизни  
Зериктириб қўймаса деб, бечора бева —  
Унутолмас ҳамон оғир мусибатини.  
Кўзёшларим жилва блан қўшилар экан,  
Апрель ойини эслатади. Нечун жимсиз?

Д о н Г у а н

Гўзал Дона Анна блан мен хилватда қолиб,  
Висол завқи блан мастман. Сизни бу замон  
Бахтли ўлик мақбараси қаршисида-мас,  
Мармар ёрнинг ҳузурида тиз чўккан ҳолда —  
Эмас, балки ўз қошимда кўриб турибман.

Д о н а А н н а

Дон Диего, шунча рашкли экансиз — эрим  
Сизни ҳатто қабрида ҳам қийнамоқда.

Д о н Г у а н

Мен —  
Сра ҳам рашк қилмаслигим керак. Сабабки,  
Сиз ўзингиз уни танлаб эр қилгансиз:

Д о н а А н н а

Йўқ,

Дон Альварга онам эрга берган мажбуран,  
Биз камбағал, Дон Альвар бой эди бағоят.

Д о н Г у а н

Бахтиёр эр! У қўпқуруқ хазиналарни  
Олиҳанинг оёғига тўкиб, шунингчун  
Жаннат завқу сафосини сурипти! Агар  
Аввал билган бўлсам эдим сизни, мен бутун  
Шавкатимни, бойлигимни биргина қувноқ —  
Боқишингиз учун буткул бағишлар эдим;  
Мен муқаддас фармонингиз қули бўлардим,  
Барча эрка ҳавасингиз ёд қилиб олиб,  
Ҳеч ўринсиз қолдирмасдим; бутун умрингиз  
Ажиб сихр блан тўлар эди муттасил.  
Эвоҳ! Тангри менга бошқа қисмат ёзибди.

Д о н а А н н а

Диего, бас; сизга қулоқ солсам, гуноҳим  
Яна ортар — сизни севмак мен учун маҳол,  
Қабрга ҳам бева содиқ бўлмоғи керак.  
Дон Альварнинг мени қандай севганлигини  
Сиз билсангиз эди! О, Дон Альвар мабодо  
Бева бўлиб қолса, бирор ма'шуқани ҳеч  
Қабул қилмас — рафиқаси муҳаббатига  
Содиқ бўлиб қолар эди.

Д о н Г у а н

Мени қийнаманг,

Дона Анна, эрингизни ҳамиша эслаб  
Юрагимни қиймаламанг. Шундай жазо бас.  
Шу жазога гарчанд лойиқ бўлсам ҳам.

Д о н а А н н а

Нечун?

Илоҳий қонунлар сизни ҳечким-ла  
Боғламаган — тўғримасми? Мени севсангиз,  
Менинг ҳамда худованднинг олдида ҳақсиз.

Дон Гуан  
Олдингизда! Ераб!

Дона Анна,  
Менинг ҳузуримда сиз  
Бирор гуноҳ қилганмисиз? Айтинг, нечун...

Дон Гуан  
Йўқ,  
Ҳеч айтмайман.

Дона Анна  
Диего, бу жуда ғалати!  
Ҳузуримда ноҳақмисиз? Нечун, айтингиз.

Дон Гуан  
Йўқ! Айтмайман!

Дона Анна  
Диего, бу жуда ғалати!  
Мен сўрайман, сиздан талаб этаман.

Дон Гуан  
Йўқ, йўқ.

Дона Анна  
Ҳа! Шунчами сизнинг менга итоатингиз!  
Шу соатда менга нима деган эдингиз?  
Менинг қулим бўлмоқликни истадингиз-ку?  
Жавоб беринг, Диего: мен хафа бўламан,  
Менга қарши қандай гуноҳ?

Дон Гуан  
Жур'ат этмайман,  
Агар айтсам, мендан дарҳол нафратланасиз.

Д о н а А н н а

Йўқ, йўқ. Сизни ҳозирданоқ афв этаман.  
Аммо билмак истаيمان мен...

Д о н Г у а н

Асло истаманг.  
У даҳшатли, аянч бир сир бўлиб қолсин.

Д о н а А н н а

Аянч бир сир! Менга азоб бермоқдасиз сиз.  
Мен қўрқмайман, айтинг ҳозир, қандай сирдир у?  
Қандай қилиб этолдингиз мени ҳақорат?  
Аввал сизни билмас эдим — душманларим йўқ,  
Илгари ҳам бўлмаган. Бир душманним фақат  
Уз эримнинг қотилидир.

Д о н Г у а н (*ўзича*)

Иш бўлар тамом!  
Менга айтинг, бахти қора Дон Гуанни сиз  
Аввал танир эдингизми?

Д о н а А н н а

Йўқ, мен ҳеч қачон  
Уни кўрган эмасман.

Д о н Г у а н

Сиз юрагингизда  
Унга ёвлик сақлайсизми?

Д о н а А н н а

Номус туфайли.  
Аммо мени, Дон Диего, сиздан сўраган  
Саволимдан чалғитишга уринаяпсиз,  
Сиздан талаб этаман мен...

Д о н Г у а н

У Дон Гуанни  
Учратсангиз нима қилар эдингиз?



Дона Анна Ханжар —  
Санчар эдим қора қалбига.

Дон Гуан  
Дона Анна,  
У ханжаринг қани? Мана, қалбим?

Дона Анна  
Днего!  
Бу нимаси?

Дон Гуан  
Мен Днего эмас, Гуанман.

Дона Анна  
Ераб, йўқ, бу мумкин эмас, мен ишонмайман.

Дон Гуан  
Дон Гуан мен.

Дона Анна  
Тўғри эмас.  
Дон Гуан  
Сенинг эрингни  
Мен ўлдирдим, ачинмайман қилган ишимга,  
Тавба қилиш ниятим йўқ, пушаймон бўлиб.

Дона Анна  
Нималарни эшитаяпман? Йўқ, йўқ, мумкинмас.

Дон Гуан  
Мен Дон Гуан, сени чиндан севиб қолганман.

Дона Анна *(йиқилади)*  
Қаердаман... Қаердаман?.. Бошим...

Д о н Г у а н

Ё раббим!

Нима бўлди? Дона Анна, сенга не бўлди?  
Тур, тур, уйғон, эсингни йиғ, сенинг Диегонг,  
Қулинг оёқ остингдадир.

Д о н а А н н а

Мени тинч қўйгил.

(Ожизона)

Оҳ, сен менга ёвсан — менинг ҳаётимдаги  
Бор нарсамни тортиб олдинг...

Д о н Г у а н

Эй азиз малак!

Гуноҳимни ювмакликка ҳар он қодирман.  
Фармонингни кутмакдаман оёқ остингда,  
Майли,— ўлдир, майли — қолдир, фақат сен учун  
Мен яшайман...

Д о н а А н н а

Дон Гуаннинг ўзи шу, демак...

Д о н Г у а н

Дона Анна, рост эмасми, уни бир ёвуз  
Ва йиртқич деб та'рифлаган эдилар сизга,—  
Балки, буткул ноҳақ эмас бундай овоза,  
Менинг ҳорғин виждонимда ҳали ҳам балки  
Ёвузликнинг асари бор... Узоқ вақт фаҳшнинг  
Қўп ғайратли талабаси бўлиб юргандим.  
Аммо сизни кўрганимдан бери гўёки  
Бу дунёга янги инсон бўлиб туғилдим.  
Сизни севиб, яхшилиқни севиб қолдим мен,  
Ўз умримда биринчи бор унинг олдида  
Сихрланиб ва қалтираб тиз чўкмакдаман.

Д о н а А н н а

О, Дон Гуан сўзга моҳир — буни биламан.  
Эшитганман, ҳийла блан йўлдан ураркан,

Сизни ҳамма: худосини сотган фаҳш, дейди,  
Сиз иблиснинг худди ўзи. Қанча бечора  
Хотинларни бузгандирсиз?

Д о н Г у а н

Бирортасини

Шу вақтгача севмаганман.

Д о н а А н н а

Мен шу Дон Гуан

Биринчи бор севади-ю, менда яна бир  
Янги қурбон изламайди деб ишонайми!

Д о н Г у а н

Хаёлимда бўлса эди сизни алдамоқ,  
Эшитишга тоқатингиз бўлмаган номни  
Айтармидим, бўлармидим шу йўсин иқрор?  
Қандай макр, ҳийла бордир, ахир, бу ерда?

Д о н а А н н а

Сизни билиб бўладими? — Аммо сиз қандай  
Келолдингиз, сизни ҳамма танир бу ерда,  
Ўлимингиз муқаррардир, қўлга тушсангиз.

Д о н Г у а н

Ўлим нима? Бир лаҳзалик висол завқига  
Ҳаётимни шикоятсиз бераман.

Д о н а А н н а

Энди

Қандай чиқиб кетасиз, эй эҳтиёти йўқ!

Д о н Г у а н

(Унинг қўлини йпади)

Сиз бечора Гуан учун шунчалик ташвиш —  
Чекасизми! Демак, сенинг малак қалбингда,  
Дона Анна, менга нафрат йўқ экан, ростми?

Д о н а А н н а

Оҳ, агар мен сизга нафрат сақлай олсайдим!  
Аммо ҳозир лозим бўлди бизга айрилмоқ.

Д о н Г у а н

Яна қачон кўришамиз?

Д о н а А н н а

Бошқа бир кун... Билмайман, балки

Д о н Г у а н

Эртага-чи?

Д о н а А н н а

Қайда?

Д о н Г у а н

Шу ерда.

Д о н а А н н а

О, Дон Гуан, менинг кўнглим ниҳоятда бўш.

Д о н Г у а н

Афв этмоқнинг гаровидир беғараз бўса...

Д о н а А н н а

Етар энди, кет.

Д о н Г у а н

Биргина, совуқ, беозор...

Д о н а А н н а

Сен нақадар елимсан? Ол бўсани, майли.  
Қандай товуш?.. Оҳ, панага қочгил, Дон Гуан.

Д о н Г у а н

Хайр, энди кўришгунча, эй азиз дўстим.  
(Хонадан чиқади, яна қайтиб югуриб киради)

Оҳ!

Д о н а А н н а

Ҳа, сенга нима бўлди! Оҳ!..

(Командорнинг ҳайкали киради, Дона Анна  
ерга йиқилади)

Ҳ а й к а л

Мана, келдим.

Д о н Г у а н

Эвоҳ, танграм! Дона Анна!

Ҳ а й к а л

Уни тинч қолдир,  
Бас, вассалом. Дон Гуан, сен бунча титрайсан?

Д о н Г у а н

Менми? Асло. Чақирганман, кўрдим, хурсандман.

Ҳ а й к а л

Қўлингни бер.

Д о н Г у а н

Мана қўлим... Тош панжаларнинг  
Амбур каби сиқувидан омон йўқ, эвоҳ!  
Менга тегма, қўйиб юбор менинг қўлимни,  
Мен ўламан — бари тамом — оҳ Дона Анна!

(Иккови ағдарилиб тушади)





# СУВ ПАРИСИ







## ДНЕПР ҚИРҒОҒИ. ТЕГИРМОН.

ТЕГИРМОНЧИ ва унинг ҚИЗИ

### Тегирмончи

Шундай, шундай сизлар, навжувон қизлар,  
Ҳаммангиз — ҳаммангиз аҳмоқсиз. Ахир,  
Модомиқи, тузук, бадавлат одам  
Кўнгил қўяр экан, сиз этагидан  
Маҳкам тутинг; қайси йўллар бланми?  
Ақл блан, одоб блан албатта,  
Ба'зан қаттиқ туриб, ба'зан эркалаб,  
Уни йўлга солмоқ даркор. Ва ба'зан  
Тўйдан ҳам гап очиб қўймоқлик лозим.  
Лекин, энг муҳими — номусингизни,  
Бебаҳо гавҳарни сақланг беғубор.  
Номус деган нарса — бу бир калима,  
Оғиздан чиқдими, қайтиб кирмайди.  
Агар тўйга сра умид бўлмаса,  
Бирон ўлжа, ёки қариндошларга  
Ғанимат иложин қилмоқлик зарур.  
Уйлаш керак: «Мени мангу севиб у,  
Эркалатиб юрабермас-ку» асло!  
Сиздан ҳам тузукроқ ўй чиқармикан?  
Йўқ. Дарҳол идрокни йўқотасизу,  
Унинг барча истак — хоҳишларини  
Текин ижро қилиш сизга гўё бахт.  
Барингиз узун кун сеvimли дўстнинг  
Бўйнига чирмашиб ётмоққа ҳозир.  
Лекин, қарабсизки, сеvimли дўстдан

Асар ҳам қолмапти, оти ўчипти,  
Сиз бўлса сўппайиб, ҳечбир нарчасиз  
Қолаберибсизлар, эҳ, эси пастлар!  
Сенга юз марталаб айтмаб эдимми:  
Қизим, ахмоқ бўлма, кўзингга қара,  
Бой бериб қўймагин яна бахтингни;  
Қўлдан чиқармагин бек йигитни ҳеч;  
Ҳалок бўлма яна беҳуда. Мана —  
Айтганим келдими?.. Энди ўтиргин  
Қайтариб бўлмасни ёдингга олиб  
Зардоб ют, қон қусу, йиғла ҳамиша.

### Қ и з и

Сен нега, у мени ташлади, дейсан?

### Тегирмончи

Нега эмиш! Ахир, у тегирмонга  
Ҳафтада неча бор келиб кетарди?  
Тўғрими? Бир кун ҳам канда қилмасди,  
Ҳатто, икки бор ҳам келарди кунда.  
Сўнгра-чи, камнамо, жим бўлиб кетди,  
Тўққиз кун кўрмадик. Бунга не дейсан?

### Қ и з и

У жуда банд, ахир, озми ташвиши?  
Ўзинг биласан у, тегирмончимас.  
Унинг ишларини сув бажармайди.  
У доимо менга ўз ишларини  
Барча ишлардан ҳам оғирроқ, дейди.

### Тегирмончи

Ишон унга! Ҳечқачон бек тойифаси  
Ишлармиди, нима ҳам қилар эди?  
Ов қилар, доимо ишрат суради,  
Қўни-қўшнилари қилади хафа,  
Сиз шўрликни алдаб йўлдан уради,  
Ўзи ишлар эмиш; ачинарлик-а!  
Ҳали менинг учун сув ишлайдими? ..

Менда туни-куни тиним борми, хўш?  
Ҳали у ер чирик, бу ер тешилган,  
У ер шикаст еган, бу ер сизмоқда,  
Қизим, сенга гап бор эди бу ҳақда:  
Бекдан тегирмонни тузатиш учун  
Озроқ пул ололсанг, соз бўлар эди.

Қ и з и

Оҳ!

Тегирмончи

Нима бўлди?

Қ и з и

Бас, жим! От дукуллади...

У, келди у!

Тегирмончи

Қизим, эҳтиёт бўлгин.

Айтганимни эсдан чиқазиб қўйма...

Қ и з и

Ана келди, ана!

*(Князь киради. Жиловдор унинг отини олиб чиқади).*

К н я з ь

Салом, азизим!

Омонмисан, ота!

Тегирмончи

Марҳаматли бек,

Буюргайсан. Қўпдан бери биз сенинг

Нурли кўзларингга интизор эдик.

Энди сени меҳмон қилай ҳурматлим!

*(Кетади)*

Қ и з

Оҳ, ниҳоят мени эсга олибсан!

Шунчалар йўлингга интизор этиб

Эзиб, қийнашликка уялмадингми?

Нималар келмади менинг бошимга?

Не-не ваҳималар босмади мени?  
Балки, оти уни ботқоққа, ёки  
Учурымга отиб, ташлаб кетгандир,  
Балки, айиқ енгган қалин ўрмонда,  
Балки, у хастадир, тўшакда, балки,  
Мени севганидан тамом пушаймон...  
Бутун нарса кириб чиқди бошимга.  
Ахир кўрдим. Шукур! Сен соғ ва омон;  
Мени аввалгича севасан. Жоним,  
Шундай эмасми?

Князь

Шундай, фариштам, шундай,  
Йўқ, ундан ортиқроқ...

Қиз

Броқ кўп ғамгин  
Кўринасан, нега?

Князь

Мен ғамгинманми?  
Шундай туюлгандир сенга, эҳтимол,  
Сени кўрарканман доим шодман.

Қиз

Йўқ.

Шод экан чоғингда узоқдан менга  
Учиб келиб, дарҳол: дилбарим қайда,  
Не этар? — дер эдинг ва толпинардинг.  
Сўнг ўпар; кайфинг не? Мени шу қадар  
Эрта кутганмидинг? — дея сўроқлар;  
Энди бўлса, ма'юс, тинглайсан жимжит,  
Қучмайсан, ўпмайсан ҳам кўзларимдан?  
Ҳушинг жойидамас, не бўлди сенга?  
Ёки мендан араз қилиб қолдингми?

Князь

Риёкорлик қилиб турмоқ бежуда;  
Рост гапирдинг, қайғу ётар дилимда:

Сен уни эркалаш, севишлар блан  
Тарқатолмас, енгил этаолмассан,  
Сен бўлаолмассан ҳатто қайғудош.

### Қ и з

Бўлолмаслик сенинг қайғингга йўлдош  
Оғир менга, оғир, асрорингни оч!  
Амр этсанг — йиғларман, рози бўлмасанг  
Сени койитмасман кўздан тўкиб ёш.

### К н я з ь

Нега гапни чўзмак? Ахир бу савдо  
Қанчалик тез битса, шунча яхши-ку:  
Азиз дўстим, фоний дун'ёда сра  
Мустаҳкам ва пухта ҳечнима йўқдир,  
На аслзодалик, на ҳусн, на давлат;  
Ҳеч кимса балони барҳам беролмас.  
Шундаймасми, мана биз ҳам, азизим!  
Биз бахтиёр эдик, айниқса мен-чи;  
Сенинг севгинг блан бахтиёр эдим;  
Бошимга ҳарқандай савдо тушса ҳам,  
Ҳаржойда бўлсам ҳам, қимматли дўстим,  
Асло чиқармасман сени эсимдан.  
Башарти бир нарса йўқатсам, унинг  
Ўрнини дун'ёда ҳечнарсга босмас.

### Қ и з

Нима деганингни англаганим йўқ,  
Ва лекин, бир қўрқув босмоқда ёмон.  
Тақдирда хатарнок бало бор чоғи;  
Эҳтимол, кутади айрилиқ.

### К н я з ь

Топдинг.

Тақдирда айрилиқ ёзилган экан.

### Қ и з

Қим ажратар экан? Нима, мен сенинг

Изингдан боришга ожизмиканман?  
Худди ўғил бола янглиғ кийиниб,  
Орқангдан кетарман ва доим сенга  
Хизматда бўларман сафарда, жангда;  
Урушдан қўрқмайман.— Сени кўрсам, бас.  
Йўқ, йўқ ишонмайман! Эҳтимол, мени  
Синамоқчидирсан ва ёки бирор  
Беҳуда бир ҳазил ма'қул тушгандир.

### К н я з ь

Йўқ, букун дилимга ҳазил сиғмайди.  
Сени синашга ҳам йўқ эҳтиёжим;  
Узоқ сафарни ҳам кўзлаганим йўқ;  
Урушга ҳам эмас, уйда қоламан.  
Лекин видо'лашмоқ керак мангулик.

### Қ и з

Тўхта, тўхта тўлиқ англадим энди...  
Уйланаётирсан.

*(Князь жим)*

Уйланмоқчисан!

### К н я з ь

Нима ҳам чора бор? Ўзинг ўйлаб кўр,  
Беклар қизлар каби эркин эмаслар?  
Улар уйланмаслар севиб юракдан!  
Ўзга риояси ва бировларнинг  
Фойдасини кўзлаб ёр оладилар.  
Қайғингни тарқатар тангри ва замон;  
Мени унутмагин, бу рўмолни ол,  
Ўзим ўраб қўяй, кел бери, жоним!  
Мана бу марварид ҳам сенга эди.  
Бу ҳад'я отангга. Унга бер.

*(Олтин солинган ҳам'ённи қизга беради)*

Хайр.

### Қ и з

Тўхта, тўхта; сенга гапим бор эди,

Ҳаҳ, нима эди?

Князь

Эсла.

Қиз

Мен тамом

Сен учун тайёр... Йўқ, у эмас... Тўхта —  
Мумкин эмас ахир, ҳамишаликка  
Мени ташласангу... Ҳамон у эмас...  
Ҳа... Бундай ҳа, менинг қалбим тагида  
Букун сенинг болаиғ қимираб қолди.

Князь

Бечора! Не этмоқ керак, не чора?  
Ақалли гўдак-чун ўзингни асра.  
Болаиғни, ҳам сени ташламасан ҳеч.  
Сизларни кўргали, эҳтимол, ўзим  
Келиб ҳам турарман. Уртанма, юпан,  
Энг сўнги мартаба қучоқлайин, кел!

(Кетатуриб)

Уҳ! Битди — кўнглим тинолгандай бўлди.  
Мен бўронни кутган эдим, лекин иш  
Жуда силлиқ, жуда енгил тугади.

(Кетади. Қиз қотиб қолади)

Тегирмончи

Қани тегирмонга кирсалармикан...  
У, қайда у? Қизим, бек қани? Сўйла!  
Бай, бай! Мунча гўзал экан бу рўмол!  
Марваридни қара! Бари асл тош!  
Кўзингни олади, ярқирайди-я!  
Шоҳона бир ҳад'я, бек саховаткор!  
Бу, нима бу? Ҳам'ён! Пул эмасмикан?  
Нега сен индамай, тек туриб қолдинг?  
Тилинг боғландими? Тўсатдан келган

Қутилмаган бахтдан эсинг оғдими?  
Ёки гаранг бўлиб қотиб қолдингми?

Қ и з и

Асло ишонмайман, бу мумкин эмас,  
Мен уни шунчалик қаттиқ севардим.  
У, ёки ҳайвонми? Ва ёки унинг  
Қўнгли қора?

Тегирмончи

Қимни айтаётирсан?

Қ и з и

Ота, айт-чи, уни мен хафа қилиб,  
Бездириб қўйдимми? Ёки чиройим  
Бир ҳафтада шунча хазон бўлдимми?  
Совутдилармикан? Йўлдан оздими?

Тегирмончи

Қизим, сенга нима бўлди? Сўйла тез!

Қ и з и .

Отажон, ҳов ана! — у, жўнаб кетди  
Ва мен овсар уни қўйиб юбордим.  
Нега этагидан маҳкам тутмадим?  
Нега осилмадим от юганига!  
Қошки тирсагимдан чолиб ташласа,  
Қошки-ди, шу ернинг ўзида мени  
Топтаса отининг туёқларида.

Тегирмончи

Алакляётирсан!

Қ и з и

Қараңг-а, ота,  
Беклар қизлар каби эркин эмасмиш.  
Ва улар ҳечқачон севиб юракдан



Уйланмас эмишлар...  
Ҳа, шундай эмиш.  
Лекин сени элгиб ўз саройимга  
Сирли ҳарамимга олиб кирарман,  
Бахмал, кимхобларга чирмаб ташларман  
Дея, ҳийла-найранг блан алдашда,—  
Ҳатто қасам ичиб, кўнгил овлашда ---  
Улар жуда эркин, доимо эркин;  
Сизғириб худди тун ярмида шўрли  
Қизларни турғизиш ва тонгга қадар  
Тегирмон кетида ўтқизмоқ учун  
Улар эркин. Бизнинг шўримиз блан  
Беклар ўз кўнглини доим юпатиб,  
Завқланишни жуда яхши кўради.  
Сўнгра, хайр, азизим, сенга катта йўл;  
Истаганингни сев.

Тегирмончи

Гап бундай дегин!?

Қизи

Айт-чи, ота, менинг кундошим кимдир?  
Топмайин қўймасман, у, бадқирдорни  
Ва унинг юзига шартта айтарман:  
Князьдан узоқлаш,— билмайсанмики,  
Икки она бўри бир ғорга сиғмас.

Тегирмончи

Жинни! Қайлиқ олар эса бекзода  
Ким унга тўсқинлик қилаоларди?  
Сенга айтмовдимми, ана...

Қизи

У худди

Яхши бир одамдай хайрлашолди;  
Ҳад'ялар ҳам берди — яна қандайин!..  
Пул берди. У товон тўламоқ бўлди!  
Миш-миш чиқмасин учун ша'нида  
Ва ёш хотинига етмасин учун,

У, менинг тилимни ёгламоқ бўлди.  
Ҳали, нима эди; унутибман,— ҳа,  
Яхши қараганинг учун сен унга,  
Қизингни у блан бирга қўйганинг,  
Қизни этмаганинг учун эҳтиёт...  
Мана бу ҳам'ённи сенга деб берди.  
Менинг ҳалокатим сенга қўл келди.

*(Ҳам'ённи унга беради)*

Тегирмончи *(кўзида ёш)*

Бошимга қандайин балолар тушди,  
Нималар эшитдим! Гуноҳ эмасми,  
Аччиқ та'наларни отмоқ отанга!  
Сен менинг бирдан-бир ёлғизим эдинг,  
Кекса ҳаётимнинг танҳо юпанчи,  
Қандай қилиб сени эрка этмайин?..  
Ёмон ўтаганим учун оталик —  
Бурчин, худо ўзи берди жазони.

Қиз

Нафасим бўғилди! Оҳ, шўрлик бошим!  
Бўйнимдан бўғади совуқ бир илон...  
Инжу эмас, илон блан у чирмаб  
Кетди.

*(Марваридни узади)*

Тегирмончи

Эсингни йиғ.

Қиз

Мен шундай қилиб,  
Ла'нати эй илон, сен эй кундошни  
Парча-парча қилиб ташлар эдимки...

Тегирмончи

Алақлаётирсан, менинг жон қизим!

Қ и з и (*рўмолини ечади*)

Мана менинг бадбахт тожим, ифлос тож!  
Бутун ардоқлаган, эҳтиётимдан,  
Бутун номусимдан кечган вақтимда,  
Маккор ёв шу блан қўшганди бизни.  
Биз айрилдик — энди чириб кет сен ҳам.

(*Рўмолини Днепрга ташлайди*)

Энди ҳамма битди...

(*Ўзини дар'ёга ташлайди*)

Ч о л (*йиғлар экан*)

Шўрлик толи', оҳ!

## КНЯЗЬ САРОЙИ

*Тўй. Қайлиқ-куёв стол атрофида ўтирадилар.*

МЕҲМОНЛАР. ҚИЗЛАР ХОРИ.

### С о в ч и

Ҳайҳай, жуда ажаб бир тўй қилдик-да.  
Салом эй бек, энди қайлиқ муборак!  
Худо, сизга иноқ, сиз турмуш берсин,  
Бизга сизнинг соянгизда айш-сафо.  
Гўзал қизлар, нега жимиб қолдингиз?  
Товушингиз нега тинди оққушлар?  
Ё қўшиқлар одош бўлиб қолдимиз?  
Ё қўшиқдан қуридимиз ҳалқумлар?

### Х о р

Совчи гапни пайқаб ол,  
Эй совчи, анқов совчи!  
Қайлиққа борар эдик,  
Полизга кириб қолдик,  
Бочка пиво тўкилди.  
Капусталар ҳўл бўлди.  
Четанларга қоқиндиқ,  
Устунларга топиндик.  
Устунчаю — устунча,  
Тез бўл, ўтмасин фурсат,  
Қайлиққа йўлни кўрсат.  
Совчи, совчи, ҳой совчи,  
Ҳам'ёнчага қўлни сол,  
Пул шилдираб туради,  
Қизлар кўнглин олади.

## С о в ч и

Қўшиқни хўп топдинглар, мазоқчилар!  
Манг, олинглар, совчини қарғаманглар.

*(Қизларга пул беради)*

## Б и р т о в у ш

Майда тош ва сариғ қумлар устидан  
Чопиб ўтди равон ва шошқин дар'ё,  
Икки балиқ ўйнар шошқин дар'ёда  
Икки балиқ, кичик иккита човоқ.  
Эшитдингми, балиқ — сингил сен буқун  
Дар'ёмизда ажаб бир иш бўлганмиш?  
Оқшом гўзал бир қиз дар'ёга ўзин  
Ташлаб, севганини қарғишлаганмиш.

## С о в ч и

Ойим қизлар қандай қўшиқ бўлди бу?  
У тўйда айтилмас эди шекиллик?  
Уни ким бошлади, ким?

## Қ и з л а р

Йўқ, мен эмас...  
Мен эмас... Биз эмас... Биз бошламадик...

## С о в ч и

Ахир уни айтган ким?  
*(Қизлар орасида саросималик пичир-пичир гап)*

## К н я з ь

Мен биламан.  
*(Ўрнидан туради. Жиловдорга секин гапиради)*

У яширин бунда кириб олипти.  
Дарҳол уни чиқар; киргизган одам  
Ким экан; билиб ол!

*(Жиловдор қизлар олдига келади.)*

Князь (*ўтиради. Уз-ўзига*)

Ушанинг ўзи,  
Шов-шув кўтариши аниқ бу ерда,  
Уятга кўмилиб, шарманда бўлиб,  
Қочишга жой бўлмас менга.

Ж и л о в д о р

Топмадим.

Князь

Ахтар. Мен биламан... Шунда... Қўшиқни  
Уша айтди.

М е ҳ м о н

Ҳай-ҳай хўп асал бўпти!  
Тилингни кесади, фақат аччиқроқ  
Ширинроқ қилганда яхши бўларди.

*(Қиз-куёв ўпишадилар. Заиф бир фар'ёд эшитилади)*

Князь

Уша! Ана унинг рашкли товуши.

*(Жиловдорга)*

Хўш?

Ж и л о в д о р

Уни ҳеч ердан топмадим.

Князь

Аҳмоқ!

Т ў й б о ш и (*ўрнидан туриб*)

Фурсат бўлмадими, бегим хонимни  
Қуёвга топшириб, қовушганларнинг  
Бошларига хмель сочсак, не дейсиз?

*(Барча ўринларидан қўзғалди)*

С о в ч и х о т и н

Албатта, албатта, хўроз тортилсин!

*(Қайлиқ-куёвга пиширилган хўроз тортилади ва бошларидан хмель сочиб, сўнг ётоқхонага олиб кирадилар)*

С о в ч и х о т и н

Бегим хоним, сра қўрқма, йиғлама,  
Мўмин қовул бўлгин.

*(Қайлиқ-куёв ётоққа кетадилар. Совчи хотин за тўйбошидан бошқа барча меҳмонлар тарқайдилар)*

Т ў й б о ш и

Қадаҳ қайда? Мен

Дарча орқасида бутун тун бўйи  
Югириб чиқаман. Ичганим тузук!

С о в ч и х о т и н

*(Унга май қуйиб беради)*

Қўтар омонликка, ол;

Т ў й б о ш и

Уҳ! Ташаккур.

Ҳамма нарса омон-саранжом топди  
Тўй ҳам яхши ўтди, шундайми?

С о в ч и х о т и н

Шукур.

Ҳаммаси соз, фақат бир гап кўнгилни  
Жуда хижил қилиб қўйди.

Т ў й б о ш и

Нима у?

С о в ч и х о т и н

Худойим билади, аллама бало,  
Тўйда айтмайдиган қўшиқ айтилди.

## Тўй боши

Бу қизлар бор ерда бир гап чиқмасдан  
Сра мумкин эмас! Ахир бегимиз —  
Тўйини булғатиш осон ишмикан?  
Хўш, энди бўлмаса, мен ҳам жўнайин  
Хайр энди, қудача.

*(Кетади)*

## Совчи хотин

Дил нотинч! Тўйини  
Бехосият кунда қилдик шекилли.



## КНЯЗЬ ХОТИНИНИНГ ХОНАСИ

БЕКАЧ ва ОҚСОЧ ХОТИН

### Б е к а ч

Табл чалдилар, жим! Йўқ, у келмапти.  
Она жон, у яхши куёв эди, оҳ!  
Олдимдан бир қадам нари кетмасди,  
Кўзини кўзимдан олмасди асло,  
Уйланди-ю иш ҳам айниди тамом.  
Ҳозир мени саҳар чоғи уйғотиб,  
Отни эгалла деб буйруқ қилади;  
Худо билсин, қайда кезар то кеч тун?  
Қайтади-ю, жиндак ширин сўз айтиб,  
Эркалайди, силаб юзимни, гўё  
Овутган бўлади; шугина, холос.

### О қ с о ч

Хоним бекам, эркак деган бир хўроз:  
Қўқу-қўқу! Ёзди қанот ва парвоз.  
Хотин бўлса, худди-худди курк товуқ:  
Тухум бос-да, ўтир, ўтир жўжа оч.  
Куёв экан зерикмайди сенла ўтириб,  
Ичмайди, емайди қараб тўймайди;  
Уйландими — ташвиш — иш кўпаяди;  
Ҳали, қўшнисига кириб чиқмоқчи,  
Ҳали лочин блан овга кетмоқчи,  
Қарабсан, урушга жўнаб қолмоқчи,  
Иш қилиб у сра уйда турмайди.

Б е к а ч

Ё бирор ма'шуқа топдими экан?  
Не дейсан?

О қ с о ч

Гапирма, ботма гуноҳга;  
У кимни сендан афзал кўраркан?  
Сенинг қўлинг блан: сендаги чирой,  
Одоб, ақл. Ўзинг, ахир, ўйлаб кўр;  
У сендай гавҳарни тополармиди?

Б е к а ч

Тангри эшитганда тоатларимни  
Бола ато қилар эди ва унда  
Қайтадан иситиб олардим уни.  
О! Ҳовли овчилар блан тўлипти,  
Эрим уйга қайтди. Кўринмайди-ку?

*(Овчи киради)*

Бек қани, қаёқда?

О в ч и

Бек-ми, бизларни  
Қайтишга буюрди.

Б е к а ч

Ўзи қаерда?

О в ч и

Днепр бўйида ўрмонда қолди.

Б е к а ч

Сиз ҳам якка, танҳо қолдириб уни  
Келавердингизми? Ҳай, эсиз, эсиз?  
Сиздай хизматчига қолган кунга хайф!  
Дарҳол кетга қайтинг, югуринг дарҳол.  
Бизни сизга хоним юборди денглар.

(*Овчи кетади*)

Эй, тангрим! Ўрмонда, қора кечада,  
Ёввойи ҳайвон ҳам ёвуз инсон ҳам,  
Жину-алвастилар санқиб юради;  
Яна бирон бало бўлмаса эди.  
Тез, бут олдига шам ёқиб қўйгин, тез!

О қ с о ч

Ҳозир, ҳозир, чироғим, ҳозир...

## ДНЕПР. ТУН.

С у в п а р и л а р и

Уйнаб, кулиб яшаймиз,  
Дар'ё ости бизга жой;  
Тунда сузиб чиқамиз,  
Иситади бизни ой!

Дар'ё остини тунда  
Севамиз тарк этишни,  
Очиқ бош блан бунда  
Сув кўксини кесишни.

Бир-бировни чақириб,  
Жаранглатсак ҳавони,  
Кўк ва нам сочлар қуриб,  
Силкинса кирса жони.

Б и р и

Тис! Бутоқлар тагида  
Пусунмоқда бир қора:

Б о ш қ а б и р и

Ерда юради биров,  
Ой блан бизлар ора.

(Яширинадилар)

## Князь

Қайғулар қуршаган ошино ерлар!  
Бұларнинг ҳаммаси менга танишдир;  
Мана ўша эски таниш тегирмон!  
Ишдан чиқиб тамом бўлибди вайрон;  
Паррақларда энди шовқин тинипти.  
Тоши ҳам айланмай тўхтаб қолипти.  
Қизининг дардига чидайолмасдан  
Эҳтимол, бечора чол ҳам ўлгандир.  
Елғиз сўқмоқ йўл бор эди, битипти,  
Энди ҳечким ортиқ бу ерга келмас.  
Наҳотки, манови қалин чакалак  
Ўша четан қўра — кичик боғ экан?  
Мана у муқаддас эман оғочи,  
У ана шу ерда мени қучоқлаб  
Бошларини эгиб жим қолган эди.  
Мумкинмидир?..

*(Дарахтларга яқин келади, хазон тўкилади)*

Нима ҳол бу? Япроқлар  
Бирдан хазон бўлиб менинг бошимга  
Кул каби соврилди ва эман эса,  
Ла'нат дарахтидай яланғоч, қора,  
Туриб қолди менинг қаршимда...  
*(Чол киради. Жулдур кийимда, ярим яланғоч)*

Чол

Салом.

Салом, куёв!

Князь

Кимсан?

Чол

Шу ерлик қузғун.

Князь

Мумкинми? Бу ахир тегирмончи-ку.

Ч о л

Нима тегирмончи? Аллақачонлар,  
Тегирмонни ўтроқ жинларга сотдим  
Ва пулларни асраш учун сихрли  
У пари қизимга топшириб қўйдим.  
У пуллар дар'ёнинг қумликларига  
Қўмилиб қўйилган, шунда ётади,  
Ва уни биркўзлик балиқ асрайди.

К н я з ь

Ақлдан озипти бечора. Ўйи —  
Бўрон сўнгидаги булутдай тарқоқ.

Ч о л

Утган оқшом нега бизга келмадинг?  
Базмимиз бор эди, кўп кутдик сени.

К н я з ь

Мени ким кутди?

Ч о л

Ким? Шубҳасиз қизим!  
Мен барча нарсага лоқайд қарайман.  
Қизим туни блан, азонга қадар  
Сен блан ўтириб қолса ҳам, унга  
Эрк бергум, ҳечқачон ҳеч сўз демайман.

К н я з ь

Шўрлик тегирмончи.

Ч о л

Нима тегирмончи менинг! Мен қузгун,  
Ахир, тегирмончи эмас, дедим-ку!  
Ажойиб ҳодиса: (эсингда борми?)  
Ўзини дар'ёга ташлаганда у,  
Мен изма-из чопиб бордим, чўққидан  
Сакрар бўлганимда, ноҳас, қўлтиғим  
Остидан ёзилиб икки зўр қанот

Ушлаб қолди мени ҳавода. Шундан  
Бери ҳали унда ва ҳали бунда  
Учаман. Ва ҳаром ўлган молларни  
Чўқийман ва ба'зан мазорга қўниб  
Тинмай қағирлайман.

Князь

Нақадар аянч!

Ким қўриқлар сени?

Чол

Мени қўримоқ

Ёмон бўлмас; қариб қолдим ҳам тентак,  
Мени қўриқлайди, шукур, бир қизча —  
Сув қизи.

Князь

Ким дединг?

Чол

Менинг набирам!

Князь

Унинг сўзин англаш ҳеч мумкин эмас.  
Чол, бунда сен очдан ўлиб кетарсан,  
Ё ўрмоқда бирор ҳайвон ем қилар,  
Саройимга олиб кетай, қани, юр?  
Мен блан яшарсан. Хўш нима дединг?

Чол

Сенинг саройингга? Бормайман! Раҳмат!  
Тузоққа соларсан ва балки сўнгра  
Марваридлар блан бўғарсан тагин.  
Бу ерда мен ҳаёт, эркинман ва тўқ.  
Сенинг саройингни истамайман, қўй!

(Кетади)

## К н я з ь

Бунинг ҳам гуноҳи менинг бўйнимда!  
Ақлдан ажралиш нақадар мудҳиш!  
Бундан ўлган яхши; ўлиқларни биз  
Доим ҳурматлаймиз, дуо қиламиз  
У блан ҳаркимни ўлим тенглайди.  
Лекин эсдан озган ҳарқандай киши  
Одамликдан чиқиб қолади, шаксиз.  
Тилнинг берилгани унга беҳуда,  
Не деганин билмас ва ҳайвон уни  
Ўзига оғайни дея танийди;  
У ҳаммага мазах, ҳаммага эрмак,  
Бунинг чун тангри ҳам жазо бермайди.  
Бояқиш чол! Унинг қизғонч чеҳраси  
Пушаймон ўтига ташлади мени.

## О в ч и

Ана у, ниҳоят тополдик уни!

## К н я з ь

Хўш, ўзи нима гап?

## О в ч и

Бекач юборди.

У сендан хавотир.

## К н я з ь

Меҳрибонлигин

Ҳазм қилолмайман! Мен гўдакмидим,  
Асло мураббисиз жилаолмасам?

*(Кетади. Дар'ё юзида сув парилари пайдо бўлади)*

С у в п а р и л а р и

Хой, сингиллар, уларни

Қувалаб етсакмикан?

Шовқинлаб отларини

Боплаб ҳуркитсакмикан?

Кеч. Тўқайлар қорайди;

Совинди дар'ё теги.



Хўрозлар қичқиришди,  
Ой ҳам инига инди.

Б и р и

Бироз турайлик, опа.

Б о ш қ а б и р и

Йўқ; бўлди, бўлди, бас, бас,  
Хонбека бўлар хафа,  
Мунтазир, омон бермас.

. (Яширинадилар)

## ДНЕПР ОСТИ.

СУВ ПАРИЛАРИНИНГ САРОҒИ

*Сув парилари маликалари олдида йигилишиб ўтирадилар.*

### Бош пара

Урчуқни ташланглар энди, сингиллар.  
Қуёш ботди, ой ярқирар самода.  
Сув юзига ўйнагали чиқинглар.  
Ҳечкимсага букун озор берманглар:  
Йўловчини асло ўчактирмангиз,  
Ут, лой блан сув лойқатиб сиз яна  
Балиқчилар тўрин оғир этмангиз.  
Балиқлардан эртак айтиб сув сари  
Болаларни асло бошлай кўрмангиз...

*(Кичкина сув париси киради)*

Қайда эдинг?

### Қ и з и

Чиқиб эдим қирғоққа,  
Бобомнинг олдига. У қачонлардир  
Дар'ёга, биз томон сочиб юборган  
Пулни йиғиб бер деб, ҳамон қистайди.  
Жуда кўп аҳтардим; аммо пул нима —  
Ўзим ҳам билмайман ва лекин унга  
Дар'ёнинг тагидан бир ҳовуч асл  
Чиғаноқ тошлардан чиқариб бердим.  
У жуда шод бўлди.

## Сув париси

Телба қурумсоқ!

Сенга сўянаман энди, жон қизим,  
Бу кун қирғоқларга биров келади,  
Қутиб тур, қаршила; қизим пешвоз бўл.  
У бизга яқиндир. У одам сенинг  
Отанг, қизим.

## Қизи

Билдим, ҳов сендан кечиб  
Ўзга хотин блан бўлиб кетганми?

## Сув париси

Ўша. Уни маҳкам қучиб эркала.  
Туғилганинг ҳақда мендан билганинг,  
Эшитганларингни ҳаммасини айт;  
Меним тўғримда ҳам унга сўзлаб бер.  
Онаниг унутганми, дея сўраса,  
Айт: ҳамон ёдимда, ҳамон севаман.  
Ҳамон кўз тутаман, қизим, уқдингми?

## Қизи

Оҳ, уқдим.

## Сув париси

Бор, жўна.

## (Елғиз)

Мен ҳушдан кетиб  
Таҳқирланган, ма'юс ҳолда ўзимни  
Днепрга ташлаб, сувнинг остида  
Қудратли, совуқ қон, сув қизи бўлиб  
Кўз очдим ва шундан бери доимо  
Интиқом йўлини ўйлайман, букун  
Интиқом соати етган ўхшайди.

## ҚИРҒОҚ.

### К н я з ь

Мени бахтиёр ғойиб бир қудрат  
Ҳазин қирғоқларга ҳадеб тортади.  
Мозини эслатар бу манзаралар:  
Эркин ёшлигимнинг севимли, лекин  
Аччиқ қиссасини хотирга солар.  
Бир замонлар қайноқ, озод муҳаббат  
Қаршимга чиқарди шу ерда пешвоз;  
Бахтли-дим. Мен тентак! Шу қадар осон  
Ўзимнинг бахтимдан ўзим кечдим воз.  
Кечаги учрашув менинг кўнглимда  
Ғамгин орзуларни қўзғатиб қўйди.  
У нақадар мудҳиш! Бечора падар!  
Агар букун уни учратсам бунда,  
Ўрмонни бутунлай ташлаб кетишга  
Унатиб қарарман, у, балки, кўнар,  
Бизникига кўчар...

*(Кичик сув қизи қирғоққа чиқади)*

Тушимми, ўнггим?!  
Қайдан пайдо бўлдинг, севимли фарзанд?



РИЦАРЬЛАР ЗАМОНИДАН  
КЎРИНИШЛАР





### М а р т и н

Менга қара, Франц, ота сифатида сенга охирги марта айтаётибман: сенинг қилгуликларингга кўп вақт чидаб келдим; лекин буёғига чидаш ниятим йўқ. Одам бўл, акс ҳолда ишинг ёмон бўлади.

### Ф р а н ц

Кечир, ота, нима гуноҳим борки, мендан хафа бўласан. Назаримда, ҳеч нарса қилаётганим йўқ-ку.

### М а р т и н

Ҳеч нарса қилаётганим йўқ дейди-я! Уша ҳеч нарса қилмаётганинг ёмон-да. Сен ялқов текин нонни еб, умрни зойи' ўтказаётибсан. Нимага ишонасан? Менинг давлатимгами? Мен бу давлатни бекордан-бекор ўтириб; тутуруқсиз қўшиқлар тўқиб топдимми? Раҳматлик отам ёшим ўн тўртга етар-етмай қўлимга икки крейцерни тутқазиб, орқасидан икки тепкини берди. Бор энди, Мартин, ўз нонингни ўзинг топиб е, елкамдаги ташвиш сенсиз ҳам менга етиб ортади,— деди. Шундан бери биз дийдор кўришганимиз йўқ. Худога шукур, мен уйли-жойли ҳам бўлдим, пул ҳам топдим, яхши ном ҳам ортдирдим,— буларнинг ҳаммаси нимадан? Пишиқ-пухталиқдан, сабр-тоқатдан, меҳнатсеварликдан. Мана ёшим эллиқдан ошиб қолди, энди мен ҳисоб-китобларни ҳам, бутун уй-жойни ҳам сенинг их-

тиёрингга топшириб, ўзим дам олсам арзийди. Лекин бу хусусда ҳатто ўйлаб кўришим мумкинми? Сенга ишониб бўладими? Сенинг фикру-зикринг — молимизни қарз олиб, ўзимиздан хазар қилучи жаноблар блан сайр-тамоша ва ўйин-кулги қилиш. Мен сени биламан, сен ўз насл-насабингдан ор қиласан. Лекин гапимга қулоқ сол, Франц, агар сен бу йўлдан қайтмасанг, дворянлардан алоқани ўзиб, ишга одамдек киришмасанг,— худо қози,— сени уйдан ҳайдайман, молу-мулкимга ворис қилиб, шогирдим Карл Герцни тайинлайман.

Франц

Ихтиёр ўзингда, ота, билганингни қил.

Мартин

Бўладиган гап шу; кўзингни оч...

*(Бертольд оға кириб келади.)*

Мартин

Мана, тентакнинг иккинчиси ҳам етиб келди. Нима ишинг бор?

Бертольд

Салом, қўшни. Олдинга бир ҳожат блан келиб эдим.

Мартин

Ҳожат! Яна пулдир?

Бертольд

Ҳа... Менга юз эллик гульден қарз бериб турмайсанми?

Мартин

Қарз эмиш, пулни мен қаердан топай? Мен хазина эмасман-ку.

Бертольд

Бир қўллаб юбор — хасислик қилма. Биласанку, бу пуллар бекор кетмайди. Сенга фойда келтирмай қолмайди.



М а р т и н

Бекор кетмаяптими? Мен сенга озгина пул бердимми? Улар бари қаёққа кетди?

Б е р т о л ь д

Уринсиз кетгани йўқ; лекин ҳозир сендан охирги марта сўраб турибман.

М а р т и н

Бу охирги марта деган гапни мен сендан биринчи марта эштаётганим йўқ.

Б е р т о л ь д

Гапинг тўғри. Сўнги тажрибамнинг муваффақиятсиз чиқишига арзимаган нарса сабаб бўлди — энди мен ҳаммасини тўғрилаб ҳисоблаб чиқдим, тажрибамдан бирор натижа чиқмаслиги мумкин эмас.

М а р т и н

Эҳ, Бертольд ота! Агар сен қўлингга тушган пулларни алхимия оловида ёндирмаганинда, бой бўлиб кетар эдинг. Менга хазиналар ваъда қиласан-у, ўзинг бўлсанг олдимга садақа тилаб келасан. Бунда нима сир бор?

Б е р т о л ь д

Менга олтин керак эмас, мен бир ҳақиқатни излаётиман.

М а р т и н

Менга ҳақиқатингнинг кераги йўқ, жин чалсин уни. Менга олтин керак.

Б е р т о л ь д

Бундан чиқди, менга ҳали ҳам ишонмас экансан-да!

М а р т и н

Ишонмайман ҳам, ишонишни истамайман ҳам.

Бертольд

Хўп бўлмаса хайр, қўшни.

Мартин

Хайр.

Бертольд

Барон Раульнинг олдига бораман, балки, у менга пул берар.

Мартин

Барон Рауль? Пулни у қаёқдан олади. Вассаллари хонавайрон бўлиб ётибди. Худога шукурки, ҳозир йўл тўсиб пул топиш у қадар осон эмас.

Бертольд

Унда пул бўлади. Чунки герцогникида бўладиган турнирга барон ҳам жўнамоқчи. Хайр.

Мартин

У пул беради, деб ўйлайсанми?

Бертольд

Балки, берар ҳам.

Мартин

Бу пулни сен сўнгги тажрибага сарфлайсан, шундайми?

Бертольд

Албатта.

Мартин

Агар тажрибадан иш чиқмаса-чи?

Бертольд

Унда иложим йўқ. Агар бу тажрибадан ҳам иш чиқмайдиган бўлса, унда алхимиянинг бутунлай пуч нарса бўлгани.

М а р т и н

Мабодо, иш чиқиб қолса-чи?

Б е р т о л ь д

Унда... мен сендан қарз олган пулларимни ошиғи блан қайтариб, ташаккур айтаман-да, барон Раульни улуғ бир сирдан воқиф қиламан.

М а р т и н

Нега энди баронни, мени эмас?

Б е р т о л ь д

Ундай бўлганда, ўзим ҳам хурсанд бўлар эдим-а, лекин иложим йўқ: кимки агар сўнги ва ҳал қилучи тажрибамда менга ёрдам кўрсатса, сиримни ўшанга очаман деб, Биби Марьям онага ва'да берганман.

М а р т и н

Эҳ, Бертольд ота, ўзингни хонавайрон қилиб нима қиласан. Қаёққа борасан, тўхта! Хўп ана, сен айтгандай ҳам бўлақолсин. Бу гал ҳам қарз бераман. Худо ёринг бўлсин. Лекин ва'да берганингдан кейин устидан чиқ. Бу тажриба — охири ва ҳал қилучи тажриба бўлсин.

Б е р т о л ь д

Қўрқма. Бошқа қарзнинг ҳожати ҳам қолмайди...

М а р т и н

Ҳозир олиб чиқаман, сен шу ерда кутиб тур. Дарвоқи' қанча керак дединг?

Б е р т о л ь д

Юз эллик гульден.

М а р т и н

Юз эллик гульден... Ё танграм! Яна олғов-долғов бир вақтда!

БЕРТОЛЬД ВА ФРАНЦ

Бертольд

Салом Франц, нега ўйланиб ўтирибсан?

Франц

Мен ўйланмай ким ўйлансин? Ҳозир отам сени уйдан ҳайдайман, меросдан маҳрум қиламан деб, таҳдид қилди.

Бертольд

Нима учун?

Франц

Рицарьлар блан ошначилик қилганим учун.

Бертольд

Уни ҳақ деб ҳам бўлмайди, ноҳақ деб ҳам.

Франц

Наҳот мешчанин, дворянин блан бир ҳаводан нафас олишга муносиб эмас? Наҳот, биз ҳаммамиз Одам отадан тарқалган эмасмиз?

Бертольд

Ҳақ гап, ҳақ. Аммо бунга қулоқ сол, Франц, бу эски замонларда бўлиб ўтган гап: Каин блан Авель ҳам бир-бири блан ака-ука эди, лекин Каин Авель блан бир ҳаводан нафас ололмади — улар худо қошида ҳам тенг эмас эдилар. Биз биринчи онладаёқ тенгсизлик ва ғайирликни кўрамиз.

Франц

Мен ўз насл-насабимни ёмон кўрганим учун гуноҳ-корманми? Номусни пулдан юқорироқ қўйишим айбми?

Бертольд

Ҳарқандай насл-насабнинг ўз номуси, ўз афзаллиги бор. Дворянин жанг қилади ва ўзига оро беради. Мешчанин меҳнат қилиб давлат ортдиради, дворянин ўз қасрида, савдогар эса ўз дўконида ҳурматли...

*(Мартин кириб келади.)*

М а р т и н

Мана сенга юз эллик гульден — шуни билки, сени охирги марта хурсанд қилаётибман.

Б е р т о л ь д

Раҳмат. Кўп раҳмат, мана кўрасан, пушаймон бўлмайсан.

М а р т и н

Тўхта. Бордию тажрибангдан натижа чиқиб, олтининг ҳам кўпайди, донфинг ҳам чиқди — унда шукур қилиб, ҳаловатда тинчгина яшайсанми?

Б е р т о л ь д

Яна бир нарса устида текшириш бошлайман: назаримда *perpetuum mobile*ни кашф қилиш воситаси бор.

М а р т и н

*Perpetuum mobile* дегани нимаси?

Б е р т о л ь д

*Perpetuum mobile* — мангу ҳаракат деган сўз. Агар мен мангу ҳаракатни топадиган бўлсам, унда одамзоднинг ижодига чексиз имкониятлар очилади... Биласанми меҳрибоним Мартин: олтин қилиш мароқли иш, бу кашфиёт жуда ғалати бўлади — лекин *perpetuum mobile*ни топиш... О!..

М а р т и н

Жўна, жўна — даф' бўл ўша *perpetuum mobile*нинг блан!.. худо ҳақи, сен ҳарқандай одамнинг тоқатини тоқ қиласан, Бертольд ота. Пулни ҳожат учун бер дейсан-у, оғзингдан чиқадиган гапнинг тайини йўқ. Шунақа ҳам тентак одам бўладими!

Б е р т о л ь д

Шунақа ҳам жиззаки одам бўладими!

*(Икки ёққа ажралишиб кетишади.)*

## Франц

Қуриб кетсин бизнинг насл-насаб!.. Отамда давлат кўп — лекин бу блан менинг нима ишим бор? Бисотида тиғи арра бўлиб кетган қилич блан занг босган шлёмдан бошқа ҳеч балоси бўлмаган дворянин ҳам менинг отамдан обрўлироқ, бахтлироқ. Менинг отам бошдан шляпасини олиб унга та'зим қилади, у бўлса назар-писанд ҳам қилмайди. Пул! Отам пулни юз машаққат блан топганлиги учун ҳам бутун куч шу пулда, деб ўйлайди.— Оласан-а — пул шу қадар кучли нарса экан, қани мени барон қасрига киритиб кўрчи, ота! Пул! Пулнинг рицарьга кераги йўқ. У мешчанларга керак. Уларнинг қорнини ёрса ғирч-ғирч червон чиқади... Жин урсин бизнинг насл-насабни!— Менга энг сўнгги министрел<sup>1</sup> бўлиш ҳам бундан афзалроқ — уни лоақал қасрда қабул қилишади... Хоним унинг қўшиқларини тинглайди — қадаҳни ўз қўли блан тўлатиб, унга тутади.

Савдогар дафтар-китобларини очиб мудом ҳисоб қилади — дуч келган харидор олдида букчайиб, уни аврайди: «Молнинг бориб тургани шу, тақсир, бундан арзонини тополмайсиз». — Ёлғон айтасан, жид. — «Тирноқдек ёлғони йўқ, сизга виждонан айтаётирман... Виждонан!».. Виждонни қара-ю! Рицарь бўлса-чи — у лочиндек эркин — у ҳечқачон ҳисоб-китоб устида букчайган эмас — у қаддини ростлаб, мағрур юради — унинг ҳарбир сўзига ҳамма ишонади...

Ахир шу ҳам ҳаётми? Жин урсин бу ҳаётни! — Яхшиси бориб министрел бўламан.

Дарвоқи' ҳалиги монах нима деди? \*\* да турнир бўлади ва барон ўшанга кетаяпти... оҳ, танграм! Клотильда ҳам ўша ерда бўлади. Ма'шуқалар ўз рицарьлари учун жон ҳовучлаб, атрофда давра қуришади — трубалар чалинади, олға герольдлар чиқишади, от минган рицарьлар ўз найзаларини гўзаллари ўтирган балконлар олдида эгиб, майдонни айланиб чиқадилар.. Яна трубалар чалинади — рицарьлар икки тарафга бўлиниб, бир-бирлари устига от қўйишади... ма'шуқа-

<sup>1</sup> Министрел — машшоқ.

лар оҳ тортишади... Ё тангри! Турнир майдонида чанг кўтариш менга ҳеч вақт nasib бўлмайди — Герольдлар менинг номимни, мен жирканч мешчаниннинг номини айтиб жар солишмайди, «Клотильда ҳечқачон оҳ тортмайди. . .

Пул! Бизда пул бўлишига қарамай, рицарьлар биздан қанчалик жирканишини у билса эди. . .

А л ь б е р

Ия, бу Франц-ку, сен кимга бақириб ётибсан?

Ф р а н ц

Оҳ, овозимни эшитибсиз-да... Мен ўз-ўзим блан гаплашаётган эдим.

А л ь б е р

Ўз-ўзинг блан нималарни гаплашаётиб эдинг?

Ф р а н ц

Қандай қилсам турнирга бораркинман, деб ўйлаётган эдим.

А л ь б е р

Сен турнирга бормоқчимисан?

Ф р а н ц

Албатта.

А л ь б е р

Бундан ҳам осон иш бўладими: менинг отбоқарим ўлиб қолди — ўшанинг ўрнига олсам нима дейсан?

Ф р а н ц

Нима! Яков бойқишингиз ўлдими? Нимадан ўлди?

А л ь б е р

Худо ҳаққи билмайман; жума куни соппа-соғ эди, кечаси мен алла-палла вақтда қайтиб келдим (Ремонникига меҳмонга бориб, яхшигина кайф қилиб эдим) — Яков менга нимадир деди... жаҳлим чиқиб кетиб уни бир туширдим — эсимда, юзига урдим — ким билади

балки, мушт чеккасига теккандир — дарвоқи' йўқ: аниқ юзига урдим — Яков ағдарилиб тушди-да — қайтиб ўрнидан турмади. Мен ечинмасдан ётдим — эртаси кун билсам Яков бойқишим ўлипти-қўйипти..

Франц

Вой, афтидан муштингиз оғир бўлса керак, рицарь.

Альбер

Қўлимда темир қўлқоп бор эди. Хўш, нима дейсан, менга отбоқар бўласанми?

Франц

(бошини қашийди).

Сизга отбоқар?

Альбер

Бошингни қашиб нима қиласан? Хўп деявер. Турнирга бирга олиб бораман, менинг қасримда яшайсан. Мендек рицарьга отбоқар бўлиш ҳазил гап эмас: ахир бу ҳам рутба, ким билади балки, бир вақт келиб сени рицарьликка қабул қилсак ҳам ажаб эмас — кўплар ишни шундай бошлаган.

Франц

Менинг отам нима деркин бунга?

Альбер

Унинг сен блан нима иши бор?

Франц

У мени меросдан маҳрум этади.

Альбер

Сен бунга тупур — ўзингга осон бўлади...

Франц

Мен сизнинг қасрингизда яшайманми?..



А л ь б е р

Албатта.— Хўш, розимисан?

Ф р а н ц

Менинг юзимга тарсаки тушириб турмайсизми, иш-қилиб?

А л ь б е р

Йўқ, йўқ қўрқма — мабодо, шундай бир гуноҳ қилиб қўйдинг ҳам дейлик — нима бўлипти, лекин барча отбоқарлар ҳам калтақдан ўлиб кетавермайди-ку.

Ф р а н ц

Бу ҳам ҳақ гап: агар шундай гуноҳ ўтадиган бўлса — кўрамиз қани, ким-кимни...

А л ь б е р

Нима? Нима деяпсан, гапингни тушунмадим.

Ф р а н ц

Шундай, ўзимча бир нарсани ўйладим.

А л ь б е р

Хўш, нима қилдик — рози бўл...

Ф р а н ц

Хўп бўлади, розиман.

А л ь б е р

Шунча ўйлаб ўлтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Энди ўзингга бир от топгинда, меникига кел.

БЕРТА ва КЛОТИЛЬДА

Клотильда

Берта, мен жуда зеркиб кетдим, бир нарса гапирсангчи.

Берта

Нимани ҳам гапирай сизга? Ёки рицаримиз тўғрисида гапирайми?

Клотильда

Қандай рицарь тўғрисида?

Берта

Қандай рицарь бўлади, турнирда ғолиб чиққан рицарь тўғрисида-да.

Клотильда

Граф Ротенфельдми. Йўқ, мен бу ҳақда ҳечқандай гап бўлишини истамайман; қайтиб келганимиздан бери мана орадан икки ҳафта ўтди,— лекин бизникига келиб-кетишни у хаёлига ҳам келтиргани йўқ; бу одобдан эмас.

Берта

Шошманг — у эртага албатта келади — бунга ишончим комил...

Клотильда

Нега шундай деб ўйлайсан?

Берта

Нега десангиз — мен уни тушимда кўрдим.

Клотильда

Шугинами, ё танграм! Бунинг ҳечқандай аҳамияти йўқ. У ҳар кеча менинг тушимга киради.

Берта

Бу бутунлай бошқа гап — унга сизнинг муҳаббатингиз тушган.

Клотильда

Муҳаббатим тушган! Бўлмаган гапларни қўяқолсангчи... Сен граф Ротенфельд ҳақида фикр юритишни умуман йиғиштир — менга бошқа бировдан гапир.

Берта

Кимдан ахир? Акангизнинг отбоқари Франц тўғрисида гапирайми?

Клотильда

Майли, менга Франц тўғрисида гапир.

Берта

Буни кўрингки, хоним, у сизни жон-дилидан севиб қолибди.

Клотильда

Франц мени севиб қолипти? — Буни сенга ким айтди?

Берта

Ҳечким айтгани йўқ, ўзим сездим, сиз от минаётганингизда, у доимо узангини ушлаб туради, овқат пайтида хизмат қилиб юрганда кўзи сиздан бошқа одамни кўрмайди, агар дастрўмолингиз тушиб кетса, абжирлик блан ҳаммадан олдин олиб беради, бизларга қарамайди ҳам.

Клотильда

Ё сен жинни, ёки Франц беадаб ҳайвон.  
(Альбер, Ротенфельд ва Францлар кириб келишади)

Альбер

Синглим, сенга ўз рицарингни топшираман. Граф бизнинг қасрда меҳмон бўлгани келган.

Граф

Олижаноб қиз, ўзингизнинг номуносиб рицарингизга ижозат берсангиз, у энг нодир мукофотни топширган ўша ажойиб қўлингизни яна бир карра ўпса.

Клотильда

Сизни ўз уйимда қабул қилиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман, граф... Ака! Мен сизларни шимолий минорада кутаман... (*Чиқиб кетади.*)

Граф

Нақадар у гўзал!

Альбер

У жуда оқ кўнгилли қиз. Нега сиз ечинмаяпсиз? Граф, хизматкорларингиз қани? Франц, графнинг этигини ечиб қўй. (*Франц қимирламай туради*). Франц, қулоғинг карми?

Франц

Мен дуч келган одамнинг этигини ечаверадиган оламшумул хизматкор эмасман...

Граф

Оҳо, жуда ботир-ку!

Альбер

Беадаб! (*Урмоқчи бўлади.*) Ҳайдаб юбораман сени!

Франц

Қасрдан ўзим ҳам кетишга тайёрман.

Альбер

Мужик, ярамас ҳайвон! Афв этасиз граф, мен ҳозир адабини бераман бунинг... Жўна! (*Уни орқасидан итаради*). Қорангни ўчир бу ердан.

## Граф

Марҳамат қилиб, бу аҳмоққа тегманг, срасини айтганда, у бунга арзимади ҳам.

---

## Клотильда

Ака, сендан бир илтимосим бор.

## Альбер

Нима дейсан?

## Клотильда

Марҳамат қилиб, отбоқаринг Францини ҳайдаб юбор, у менга одобсизлик қилишга ботинди...

## Альбер

Нима! Сенга ҳамми?.. Мен уни олдинроқ ҳайдаб юборган эдим-а, аттанг, мендан ҳали бери қутулмас эди.— Нима қилди сенга у?

## Клотильда

Ҳеч нарса. Учи ҳайдаб юборган бўлсанг, гапириб ўтиришниги ҳожати ҳам йўқ энди. Менга қара, ака, граф бизникида кўп турадими?

## Альбер

Назаримда, синглим, бу нарса сенга боғлиқ — ҳа, нега қизарасан?..

## Клотильда

Сенга ҳазил бўлса бўлгани — унинг эса, хаёлида ҳам йўқ.

## Альбер

Хаёлида йўқ? Нима йўқ?

## Клотильда

Оҳ, ака, ўлгудек бефаҳмсан-да! Мен графнинг хаёлида ҳам йўқман, деяпман.

А л ь б е р

Кўрамиз, кўрамиз — нима бўлса, шу бўлади.

-----

Ф р а н ц

Мана бизнинг уйча... Мағрур қасрни деб, уни ташлаб нима қилардим?— Бу жойда мен хўжайин эдим,— у ерда бўлса... хизматкор — нега хизматкор... беҳаё оқсуяк қизнинг мағрур боқишлари учунми? Мен таҳқирларга дош бердим, мен ўз виждоним олдида, ўзимни пастга урдим — бориб ўз ўртоғимга хизматкор бўлдим, аҳмоқ, эркатой санқининг гўдакларча ҳақоратларига кўникдим — кўзимга ҳеч нарса кўринмади... ўз отасига боқим бўлишни истамаган мен — бориб ёт бир кимсага боқим бўлдим. Буларнинг ҳаммаси охирида нима блан тугалланди?— Тангрим, юзга қон югуриб, муштларим қисилади... О, мен улардан қасосимни оламан, қасосимни оламан...

Отам мени қай тариқа қабул қиларкин, энди!

(Эшикни қоқади).

К а р л

Эшикни бунчалик қаттиқ қоқаётган ким? А, Франц, сенми! (Ўзича.) Бу бало қаёқдан келди!

Ф р а н ц

Салом, Карл, отам уйдами?

К а р л

Эҳ, Франц — бу ерга келмаганингга ҳам талай вақт бўлди... Отанг бундан бир ойча илгари қазо қилди.

Ф р а н ц

Ё тангрим! Нималар деяпсан?.. Отам қазо қилди!— Бўлмаган гап.

К а р л

Бўлган гап эканки, уни кўмиб ҳам қўйдик.

Ф р а н ц

Эссиз, эссиз, чол!.. Унинг бетоблиги тўғрисида менга хабар ҳам бермабсанлар-да, балки, у ғамдан ўлиб кетгандир — у мени севарди, жондан ортиқ севарди. Карл, сен бўлсанг менга одам ҳам юбормабсан,— у менга фотиҳа берарди...

К а р л

Унинг приказчикдан қаттиқ жаҳли чиқди-да, жон аччиғида уч шиша пивони ичиб юборди, ўлимига ҳам шу сабаб бўлди. Биласанми, Франц, яна нима гаплар? У сени меросдан маҳрум қилди — бутун мол-мулкини...

Ф р а н ц

Кимга берди?

К а р л

Сенга айтишга ҳам юрагим дов бермайди — сирканг сув кўтармайдиган одамсан...

Ф р а н ц

Биламан: сенга берган...

К а р л

Худо қози, менда гуноҳ йўқ.— Ҳаммасини ўзингга беришга тайёр эдим-ку,— чунки, ўзинг кўриб турибсан, қонун мен томонда бўлса ҳам, ҳарқалай ота меросига ворис шогирд эмас, ўғил бўлишини виждоним айтиб турипти... Лекин бунга қараки, Франц. Мен сен келасан деб кутдим, сен ҳа деганда келавермадинг — шунинг учун уйланиб қўйдим, хотин олганимдан бери, энди, нима қилишга ҳам ҳайронман, бошим қотди...

Франц

Менинг меросимни олган бўлсанг, ўзингга буюрсин Карл, қайтиб бер, деб талаб қилмайман.— Қимга уйландинг?

Карл

Юлия Фурстга, меҳрибоним Франц, қўшнимиз Иохани Фурстнинг қизига... Сенга уни кўрсатаман. Агар қоламан десанг, уйимдан бўш бурчак топилади..

Франц

Йўқ, раҳмат, Карл — Юлияга мендан салом айт — ундан кейин мана бу кумуш занжирни бер — мендан ёдгорлик бўлсин...

Карл

Меҳрибон Франц! — биз блан овқатланиб олмайсанми, эндигина дастурхон ёзган эдик.

Франц

Фурсатим йўқ... шошиб турибман...

Карл

Қаёққа?

Франц

Ўзим ҳам билмайман — хайр.

Карл

Хайр, худо қўлласин сени. (*Франц кетади*). Қандай диловор йигит—унинг саёқ йўлга кириб кетганига қанчалик ачинасан киши! Мана энди, кўнглим тинчиди; оврагарчиликдан ҳам, судлашиб юришдан ҳам қутулдим.



Уртоқлар ва калтаклар блан қуролланган вассаллар

### Франц

Улар мана шу ўтлоқдан ўтишади — тағин қўрқиб-  
нетиб ўтирманглар, улар мумкин қадар яқин келгунча  
қўйиб, ўроқ ўришдан тўхтаманг. Рицарьлар сизга ба-  
қириб устингизга от қўйишади, ана шунда ўроқларни  
қулочкашлаб, отларнинг оёғига солаверасизлар — биз  
шу вақт зарбани ўрмондан берамиз... Чу!.. ана улар.

*(Франц вассалларнинг бир қисми блан ўрмонга кириб  
ғойиб бўлади)*

### Уроқчилар (қўшиқ айтишади)

Уроқ ўриб ботади,  
Яшилланиб қолади  
Кетида ерлар.  
Ҳа, ўроғим, жадалла!  
Қувонар диллар.

*(Бирнеча рицарь кўринади, улар орасида Альбер блан  
Ротенфельд ҳам бор.)*

### Рицарьлар

Эй, қани, йўлдан қочинглар!

*(Вассаллар шляпаларини олиб, жойларидан  
қўзғалмайди)*

А л ь б е р

Йўлдан қочинглар, деяпти, сенларга!.. Бу нима деган гап, Ротенфельд? Улар жойдан қўзғалмаяпти-ю.

Р о т е н ф е л ь д

Ҳозир отга бир қамчи босамиз-у, уларни бошлаб оёқ ости қиламиз...

У р о қ ч и л а р

Йигитлар, қўрқманглр...

*(Яраланган отлар одами блан йиқилади, бошқалари саросима ичида типирчилайди.)*

Ф р а н ц

*(Пистирмадан олға отилади).*

Олға йигитлар! У! У!..

Б и р р и ц а р ь *(иккинчисига)*

Иш хуржун, биродар — улар юздан ортиқ одам.

И к к и н ч и с и

Ҳеч гап эмас, от устида яна бештамиз бор-ку.

Р и ц а р ь л а р

Аблаҳлар, итлар, ҳозир адабларингни берамиз!

В а с с а л л а р

У! У! У!..

*(Жанг. Ҳамма рицарьлар бирин-кетин йиқилади. Вассаллар уларни калтак ва ўроқлар блан уришади).*

Ишимиз ўнг келди... Қонхўрлар! Босмачилар! Такаб-бур ифлослар! Сенларнинг тақдиринг энди бизнинг қўлимизда...

Ф р а н ц

Булардан қайсибири Ротенфельд? Дўстлар! Ниқобларини кўтаринг,— Альбер қани?

*(Яна бир гуруҳ рицарьлар келабошлайди.)*

У л а р д а н   б и р и

Жаноблар, қаранг, нима деган гап бу? Бунда ёқалашаяптилар...

И к к и н ч и с и

Бу қўзғолон — пасткаш халқ рицарьларни савалаяпти.

Р и ц а р ь л а р

Жаноблар! Жаноблар!.. Найзаларни ҳозирланг! Қамчи бос отга...

*(От қўйиб келган рицарьлар вассалларга ҳужум қилади.)*

В а с с а л л а р

Фалокат! Фалокат! Рицарьлар булар!

*(Ҳар томонга қочишади)*

Ф р а н ц

Қаёққа! Мана буёққа қаранглар, улар ўнтага ҳам бормайдику!

*(У яраланади, бир рицарь унинг ёқасига чанг солади.)*

Б и р   р и ц а р ь

Тўхта, огайни... Уларга насихат қилишга ҳақиқат улгурарсан.

Б о ш қ а с и

Шу ифлос маҳлуқлар олижаноб рицарьлардан голиб келипти-я — қаранг: бир, икки, уч... тўққиз рицарь ҳалок бўлипти... Бу даҳшат-ку!

*(Ётган рицарьлар бирин-кетин туриб кетишади.)*

Р и ц а р ь

Ия! Сизлар тирикмисизлар?

## Альбер

Зирҳли кийимлар қўл келиб, омон қолдик... (*Ҳам-малари кулишади*). Аҳа! Франц, оғайни сенмисан? Сен блан учрашганимга жуда хурсандман... Рицарь жаноблар! Олижаноблик блан берган ёрдамингиз учун ташаккур изҳор этамиз.

## Рицарьлардан бири

Ташаккурга арзимаиди, бизнинг ўрнимизда бўлганларингизда, сизлар ҳам худди шундай қилган бўлардингизлар.

## Ротенфельд

Менинг қасримда уч-тўрт кун меҳмон бўлиб кетишингизни илтимос қилаолармикинман, жангдан кейин бироз ҳордик чиқарардик, базм қилардик.

## Рицарьлар

Сизнинг олижаноб меҳмондўстлигингиздан фойдаланолмаслигимиз учун бизни афв этасиз. Биз Эльсберг шаҳзодасини дафн қилиш учун ошиқмоқдамиз—кечкиб қолиш хавфимиз бор.

## Альбер

Лоақал, кечки овқатни сизлар блан бирга қилиш шарафидан мени маҳрум этманг.

## Рицарьлар

Бажонудил... Сизларда от йўқ экан-ку, ижозат берсангиз, ўз отларимизни сизга таклиф қилсак, бизлар озод этилган гўзаллар каби, сизларга мингашиб оламиз. (*Отга минадилар.*) Мана бу азаматга келганда, майли энди уни биринчи дорга етгунча олиб борақоламиз. Жаноблар, уни отимнинг орқасига боғлаб олишга ёрдам қилсангиз.

## РОТЕНФЕЛЬД ҚАСРИ

(*Рицарьлар кечки овқат қилишмоқда.*)

Рицарьлардан бири  
Антиқа вино!

Ротенфельд

Бунинг ёши ҳам юз йилдан ошган... бобомнинг отаси бу винони Паластинга кетаётганида ер тўлага қўйиб кетган экан, у шу кетишича Паластиндан қайтиб келмаган. Бу поход унга икки қаср ва Ротенфельд ўрмони эвазига тушган, у ўрмонни аллақандай бир епископга сув-текин сотган.

Рицарьлар

Антиқа вино! Гўзал ва олижаноб беканинг соғлиги-га кўтарамиз.

Клотильда

Ташаккур сизларга, рицарьлар... Сизларнинг машуқаларингиз соғлиги учун... (*ичади.*)

Ротенфельд

Бизнинг халоскорларимиз соғлиги учун.

Рицарьлар

Бизнинг халоскорларимиз соғлиги учун!

Рицарьлардан бири

Ротенфельд! Базмингиз ажойиб базм бўлаяпти, лекин унга нимадир етишмай турибди...

Ротенфельд

Биламан, Кипр виноси етишмаяпти, илож йўқ — ўтган ҳафта ҳаммаси тамом бўлди.

Рицарь

Йўқ, Кипр виноси эмас, етишмаётган нарса миннезингернинг\* қўшиқлари.

Ротенфельд

Рост, рост... яқин ўртада миннезингер йўқмикан, меҳмонхонага бориб кўрсангизчи...

Альбер

Яхшисини қаёқдан қидирасиз? Ахир Франц ҳали осилгани йўқку — уни чақирсак бўлди.

Ротенфельд

Дарҳақиқат, Францни чақириш керак.

Рицарь

Франц дегани ким?

Ротенфельд

Бугун сиз асир олган ўша аблаҳ-да.

Рицарь

Ҳали у миннезингер ҳамми?

Альбер

У! Нима десангиз — шу. Мана ўзи ҳам келди.

---

\* Миннезингер — қўшиқчи.

## Ротенфельд

Франц! Рицарьлар сенинг қўшиқларингдан эшитиш-моқчи, агар қўрқувдан ақлинг озиб, овозинг титраб қолмаган бўлса, айтиб бер.

## Франц

Мен нимадан қўрқаман! Марҳамат, мен сизга ўзим тўқиган қўшиқни айтиб бераман. Овозим титрамайди, тилим ҳам тугилмайди.

## Ротенфельд

Кўрамиз, кўрамиз. Қани, бошла.

## Франц (қўшиқ айтади)

Дун'ёда бир рицарь бор эди,  
Ўзи оддий ҳамда камсухан,  
Ранги сўлгин, ғамга ёр эди,  
Лекин қўрқмас ҳечбир нарсадан.

Банд этганди уни бир хаёл,  
Бир хаёлки ақлга сиғмас;  
Ҳамда унинг қалбида бу ҳол  
Чуқур бир из қолдирди — ўчмас.

Шу лаҳзадан қалби ўртаниб  
Хотинларга ташламас назар.  
Тобутгача бирин истамас,  
Сўзлашмас ҳам — қилади ҳазар.

Шарф ўрнида у боғлаб олди  
Тасбиҳларни бўйнига мангу  
Ва очмади темир ниқобин  
Бирор кими қаршисида у.

Соф муҳаббат тўла қалбида,  
Ширин хаёл завқларига банд,  
А. М. Д. деб ёзиб олди  
Қалқонига ўз қони блан.

Паластиннинг саҳросида ҳам,  
Тоғ тошлари бағрига ботиб,

Паладинлар жанг қилди бардам  
Ёр номини баралла айтиб.

На'ра тортиб хитоб қилди у:  
Lumen coelum sahcta rosa\*!  
Яшин каби на'раларига  
Мусулмонлар тан берди роса.

Жангдан қайтди узоқ қасрига,  
Камсухану, қайғули ҳамон,  
Чекилди у тамом узлатга  
Ва телбадек унда берди жон\*\*.

(Хитоблар)

Ротенфельд

Ажойиб қўшиқ экан, лекин жуда ғамгин. Қўнгилни  
очадиган шўхроғи йўқми?

Франц

Марҳамат қилинг, шўхроғи ҳам бор.

Ротенфельд

Қайфи чоғликни йўқотмаганлиги учун яхши кўра-  
ман! Ол, мана бу бир қадаҳ винони.

Франц

Тунда қайтди тегирмончи...  
«Хотин! Қимники этик?»—  
Ҳа, шум, арақхўр, бекорчи  
Қаерда кўрдинг этик?  
Айнадимми ёки миянг?  
Бу челақ-ку.—«Челақ? Шу-я?  
Бу қирқ йиллик умримда,  
На тушда, на ўнгимда  
Кўрмадим бир бор  
Челақда шпор».

\* Осмон нури, муқаддас гул!

\*\* Ше'рлар М. Бобоев таржимаси.



## Р и ц а р ь л а р

Ажойиб қўшиқ! Антиқа қўшиқ.— Қойил миннезингер!

## Р о т е н ф е л ь д

Лекин барибир сени осаман.

## Р и ц а р ь л а р

Албатта — қўшиқ қўшиқлигича, арқон арқонлигича қолаверади. Бири иккинчисига халақит бермайди.

## К л о т и л ь д а

Рицарь жаноблар! Сиздан менинг бир илтимосим бор. Уни рад этмасликка ва'да қилингиз.

## Р и ц а р ь

Нима амр қиласиз?

## Б о ш қ а с и

Ҳарқандай ишда ҳам сизга бўйин эгишга тайёрмиз.

## К л о т и л ь д а

Бу камбағални афв этиш мумкин бўлмасмикин?.. Олган жароҳати ва дор даҳшати ҳам унга етарли жазо бўлди.

## Р о т е н ф е л ь д

Уни афв қилиш! Сиз бу нодон халқни билмас экансиз-ку. Агар уларни яхшилаб қўрқитиб қўйилмаса ва бунинг устига йўлбошчиларини кечирилса, эртагаёқ яна қўзғолон кўтаришади...

## К л о т и л ь д а

Йўқ, мен Франц учун кафилман. Франц, агар сени афв этсалар, бўлак қўзғолон кўтармайсан-а?

## Ф р а н ц

(*Ниҳоятда ўзини йўқотиб*) Хоним... Хоним...

Рицарь

Хўш, Ротенфельд... ниманики бека илтимос қилса,  
рицарь бунга йўқ деяолмайди. Уни афв этиш керак.

Рицарьлар

Уни афв этиш керак.

Ротенфельд

Хўп, шундай ҳам бўлсин: биз уни осмаймиз-у, —  
лекин тюрьмага камаймиз, чин сўзимни бераман, ме-  
нинг қасрим деворлари майда-майда бўлиб кетмагун-  
ча, чанги осмонга созурилмагунча у тюрьмадан чиқа-  
рилмайди...

Рицарьлар

Шундай бўлсин...

Клотильда

Аммо...

Ротенфельд

Хоним, мен чин сўз бердим.

Франц

Нима, умрбод қамоқ! Бундан кўра ўлганим ма'қул-  
роқ-ку.

Ротенфельд

Сендан биров фикр сўраётгани йўқ — олиб боринг  
уни минорага...

*(Франци олиб чиқишади)*

Франц

Аммо мен бекага бор ҳаётим блан бурчлиман!





МУНДАРИЖА  
ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

<i>Ойбек таржимаси</i> . . . . .	5
Биринчи боб . . . . .	9
Иккинчи боб . . . . .	33
Учинчи боб . . . . .	50
Тўртинчи боб . . . . .	70
Бешинчи боб . . . . .	89
Олтинчи боб . . . . .	107
Еттинчи боб . . . . .	125
Саккизинчи боб . . . . .	147

ДРАМАТИК АСАРЛАР

Борис Годунов . . . . .	191
Қизғанчиқ рицарь — <i>Асқад Мухтор</i> таржимаси . . . . .	291
Тош меҳмон — <i>Ҳамид Фулом</i> таржимаси . . . . .	313
Сув париси — <i>Ҳамид Олимжон</i> таржимаси . . . . .	351
Рицарьлар замонидан кўрinishлар — <i>Х. Ахмар</i> тар- жимаси . . . . .	381

Редактор М. БОБОЕВ  
Рассом К. А. ОШЕЙКО  
Бадиий редактор И. ИКРОМОВ  
Техредактор П. А. УМАНСКИЙ  
Корректорлар В. МАҚСУДОВА  
ва Ш. ҚЎШБОЕВА

\* \* \*

Тершига берилди 10/VI 1955,  
Босишга рухсат этилди 9 XI 1955.  
Формат 84×108<sub>3/32</sub> 12,875 босма л. 21 11.  
шартли боғми л. Нашр. л. 22,0. +  
8 вклейкалар. Тиражи 35000. P08853.  
Индекс №1а.  
Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти  
Тошкент. Полиграф к. 74.  
Шартинома № 220—54.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги  
Ўзглавиздачининг 3-нчи босмахонаси.  
Тошкент, Ленинграо к. 15. Залказ № 315.  
Баҳоси 8 с. 80 т.